


63.3

С 26

САЛИМОВ

Суннат МАҲКАМОВ

ШАҲОН ТАРИХИ



С-26

Турсунбой САЛИМОВ
Суннат МАҲКАМОВ

ЖАҲОН ТАРИХИ

Ўрта асрлар даври

7-синф ўқувчилари учун дарслик

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги
тасдиқлаган

71380

БИБ. ТИПТЕКА

Бух. ТИП "ЛП

№ 71380

•ШАРҚ• НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1999

узоқ денгиз сафарларига чиққан жасур сайёҳлар ҳақида, ажойиб олимларнинг фикрлари ва ишлари ҳақида, буюк санъат усталари ҳақида ҳикоя қилиб берадики, улар яратган асарлардан ҳозир ҳам бутун инсоният завқланади.

Дарслик бўлим ва бобларга, боблар параграфларга, параграфлар эса бир қанча кичик-кичик қисмларга бўлинган.

Ҳар бир бўлим сўнгида хулоса бўлиб, унда бўлимнинг мазмуни умумлаштирилган. Мавзулар пухта ўзлаштирилишини таъминлаш учун саволлар ва топшириқлар берилган.

Саволлар ва топшириқлар аксарияти мустақил равишда фикр юритиб, мантикий хулосалар чиқаришни талаб этади. Бу ҳол тарих фанидан Давлат таълим стандартлари ва дастур доирасида ўқувчиларнинг тарихий тафаккурини ўстиришга ёрдам беради.

Ҳар бир мавзу бўйича топшириқлар жамият ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олиб, ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган. Оддий вазифалардан тортиб мураккаброк, изланишга ундовчи топшириқлар ҳам берилган.

Топшириқлар дарснинг турли босқичларида: янги материални тушунтириш, билимларни текшириш, такрорлаш жараёнида ва уйда бажарилиши мумкин. Уларни қўллаш усули ва ўрнини ўқитувчи ўзининг шахсий тажрибаси, ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари даражасига қараб аниқлайди. Топшириқларни бажаришда дарсликда берилган тушунча, фактлар билан бирга луғат, хронологик жадвал, карталардан унумли фойдаланиш тавсия этилади.

К И Р И Ш

Маълумки, ўтмишни ўрганмай келажакни яратиб бўлмайди. Зеро, бугуннинг кадру қиммати, моҳияти ва салмоғи кечаги кун тарозуси орқалигина тулик идрок этилади. Дарҳақиқат, тарихдан келажакка хизмат қиладиган амалий хулосалар чиқарилмагунича ҳеч бир жамият илгарилаб ривожланмайди.

Жаҳон тарихи фани инсоният тараққиёти ҳақида тула ва батафсил тасаввур, билим ҳамда тушунчалар бериб, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб етишишида муҳим урин тутади. Зотан, комил инсон тарбияси давлатимиз сиёсатининг устивор соҳасидир.

Жаҳон халқларининг тарихий тажрибаларидан фойдаланиш, яъни тарихда бўлиб ўтган воқеалардан, ходисалардан, турли шахслар ҳаётидан, иқтисодий тараққиётидан, янги фаровон жамият қуриш йўлида инсонларни фозил, комил кишилар қилиб тарбиялашда фойдаланиш ва ҳозирги даврга хизмат қилдириш энг долзарб вазифаларимиздан ҳисобланади.

Биз инсониятнинг ўтмиш тарихини ўрганганимизда уни собиқ советлар даврида ҳукмрон бўлган ғоя, яъни тарихни синфий курашлар нуқтаи назаридан талқин этишлардан ёки ноўрин бўрттириб қурсатишлардан сақланишимиз зарур. Чунки **«Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти орқали биламиз, тарихнинг таг-томиригача назар ташлаймиз»**.^{*} Бинобарин, ҳаққоний тарих дилларга ҳаёт конини қуювчи, тилларга сўз бахш этувчи, кунпаякун салтанатларни қайта яратувчи, ўтиб кетган асрлар силсиласини бутун ҳаяжонлари, эгалари билан куз унгимизда намоён этиб, ҳаётимиз сарҳадларини кенгайтирувчи мўъжизадир. Унинг маънавий кудрати

^{*} Ислоҳ Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., «Шарқ», 1998, 4-бет.

ила биз барча кечмиш замонларнинг одамларига ҳам-
даму ҳамнафас бўламиз, улар билан гоҳ суйиб, гоҳ
куйиб, дилимизни рағбатлантирувчи, хисларимизга
озука берувчи турли воқеалар, ажабтовур феъл-ат-
ворлар дунёсига ошино бўламиз.

Тарихни инсоният тараққиётининг дарду қувонч-
лари, ғалабалару мағлубиятлари, яратувчилик қудра-
тию барбод этувчи қора кучлари, жасорат ва хиёнат,
оқ ва қоранинг шиддатли тўқнашувлари ҳақида ҳикоя-
лар битилган кундалик дафтар дейиш мумкин. Шубҳасиз,
**“Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар,
миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самара-
ли таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан айт-
ганда, кўчманчилар, босқинчилар келиб кета-
веради, лекин халқ боқий бўлиб қолаверади,
унинг маданияти абадий яшайди”.*** Умуман,
тўғри англаб етилган, чуқур идрок этилган тарих ул-
кан маънавий кучга айланиб, буюк келажакни яра-
тиш омили бўлади.

Диққатингизга ҳавола қилинаётган мазкур дарс-
лик инсоният тарихида муҳим босқич бўлган ўрта
асрларнинг узоқ даврини (V–XVII асрлар) ўз ичига
олганки, бинобарин, уни жаҳон халқларининг деярли
барчаси ўз бошидан кечирган. Дарсликда илк бор
жаҳон тарихининг ўрта асрлар даврида Ўзбекистон
тарихининг ўзига хослиги, Ватанимизнинг жаҳон ци-
вилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини
аниқ ва равшан ифода этишга ҳаракат қилинди.

Ушбу дарсликни ёзиш жараёнида узоқ йиллар да-
вомида нашр қилиб келинган Г.М.Донской ва
Е.Г.Агибаловалар қаламига мансуб “Ўрта асрлар та-
рихи” дарслигидан фойдаланилди. Аммо қўлингизда-
ги дарсликнинг аксарият қисми янги маълумотлар
асосида тўлиқ қайтадан ёзилди. Дарслик махсус расм-
лар, карталар, синф ва уйда ишлаш учун топшириқлар
билан тўлдирилди. Шарқ тарихи, хусусан, Ўзбекис-
тон тарихининг жаҳон тарихида тутган ўрнига алоҳида
эътибор қаратилди, уларга доир тегишли мавзу ва
материаллар киритилди.

* Ўша асар, 21-бет.

ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИ НИМАНИ ЎРГАТАДИ?

Ўрта асрлар тарихи учта катта даврга бўлинади:

1. Ўрта асрларнинг биринчи даври милодий V асрдан бошланиб, тахминан XI аср охиригача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр инсоният тарихида ер, мулкчилик муносабатлари билан боғлиқ иқтисодий ишлаб чиқариш усулига, яъни феодал муносабатларига ("феодал" — ўрта аср Фарбий Европа манбаларида ер, мансаб ва даромадларни белгилашда қўлланилган лотинча атама) ўтиш, феодал поместьесининг вужудга келиши, феодал табақаларининг ташкил топиши, католик черкови таъсирининг Фарбий Европада ёйилиши, ислом динининг пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши ҳамда уларнинг халқлар маданиятини шакллантириши давридир.

2. Ўрта асрларнинг иккинчи даври XI асрдан XV аср ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олади ва бу даврда феодал ишлаб чиқариш усули қишлоқда тўларивожланибгина қолмай, балки цех ҳунармандчилигига ва ўзига хос шаҳар ижтимоий тузумига эга бўлган ўрта аср шаҳарлари ҳам ривожланиб, муваффақиятга эришди. Бу тузумнинг хусусияти шаҳарларнинг феодаллар ҳукмронлигидан озод бўлиши, эркин шаҳар деб аталган шаҳарларнинг ёки шаҳар-республикаларнинг вужудга келишидир. Ўрта асрларнинг биринчи давридаги сиёсий тарқоқликка қарама-қарши ўларок, иккинчи даврда марказлашган йирик давлатлар ташкил топди, шу билан бирга қирол ҳокимиятининг обрў-эътибори ошди, табақалар вакиллари муассасалари вужудга келди. Салиб юришлари, меҳнат тақсимотининг ўсиши натижасида савдо ривожланди ва натурал ҳўжалик аста-секин емирила бошлади ҳамда Ўрта Осиёда жаҳон миқёсидаги улкан маданий юксалиш юз бериб, кейинчалик у Европада уйғониш жараёни, яъни Ренессанснинг вужудга келишига таъсир кўрсатди.

3. Ўрта асрларнинг учинчи даври XVI асрни ҳамда XVII асрнинг биринчи ярмини ўз қамровига олиб, бу

давр Европада Уйғониш даври маданиятининг ривож-
жи, дастлабки жамғаришнинг (капиталнинг) вужудга
келиши, Буюк географик кашфиётлар ва ихтиролар,
Европа диний реформацияси, деҳқонлар урушлари ва
илк буржуа инқилоблари давридир.

Ўрта асрлар тарихига оид манбалар. Тарихий
маибалар деганда, биз инсон фаолияти ёки унинг
таъсири натижасида яратилган барча ашёларни ту-
шунамиз. Жаҳондаги кўпгина тарих музейларида ўрта
асрлар даврига оид ашёвий ёдгорликлар, меҳнат курол-
лари, курол-яроғлар, танга-чақалар, кийим-кечаклар,
уй жиҳозлари ва идишлар сақланмоқда.

Европа, Осиё, Африка ва Американинг кўхна
шаҳарларида ҳам ҳозирги кунга қадар феодал даври-
га оид кўплаб уй-жойлари, бутун-бутун маҳаллаларни,
қалъа деворлари ва минораларни, ажойиб ибодатхо-
налар, меъморчилик санъатининг бошқа дурдонала-
рини кузатиш мумкин.

Албатта, ашёвий манбаларнинг нақадар муҳим
аҳамиятга эга эканлигини инкор қилиб бўлмайди.
Лекин шу билан бирга феодал жамияти тарихини,
маданиятини, халқнинг аҳволи ва турмушини ўрга-
нишни ёзма тарихий манбаларсиз тасаввур қила ол-
маймиз. Бу хилдаги манбалар дунёдаги барча мамла-
катлар ҳужжатхоналарида — архивларида сақлан-
моқда.

Ўрта асрлар тарихига оид ёзма манбаларни уч
турга бўлишимиз мумкин:

1. Тарихий йилнома ва қиссалар. Уларда
кўпинча сиёсий воқеалар ўз аксини топиб халқнинг,
кундалик ҳаёти нисбатан кам тасвирланган.

2. Ҳужжатлар. Ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий
ва сиёсий ҳаётни кўрсатувчи, шунингдек, жарималар,
солиқлар, бошқарув ва суд фаолиятлари билан боғлиқ
ёзма манбалардан ташкил топган.

3. Қонунчилик билан боелиқ манбалар. Улар
тузилиши жиҳатидан ҳуқуқшуносликка оид бўлган
манбалардир. Бу давр тарихида кўпинча император
ёки қироллар томонидан мавжуд қонунларга кири-
тилган ўзгартиришлар ва уларнинг ҳукмронлиги фао-

лиятларига оид ёзма манбалар шулар жумласига киради.

Ўрта асрларнинг иккинчи даврида (XIII--XIV асрлар) ёзма манбаларнинг янги тури, бадий адабиёт шаклланди. Германияда Иоганн Гуттенберг томонидан китоб босиш кашф этилгунга қадар (1445 йил) ёзилган барча ҳужжат ва китоблар қўлёзмалар сифатида ҳаттотлар томонидан яратилган.

Ва, ниҳоят, манбаларнинг ўзига хос тури санъат асарлари бўлиб, улар хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Бадий санъат асарлари меъморчилик, расомчилик, ҳайкалтарошлик ва амалий санъат соҳаларидаги ашёвий манбаларда илоҳий ва оддий инсонларнинг жонли сиймоларини кўз олдимизда гавдалантириб, бизга давр руҳини ғам-ташвишларию, қувончларини етказиб беради.

Тарихчи олимлар юқорида кўрсатилган хилма-хил манбалардан фойдаланиб, уларни қиёслаб ўша замонлар кишилари ҳаётини, қизиқарли воқеалар ва бутун бир тарихий даврларни изоҳлаб берадилар.

Замон чизиги

Жаҳон тарихи

Қадимги дунё			Ўрта асрлар														Янги давр			Энг янги давр		
3	2	1	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
Милодгача		Милодий асрлар																				

Саволлар ва топшириқлар:

1. Ўрта асрлар тарихи қандай манбаларга асосланиб ўрганилади?
2. Тарихий манбалар қандай турларга бўлинади?
3. Замон чизигини таҳлил қилиб беринг.

И б ў л и м

Илк ўрта асрлар

И б о б. V—XI асрларда Европа

1-§. Герман қабилалари ва Рим империяси

1. Герман қабилалари. Герман қабилалари ва уларнинг буюк кўчишлари Европа тарихида милонинг дастлабки асрларидаги муҳим воқеаларидан биридир. Рим империясининг шимолий чегараларида жойлашган варвар* қабилалари милоний II—IV асрларда ҳам табақавий жамият, емирилаётган уруғчилик жамоаси доирасида яшамокда эди. Бу даврдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт варвар қабилаларининг Рим ерларига кенг қўламда бостириб кириши (IV—VI асрлар) уларда мулкий табақаланиш, илк давлатлар пайдо бўлишига имконият яратди.

Қадимги германлар ҳақида Юлий Цезарнинг “Галлия уруши ҳақидаги шарҳлар” ва Рим тарихчиси Тацитнинг “Германия” деган китобларида анчагина маълумотлар берилган.

2. Германларнинг машғулотлари. Герман қабилалари қадимда Рейн дарёсидан Эльба дарёсигача бўлган ерларда ўрнашганлар. Улар уруғ-қабилатарзда яшаб, уй-жойлари кўпинча ёғочдан қурилган. Томлари похолдан ёпилган, уй, қўрғоннинг атрофи ёғоч девор ва чуқур хандақлар билан ўралган бўлиб, эҳтиёж туғилганда мудофаа қилиш ҳам кўзда тутилган эди. “Улар кунт билан деҳқончилик қилишса-да, таомларининг асосий қисми нон эмас, сут, пишлоқ ва гўштдир”, деб ёзади Юлий Цезар ўз хотираларида.

* Римликлар ўз мамлакатларидан четда яшаб, уларга нотаниш тилда гаплашган аҳолини “варварлар” деб атаганлар.

Асрлар давомида германлар хўжалигининг асосини чорвачилик ташкил қилиб келган. Лекин аҳоли сонининг ошиб бориши аста-секин деҳқончиликка эътибор кучайишига олиб келди. Натижада милодий IV асрга келиб хўжаликда деҳқончиликнинг аҳамияти чорвачилик эгаллаган мавқега яқинлашди.

Германларда ер хусусий мулк бўлмаган. Қабилла бошликлари — оксоколлари муайян уруғ ва йирик оила аъзоларига ҳар йили маълум миқдорда экин майдонларини ажратишган. Эркакларнинг асосий машғулотлари уруш бўлган германларда деҳқончилик билан аёллар, қариялар ва болалар шуғулланишган. Жанглاردан бўш пайтларида эркаклар ов билан машғул бўлганлар.

Қон-қариндош уруғ жамоалари ўрмонлар ҳудудида ҳамкорликда дарахт кесиб, кундаков қилиб, шох-шаббаларни ёндириб, янги ерларни очардилар. Деҳқончилик қилган ерлари ўғитланмаганидан тез ориқлаб, яхши ҳосил бермай қўйган. Ерга омоч билан ишлов берилган ва зарур пайтда мола босилган. Омочдан темир плугга ўтилиши кескин ўзгаришларга, меҳнат унумдорлиги ҳамда дон ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги ошишига олиб келган.

Деҳқончиликда вақт ўтиши билан алмашлаб экиш ҳам жорий қилина бошланди. Милодий IV асрга келиб икки далали алмашлаб экиш: баҳорги ва кузги бўғдой ўрнига дуккакли экинлар экиш, ҳайдалган ерни икки далага ажратган ҳолда бирига дон сепиб, иккинчисини эса шудгор қилиб, дам бериш ва уларни ҳар йили алмаштириб туриш йўлга қўйилди. Бу ишлаб чиқариш унумдорлигини оширди. Германларда бошоқли экинлардан ташқари баъзи полиз маҳсулотлари ва сабзавотлар, жумладан, қарам етиштирилган.

Тацитнинг қайдидан маълумки, германлар темир ва бошқа металлларни эритиб олишни билишган. Милодий II—IV асрларда тўқимачилик, кemasозлик, заргарлик, кўнчилик каби ҳунармандчилик соҳалари ҳам кўзга кўринарли ўрин эгаллаган. Ички савдода кўпинча темир буюмлар муҳим ўрин эгаллаган, римликлар би-

лан савдода куллар, чорва моллари, тери, мўйна, қахрабо етказиб бериб, улардан турли нафис газламалар, сопол идишлар, зеб-зийнат буюмлари, вино олишган. Савдо кўпинча мол айирбошлаш шаклида бўлиб, фақат чегара туманларида римликларнинг олтин солидлари (пули) ишлатилган.

3. Германларда ижтимоий ҳаёт. Германларда уруғчилик жамоаси уч даврни ўз бошидан кечирган:

1. Уруғчилик қон-кардошлиги — ҳамкорликда ҳўжалик юритиш, ер майдонларига жамоа бўлиб ишлов бериш.

2. Дехқончилик жамоаси бўлиб ерни ишлаш: бу даврда ер маълум йирик оилалар ўртасида тақсимланган.

3. Қўшничилик ёки марка-жамоасида кичик оилаларнинг экин ерларига нисбатан шахсий мулки мавжудлиги баробарида қолган ер, ўрмон, ўтлоқларга нисбатан умумий жамоа эгаллиги тартиботи сақланиб қолган эди.

Милоднинг дастлабки асрларида германлар уруғ жамоаси кундалик ҳаётда ҳали ҳам муҳим аҳамият касб этган бўлса-да, лекин кейинги даврда кундалик ҳўжалик ҳаётида жамоанинг роли пасайиб борди. Жисмоний юмушлар, жумладан, ўрмондан дарахт кесиб ер очишни ҳам бемалол уддалайдиган йирик (патриархал) оилалар германлар жамиятининг асосий ҳўжалик бирлигига айланди. Хулоса қилиб айтганда, уруғчилик жамоа тузумининг учинчи даврида (V—VI асрлар) уруғдошлик жамоаси қўшничилик жамоасига айланиб борди. Германларда қулчиликнинг патриархал шакли бўлиб, улар қулдан фақат ҳўжалик юмушларида фойдаланишган. Фақатгина халқларнинг буюк кўчишлари давридан бошлаб герман қабилаларида ер эгаллиги муносабатлари ўзгара бошлади.

Милодий I асрдан бошланган ижтимоий ва мулкӣ тенгсизлик германларда узоқ давр яққол кўзга ташланмаган. Хонадон эгаси — ушбу жамиятнинг эркин, ҳеч кимга тобе бўлмаган вакили эди. У дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишдан ташқари, жангчи, халқ йиғинларининг тўлақонли аъ-

зоси, ўз қабиласи удумларини, анъаналарини ёш авлодга сингдириш учун масъулиятли киши ҳам эди.

Кейинги уч-тўрт аср давомида германлар жамияти мулкӣй тенгсизлик, табақаланиш борасида бирмунча олдинга силжиди (зодагонлар ва уларнинг дружиналари ўсди ва кучайди, чунки уларга фақат ергина эмас, балки ишчи кучи ва ҳар турли ўлжалар ҳам зарур эди). Биз буни археологик қазилмаларда топилган моддий маданият қолдиқлари, қабрлардаги асбоб-анжомлар, қурол-аслаҳалардан ҳам яққол кузатишимиз мумкин.

4. Ижтимоий-сиёсий тузум. Германларнинг дастлабки давлатлари V—VI асрларда Рим империяси ерларида ташкил топди. Маданият жиҳатидан ўзидан юқори бўлган халқлар устидан ҳукмронлик қилиш зарурияти германларни бошқарув тартибини янги шароитга мослаштиришга мажбур этди.

Милоднинг бошларида германлар орасида мулкӣй табақаланиш бошланиб, зодагонлар — “*könung*” (ҳинд-европа тилларида “*keni*” — уруғ) пайдо бўлди. Конунг сара, ҳурматли зодагон кишилар тоифасининг олий вакили эди. Милодий II асрда, Тацитнинг ёзишича, конунг ҳокимияти чекланган бўлиб, у ўз қабиладошларини буйруқдан кўра, шахсий намуна, ишонтириш билан бошқарган. Конунг сайлаб қўйилган. Уни халқ йиғинида ҳурматли, эътиборли қабила аъзолари орасидан танлаб сайлашган. Сайланган конунгни қалқон устида кўтариб олқишлашган.

Қадимги германлар жамиятида асосий ўринлардан бирини ҳарбий дружина (бўлинма) йўлбошчилари эгаллаган. Қабилалар халқ лашкаридан фарқли равишда ҳарбий дружина (бўлинма) жангчилари турли кишилардан иборат бўлган. Кўпинча бой хонадонлардан чиққан йигитлар ҳарбий бўлинмага ёзилганлар. Улар жангларда қатнашмаган пайтларда базми жамшид куриб, урушдан топган бойликларини сарф қилганлар, овлар уюштиришган. Ҳарбий ўлжаларнинг кўпи бўлинма бошлиғиники ҳисобланган, эвазига у ўз жангчиларини қурол-аслаҳа, от, яшаш жойи, озиқ-овқат билан таъминлаган.

Милодий IV—V асрларга келиб германлар сиёсий тузумида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Эндиликда қабила бирлашмалари юксалиб, қабила иттифокларига айланди. Уларнинг баъзилари (аллеманн, гот, франк) бир неча юз минг кишидан иборат бўлиб, йирик ер майдонларини назорат қилганлар. Умумиттифок йиғинларининг аҳамияти сусайиб, уларда фақат уруш ва тинчлик ҳамда конунг сайлаш ҳуқуқлари қолди. Ўз навбатида, ҳарбий бўлинмалар ва уларнинг бошлиқлари мавқеи ошиб борди.

Милодий IV асрдан бошлаб баъзи герман қабила-лари ҳарбий бошлиқлари Рим ноибларига ҳарбий хизматга ўта бошлади. Герман ҳарбий бўлинмалари Рим армияси таркибида алоҳида жанговар бирлик иттифокчилар сифатида қатнашганлар. Кўп ҳолларда герман ҳарбий бўлинмалари Рим империяси чегараларини душманлар ҳужумларидан ҳимоя қилиш мажбуриятини олишган.

Герман конунгларининг ижтимоий-сиёсий юксалишига хизмат қилган тадбирлардан яна бири варвар қабилаларида ибтидоий динлар ўрнига христианликнинг тарқалиши бўлди. Милодий 341 йил биринчи бўлиб епископ унвонига эришган вестготлик Улфила христианликнинг кейинчалик даҳрий деб эълон қилинган арианлик мазҳабининг кенг ёйилишига хизмат қилди. Христианликнинг герман қабилалари орасида тарқалиши уларнинг ижтимоий-сиёсий тараққиётини тезлаштириб юборди.

5. Германларнинг Рим империяси ерларига бостириб кириши. Европа тарихида IV—VI асрлар *халқларнинг буюк кўчишлари даври* деб аталади. Ушбу уч аср давомида китъанинг деярли ҳамма ерларини қамраб олган кўчишлар аҳолининг этник, маданий ва социал қиёфасини кескин ўзгартирди. Бу давр антик маданияти ҳалокати ва янги феодал жамияти пайдо бўлиши билан якунланди.

Халқларнинг буюк кўчишларига сабаб нима эди? Энг аввало, германлар ишлаб чиқарувчи кучларининг ўсиши, хусусан, деҳқончиликда эришган муваффақиятлари ва тобора ўсиб бораётган аҳолининг янги

ер майдонига ошаётган талаби, қабилаларда мулкӣ табақаланишнинг кучайиши уларда янгидан-янги ер, бойликларини босиб олишга интилишни кучайтирди. Шарқдан IV асрдан бошланган кўчманчи хун қабилалари юришлари ҳам юзлаб, минглаб варвар қабилалари уруғларини ўз жойларидан кўчишга мажбур қилди. Лекин энг сўнгги тадқиқотлар кўчишлар асосий сабабларидан яна бири табиий иқлимдаги кескин ўзгаришлар бўлганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, милодий II асрдан бошлаб ҳавонинг кескин совуши V асрга келиб айниқса қучайган. Натижада экин ерлари кўриққа, сувли ерлар эса ботқоқларга айланиши чорвачиликка ҳам, деҳқончиликка ҳам бирдай катта зарар етказди.

Шу сабабдан Евроосиё кўчманчилари ҳам, Европа шимолидаги ўтроқ аҳоли ҳам яшаш ва ҳўжалик юриши учун иқлими қулай ерларни излашга мажбур бўлдилар. Кўчишларга ташқи омил, яъни Рим империясининг заифлиги ва ўз қўшниларига етарлича қаршилик кўрсата олмагани ҳам қўл келди. Шунингдек, Рим жамиятида барча эзилган табақаларнинг оғир зулмдан қутуламиз дея, варварларга хайрихоҳ бўлганлиги ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Рим қулдорлик империяси билан урушлар натижасида Пиренея яриморотида германларнинг дастлабки Вестгот қироллиги ташкил топди. Кейинчалик вандаллар (Шимолий Африкада), остготлар (Италияда), франклар (Галлияда), англо-сакслар (Британияда) жойлашиб, ўз давлатларини барпо этдилар.

Германларнинг бостириб кириши 476 йилда Фарбий Рим империясининг қулашига олиб келди. Европа қитъасида янги ижтимоий-иқтисодий (феодал) муносабатларга ўтиш даври бошланди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Феодал муносабатларига қайси икки усулда утилган?
2. Герман қабилалари қаерларда яшаган? (Картадан кўрсатинг.)



1-расм. Теодорих мавзолейи.

3. Германларнинг уй-жойлари ва кийимлари ҳақида нималарни биласиз?

4. Аҳоли машғулотлари ҳақида нималарни эслаб қолдингиз?

5. Деҳқончилик ҳўжалигида қандай узғаришлар рўй берди?

6. Германлар уругчилик тузумининг қайси даврларини бошдан кечирганлар?

7. Мулкий тенгсизликнинг бошланишига мисоллар келтиринг.

8. Халқларнинг буюк кўчишларига нима сабаб эди?

9. Картадан халқлар кўчиб бориб жойлашган ҳудудларни аниқланг.

2-§. Франклар. Франклар киролигининг ташкил топиши

1. Франк қабилалари. Буюк кучишлар бошланиши арафасида франк қабилалари Рейн дарёсининг қуйи, ўнг қирғоғида яшаганлар. Уларда уруғчилик тузуми сақланиб қолган бўлиб, қабила бошлиқлари ҳарбий ишда алоҳида жасорат кўрсатган шахслардан сайлаб қўйиларди. Франкларга қўшни бўлган Рим вилояти — Сена ва Луара дарёлари хавзасида милодий V аср ўрталарида Рим империяси ноиб Эгидий мустақил князлик тузган эди. Франкларнинг бу ҳудудлар томон силжиши шу даврдан кучайди.

Франк қабилаларидан бири меровейлар йўлбошчиси Хлодвигнинг юксалиши (Меровинглар сулоласи) Фарбий Рим империясининг қулашидан кейин бошланди. Уддабурон ва шафқатсиз Хлодвиг тез орада франкларнинг барча қабилалари устидан хукмронлик ўрнатди. Империя емирилгач, Рим Галлиясининг амалда кироли бўлиб қолган Эгидийнинг вориси Сиагрий билан Суассон шаҳри ёнидаги жангда (486 йил) Хлодвиг қўшинлари римликлар устидан ғалабага эришди. Бунинг натижасида картада янги, ҳозирги кунда Франция номи билан аталиб келаётган давлат ташкил топди.

Истилочилик сиёсатини давом эттирган Хлодвиг 507 йилда вестготлар кироли Аларихни енгиб, ўз давлати ерларини янада кенгайтди.

2. Франкларда мулкӣ табақаланишнинг бошланиши. Археологик қазилмалар ва аэрофото-съемка орқали олинган янги маълумотларнинг далолат беришича, V—VI асрларда ҳам франклар босиб олган ерларида Рим кулдорлари саройлари сақланиб қолган. Кейинги даврда ҳам уларда асосий ишчи кучи куллар ва колонлар бўлиб қолаверган. Аҳолининг асосий қисми рим-галликлардан иборат бўлган.

Дастлаб франклар рим-галлик маҳаллий аҳолидан алоҳида яшаганлар. Шу сабабли Луара дарёсидан шимолдаги герман қабилаларида уруғ-жамоа тузуми узоқроқ сақланиб қолган. Мамлакат жанубида бургундлар, вестготлар, кейинроқ франклар ҳам маҳаллий

БИБЛИОТЕКА

Бух. ТИП и ЛП

№ 41380

рим-галлик аҳолига нисбатан камроқ бўлган. Бунинг натижасида римликлар маданий таъсири оқибатида Жанубий Галлияда уруғчилик жамоаси тартиблари тезроқ йўқолган.

Хлодвиг ворислари замонида қироллар давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида ўз ҳарбий бўлини масига ва яқин кишиларига йирик ер майдонларини бенефиций* (инъом) тариқасида бера бошлади.

Аста-секин қирол ва унинг дружиначилари, рухонийлар, қирол саройига яқин рим-галлик зодагонлар, қулдорлар, йирик ер эгалари — феодаллар тоифаси вакилларига айланди. Уларнинг ерларида VI аср охиридан ярим озод литтлар, рим-галлик қуллар, колонлар билан бирга ўз эркинлигидан маҳрум бўлган франклар ҳам ишларди. Франклар истилосидан сўнг Галлияда янги жамият — феодал давлати ҳамда унинг асоси — йирик ер эгалари ва деҳқонлар тоифаси шаклланади.

3. Франкларда илк ўрта аср давлатининг пайдо бўлиши. Европада феодал давлатларининг шаклланиши узоқ муддатли, мураккаб жараён сифатида кечди. Шимолий Галлияда ташкил топган Франклар қироллиги Хлодвиг ворислари даврида Бургундияни (534 йил) ҳамда Прованс (536 йил) вилоятлари ерларини босиб олди. Натижада VI аср ўрталарида Рим Галлиясининг деярли барча ерлари Франклар қироллиги томонидан бўйсундирилди. Франклар, шунингдек, тюринг, аллеман, бавар қабилалари устидан хукмронлик ўрнатдилар ва уларни ҳар йили хирож тўлашга мажбур қилдилар.

4. Давлатнинг идора усулидаги ўзгаришлар. Франкларда бир пайтнинг ўзида икки жараён: жамият феодаллашуви ҳамда илк ўрта аср давлатининг ташкил топиши содир бўлди.

Ибтидоий “ҳарбий демократия” даврига оид қабила тузуми бошқарув ташкилотлари мавқеи кучайиб бораётган ҳарбий бошлиқлар қўлига ўта бошлади.

* Бенефиций — илк ўрта асрларда Ғарбий Европада сеньор ўз вассалига муайян хизматлар ўталиши эвазига инъом қилган ер-мулк.

Кейинчалик худди шу ҳарбий йўлбошчилардан қироллар, йирик ер эгалари, герцоглар ва графлар етишиб чикдилар. Истило қилинган рим-галл аҳолисини бошқариш зарурияти, жамиятда вужудга келган ўзгаришлар эса янги идора усулларини, ташкилотларини яратишни тақозо этарди.

Йиллар ўтиши билан Франклар қироллиги марказий бошқарувида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Қирол ҳокимияти кучайиши билан германларда анъанавий, зарур қонунларни қабул қилиш учун чақирилиб туриладиган халқ йиғинларидан воз кечилди. Энди ҳамма қонун ва қарорлар қирол томонидан қабул қилинадиган бўлди. Қонунлар хусусий мулкчиликни ҳимоя қилар ва тенгсизликни мустаҳкамлар эди. Замонлар ўтиб франкларда қабила-уруғчилик даврига оид урф-одатлар, удумлар кундалик турмушда сақланиб қолди, холос. Улардан бири ҳар йили март ойида ўтказилиб туриладиган халқ лашкарларининг анъанавий кўриги эди.

Қирол давлат бошқарувининг барча соҳаларини ўз қўлига олди. Унинг ҳокимияти давлатдаги энг йирик ер эгаси эканлигига ва кўпсонлик содиқ ҳарбий лашкарига асосланган эди. Қирол давлатни ўз мулки, ҳужалигидек бошқарарди. У илгари жамоа мулки ҳисобланган ер майдонларини яқин кишиларига инъом этар, давлат хазинасини истаганича сарфларди. Янги ташкил топган феодаллар табақаси вакиллари қирол ҳокимиятининг узок асрлар давомида энг муҳим таянчи бўлиб хизмат қилди. Қирол давлати эса, ўз навбатида, ҳукмрон табақа вакилларининг янги ерларни босиб олишга майлини, оддий халқнинг ерларига, эркинликларига тажовузини рағбатлантирарди.

Франкларда Хлодвиг замонидаёқ мамлакат вилоятларга бўлиниб, уларни қирол томонидан тайинланган графлар бошқарарди. Граф ўз ерларида аҳолидан солиқ йиғиб олар, жангчи бўлинмаларга кўмондонлик қилар, судья вазифасини ҳам бажариб, йиғилган суд жарималаридан 1/3 қисмини қирол хазинасига юборарди. Умуман, суд ишларини бадавлат франклар ҳал қиладиган бўлди.

Уруғчилик тузуми анъаналари фақат маҳаллий бошқарувда сақланиб қолди. Қабила асосини ташкил этган юзликлар кичик туман бошқарув бирлигига айланди. Эркин франкларнинг юзлик йиғилишларини сайлаб қўйиладиган раис — тунгин бошқарарди. Энг қадимги бошқарув ташкилотлари, кишлоқ жамоалари ўз аҳамиятини узоқ вақт сақлаб қолди. Солиқлар тизими тартибини франклар Рим империясидан тўлиқ қабул қилдилар.

Ушбу ўзгаришлар милодий V—VII асрлар давомида франкларда дастлабки табақалар ташкил топиши имкониятини яратди. Янги жамиятнинг вужудга келган ҳукмрон табақаси феодал ер эгалари манфаатларини қўриклаш баробарида минг йиллар давомида эркин ҳаёт кечирган франк аҳолисини ҳам асоратга туширди.

5. Кирилнинг черков билан иттифоқи Турли ибтидоий динлар — Куёш, Ер, осмон ва бошқа табиат кучларига сажда қилиб келган герман қабилалари римликлардан моддий маданият баробарида монотеистик — якка худо ғоясига асосланган христианлик динини ҳам қабул қилдилар. Янги давлат яратишда Рим католик черковининг қўл келишини сезган франклар қироли Хлодвиг 486 йилда ўз ҳарбий бўлинимаси аъзолари билан христианликни биринчилардан бўлиб қабул қилди. Бойликларини, йирик ер майдонларини сақлаб қолишга интилган христиан черкови ҳам ҳукмрон табақа вакиллари билан яқин муносабатда бўлишдан манфаатдор эди. Кириллар черковга янги ерларни инъом этдилар. Натижада Хлодвиг ва унинг вәрислари даврида христиан черкови ўз ер-бойликларини янада қўпайтирди.

6. Феодал ер эгаларининг вужудга келиши ва деҳқонлар аҳволи. Эркин франк жамоаси тартиблари Галлия истило этилганидан сўнг аста-секин емирила бошлади. Франкларнинг чек ерлари VI аср охиридан деҳқон оилаларининг шахсий, сотиш ва инъом этиш ҳуқуқига эга бўлган аллоди (мулки)га айланди. Кирил Хильперик (561—584 йиллар) замонидаёқ, янги қонун ерни ўғил, ворис бўлмаса, илгаридагидек жамо-

ага эмас, мархумнинг қизи, синглиси ёки укасига ўтиши кераклигини тасдиқлади.

Ерни мерос сифатида қолдириш, инъом этиш, кейинчалик эса олди-сотди имкониятларининг пайдо бўлиши аҳоли орасида мулкий табақаланишни тезлаштирди. Феодал жамиятининг дастлабки даврида кулчиликка бутунлай барҳам берилмади. Аксинча, истилочилик урушлари асирлари, жиноятчилар, жарима ёки хун (вергелд) тўлай олмаганлар, хўжалик юрита олмай қарздор бўлганлар ҳисобига қуллар сони бирмунча кўпайди. Лекин франкларда қул меҳнати Рим империясидаги каби деҳқончилик ва хунармандчилик ишлаб чиқариши асоси эмасди. Энди қуллардан уй хизматчиси, хунарманд, чўпон сифатида ёки бошқа хўжалик юмушларида кўпроқ фойдаланадиган бўлишди.

Тарихий ёзма манбаларда франклар орасида VI асрдан бошлаб мулкий табақаланишга оид маълумотлар учрайди. Уларда қарзлар, қарз мажбуриятлари ҳақидаги ҳужжатлар билан бирга, бой-бадавлат “саракишилар”, камбағал, солиқ тўлай олмайдиган ерсиз, дайди гадойлар ҳақида ҳам ёзилган.

Кичик хусусий ер эгалиги — аллоднинг пайдо бўлиши, ўз навбатида, феодал ер эгалиги ўсишига туртки бўлди. Франк қироллари Рим императори хонадонининг Галлиядаги йирик ер майдонларини мусодара қилиб, унинг бир қисмини ўз яқинларига ва черковга инъом этдилар.

Янги турдаги ер эгалигининг ўсиши жамоа ерлари ҳисобига ҳам бўлди. Табиий офатларнинг тез-тез такрорланиб туриши, ҳосилсизлик, инсоннинг табиат кучлари олдидаги ожизлиги деҳқонларнинг ерсизланишига кўмаклашди.

Ўз ерларидан маҳрум бўлган деҳқонлар феодаллардан ижарага ер олиб хўжалик юритишга мажбур бўлардилар. Олинган ер эвазига деҳқон ўз эркини йўқотар, феодал ерида ишлаб беришга, олинган ҳосилнинг бир қисмини унга солиқ тариқасида тўлашга мажбур бўларди. Деҳқонларнинг йирик ер эгаларига крепостной қарамлиги кўп асрлар мобайнида давом

этди. (Бу ҳақдаги маълумотларни сиз дарсликнинг кейинги саҳифаларидан ҳам топишингиз мумкин).

7. Диний ҳаёт. Илк ўрта асрлардаги тинимсиз феодал урушлари, табиий офатлар, турли юқумли касалликларнинг тез-тез содир бўлиши одамларни илоҳлардан нажот сўрашга, тоат-ибодатга зўр беришга мажбур қиларди. Европада VI асрдаёқ пайдо бўлган монастирлар, юзлаб тарки дунё қилган, ўзини диний ибодатга бағишлаган монахлар ("монах" грекча сўз, "ёлғиз" дегани; ўзбекчада "роҳиб")ни тўплаган. Монахлар оила курмасликка, қашшоқликда яшашга, аббатга (монастир бошлиғи) сўзсиз итоатда бўлишга қасамёд этган кишилар эдилар.

Христиан черкови феодал жамияти талабига жавоб берадиган кучли ташкилот сифатида шаклланди. Унинг энг қуйи поғонасида қишлоқ черкови руҳонийси — поп турарди. Туман ва вилоятларда епископ ва архиепископлар черковни бошқарар эдилар. Энг юқори поғонада католик черкови раҳнамоси — Рим папаси турарди.

Христиан черкови ўз мақсади ва мазмуни билан ҳукмрон табақа манфаатига хизмат қилса-да, унинг маориф, маданият ва маълум даражада фанни ривожланишидаги қўшган хиссасини алоҳида қайд этиш лозим. Дастлабки кутубхоналар монастирларда бўлган. Монах хаттотлар, кўпинча диний мавзуда бўлса-да, китобларнинг янги нусхаларини яратганлар. Европада XI асрга қадар мактаблар ҳам черковлар қошида бўлиб, уларда ўрта асрларнинг барча буюк алломалари таълим олганлар. Христиан динининг халоскорлик кучига ишонган халқ кўпинча ўз хоҳиши билан, баъзида мажбуран ерларини черков ва монастирларга совға қилар эди. Бу борада черковнинг нақадар катта имкониятларга эга бўлганлигини Париж яқинидаги Сен-Жермен монастирига қарам деҳқонлар сони 80 мингдан ортиқ бўлганлигидан ҳам билиш мумкин.

Хуллас, VI–VII асрлардан франкларда давлат ташкилотлари, табақа ва тоифалар, шунингдек, феодал ер эгалиги вужудга келганлигини қайд этишимиз мумкин.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Франкларда давлат қачон ва қай усулда ташкил топганлигини гапириб беринг.
2. Мулкий табақаланишнинг тезлашувиға нималар сабаб бўлди?
3. Франкларда христианлик қачон ва нима сабабдан қабул қилинди?
4. Ернинг хусусий мулкка айланганлигига мисоллар келтиринг.
5. Христианлик динининг салбий ва ижобий томонларини гапириб беринг.

Мустақил иш

Дарсликнинг 19 — 21 бетларидаги матндан фойдаланиб жадвал тузинг.

VI аср бошларида франкларнинг идора усулида юз берган ўзгаришлар

Тақдослаш учун саволлар	Қабилавий бошқарув	VI аср бошларидаги давлат
Олий ҳокимиятга ким эгаллик қилар эди? Қўшиннинг таркиби қандай эди? Судии ким ўтказар ва у нима асосида қарор қабул қилар эди?		

Хулоса чиқаринг: а) VI аср бошларидаги франклар ҳаётидаги бу ўзгаришлар нималарга олиб келди? Бу ўзгаришларнинг моҳияти нимадан иборат?

б) Галлия забт этилгач, франкларда халқ йиғини чақирилмай қўйган. Буни қандай тушунтириш мумкин? Камида икки сабабини кўрсатинг.

3-§. Буюк Карл империяси

1. **Буюк Карл.** Забардаст хукмдорлардан бири Буюк Карл Франклар қироллигини 768—814 йилларда идора қилди. “Буюк” лақаби Карлга, авваламбор,



2-расм. Буюк Карлнинг бронза хайкали.

унинг 53 та йирик ҳарбий юришларга бошчилик қилгани, буюк истилочи бўлгани учун берилган. Қолаверса, бу Карлнинг қонунчилик соҳасида қилган салмоқли ишларига ва, ниҳоят, унинг илм-маърифат соҳасидаги хизматларига кейинги авлодлар томонидан берилган юксак баҳо белгисидир.

2. Франклар қироллигининг кенгайиши. Тарихда урушлар турли мақсадлар билан: шон-шухрат, баъзида янги ерларни босиб олиш, ҳарбий ўлжаларни қўлга киритиш учун уюштирилди. Франклар қироли Карл олиб борган урушларга диққат билан

назар солсак, уларнинг барчаси ҳам чуқур уйлаб, давлат мақсадларини назарда тутган ҳолда ташкил қилинганлигига гувоҳ бўламиз. Бу урушлар, энг аввало, халқларнинг буюк кучишларига чек қўйди. Карлнинг отаси Пипин Пакана замони (741—768 йиллар)-да, киролининг асосий саъй-ҳаракати сакс, фриз қабилалари тазйикини қайтаришга, мамлакатдаги ички душманларни енгишга қаратилган эди. Карл эса ўз ҳукмдорлиги даврида хужумкорлик сиёсатини олиб борди. У уруш ҳаракатларини душманлари ҳудудларида олиб бориб, Франклар киролиги ерларини кенгайтирди, унинг чегараларини мустаҳкамлади.

Буюк Карлнинг ҳарбий юришлари натижасида Британия, Скандинавия, Киев Руси ва Византиядан ташқари Европа қитъасидаги деярлик барча ерлар, қўлаб халқ ва қабилалари бирлаштириш имконияти вужудга келди.

3. Италия ва Испания урушлари. Карлнинг Италия ерларида ташкил топган Лангобардлар киролигига қарши уруш ҳаракатлари 772 йилда бошланди. Лангобардлар кироли Дезидерий қўшинлари 774 йилда бутунлай тор-мор қилинди. Дезидерий эса сочи олиниб, Корвей монастирига монахликка жўнатилди. (Табиики, сизда нима сабабдан лангобардлар кироли сочи олинганлиги ҳақида савол туғилади. Илк ўрта асрларда фақат кироилардагина узун соч қўйиш удуми бўлган. Демак, қайсидир киролининг сочи олиб ташланса, бу унинг тахтдан маҳрум эканлигининг белгиси эди). Кейинчалик, 776 йилда лангобардлар қўзғолонини бостириш учун юриш қилган Карл Италия ерларини графликларга бўлиб, ўз киролигига қўшиб олди.

Буюк Карлнинг араблар Испаниясига қарши биринчи ҳарбий юриши 778 йилда бўлди. Дастлабки уруш муваффақиятсизлик билан тугаб, чекиниш пайтида қўшин анча талофот кўрди. Жангда пистирмага дуч келган Карлнинг жасур лашкарбошиларидан бири граф Роланд ўз бўлинмаси билан биргаликда ҳалок бўлди. Кейинчалик Роланд француз халқ оғзаки ижодининг севимли қаҳрамонига айланиб, у ҳақда “Ро-

ланд ҳақида кўшиқ" достони яратилади. Испанияга қарши иккинчи юриш натижасида босиб олинган ерларда 801 йилда Испан маркаси тузилиб, Франклар давлатининг чегара вилоятига айлантирилди.

4. Сакс қабилаларининг бўйсундирилиши. Карл олиб борган урушлар ичида энг оғир кечгани ва узоқ давом этгани сакс қабилаларига қарши 30 йиллик (772--802 йиллар) урушлар бўлди. Саксония, Рейн ва Эльба дарёлари ҳавзасида жойлашган сакслар ҳалигача уруғчилик жамоасининг емирилиши даврида яшамоқда эди. Сакс қабилалари аҳолиси орасида зодагонлар -- эделинглар, эркин кишилар -- фрилинглар ва ярим озод кишилар -- лаццилар тоифалари пайдо бўлса-да, уларда ҳали табақалар вужудга келган эмасди.

Сакс аҳолисининг барчаси, айниқса, уларнинг кўпчилигини ташкил этган фрилинглар ўз ерлари ва озодлигини сақлаб қолиш учун босқинчиларга жасорат билан қаршилиқ кўрсатишди. Карл кўшинлари саксларга қарши ҳаммаси бўлиб 8 марта ҳарбий юришлар қилди. Германлар ҳар бир урушдан кейин янгидан куч тўплаб қўзғолон кўтарар, мамлакатда франклар қурган мудофаа қалъаларини бузиб ташлар ёки ёндириб юборардилар.

Қирол Карлга саксларни бўйсундиришда христиан дини пешволари ёрдам кўрсатишди. Кўпинча аҳоли христианликка мажбуран қабул қилинди. Карл чиқарган қонунга кўра, заррача итоатсизлик ёки диндан қайтиш ҳоллари ўлим жазосига ҳукм қилиш билан якунланарди. Везер бўсағаларидаги жангдан сўнг (782 йил) у гаровдаги 4500 кишини қатл қилишни буюрди. Каттиқ чоралар кўрилишига қарамасдан, сакслар озодлик учун курашишни тўхтатмадилар.

Шундан сўнг Карл сакс зодагонларига йирик ер майдонлари инъом этиб, катта совғалар эвазига ўз томонига ағдариб олди. Жумладан, вестфалларнинг йўлбошчиси Витекинднинг Карл томонига ўтиши (785 йил) ва христианликни қабул қилиши сакс қабилаларининг қаршилигини анча сусайтирди. Умуман, зодагонларнинг хоинлиги саксларнинг итоат эттирилиши-

га ёрдам берди. Истило қилинган ерларда франк зо-
дагонлари, епископлар, черков ва монастирлар йирик
ер-мулкларга эга бўлдилар. Эркин сакслар эса қарам
деҳқонларга айландилар.

5. Буюк Карл империяси. Франклар давлати
IX аср бошларида жуда кўп ерларни бирлаштирди.
Ушбу ҳудудда ўз тараққиёти жихатидан турли дара-
жадаги турли халқлар, элатлар ва қабилалар яшарди.
Карл ва унинг сафдошлари Франклар қироллигига
Ғарбий Рим империясининг тикланиши сифатида
қараб, қиролнинг ўзига императорлик тожини кийди-
ришни орзу қила бошладилар.

Буюк Карл 800 йили Рим папаси Лев III га ёрдам
бериш учун Римга келди. Худди шу йили 25 декабр
куни Авлиё Петр ибодатхонасида Рим папаси Карлни
император деб эълон қилди ва унга тож кийдирди.
Европадаги Византия императоридан ташқари ҳамма
катта-кичик ҳукмдорлар Карлнинг императорлигини
тан олишди. Уларнинг барчаси Буюк Карлнинг ҳомий-
лигига мухтож бўлиб, у билан иттифокда бўлишга
интиларди.

Ушбу даврда Франклар империясида Карлнинг
мавқеи ҳаддан ташқари кучайди. У йилига икки мар-
та йирик ер эгаларидан иборат кенгаш чақириб, унинг
қароридан зарур топганларини фармонлар сифатида
эълон қилган.

Карл ўз давлатида ҳарбий ислохотлар ҳам ўтказ-
ди. Янги ислохотлар натижасида отлиқ, яъни рицар-
лар* қўшинида фақат от, қурол-аслаҳалар сотиб олиш
имкониятига эга бўлган ўзига тўқ деҳқонлар хизмат
қилиши мумкин эди. Қолган аҳоли баҳоли қудрат
бирлашиб, ўз ҳисобларидан битта жангчи тайёрлаш-
лари зарур эди. Маълум муддат ўтиши билан қўшин-
да хизмат қилиш фақат феодалларнинг имтиёзига ай-
ланди.

Император қурол-яроғ сотиб олиши, хизмат пай-
тида оиласи кун кечириши учун ҳарбийларга ер-мулк
ажратиб беради. Дастлаб ҳарбий хизмат эвазига

* Рицар — немисча "Ritter" сўзидан олинган.

такдим этилган бу хилдаги “феод”лар (ер-мулк) кейинчалик меросий, яъни отадан фарзандга ўтадиган мулкка айланди.

“Феод” эгаси “феодал” деб юритиларди. Йирик феодаллар ўнлаб, юзлаб кишлокларни қамраб олган бутун бир вилоятга эгалик қилса, майда феодалларга битта кишлок ёки унинг маълум қисми қарарди. Буюк Карл империяси янги боскичдаги илк феодал давлати эди. Бу давлат вужудга келаётган йирик ер эгалари — феодаллар табақасининг босиб олинган ерларда ер-мулкларга эгалик қилишлари, эркин кишиларнинг эса қарам деҳқонларга айланишига хизмат қилди.

6. Буюк Карл даврида франкларда давлат, иқтисод ва маданият. Карл тузган империя узок вақт ҳукм сурмади. Лекин унинг олиб борган урушлари Ғарбий Европадаги кучишларга чек қўйди. Деярлик барча герман қабилаларини ўз қўл остида бирлаштирган Карл давлат чегараларида мустаҳкам тартиб ўрнатди. Император ўз давлатини қонунга бўйсунувчи чегара вилоятлари — маркалар билан ўраб олди. Маркаларни унинг томонидан тайинланган маркграфлар бошқариб, улар чегара бўйлаб янги истеҳком ва қалъалар қурдилар. Кейинчалик империя бўлиниб кетсада, парчаланиш ушбу чегара доирасида бўлди.

Буюк Карл йирик ҳудудда янги маориф тизимини ташкил қилди. Ҳозирги Европанинг китъа сифатидаги маданияти ва маорифи тушунчаларига ҳам худди шу даврда асос солинди.

Карл қонунчилик сиёсатиға ҳам катта эътибор қилди. Хлодвигдан кейинги меровинглар замонасида айрим зодагонларнинг тартибсизликка йўл қўйиши, мамлакатдаги феодалларнинг ўзаро урушлари мазкур сулоланинг ҳалокатиға сабаб бўлганди. Герман қабилалари тузган давлатларнинг ҳаммасида қонун тўпламлари тузилгани бизға маълум. Тарихда лангобардлар, аллеманлар “ҳақиқат”лари, қўлёзмалари сақланиб қолган ва бугунги кунгача етиб келган. Улар ичида энг тўлиқ ҳолда сақланиб қолгани франкларнинг “Сали ҳақиқати” қонунлар мажмуасидир. Қонунлар *capita* (лотинча сўз; маъноси боб, бўлим) деб

аталган, кўплаб боблардан иборат бўлган. Қонунлар демократик тарзда, ҳар йили март ойида чакириладиган анъанавий ҳарбий кўрик пайтида қирол вассаллари томонидан таклиф қилиниб, қирол томонидан тасдиқланар, капитулярийлар сифатида қабул қилинар эди. Капитулярийлар фуқаролар бошқарувининг турли соҳаларини камраб олган ва франклар тарихига оид муҳим маълумотлар беради. Қонунда энг оддий нарсаларга ҳам, масалан, хонаки парранда ва ҳатто тухум сотиш қонун-қоидаларига ҳам батафсил тўхтаб ўтилган.

Карл тахтга келганда франкларда маориф маркази ҳисобланган черков ҳам инкирозни бошдан кечирмоқда эди. Дин пешволари эса ов ва майшат билан машғул эдилар. Руҳоний зодагонлар овни китоблар битиш учун терилар зарурлиги билан изоҳлар эдилар. Карл черков вакилларига овни чеклаб қўйди.

Қирол 789 йилда халқ мактабларини жорий этиш ҳақида қонун чиқарди. Ушбу қонунга биноан мактаблар черков қошида тузилиб, руҳонийларга халқ фарзандларини бепул ўқитиш вазифаси юкланди. Қўшиқчилик санъатини ривожлантириш мақсадида Карл Италиядан икки машхур хонандани таклиф қилиб, саройда хор тўғарагини тузди. Сарой тарихчиси Эйнгарднинг ёзишича, Карлнинг ўзи чуқур илмли киши ҳисобланмаса-да, латин ва юнон тилларини билган.

Қиролнинг илм, маориф ва маданиятга ҳомийлик қилиши саройда ўзига хос академиянинг вужудга келишига имконият яратди.

Буюк Карл Европа ҳукмдорлари орасида бениҳоя катта ҳурматга эришган. Унинг саройига турли мамлакатлардан элчилар ташриф буюрганлар. Иилнома-ларда ёзилишича, араб халифаси Ҳорун ар-Рашид ўз элчилари орқали Карлга қимматбаҳо совғалар билан бирга Қуддусдаги Исо пайғамбар қабри жойлашган ерни ҳам тақдим этган.

Карл умрининг сўнгги йилларини мамлакатнинг янги пойтахти, ўзи қурдирган Ахен шаҳрида ўтказиб, 814 йил вафот этди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Буюк Карл босиб олган ерларни санаб беринг.
2. Испания қайси яриморолга жойлашган, Карл ҳукмронлиги йиллари у кимларнинг қўл остида бўлган?
3. "Роланд ҳақида қўшиқ" достонига ўхшаш ўзбек халқ оғзаки ижодидан мисоллар келтиринг.
4. Сакс қабилалари ҳақида нималарни эслаб қолдингиз?
5. Нима сабабдан Франклар қироллиги империя деб атала бошланди?
6. Карлнинг маориф ва маданият соҳаларидаги ишларини гапириб беринг.
7. V асрдан то IX асргача Ғарбий Европа халқлари ҳаётида қандай ўзгаришлар рўй берди?

4-§. Европада йирик ер эгалигининг узил-кесил шаклланиши

1. **Феодал ва деҳқон ерлари.** Ўрта асрларда "Хўжайинсиз ер йўқ!" нақли бўлган. Бунинг боиси: асрлар мобайнида ер инсон учун ягона яшаш воситаси бўлиб, аҳолининг кўпчилик қисми деҳқончилик ва чорвачилик орқасидан кун кечирарди. Ғарбий Европада VIII—IX асрларда деҳқонларнинг барча ерлари, шунингдек, жамоа мулки бўлган: ўрмонлар, ўтлоқлар, ҳатто дарё ва кўллар ҳам феодаллар мулкига айлан-тирилди. Натижада аҳолининг кўпчилик қисми феодалдан маълум тўловлар эвазига ер олиб, тирикчилик қилишга мажбур бўлди.

Йирик феодаллар томонидан деҳқонлар ерларининг тортиб олиниши IX асрдан айниқса кучайди.

Аввалги жамоа ерларида феодал поместьеси—йирик хўжалик мулки ташкил топди. Унда ер эгаси бўлган феодал ўзига қарам бўлган деҳқонларни ишлатарди. Ер-мулкнинг марказида хўжайиннинг атрофи девор билан ўралган ҳовлиси бўларди. Ҳовли ичида феодалнинг икки қаватли иморати, омборлари, молхона, товуқхона, баъзида чорбоғи ва полизи ҳам жойлашарди.



3-расм. Экин экиш.

Мулкдаги ҳайдаланадиган ерлар икки қисмга бўлиниб, хўжайин (домениал) ери, далалари ва деҳқонларнинг чек ерларидан иборат эди. Хўжайин ерларидан олинадиган бутун ҳосил унинг омборига тукиларди. Қарам деҳқон томорқасида унинг иш қурул-лари, иш ҳайвонлари ва уйи бўларди. Деҳқон омочи ва моласи билан ҳам ўзининг, ҳам хўжайинининг ерида ишларди.

Деҳқонлар жамоалари сақланиб қолган бўлса-да, энди улар ҳам феодалга қарам эди. Жамоанинг барча аъзолари бир хил шароитда хўжалик юритишлари учун экинзорлар унумдорлигига қараб ҳар хил чек-ларга бўлинган эди. Жамоанинг ҳар бир аъзосига ана шундай чеклардан маълум бўлақлар ажратилиб бери-ларди.

Ҳосил йиғиб-тегиб олингач, экинзорлар умумий яйловга айланар ва унда қишлоқдаги барча аҳолининг моллари бокиларди. Шу сабабдан жамоа аъзолари-нинг барчаси дала ишларини бир вақтда бошлаб, бир пайтда тугатишар, далага ҳам бир хил экин экилар-ди. Деҳқонлар ўзаро маслаҳатлашиб, қайси майдонга қандай экинларни экишни, ўримни қачон бошлашни келишиб олишарди.

2. Қарам деҳқонларнинг мажбуриятлари. Граф-лар, йирик феодаллар, амалдорлар маҳаллий аҳолини зўравонлик билан қарам деҳқонларга айлантира борди-лар. Эркин деҳқонларни қарамликка туширишда кенг



4-расм. Дехқон меҳнат
куроли билан.

қўлланиладиган усуллардан бири уларга прекарий*га ер бериш эди. Прекарий олган ерсиз ёки кам ерлик деҳқон ҳосилнинг маълум қисмини хўжайинга тўлашдан ташқари, унга баршина** ҳам ўтаб беради.

Деҳқонлар хўжайиннинг ерини ҳайдаб экин экишар, сўнгра ҳосилни ўриб, хирмонга тўплаб янчишлари ва омборларга жойлаштиришлари зарур эди. Улар феодал хўжалигидаги барча юмушларни бажарардилар. Аҳоли феодалнинг уйини, омборларини курарди. Феодалнинг еридаги кўприк, йўлларни куриш, таъмирлаш, ҳовузларни тозалаш ҳам қарам деҳқонлар зиммасида эди.

Деҳқонларнинг аёллари ва қизлари феодалга мато тўқиб, болалари эса ўрмондан кўзикорин ва мевалар териб келишарди. Феодалнинг иш бошқарувчиси ва хизматкорлари деҳқонлар ишини назорат қилиб туришарди. Қарам деҳқонларнинг феодал хўжалигидаги барча ишлари баршина ҳисобидан бўлар эди.

Деҳқонлар ўз хўжалигидан олган махсулот: дон, чорва, парранда, тухум, ёғ ва асалнинг бир қисмини феодалга беришлари керак эди. Шунингдек, қўлида хунари бор кишилар дала ишларидан бўш пайтларида тайёрлаган буюмлари: мато, калава ип, терининг бир қисмини ҳам феодалга беришлари шарт бўлган. Деҳқонларнинг ўз хўжаликларидан феодалга берган

* Прекарий — илтимосга биноан берилган ер майдони.

** Баршина — ишлаб бериш мажбурияти бўлиб, ҳафтанинг уч-тўрт кунини деҳқон хўжайинга ишлаб берган.

бундай маҳсулот ва буюм туридаги тўловлар *оброк* деб аталган.

Ўрта асрларнинг кейинги давралида янги турдаги: тегирмон, тандир, узумдан вино олишда исканжадан (пресс) фойдаланганликлари учун тўланадиган солиқлар ҳам пайдо бўлди. Феодал ўз ерларидаги йўллардан, кўприклардан, дарёдан ўтганлардан ҳам солиқ ундиради.

Оғир тўловлардан бири черков *уши* (*десятина*) бўлиб, деҳқон ҳар йили олган ҳосилнинг, мавжуд молларининг 1/10 қисмини черковга инъом этиши мажбурий эди.

3. Феодал ҳукмронлигининг пайдо бўлиши. Қирол VI—VII асрлардаёқ йирик ер майдонларини инъом этиш орқали феодал мулки ва қарам деҳқонлар табақаларининг вужудга келишини таъминлади. Кейинчалик, VIII—IX асрларга келиб феодаллар давлатнинг қумагисиз ҳам майда деҳқон хўжалиқларининг оммавий қарамликка тушишига эришдилар. Деҳқон учун ердан ажралиш ўз эркини йўқотиш билан баробар эди. Вақтида оброк тўламаган, баршинани яхши ўтамаган деҳқонни феодал ҳукмига олиб келишарди. Қирол берган ҳуқуқдан фойдаланган хўжайин унга айб кўяр, ўзи суд қилар ва ҳукм чиқарар эди. Феодал деҳқонни жазолаш, қамаш, савалатиш, жарима солиш ҳуқуқларига эга эди.

Феодалнинг ўзига қарашли қишлоқлардан тўпланадиган ҳарбий бўлинма бошлиғи бўлиши деҳқонларни итоатда сақлашга ёрдам берарди. Деҳқонларни хонавайрон қиладиган нарсалардан яна бири феодал ва унинг яқинлари томонидан тез-тез уюштириб туриладиган овлар бўлган. Сабаби: ов пайтида экинзорларга қочиб қирган ҳайвонларни таъқиб этиш давомида кўплаб экинлар аёвсиз пайҳон қилинган.

Асрлар давомида деҳқончиликда бошоқли экинлардан олинадиган ҳосил жуда паст бўлган. Сунъий сўғориш деярли бўлмаган Ғарбий Европада асосий дон экинлари 7—8 центнердан ҳосил берган, холос. Бу, демак, экилган битта уруғга 7—8 тадан дон олинган. Юқорида санаб ўтилган солиқлар чиқариб таш-

ланса, деҳқонга қанча дон қолишини ҳисоблаш унчалик қийин эмас. Бунинг устига, тез-тез такрорланиб турадиган табиий офатлар, қурғоқчилик, чигирткалар ва қуш галаларининг хуружлари деҳқонларнинг ҳаётини янада оғирлаштирарди.

Қарам деҳқонлар ахволи бундан ҳам оғирроқ бўлган. Улар феодалнинг рухсатсиз ўз фарзандларини турмушга чиқариши ёки уйлантириши, бирон ерга рухсатсиз кетишлари ҳам мумкин эмасди. Хўжалик бошлиғи вафот этса, унинг ўғли уйидаги энг сара молини бериш ҳисобига ворисликка ўтиши удумга, ёзилмаган қонунга айланган эди. Мабодо қарам деҳқон қочиб кетса, уни қидиришар, топишса қаттиқ жазолаб эгасига қайтариларди.

IX—XI асрлар мобайнида Ғарбий Европада феодал муносабатлар тўлиқ ўрнатилди. Натижада жамият ва ишлаб чиқариш асоси бўлган ер, шунингдек, кўпсонли қарам деҳқонлар оммаси феодаллар қўл остига ўтди.

4. Натурал хўжалик. Илк ўрта асрларда деҳқонлар кишлоқ хўжалик ва хунармандчилик маҳсулотлари билан фақат ўзларини эмас, шунингдек, ўз хўжайинининг оиласи ва хизматкорларини ҳам таъминларди. Улар дала ишларидан бўш пайтларида газмол, кийим-кечак, пойабзал, керакли асбоб-ускуналарни, иш қуролларини тайёрлар эдилар. Натижада феодаллар ҳам, деҳқонлар ҳам четдан деярлик ҳеч нарса сотиб олмас эдилар.

Шунинг учун ҳам Европада XI асргача савдо-сотик сусти ривожланган. Поместьяларда бир хил маҳсулот етиштирилганидан уларни сотиш осон эмасди. Шу сабабли феодалларда пул кам бўлиб, энг зарур нарсаларгина сотиб олинган.

Ҳаёт учун зарур нарсаларнинг деярли ҳаммасини ўзи ишлаб чиқарадиган хўжалик -- натурал хўжалик деб аталади. Бундай хўжаликда маҳсулот ва буюмлар сотиш учун эмас, балки ўз эҳтиёжини қондириш учун яратилади.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Ўрта асрлардаги "Хужайинсиз ер йуқ!" нақлининг моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Қарам деҳқонлар қандай мажбуриятларни утаганлар?
3. Деҳқонлар тулаган солиқларни санаб беринг.
4. Феодаллар ҳукмронлиги нималарга асосланган эди?
5. Натурал ҳужалик деганда нимани тушунасиз?
6. Қадимги дунё тарихидан олган билимингиздан фойдаланиб, қарам деҳқон билан қўлнинг аҳволини таққосланг. Унинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида хулоса чиқаринг.

Ҳужжат

Буюк Карлнинг "Поместье"лар ҳақидаги фармон"ида шундай дейилади: "...бизнинг одамлар билан яхши муносабатда бўлиш лозим, ҳеч ким уларни хонавайрон қилмасин".

Қиролнинг ўз деҳқонлари тўғрисидаги бундай ғамхўрлигини қандай тушунасиз? Ўйлаб кўриб хулоса чиқаринг ва фикрингизни исботланг.

5-§. VI—XI асрларда славянлар. Славян давлатларининг ташкил топиши

1. Славянлар. Қадим замонлардан Марказий ва Шарқий Европада, герман қабилаларининг шарқ томонида славян қабилалари истикомат қилганлар. Миладий VI асрга келганда славянлар ғарбда Эльба дарёсидан, шарқда Днепр дарёсининг ўрта оқимигача, шимолда Болтиқ денгизи, жанубда эса Дунай дарёси ва Қора денгизга қадар бўлган, ниҳоятда катта ҳудудни эгаллаган эдилар. Кейинги асрларда кўпсонли славян қабилалари уч катта тармоққа: шарқий, ғарбий ва жанубий славянларга бўлиниб кетди.

Ғарбий славянлар — чехлар, поляклар ва словаклардан иборат эди. Кейинчалик Германия томонидан босиб олинган Шарқий Эльбабўйи қабилалари ҳамда Болтиқ денгизи соҳилида яшаган помор қабилалари ғарбий славянларга мансуб эди.

Жанубий славянлар Болқон яриморолида яшаганлар. Улар ҳозирги кундаги болгар, серб, хорват, словен, черногор халқларига асос бўлди.

Шарқий славянлар, ўз навбатида, йирик уч халқ: руслар, украинлар ва белорусларнинг шаклланишида асосий роль уйнади.

2. Славянларнинг машғулоти. Археологик қазилмалар натижасида славянларнинг қадимий манзилгоҳларидан кўплаб ҳўжалик қуроллари, омонларнинг темир тишлари, болта, ўрок, чалғилар топилган. Бронза ҳамда темирдан ясалган қармонқлар славянларда балиқчилик қадим замонлардан бошлаб ривожланганлигидан далолат беради. Қазилмалар пайтида, жумладан, ғалла сақланадиган хандақлар, уларнинг ичидан куйиб кўмирга айланган дон қолдиқлари ҳам чиққан. Шунингдек, от, сигир, қўй, чўчқа каби ҳайвонлар суяқлари ҳам кўплаб топилган. Археологлар ҳунармандчиликка оид лой ўчоқлар, чарҳда ясалган нафис сопол идишлар, бронза ва кумушдан ясалган зеб-зийнат буюмларини ҳам кўп учратганлар.

Тилшунос олимлар славянларда иш қуроллари, озик-овқатлар ва ҳайвонларнинг номлари бир-бирига ўхшашлигига доимо эътибор бериб келганлар. Славян халқларининг ҳаммасида дон — “жито” дейилган, у “ҳаёт” (жить) сўзидан олинган. Умумийлик, шунингдек, омон, омон тиши, ўрок, чалғи, кетмон, ҳўкиз, қўй сўзларида ҳам мавжуд. Славянлар ўз календари, ой номларини ҳам деҳқончилик дала юмушларига қараб атаганлар. Масалан, йиғим-терим ойи августни “сержень” (ўрок), дон янчиладиган сентябрни “вресьень” (“врещь”, янчиш сўзидан) деб атаганлар.

Славян халқларида IX асрга қадар ёзув бўлмаган. Уларнинг бу даврга қадар тарихига оид маълумотларни византиялик йилномачилар асарларидан оламиз.

Масалан, Византия ёзма манбаларидан бирида славянлар ҳўжалиги тўғрисида: “Уларда хилма-хил чорва моллари ва деҳқончилик маҳсулотлари, бугдой ва тарик жуда мўл бўлади”, деб ёзилган. Немис йилномачиси эса помор қабилалари ерларига шундай баҳо беради: “Денгизда, дарё, қўл ва ҳовузларда ақл бовар қилмас



5-расм. Ўрим-йиғим.

даражада балиқ кўп бўлади. Мамлакатнинг ҳамма ерларида буғу, оху, айик, тўнғиз каби ҳайвонлар се-роб. Аҳолида сариёғ, қўй гушти ҳамда ёғи, асал ва хилма-хил сабзавот, мевалар ошиб-тошиб ётибди”.

3. Славянларнинг ижтимоий тузуми. Славян қабилаларида ер эгалиги ва ижтимоий тузум ҳақидаги маълумотларни ҳам византиялик тарихчилар асарла-ридан топамиз. Кимлар ерга эгалик қилганини ва ундан қандай фойдаланганини эса биз VIII асрда Ви-зантияда тузилган “Дехқончилик қонуни”дан ўқиб биламиз. Унда ёзилишича, славянларда ерга нисба-тан хусусий мулкчилик бўлмаган. Ер қишлоқ ёки уруғчилик жамоасиники ҳисобланган.

Тарихчи Кесариялик Прокопий VI асрда яшаган славянлар ҳақида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: “Бу қабилаларни бир одам бошқармайди. Улар азалдан халқ бошқаруви (демократия) асосида яшаганлиги-дан, инсон ҳаётидаги қувонч, қайғу ва турли муаммо-

ларга умумий иш сифатида қаралади". Немис йилномачиси помор қабилаларида ҳам асосий муаммолар, халқ йиғинида — вечеда ("вешчать", яъни билиш, хабарламоқ сўздан) хал қилинишини тасдиқлайди.

4. Славян давлатларининг ташкил топиши. Илк феодал давлати славянлар тарихидаги дастлабки табакавий жамиятдир. Уларда уруғчилик жамоа тузумининг инкирози, мулкий тенгсизлик ва табакаларнинг ташкил топиши жараёни илк феодал давлатларининг яратилишига имкон берди.

Дунай дарёсининг қуйи оқимида, Болқон тоғ тизмаларининг шимолида, VII асрнинг охирида биринчи славян давлати — Болгар подшолиги вужудга келди. Унинг шимолида руминлар, жанубида эса Византия империяси жойлашганди. Кейинчалик XI асрда бошланган феодал тарқоқлиги натижасида Болгария подшолиги Византия томонидан босиб олинди.

Шарқий славянларнинг кучли Киев Руси феодал давлати эса IX асрда дастлаб қабила уюшмалари даражасида вужудга келади. Шарқий славянларда дастлабки кезларда князь ҳокимияти кучли маъмурий ёки ҳарбий муассасага эга эмасди. Натижада маълум муддат давлатда уруғчилик тузумининг анъаналари — ҳарбий демократияга оид хусусиятлар, вече ва қон тукилгани учун хун олиш удумлари сақланиб қолди.

Славянларда давлатнинг ташкил топиши ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши билан боғлиқ эди. У деҳқончиликнинг кенг ёйилиши ва такомиллашувида ифодаланди. Деҳқончилик маданиятининг ўсиши хўжаликда ортиқча маҳсулот пайдо бўлиши имконини берарди. Натижада VIII—IX асрларда шаклланган қабила зодагонларида анчагина мулкий имтиёзлар вужудга келган.

Мабодо давлатнинг ташкил топиши даврида деҳқонлар фақат иқтисодий жihatдан феодалларга қарам бўлса, асрлар ўтиши билан улар деҳқонларни шахсий қарамликка, крепостнойликка туширдилар. Киев Руси князларининг ташқи сиёсати феодал давлатини мустаҳкамлашга қаратилди. Ташқи сиёсатдаги асосий вазифа — шарқий славян қабилаларининг

барча ерларини бирлаштириш X—XI асрларда ҳам давом этди. Киев князлари Олег, Игорь, Святослав, Владимир Святославич, Ярослав Мудрийлар кўшни ерларни босиб олиш сиёсатини изчил ўтказдилар. Русда 988 йили христианликни қабул қилиниши ҳам бу борадаги катта аҳамиятга молик воқеа бўлди.

Нихоят, XI аср бошларига келиб шарқий славянларнинг барча ерлари бирлаштирилди. Бу борада юририлган сиёсат, айниқса, Святослав князлиги даври (964—972 йиллар)да сермахсул бўлди. Унинг кўшинлари Волга дарёси бўйидаги Булғор ва Хазар хоқонликлари ерларини босиб олди. Святослав, шунингдек, печенеглар, Дунай булғорларига ва ҳатто Византия империясига қарши муваффақиятли уруш ҳаракатларини олиб борди.

Владимир Святославич ҳукмронлиги йилларида (980—1015 йиллар) Киев Руси кўчманчи қабилалар билан чегара районларида қатор янги қалъа — шаҳарларга асос солинди. Киев Русининг сўнгги буюк князи Владимир Мономах (1113—1125 йиллар) бўлиб, унинг ўлимидан сўнг мамлакатда феодал тарқоқлик кучайди ва майда князликларнинг мустақил тараққиёти марказий ҳокимият заифлашувига олиб келди.

Шарқий Европада, X асрда яна бир славян давлати Чехия ташкил топди. Чех қабилаларининг Прага шаҳри атрофида бирлашуви ушбу давлатнинг асоси бўлди. Кейинчалик Чехия киролиги Германия томонидан босиб олинди ва “Мукаддас Рим империяси”* тарқибига киритилди. Мамлакатни деярлик мустақил



6-расм. Киевдаги София собори.

* Мукаддас Рим империяси 962 йили Германия кироли Оттон I Римни босиб олиши ва император деб эълон қилиниши асносида аужудга келган.

бошқарган чех князлари маълум муддатдан сўнг яна киро́л унво́нини олишди.

Висла дарёси хавзасида X асрнинг ўрталарида поляк князи Мешко томонидан бир неча қабилалар бирлаштирилиб, Польша давлатига асос солинди. Поляк қабилаларини бирлаштириш сиёсати князь Болеслав Жасур даврида ҳам давом этди. Польша бу пайтда герман императорларига қарши уруш ҳам олиб борди. Бу урушда Польша фақат ўз мустақиллигини сақлабгина қолмасдан, киро́ллик ерларини бирмунча кенгайтиришга ҳам муваффақ бўлди.

Славянларнинг илк феодал давлатлари VII—X асрларда ташкил топди. Уларнинг шаклланишида Рим маданиятининг таъсири деярлик бўлмади.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Славян қабилаларининг қадимдан яшаган жойларини санаб ўтинг ва картадан славян қабилалари уч тармоғидан қар бири яшаган чегараларни аниқланг.

2. Славянларнинг ҳўжалик машғулотлари нимадан иборат эди?

3. Қайси манбалардан славянлар ҳақидаги тарихий маълумотларни оламиз?

4. Славянларнинг ижтимоий тузумлари ҳақида нималарни биласиз?

5. Қадимги Рус давлати туғрисида гапириб беринг.

6. Яна қандай славян давлатларини биласиз?

Буни ўқинг!

Болгар подшолиги ҳақида

681 йили Волга бўйидан Дунай дарёси хавзасига кўчиб келган туркийларнинг булғор қабиласи хони Аспарух славян қабилаларини бирлаштириб кучли давлат тузади. Лекин биринчи Болгар подшолигининг кейинги тараққиёти давомида туркий қабилалар кўпсонли славянларга сингиб кетади. Тарихда эса “болгар” атамасида славян давлати сақланиб қолади.

(М.Бойцов, Р.Шукуров. Ўрта асрлар тарихи. М., 1995, 146-бет.)

6-§. IX—XI асрларда Европада сиёсий тарқоқлик

1. Франклар империясининг парчаланиб кетиши. Франклар империясида олиб борилган марказлаштириш сиёсати маҳаллий бошқарувнинг феодаллашувини тўхтата олмади. Аста-секин графлар давлат лавозимидаги кишилардан ўз вилоятининг хўжайинларига айланиб, йирик ер майдонларини хусусий мулк қилиб олдилар. Графликларнинг эркин аҳолиси эса қарам деҳқонларга айланди. Қирол ҳокимиятининг дахлсизлик (иммунитет) ёрликларини кенг тарқатганлиги ҳам бу жараёни тезлаштирди.

Буюк Карлдан кейинги қироллар ҳам бу жараёни тўхтата олмадилар. Унинг вафотидан кейин тахт ворислари орасидаги қелишмовчиликлар, низолар ҳокимиятни янада заифлаштирди. Натижада 843 йили Карлнинг уч набираси Верден шахрида тузилган битимга биноан империяни бўлиб олдилар. Кейинроқ Ғарбий Франклар қироллиги — Франция, Шарқий Франклар қироллиги — Германия ва, ниҳоят, империянинг жанубий вилоятларида — Италия давлатлари вужудга келди.

Феодал тарқоқлик шароитида бу давлатларнинг ҳар бири, яна графлик ёки герцогликка, улар эса ўз навбатида йирик ва ўрта ер эгалари бўлган феодал мулкларига бўлиниб кетган эди. Шундай қилиб, Ғарбий Европада феодал тарқоқлик даври бошланди.

2. Феодалларнинг мустақиллиги. Натурал хўжалик шароитида мамлакатнинг турли қисмлари ўртасида иқтисодий алоқалар деярлик бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмасди. Сабаби: ҳар қайси кишлоқ аҳолиси ўз бошига, алоҳида-алоҳида яшар ва бошқа жойлардаги кишилар билан деярлик алоқа қилишмасди. Ҳар бир йирик феодал ўз ер-мулкида деярлик мустақил давлат бўлиб, марказий ҳокимиятга умуман муҳтож эмасди. Ўз имконияти даражасида қуроқланган жангчилар гуруҳига эга бўлган феодаллар аҳолидан солиқларни ўзлари йиғар, феодал лозим топса уларни ўзи суд қилар ва жазоларди. Бу даврда кучли қирол

хокимиятининг йўқлиги ҳам ўзаро феодаллар урушларининг тўхтовсиз давом этишига сабаб бўлди. Ўз ер бойликларини, қарам деҳқонлари сонини муттасил кўпайтириш ҳаракати ўзаро феодал урушларининг асосий сабаби эди. Урушдан бўш пайтларда улар ов, турли мусобақалар, машқ ва пойгалар уюштирганлар.

Феодал урушларида асосан деҳқонлар хонавайрон бўларди. Сабаби: душман томони ўз рақибини заифлаштириш мақсадида унинг қишлоқларига ўт қўяр, аҳолининг молларини ҳайдаб кетар, экинларини пайхон қиларди. Феодалларнинг мустаҳкам қалъалари мавжудлиги эса ўзлари кўп талофот кўрмаслигини таъминлар эди.

Феодалларнинг қасрлари тўхтовсиз урушлар, деҳқонларнинг қўзғолонлари ва бошқа хавф-хатардан жон сакловчи қалъа, шунингдек, турар-жой бўлиб хизмат қилганидан уларни ҳар томонлама мустаҳкам, пухта қилиб қуришга ҳаракат қилинган.

3. Сеньорлар ва вассаллар. Феодаллар шохсупаси. Европа давлатларида сеньорлик ва вассаллик муносабатлари ўзига хос бўлиб, Шарқ мамлакатларидагидан тубдан фарқ қиларди. Жумладан, бу ерда шундай нақл бўлган: “Вассалимнинг вассали меннинг вассалим эмас”. Унинг мазмунини нимадан иборат? Авваламбор, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу ҳилдаги муносабатлар фақат сиёсий тарқоқлик ҳукм сурган давлатда бўлиши мумкин. Қирол мамлакатдаги барча феодалларнинг бошлиғи ҳисобланарди. Лекин амалда у фақат герцог ва графларнинг сеньори эди. Қирол инъом қилган йирик ер майдонлари худди шу тоифа вакиллари қўлида тупланганди. Уларда эса юзлаб қишлоқлар, минглаб қарам деҳқонлар, кўпсонли жангчи бўлинмалари бор эди.

Граф ва герцоглар ўз навбатида бенефицийга олган ерларини баронларга инъом қиларди. Барон 20–30 қишлоққа эга бўлиб, у ҳам ўз хомийлигига оддий рицарларни оларди. Рицарлар бу силсиладаги охириги ҳалқа бўлиб, уларнинг вассаллари йўқ эди. Шундай қилиб, ўзидан кичик феодалнинг сеньори бўлган феодал, ўз навбатида, ўзидан катта феодалнинг вассали



7-расм. Қаср.

хисобланарди. Мавжуд удумга биноан вассаллар фақатгина ўз сеньорига итоат қиларди. Қирол вассали бўлмаган феодаллар унинг буйруғини бажармаслиги мумкин эди.

Феодаллар ўртасидаги муносабатларни шоҳсупага ухшатиш мумкин. Шоҳсупанинг энг юқори поғонасида

қирол, ундан қуйироқдаги поғонада герцоглар ва графлар, сунгра баронлар ва, ниҳоят, энг қуйида рицарлар жойлашган. Дехқонлар бу шоҳсупага кирмаганлар. Қизиғи шундаки, сеньорлар ҳам, вассаллар ҳам феодаллар бўлганлар. Вассал, “феод” эгаси бўлаётганда, сеньор олдида тиз чуқиб, унга садоқатли бўлишга қасамёд қиларди. Сеньор фео� топшириш белгиси сифатида вассалга бир ховуч тупроқ ва дарахт шоҳчасини берарди.

Шоҳсупанинг барча поғоналаридаги феодаллар қарам дехқонлар меҳнати ҳисобига яшардилар. Қуринишидан айтарлик аҳамиятсиздек туюлган вассал ва сеньор муносабатлари зарур пайтда ўз вазифасини бажариши, жумладан, хабар етиши билан вассал сеньорнинг буйруғига биноан ҳарбий қўшин вакили сифатида ёки ўзининг ҳарбий бирлиги билан хизматга дарҳол етиб келиши шарт эди. Шунингдек, вассал сеньор маслаҳатчиси бўлиши, сеньор асирга тушиб қолса, тўлов бериб уни қутқариб олиши лозим бўлган. Ўз навбатида, сеньор вассални бошқа феодал ҳужумларидан, дехқонлар қўзғолонларидан ҳимоя қилиши лозим эди. Чет мамлакатлар билан уруш чиқса, феодаллар шоҳсупаси поғоналари бирваракайига ҳаракатга келарди. Қирол герцог ва графларни урушга чақирар, улар ўз навбатида баронларни, баронлар эса рицарлар бўлинмаларини жангга бошлаб келарди. Ўрта асрлардаги қирол қўшини худди шу тарика тузилар эди.

4. Рицарларнинг қурол-яроғлари. XII асрга келиб Европада ҳарбий иш фақат ҳукмрон табақа машғулотига айланди. Тарих саҳнасидан анъанавий халқ лашкари кетиб, қўшин оғир қуролланган отлик рицарлардан тузила бошланди.

Европада отлик қўшин қандай пайдо бўлган? Италиялик тарихчи олим Франко Кардинининг фикрича, китъага отлар Осиёдан олтой халқлари ва эронликлардан герман қабилалари орқали ўтиб, кейинчалик улардан ҳўжаликда кенг фойдалана бошлашади. Рим манбаларида бу ҳақдаги маълумотлар V асрдан бошлаб учрайди. Жумладан, сармат қабилаларининг отлик



8-расм. Ришарлар кийими.

қўшини Фарғона отларидан ташкил топганлиги ҳам фанда тасдиқланган. Европалик тарихчиларнинг фикрича, совут ҳам дастлаб Ўрта Осиёда кашф қилинган. Уни биринчи бўлиб Хоразмнинг туб деҳқон аҳолиси милoddan аввалги IV асрдаёқ қўчманчи массагетларнинг ўқ-ёйларидан сақланиш учун кийишган. Ушбу совутлар темир ва терилардан ишланган бўлиб, кейинчалик қўшни мамлакатларга тарқалган. Йиғма, мол шохлари суяқларидан қилинган, ҳаддан ташқари кучли жароҳатлаш қудратига эга бўлган ёй-камоннинг тарихи ҳам Ўрта Осиёга бориб тақалади. Демак, Европа мамлакатларида отлиқ қўшин, совут ва янги турдаги камонларнинг тарқалишида сиз ва биз яшаётган ҳудуд аҳолисининг хизматлари ниҳоятда катта бўлганлиги тарихан тасдиқланган.

XI асрнинг бошларига келиб Европа отлиқ рицари — жангчисининг асосий ҳимоя воситаси пўлат совут эди. Пўлат халқачалардан тўқилган совут баъзида 2—3 қатламли бўлган. Отда юришда халакит бермаслиги учун совутнинг олди ва орқа томонларида ёриқ жой қолдирилган. Совутдан қўлқоп ва пайпоқ ҳамда бошларига дубулға кийишган. Бу кийимдаги жангчи уруш пайтида отдан йиқилса, бировнинг ёрдамисиз тура олмас ва қўпинча асир тушарди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Буюк Карл империяси нима сабабдан ва қачон парчаланди?
2. Франклар империяси ўрнида қайси давлатлар вужудга келди?
3. Феодал тарқоқликнинг сабабларини курсатинг.
4. Феодал шохсупаси ҳамда "феодал", "сеньор", "вассал" сўзларининг маъносини тушунтириб беринг.
5. Феодаллар нима сабабдан қаср-қалъалар қуришган?
6. Европада отлиқ қўшин, совут, қалқон, жанг камонининг пайдо бўлиши ҳақида нималарни билиб олдингиз?

7-§. VI—XI асрларда Европа маданияти

1. Ўрта аср маданияти ва черков. Ўрта аср маданияти черков-диний ғоя билан яқиндан боғланган эди. Черков таъсири ўрта аср маданиятининг турлитуман соҳаларида: фанда, мактабда, адабиётда, санъатда акс этди. Илк ўрта асрлар даврида, тахминан XI асрнинг иккинчи ярмигача ўрта аср жамиятига ғоявий раҳбарлик асосан черков монополиясида бўлди.

Кўпчилик кишиларнинг олам тўғрисидаги билимлари энг баланд бўлган маҳаллий черков жоминоридан кўз илғаган доира билан чекланарди. Бошқа мамлакатлар тўғрисида маълумотлар жуда оз бўлганлигидан европаликлар анча вақтгача олис юртлар ҳақида ҳар қандай уйдирмаларни тўкишарди. У вақтларда кўпчиликнинг дунё ҳақидаги тасаввурлари тор бўлган. Фан ва техника таракқиётининг даражаси жуда паст бўлганлигидан одамлар қурғоқчилик, тошқин ва касалликлар олдида ожиз эди.

2. Мактаблардаги таълим. Саводли кишилар деҳқонлар орасидагина эмас, феодаллар орасида ҳам оз эди. Рицарларнинг кўпи имзо чекиш ўрнига белги қўярди. Ғарбий Европада узоқ вақтларгача руҳонийларгина саводхон бўлиб келди: улар диний китобларни ўқишлари, ибодат дуоларини билишлари, ҳудонинг қудратини диндорларга чиройли қилиб тасвирлаб, уларни унга ишонтиришлари лозим бўлган.

Черков ва монастирлар ҳузурида ташкил этилган қуйи мактаблар саводхон диндорлар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Бу мактабларда асосан лотин тилини ўргатишга, ибодат қилиш ва дуолар ўқиш тартибларини ўрганишга эътибор берилар эди. Кўпроқ епископлик кафедралари ҳузурида вужудга келган ўрта мактабларда дунёвий фанлар ўрганилган. Буюк Карл даврида черков епископлик мактаблари ривожланиб, кейинчалик улар заминида ўрта аср университетлари вужудга келди.

Диний мактабларда саккиз ёшли болалар ҳам, ўсмир йигитлар ҳам барабар ўқишган, ўқувчилар ёшига қараб синфларга бўлинмаган.

Ғарбий Европадаги мамлакатларнинг ҳаммасида уша вақтда бирон халқ гапирмайдиган лотин тилида ўқитганлар. Кўпинча бутун мактабда фақат бир дон китоб бўлган, муаллим уни навбат билан болаларга бериб, ундан парчалар ўқитган.

Болаларда ўқишга ҳавас туғдиришга ҳаракат қилинмас, итоатсиз талабалар эса қаттиқ калтакланарди.

3. Қўлёзма китоб санъати. Катта монастирларда роҳиблар китобларни кўчириб ёзадиган ишхоналар бўларди. Ёзув бузоқ ёки қўй терисидан махсус ишланган юпка тери — пергаментга битиларди. Битта китоб кўплаб кишиларнинг анча вақт сарфлаган меҳнати билан юзага келарди: бировлар (хаттотлар) матнни хушхат қилиб ёзар, бошқалари бош ҳарфларни чиройли, жимжимадор суратлар солиб чизар, учинчи бировлар китобнинг лавҳалари ва нақшларини ишлар ва яна бировлар миниатюралар чизарди. VIII—IX асрларда қадим замон алломаларининг қўлгина асарлари кўчириб ёзилган эди.

Китоблар кам бўлиб, жуда қиммат турарди ва қирол ёки аслзода зодагонлар энг муҳим тантанали воқеалар муносабати билан бир-бирларига китоб совға қилишарди.

4. Славян ёзувининг пайдо бўлиши. Славян халқларининг аксарияти христиан динини Византия империясидан қабул қилди. Диний китобларни славян тилига кўчиришга зарурат туғилди, аммо бунинг учун аввало славянларнинг ёзувини яратиш керак эди.

Роҳиб олимлардан Кирилл билан Мефодий славянларнинг тўнғич маърифатпарварлари ҳисобланади. Кирилл билан Мефодий Солунь шаҳридан чиққан греклар бўлиб, славян тилини яхши билар эдилар. Улар ғарбий славянларга христиан динини тарғиб қилиш учун Византиядан юборилганди. Кирилл IX аср ўрталарида (850-йиллар) юнон алифбоси асосида славян алифбосини яратди (у “кириллица” деб аталади). У Мефодий ёрдамида юнон диний китобларини славян тилига таржима қилди.

Кейинчалик уларнинг немис феодаллари таъқибига учраган шогирдлари Болгарияга келиб жойлашди. Из-

дошлари ҳам кўпинча юнонча китобларни славян тилига таржима қилишарди. Славян ёзуви Болгариядан Киев Русига тарқалди.

5. Меъморчилик ва халқ ижоди Ўрта асрнинг дастлабки юзйилликларида бинокорлик санъатидаги қолоқлик ўрнини кейинги асрларда бинокорлик соҳасидаги катта юксалиш эгаллади. Айниқса, диний иншоотлар — черков ибодатхоналарини қуриш авж олди.

Каролинглар (VIII—X асрларда Буюк Карл номи билан аталган сулола) замонидаги меъморчиликда роман услуги (номи Қадимги Римдаги биноларга таклид қилишдан, унинг анъаналаридан қўп фойдаланилганидан келиб чиққан) ривожлана бошлади.

Роман услубидаги соборларнинг деворлари қалин, гүмбазлари нисбатан паст, устунлари йўғон ва калта, деразалари камбар ва кичик бўлиб, баланд жомминорлари ҳамда дераза ва эшиклари усти, пештоқлари ярим доира (ёй) шаклида қурилган. Бу услубдаги биноларни қалъага ўхшатиб, салобатли қилиб қуришга интиланлар.

Роман меъморчилик ёдгорликларидан энг машхурлари — Франциядаги Пуатье ва Ключи, Арль ибодатхоналари, Германиядаги Шпейер, Вормс, Майнц, Ахен ибодатхоналаридир.

Дастлаб черков биноларидан фақат тоат-ибодат учун фойдаланилмасди. Уларда янги юриш ва жангларнинг режалари тузилиб, муҳокама қилинар, кенгашлар ўтказилар, битимлар тузилар ҳамда душман ҳужумлар қилган пайтларда аҳоли қочиб кириб жон сақларди. Бундан ташқари, черков театр вазифасини ўтаб, уларда “мистерия” деб аталган диний драмалар ўйналарди.

Оддий халқ яратган маданият асосан фольклор, оғзаки ижод тарзида бўлиб, авлоддан авлодга ўтиб тобора раванқ топиб ва такомиллашиб, халқ ҳаётини, унинг орзу-умидларини аниқ-равшан акс эттирди.

Қишлоқларда ва қасрларда, йўлларда ва карвонсаройларда, шаҳар ярмарка ва бозорларида дарбадар артистлар-жонглёрлар (хўққабоз цирк артистлари) ва

штильманлар (дорбозлар) томоша кўрсатардилар. Кишлоқ тўйлари ва рицарларнинг турнирлари уларнинг иштирокисиз ўтмас эди. Хукқабозлар мусика асбоблари чалиб, ҳарбий юришлар ва жанглар тўғрисидаги қўшиқлар ва дostonларни, қисман эса ўзлари ёзган янги қўшиқларни ижро этар, қахрамонликларни мадҳ айлардилар. Улар ўзлари билан бирга айик ва маймунлар олиб юрар, фокус кўрсатар, акробатика машқларини бажарар, кичик-кичик пьесаларни ўйнаб томоша кўрсатардилар.

Хукқабозларнинг рухонийлар ва зодагонлар устидан кулиш ҳоллари бўлганлигидан черков уларга ёмон кўз билан қарарди ва ҳатто уларнинг жасадларини христианлар мазорига қўмишни тақиқларди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Нима учун илк ўрта аср кишисининг олам ҳақидаги тасаввурлари тор бўлган?
2. Уша давр мактабларида ўқиш қанақа бўлган?
3. Параграфдаги матндан фойдаланиб, қўлёзма китобларининг нима учун чинакам санъат асари эканини айтиб беринг.
4. Славян ёзуви қандай пайдо бўлди?
5. Роман услубида қурилган биноларнинг асосий хусусиятлари нимадан иборат деб ўйлайсиз?
6. Халқ ижоди узида нимани акс эттирган?

II б о б. IV—XI асрларда Византия империяси

8-§. Илк ўрта асрларда Византия империяси

1. Византия империясининг ташкил топиши. Византия (Шарқий Рим империяси) ўз тарихини мустақил давлат сифатида Рим империясининг Ғарбий ва Шарқий қисмларга бўлинишидан (395 йил) бошлади. Шарқий Рим империясига хунармандчилик ва савдоси яхши ривожланган бой шаҳарлар, вилоят-

лар, ўлкалар: Болкон яримороли, Кичик Осиё, Сурия, Миср. Месопотамиянинг бир қисми, Кипр ва Крит ороллари кирди. Рим императори Буюк Константин замонидаёқ (306—337 йиллар) илгариги Мегар колонияси бўлган Византий урнида янги давлатнинг бўлажак пойтахти Константинополь шаҳрига асос солинди.

Эркин деҳқонлар тоифаси нисбатан кўп бўлган Византияда экин ерларининг қадимдан сунъий суғоришга асосланган бўлиши унда қулчиликнинг инкирозини бирмунча секинлаштирди.

Ғарбий Рим империясида шаҳарлар инкирози қучайган бир пайтда Византияда VI асрда ҳам аҳолиси гавжум, савдо-сотиқ ривожланган Константинополь, Александрия, Антиохия, Эдесса, Байрут каби йирик шаҳарлар мавжуд эди. Уларда ойнасозлик, юнг ва ипак газламалар туқиш, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш каби хунармандчилик соҳалари юксак даражада ривожланганди.

Византиянинг қулай қуруқлик ва денгиз савдоси йўллари устида жойлашганлиги, Константинополь шаҳрининг Осиё ва Европани боғлаб турувчи кўприк вазифасини ўташи ҳам мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига катта ҳисса қўшди. Византия олтин солиди халқаро валюта вазифасини ўтарди. Византиялик савдогарлар шарқда Ҳиндистон ва Хитой, жанубда Аксум (Ҳабашистон) ва Арабистон яриморолига кириб борган, Эрон ва Сўғдиёна билан қизғин савдо муносабатлари ўрнатилган эди.

2. Давлат ҳокимияти. Византияда қучли император ҳокимияти сақланиб қолганди. Император (юнонча “василевс”) ўз қўлида бутун қонунчилик ва бошқарув ҳокимиятини бирлаштирган эди. Унинг ҳокимияти фақат назарий жиҳатдангина сенат, давлат кенгаши ва дим*лар томонидан бирмунча чегараланганди. У мамлакатни кўпсонли амалдорлар ёрдамида идо-

* Дим (юнонча “демос”, яъни халқ) — Византия шаҳарларининг озад фуқаролари кенгаши. Ҳўжалик, сиёсий ва ҳарбий вазифаларни ба-
жарган.

ра қиларди. Императорнинг бой хазинаси деҳқонлар ва хунармандлардан олинадиган солиқлар, савдодан тушадиган бож ҳисобига тулиб борарди. Натижада давлат кучли қўшин ва денгиз флотини сақлаш имкониятига эга бўлди. Кучлик қўшиннинг бўлиши эса, фақат кўчманчи қабилалардан давлат чегараларини сақлаб қолмасдан, четда истилочилик урушлари олиб боришга ҳам имкон берарди.

Византиянинг гуллаб-яшнаган даври Юстинианнинг императорлик қилган йиллари бўлди (527—565 йиллар). Юстиниан Рим қулдорлик империясининг аввалги чегараларини тиклашга ва мустахкамлашга ҳаркат қилди.

Юстинианнинг ўлимидан кўп ўтмай империя Фарбда истило қилган ерларнинг деярли барчасидан маҳрум бўлди.

3. Ер-мулк эгалигининг янги шаклига ўтилиши. Византиянинг заифлашуви. Византиянинг Болқон яриморолидаги қисмига VI аср ўрталаридан славян қабилаларининг ҳужумлари бошланди. Империянинг жанубига VII асрда Араб халифалиги юриш қилиб, Сурия ва Мисрни босиб олди. Византия Кичик Осиё билан Болқон яриморолининг жанубий қисминигина ўз қўлида сақлаб қолди. Мамлакатда VII—X асрлар давомида эркин деҳқонлар қашшоқлашиб хонавайрон бўла бошлади. Қишлоқда мулкий табақаланиш кучайиб, ерсиз деҳқонлар ва тобора ери кўпайиб бораётган янги турдаги бойлар, феодаллар тоифаси вужудга келди.

Византияда феодал ер эгалиги ана шу тарика пайдо бўлди. Аста-секин феодаллар ва қарам деҳқонлар табақалари ташкил топди. Империяда янги феодал ер эгалиги VIII—XI асрлар давомида шаклланди. Императорларнинг X—XI асрлар давомида кўплаб ер майдонларини черков, монастирлар ва амалдорларга инъом этишлари бу жараёни янада тезлаштирди. Бу даврда Византияда ҳам йирик феодаллар ўз ерларида қалъалар қуриб, ҳарбий бўлинмалар туздилар. Мамлакатда императорларнинг заифлигидан фойдаланган феодал зодагонлари уларга қарши сарой фитналари, тўн-

таришлар уюштирарди. Улар ўз талабларига жавоб берадиган императорларни тахтга ўтқизардилар.

Ғарбий Европа мамлакатларидан фаркли равишда Византия феодал тарқоқлик пайтида ҳам ўз ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолди. Аммо иқтисодий ва сиёсий тушқунлик бошланиши давлатни кўп қўшин сақлаш имкониятидан маҳрум этди.

4. Маориф ва илм-фан тараққиёти. Урта асрларнинг асосий кўпчилик даврида Византия ўзига ҳос маданияти билан Европанинг энг илғор мамлакати эди. Қитъани герман қабилалари босиб олган бир пайтда юнон-рим маданияти давомчиси бўлган Византияда маориф, илм-фан ва санъат юксак даражада ривожланди. Византияликлар таълимнинг ҳар қандай турига, илм-фанга катта эътибор билан қарар эдилар. Мамлакатда грек тили давлат тили бўлиб, Қадимги Рим маориф тартиби тўла сақланиб қолганди. Болаларни 6—7 ёшдан мактабга бериб, уларга 2—3 йил давомида ёзиш, ўқиш ва ҳисобни ўргатиларди. Диний мактаблар билан бирга давлат мактаблари ва хусусий мактаблар ҳам фаолият кўрсатган. Умуман, бошланғич таълим олиш аҳолининг барча тоифалари учун имконият даражасида эди.

Константинополда IX асрда Магнавр олий мактаби очилди. Пойтахтда 1045 йили ташкил қилинган университетда иккита: ҳуқуқшунослик ва фалсафа факультетлари мавжуд эди. Шаҳарда, шунингдек, олий медицина мактаби ҳам бўлган.

Византияда математика, айниқса, унинг алгебра соҳаси муваффақиятли ривожланганди. Математика ва астрономиянинг тараққиёти кундалик амалий ҳаёт: ҳунармандчилик, денгизчилик, савдо, ҳарбий иш, қишлоқ хўжалигининг ривожланишига бўйсундирилган эди. Муваффақият қозонган муҳим соҳалардан яна бири тиббиёт бўлган. Тиббиёт ва ҳунармандчилик эҳтиёжлари кимёнинг ривожланишини рағбатлантирди. Византияда шиша, сопол, эмаль бўёқ тайёрлашнинг антик даврдан сақланиб қолган сирларидан хабардор бўлишган. Империяда VII асрда кашф қилинган “грек олови” (нефть ва смола қоришмасида тайёрланган

ёнувчи модда) денгиз флоти ва курукликдаги қушинларга жангларда кўп марта ғалаба келтирган.

Византияда тарих ва география фанлари ҳам яхши тараққий қилган эди. Географлар яратган карталар, шаҳар чизма режалари ўз даврида ушбу соҳанинг юксак муваффақиятлари эди. Тарихчилар яратган асарлар ҳам ўзининг ҳаққонийлиги, аниқлиги ва ҳолисона баҳо бериши билан алоҳида ажралиб турарди.

5. Тасвирий санъат, меъморчилик ва маданий алоқалар Тасвирий санъат — мозаика, фреска ҳамда иконалар Византия маданиятининг энг машҳур ва бетакрор соҳаларидир. Ибодатхона ва саройлар деворларини мозаикалар: ҳар хил рангдаги майда-майда тошлар ёки рангли хира шиша парчалари — смальталар қадаб ишланган суратлар билан безатиш ниҳоят юксак санъат даражасига кўтарилганди. Ушбу мозаикалар ҳар хил қияликдаги хомсувоққа қадаб териларди. Томошабин бино ичида юрганда безакларда акс этган нур унда ранг-баранг хилда чакнаб, жилваланиб кўринарди.

Ушбу даврнинг ажойиб ёдгорликларидан бири Хори монастири мозаика ва фрескалари эди (ҳозирги Қаҳрия жомеъ масжиди, Истанбул). Меъморчилик соҳасининг олий чўққиси, шак-шубҳасиз, Константинополдаги Мукаддас София ибодатхонаси ва унинг мозаикаларидир.

Ибодатхоналарга иконалар — пайғамбарлар, авлиё-анбиёлар ва фаришталар сурати солинган бутлар, "Инжил"дан олинган сахналар тасвирланган суратлар жойлаштириларди.

Меъморлар V—VI асрлардаёқ шаҳарларни режалаштиришнинг янги услубларини яратишди. Ушбу услуб бутун ўрта асрлар меъморчилиги учун қўлланма бўлди.

Янги кўринишдаги шаҳар марказида бош майдон ва ибодатхона жойлашиб, ундан шаҳарнинг турли томонларига кўчалар таркалган. Худди шу пайтдан кўпқаватли, пештокли уйлар, бойларнинг мустаҳкам қошоналари, саройлари пайдо бўлди. Византияда черков ва ибодатхоналар қурилиши ҳам юксак санъат

даражасига кўтарилди. Унинг бекиёс тимсоли Муқаддас София ибодатхонасидир. Ибодатхона Юстинианнинг буйруғи билан 532—537 йилларда бунёд этилган бўлиб, фақат бино гумбази диаметрининг ўзи 30 метрдан ортиқроқдир. Ибодатхона ичидаги устунлар, унинг деворлари турли рангдаги мармарлар ва мозаикалар билан копланган.

Шарқий Рим империяси ўз инқирозига қадар маданияти юксак мамлакат эди. Куплаб мамлакатлар қироллари, князлар ва епископлар рассомлар, меъмор ва заргарларни Византиядан таклиф қилишарди. Илмга чанқоқ ёшлар математика, тиббиёт ва Рим қонунларини ўрганиш учун турли мамлакатлардан Константинополга келишарди.

Византия маданияти қўшни мамлакатлар маданиятининг ўсишига салмоқли ижобий таъсир кўрсатди. Болгария, Сербия ва Киев Руси христиан динини Византиядан қабул қилди. Кўпгина диний китоблар юнон тилидан славян тилларига таржима қилинди. Рус ерларидаги дастлабки ёштин ибодатхоналар ҳам византиялик меъморлар томонидан қурилди. Урта Осиёлик буюк алломалар Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, ал-Хоразмийлар ҳам антик дунё олимлари асарлари билан Румдан (Византияни ўзимизда шундай аташган) келтирилган нусхалари орқали танишганлар, ўзларининг буюк кашфиётларида улардан фойдаланишган.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Византия империяси қандай вужудга келганини гапириб беринг.
2. Империяда қўлдорлик инқироzi нима сабабларга кўра кеч содир бўлди?
3. Император Юстиниан фаолияти ҳақида сузлаб беринг.
4. Византияда ер-мулк муносабатларининг янги шаклига ўтиш қачон ва қандай содир бўлди?
5. Византияда маорифнинг тараққиёти ҳақида мисоллар келтиринг.
6. Византияда илм-фан соҳасида қандай кашфиётлар қилинди?

7. Византияда тасвирий санъатнинг ривожига ҳақида гапириб беринг.

8. Меъморчилик соҳасида Византияда эришилган ютуқлардан қайсыларини биласиз?

9. Византия маданиятининг дунё халқлари маданияти билан алоқаларини исботлаб беринг.

Ўйлаб кўриб хулоса чиқаринг!

Византия тарихчиси ёзишича, кунлардан бирида император Юстиниан кабилалардан бирининг оксоқолига юборилган Византия тухфалари бошқа кабила сардори томонидан тортиб олинганлигини билди. Император совғадан куруқ қолганга шундай мазмунда хат жўнатди: "Мен сени кабила бошликлари ичида энг қудратлиси ҳисоблаб, совғалар юборган эдим, аммо бошқа бир кимса ўзини ҳаммангиздан устун қўйиб, уни зўрлик билан тортиб олди. Сен ўзингни ундан юқори туришингни кўрсатгин ва у нарсани қайтариб олиб, қасос олишни унутма".

Византия ўз қўшниларига нисбатан қандай сиёсат юритган? Қадимда қайси давлат шундай сиёсатни олиб борган?

III б о б. VI—X асрларда Осиё халқлари

9-§. VI—VII асрларда араблар

1. Ислом динининг вужудга келиши ва тарқалиши. Феодал муносабатлари дунё миқёсидаги жараён бўлиб, у Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада ҳам ўрнатилган. Жумладан, арабларда ушбу ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ўтиш янги ислом динининг вужудга келиши билан ҳамма бўлиб бўғлиқдир. Христиан динининг Фарб мамлакатлари маданиятида қанчалик муҳим аҳамияти бўлса, ислом дини Шарқ дунёсида ўшанчалик аҳамият касб этади. Араблар забт этган мамлакатларда ислом дини тарқалди ва феодаллашув жараёни тезлашди.

2. Арабистон табиати ва аҳолисининг машғулоти. Арабистон... Тоғлар, қирлар, дашт-

лар, чўлу биёбонлар мамлакати. Арабистон яриморолнинг энг қадимги аҳолиси деҳқончилик билан шуғулланган. Улар жанубий районлардаги ва яриморолнинг марказидаги сувли воҳаларда яшаганлар.

Чўлу биёбонларда аҳоли анча кейин, кўчманчи чорвачилик пайдо бўлганидан сўнг яшай бошлаган. Табиий савол туғилади: кўчманчилик қачон, қаерда ва қайси халқ томонидан кашф қилинган? Бу саволга бугунги кунда тўлиқ жавоб бериш анча мушкулдир. Факат бир нарсани аниқ айтиш мумкин: кўчманчи чорвачилик деҳқончиликдан анча кейин пайдо бўлган. Чорвачилик жисмоний кучга нисбатан юксак идрокни талаб қилган ва деҳқончиликка нисбатан унумлироқ махсулот берган. Хўжаликнинг унумли бўлиши эса ўз навбатида чорвадорларга бекиёс куч берган. Ўзок ўтмишга, тарихга назар солсак, чорвадорлар доимо деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли ерларини истило қилганлар. Мавзуимизнинг асосий қахрамонлари бўлган кўчманчи араблар — бадавийлар (сахройилар) ҳам бошқа чорвадор қабилалар каби, туячилик, қўйчилик ва йилкичилик билан шуғулланганлар. Улар турли дағал ўтлар ва янтоқлар битадиган сахролар бўйлаб ўз молларини боқиб, яйловдан яйловга қучиб юрадилар.

Бадавийлар оғир ҳаётидаги асосий йўлдошлари ва ёрдамчиси туя эди. “Уларда туялар бўлмаганда, — деб ёзади француз арабшуноси Анри Ламменс, — кўчманчиларнинг ярми сувсизликдан ҳалок бўлар эди”. Туянинг сути ва гўшти бадавийнинг овқати, юнги кийим-бош бўларди; улар жазирама иссиқдан, шунингдек, киш совуғидан ҳам туя юнгидан қилинган кигиз чодирда жон сақлардилар. Туялар кўчманчилар ҳаётидаги муҳим юк ташиш вазифасини ҳам бажарарди.

Арабистон яриморолнинг ғарбий ва жанубий қисмидаги (Яман, Уммон) ўтроқ араблар суғорма деҳқончилик билан шуғулланардилар. Кудук ва оқар сувлардан фойдаланиб экинзор, боғлар, хурмозору тоқзорларни яратган ўтроқ аҳолида қадимий маданият, милoddан аввалги I мингйилликдаёқ ёзув пайдо

бўлганди. Византиядан Африкага ва Ҳиндистонга борадиган савдо йўллари қадим замонлардан Қизил денгиз қирғоқлари бўйлаб ўтарди. Урушлар пайтида ипак йўлидаги савдонинг тўхташи Арабистондаги қарвон йўлининг жонланишига олиб келарди. Қарвон йўллари атрофидаги моллар сақланадиган оморлар, қарвонсаройлар пайдо бўларди. Унга хизмат қиладиган, кишилар яшайдиган шаҳар ва қишлоқлар ана шу қарвон йўллари устида вужудга келганди. Уларнинг ичида энг йириги Макка шаҳри эди. Қўчманчи қабилалар қарвонни туялар ва қарвонлар билан таъминларди.

Мамлакатда ички савдо ҳам яхши ривожланган бўлиб, қўчманчилар қорва маҳсулотларини, деҳқон ва ҳунармандлар эса дон, газмол, қурол-яроғларни ўзаро айирбошлардилар.

3. Арабларда ижтимоий тенгсизликнинг бош-



9-расм. Қарвон саҳрога йўл олмоқда.

ланиши. Кучманчи араблар кўплаб қабила ва уруғлардан ташкил топган эдилар. Қадимий анъаналарга биноан уларда ер, сув умумий бўлса-да, чорва моллари айрим оилаларга қарашли эди. Олимларнинг фикрича, IV--VI асрлар давомида Арабистон яриморотида иқлимнинг бирмунча нам келиши аҳоли сонининг ўсишига, натижада кучишлар ва қабилалар орасидаги тўқнашувларнинг кўпайишига олиб келди. Шу сабабдан қабила-уруғчилик тузумининг емирилиши тезлашди. Пировардида VI--VII асрлардан шаҳарларда ҳам ижтимоий инкироз, танглик сезила бошлади. Арабистоннинг ўзига хос шароитида уруғчиликнинг емирилиши бошқа мамлакатлардагига ўхшаш бўлмаган тарихий натижаларга олиб келди.

Ушбу вазиятда кўпхудоликнинг бўлиши ўзаро низоларни янада кучайтирарди. Араб қабилалари бошлиқлари аста-секин бойиб, зодагонлар тоифаси ташкил топа бошлади. Урушларнинг кучайиши жамият бой ва камбағалларга ажралишини тезлаштирди. VII аср бошларига келганда арабларда уруғчилик тузуми бутунлай инкирозга учраб, янги феодал жамияти шакллана бошлади.

4. Ислом дини ва арабларнинг бирлашиши. Арабистон яриморотида вужудга келган ижтимоий-иқтисодий вазият араб қабилаларини бирлаштиришни тақозо этарди. Ижтимоий зарурият қабилалар ичидagi пайдо бўлган мулкӣ табақаланиш, бойлар ва камбағаллар муносабатларини ҳал қилишни талаб қиларди. Иқтисодий вазият янги ерларни босиб олишни, яйловларни кўпайтиришни, камбағал уруғдошларга бойиш имкониятини яратишни тақозо этарди. Сиёсий жихатдан вужудга келган ташки муҳит ҳамма муаммоларнинг ечимини осонлаштирди. Византияда, Эронда, Яқин Шарқда, Шимолий Африкада, кейинчалик араблар босиб олган мамлакатларда бу пайтда на кучли ва на йирик жанговар қўшин бўлмаган.

Вужудга келган вазиятда янги дин -- ислом арабларни бирлаштирувчи омилга айланди. Ислом динининг асосчиси маккалик Муҳаммад алайҳиссалом бўлдилар. Ислом тарихчилари бўлажак пайғамбарни

570 йил 29 августда туғилган деб ёзадилар. Оталари Абдуллоҳ уша пайтда савдо ишлари билан Сурияда бўлиб, Маккага қайтишда қўққисдан вафот этади. Икки ойлик чақалоқ қолган Муҳаммадга отасидан 5 та туя, бир неча қўй ва ҳабашистонлик Баракат исмли қўл аёл меросга қолади. Ҳар йили баҳорда анъанага қўра шаҳарлик ёш болаларни Маккага келган Бану Саъд қабиласига мансуб аёллар жазирамадан асраш мақсадида тоғдаги яйловга олиб кетардилар. Муҳаммад ҳам олти ойлигида шу қабилалик Ҳалима исмли аёл тарбиясига ўтиб, қўчманчилар билан тўрт йил яшади. Муҳаммаднинг кейинги ҳаёти бобоси Абдулмуталлиб ҳомийлиги остида ўта бошлади. Онаси ва бобосининг ўлиmidан сўнг у амакиси Абу Толиб тарбиясида қолади.

Ислом дини манбаларида ёзилишича, Муҳаммад алайҳиссаломга 610 йилдан бошлаб Оллоҳ таолодан илоҳий оятлар аён бўла бошлади. У қудратли якка-ягона худодан, яъни Оллоҳ таолодан ўзга ҳеч қандай худо йўқ деб, ўзини расулуллоҳ — худонинг элчиси, пайғамбари деб эълон қилди.

Ислом дини китобларида айтилишича, Қуръони карим Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло томонидан пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломга туширилган ваҳийлар тўпламидир. Йигирма уч йил давомида нозил қилинган бу илоҳий китобда 114 та сура бўлиб, ҳар бир сура уч ёки ундан кўп оятлардан ташкил топган.

Муҳаммад алайҳиссалом арабларни ўзаро низоларни тугатишга ва янги динни қабул қилишга чақирди. Кейинги 10—12 йил унинг ваъзаларини аҳоли орасида ёйилишига, янги ислом динининг қарор топишига сарфланди.

Тарқоқ араб қабилаларининг кўпчилиги 630 йилдан ислом динини қабул қилиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳокимиятига бўйсундилар. Макка ислом динининг маркази, барча мусулмонларнинг муқаддас шаҳрига айланди.

Ислом динининг ёйилиши баробарида Арабистонда қўчманчи ва ўтроқ қабилалар бирлашиб ягона давлат вужудга келди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Араб қабилаларининг машгулотлари ҳақида гапириб бering.
2. Кучманчи бадавий қабилалари ҳужалигида, чорвачиликнинг қайси соҳаси алоҳида аҳамият касб этган?
3. Арабларда ижтимоий тенгсизликнинг пайдо булиши сабабларини аytинг.
4. Муҳаммад пайгамбар ҳақида нималарни эслаб қолдингиз?
5. Тарқоқ араб қабилаларининг бирлашувига сизнингча нималар сабаб бўлди?

10-§. Араб халифалигининг вужудга келиши ва тараққиёти

1. Араб халифалигининг ташкил қилиниши. Муҳаммад пайгамбарнинг вафотларидан сўнг халифа лавозимига саҳобаларидан бири Абу Бакр сайланди. Унинг ҳукмронлиги даврида (632—634 йиллар) Арабистон яриморолининг бутун аҳолиси ислом динига ўтди. Кейинги халифа Умар (634—644 йиллар) ўзининг соддадиллиги, адолатпарварлиги ва дин соҳасида каттиққўллиги билан ислом дунёсига танилган. Унинг даврида араб лашкарбошилари Фаластин ва Сурия, Миср ва Ливия, шунингдек, Эроннинг катта қисмини босиб олдилар. Учинчи халифа Усмон даврида ислом фатҳига давом берилиб, Эрон тўлиқ забт этилди. Ислом қўшинлари Доғистонни олдилар, Амударё хавзасига қадар етдилар. Усмон халифалиги даврида (644—656 йиллар) Куръони каримни тўплаш якунланди. Илгари турли бўлақларга битилган муқаддас суралар йиғилиб, текширилиб ягона китобга айлантйрилди. Пайгамбарнинг сафдошларидан сўнгги тўртинчи халифа Али (656—661 йиллар) бўлиб, унинг ҳукмронлиги ўз ракиблари билан тўхтовсиз урушларда ўтди.

Араблар VIII аср бошларида Шимолий Африкани ўзига бўйсундирдилар. Улар 711 йили Жабал ат-Тарик бошчилигида (Гибралтар бўғозининг номи унинг исми

шарифидан олинган) Испанияни босиб олдилар. Араблар Франциянинг Бордо шаҳри бўсағаларига қадар бўлган ерларни босиб олдилар. Фақат 732 йили Франклар қироли Карл Мартелл араблар ҳужумларига чек қўйди.

Шарқда араблар Кавказorti ва Ўрта Осиёни ҳам босиб олиб, аҳолисини ислом динига ўтказдилар. Уларнинг шарқдаги юришлари Шимоли-ғарбий Ҳиндистонга қадар давом этди.

Кенг кўламдаги истилочилик ҳаракатлари VII аср ва VIII асрнинг биринчи ярмида ниҳоятда катта давлат — Араб халифалигининг ташкил топиши билан яқунланди. Мағрибдан машриққа қадар чўзилган бу давлатнинг пойтахти Дамашқ шаҳри эди.

2. Араб халифалигида феодал муносабатлар. Араб давлати Эрон ва Византиянинг улкан ҳудудларини эгаллади. Босиб олинган мамлакатлардаги барча ерлар давлатники деб эълон қилинса-да, маҳаллий ҳокимият уларнинг илгариги эгаларида қолганди.

Дастлаб Сурия ва Эрон истило қилингандан сўнг араб зодагонлари халифа олдига ерни тақсимлаш масаласини қўйдилар. Лекин халифа ерни эгаларида қолдиришни буюрди. Манбаларда ёзилишича, халифа Умар “Истило қилинган ерларни мусулмонларга бўлиб берсак, биздан кейин келганларга нима қолади?” деган фикрни айтиб, бу ишни маъқул топмасдан тақиқлаган.

Илгариги хонлар, императорлар, жангларда ҳалок бўлган ҳокимият вакилларининг ерлари халифалик хазинаси ҳисобига ўтказиларди. Ушбу ерлар ниҳоятда катта майдонларни ташкил қилган. Фақат Ирок жанубидаги давлат ерларидан йилига 7 миллион дирхам даромад олинган.

Арабларда инъом этилган ерлар — *иктоъ* деб аталиб, уни олган киши фақат солиқ тўлабгина қолмасдан, ерни албатта ишлатиши шарт эди. “Агар ер олган киши унда уч йил деҳқончилик қилмаса, шу ерда ишлаган киши уни олишда биринчи навбатда имтиёзга эга бўлади”, — бу сўзлар ҳам халифа Умарга тегишлидир. Иктодан ташқари халифаликда мулк си-

фатидаги хусусий мулк тури ва ерга нисбатан жамоа мулкчилиги ҳам сақланиб қолган.

Халифаликда ер солиғи — *хараж* (хосилнинг 1/3 қисми) деб аталган. Шунингдек, мусулмон бўлмаган, меҳнатга яроқли эркак аҳолидан жузья, бойлардан 48, ўзига тўқ аҳоли вакилларида 24, камбағал деҳқонлардан ва ҳунармандлардан 12 дирҳамдан солиқ олинадди. Халифаликда қул меҳнати ҳам сақланиб қолганди.

3. Арабларга қарши халқ қўзғолонлари. Халифаликда VIII—IX асрларда бир қанча халқ қўзғолонлари бўлиб ўтди. Бу қўзғолонлар араблар ҳукмронлиги ва феодаллар зулмига қарши кўтарилган эди. Эроннинг Куфа шаҳрида 685 йили кўтарилган қўзғолонда араб ва форс аҳоли, шаҳарлик камбағаллар ва ҳунармандлар қатнашган. Ушбу қўзғолон 687 йили бостирилди.

Ўрта Осиёнинг Марв воҳасида 747 йили Абу Муслим бошчилигида кўтарилган деҳқонлар ва ҳунармандлар қўзғолонида маҳаллий савдогар ва бойлар ҳам иштирок қилганлар. Хуросон ва Мовароуннахрни қамраб олган бу қўзғолон натижасида Умавийлар ҳукмронлиги тугатилиб, халифалик ҳокимиятининг Аббосийлар қўлига ўтишида саркарда Абу Муслимнинг хизматлари катта бўлган. Аммо Абу Муслимнинг тахтга даъвогар бўлишидан қўрққан Аббосийлар уни хоинона ўлдирдилар.

Ниҳоят, 769—783 йиллари Мовароуннахрнинг маркази Сўғдиёнада Муқанна лақабли Ҳошим ибн Ҳаким ("Муқанна", яъни ниқобдор маъносини англатади) раҳбарлигида катта халқ қўзғолони бўлиб ўтди. Қўзғолончиларнинг жанговар гуруҳи оқ кийингани учун тарихда у "оқ кийимликлар қўзғолони" деб аталади. Араб халифалигини ларзага келтирган Мовароуннахр халқининг озодлик ҳаракати араблар томонидан зўрға бостирилди. Озарбайжонда 815 йилда бошланган қўзғолонга Бобек бошчилик қилди, у 20 йилдан ортиқ вақт давом этди.

Қўзғолонларда кўпинча диний, қабилавий ва сиёсий келишмовчиликлар, муаммолар аралашиб, улар-

нинг ижтимоий моҳиятини аниқлаш жуда қийин. Араб халифалигининг парчаланиб кетишида мамлакат ичидаги келишмовчиликлар, урушлар, ҳокимият учун кураш, шу жумладан, халқ кўзғолонлари ҳам ўз ҳиссасини кўшди.

4. Халифаликнинг парчаланиши. Ўнлаб халқларни, юзлаб қабила-уруғларни бирлаштирган ғоят катта Араб халифалиги мустаҳкам давлат эмас эди. Халифаликдаги тахт учун талашлар, сарой низолари, бўйсундирилган ерли халқларнинг кўзғолонлари мамлакатнинг аста-секин заифлашувиغا олиб келди. Марказий ҳокимият вилоятлардаги ноибларини назорат қилмаганлиги сабабли бу лавозимлар баъзи қабила вакиллариغا берилиб, вақт ўтиши билан ворисий лавозимга айланиб борди.

Халифаликдаги биринчи мустақил амирлик Испанияда 756 йили ташкил топди. У Х асрдан Қурдоба амирлиги номини олди. Халифаликдан IX асрда Миср, Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистон ҳам ажралиб чиқди. Натижада Аббосийлар сулоласи вакиллари қўлида Яқин Шарқ ва Арабистон яриморолли қолди, холос. Арабларнинг қолган ерларининг қупчилик қисмини XI аср давомида салжукий турклар босиб олдилар. Халифаликнинг тарих саҳнасидан бутунлай йўқолиши 1258 йили Бағдоднинг мўғуллар томонидан истило қилиниши билан боғлиқдир.

Марказий ҳокимиятнинг заифлашуви, йирик феодалларнинг кучайиши ва бўйсундирилган халқларнинг ўз мустақиллиги учун олиб борган кураши Араб халифалигининг парчаланиб кетишига олиб келди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Араб халифалиги қачон ва қайси мамлакатларни босиб олди?

2. Картадан арабларнинг Ғарбий Европа ва Осиё томон юришларида охириги етиб борган географик манзилларини топинг. Халифаликнинг турли даврлардаги пойтахтларини аниқланг.

3. Қайси халифаларни биласиз?

4. Халифаликда ер эгаллиги муносабатлари қандай бўлган?

5. Арабларга қарши кутарилган қузғолонлар ҳақида гапириб беринг.

6. Халифалик ҳудудида қандай давлатлар вужудга келди?

11-§. Халифалик мамлакатлари маданияти

1. Халифалик маданиятининг вужудга келиши. Инсоният тарихида арабларга қадар ва улардан кейин ҳам кучманчи қабилаларнинг маданияти юксак бўлган халқларни истило қилганларидан гувоҳмиз. Демак, араблар истилоси ҳарбий жиҳатдан бизни унчалик таажжубга соладиган воқеа эмас. Ажаблантирадиган нарса шундаки, араблардан ташқари ҳеч қайси кучманчи халқлар истилоси инсоният тарихида янги цивилизацияни, янги маданиятни яратган эмас. Араблар истило қилган мамлакатларда эса янги маданият вужудга келди, у ҳақли равишда “араб маданияти” деб аталади. Араб маданияти Ер юзидаги бешинчи цивилизация бўлиб, у ҳозирги кунга қадар давом этиб келмоқда. Ушбу маданиятнинг туғилишида Макка шаҳрида, курайш қабиласи вакили Абдуллоҳнинг оиласида дунёга келган Муҳаммад алайҳиссаломнинг хизматлари бекиёсдир.

Истилолар араб давлати таркибига ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти турли даражада бўлган кўплаб мамлакатлар ва халқларни бирлаштирди. Натижада маданий бойликларнинг узаро таъсири, бир-бирини бойитиши учун яхши имкониятлар вужудга келди. Халифаликда давлат тили — араб тилининг бошқарувда, судда, адабиёт ва илм-фанда қўлланилиши бу жараёни янада тезлаштирди. Бунинг натижасида Шарқ дунёсининг олим-уламулари қайси халқдан бўлишидан қатъи назар араб тилида ижод қилдилар. Демак, халифалик мамлакатлари маданиятини фақатгина араблар эмас, балки унинг таркибидаги барча халқлар яратдилар.

Араб халифалигидаги иқтисодий юксалиш мамлакат маданиятининг юксак тараққий қилишини таъминлади. Суғориладиган майдонларда буғдой ва арпа

экиларди. Кенг майдонларда хурмо ва шакаркамиш етиштириларди. Жануби-шарқий Осиёдан келтирилган пахта ва шоли, апельсин ва лимон дарахтлари халифаликда кенг тарқалиши ҳам иқтисодий ривожланиш омили бўлди. Шоли, цитрус мевалар ва тут дарахтларини экиш Испания ерларига қадар тарқалди.

Уста ҳунаромандлар пахта ва юнгдан тўкиган нафис, сифатли газламалари халифаликнинг турли вилоятларига тарқаларди. Ўрта асрлардаёқ Эрон ўзининг гиламлари билан ном таратди. Сурияда ранг-баранг газламалар тўкилар, шиша буюмлар чиқариларди. Дамашқ пўлатидан ясалган қилич, шамшир ва совутлар барча мамлакатларда, шунингдек, Европада ҳам машҳур эди. Араб савдогарлари Шарқ ва Ғарбнинг узоқ улкаларини фақат савдо-сотик билан боғлабгина қолмасдан, уларда маданият соҳасида эришилган ютуқларни тарқалишига ҳам ёрдам бердилар.

2. Илм-фан. Жаҳон адабиёти дурдоналари VIII асрдан араб тилига кўплаб таржима қилина бошланди. Халифа Ҳорун ар-Рашид ва унинг ўғли ал-Маъмун даврида (VIII аср охири — IX аср бошлари) маълум режага асосланиб таржима ишларига янада кенг йўл очилди. Халифа саройидаги илмий марказ Байтулҳикма — “донишмандлик уйи”да ташкил этилган махсус ҳайъат томонидан қадимги юнон, рим, византия, форс ва хинд олимлари ва алломалари асарларини асл нусхаларидан таржималар қилиш йўлга қўйилди.

Илк уйғониш даврига қадар Ғарб дунёсида: Птоломей, Аристотель, Эвклид, Гиппократ, Гален, Архимед асарларининг арабчадан лотинга ўгирилган ҳолда ўрганилганлиги ҳам бу фаолият махсули бўлган эди. Араб маданиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда аниқ фанлар жуда тараккий топган эди. Айниқса, ҳунаромандчилик ва савдо-сотик билан боғлиқ бўлган фанлар: математика, астрономия, география яхши ривожланди.

Хоразмлик Муҳаммад ал-Хоразмий (IX аср) математика фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. У алгебрани (“алжабр”, яъни ҳисоб илми) кашф этди.

Математикада хинд рақамларидан фойдаланиш бошланди. Кейинчалик Европага ўтган бу рақамлар ҳозирги кунга қадар “араб рақамлари” деб номланади.

Бағдод ва Дамашқда расадхоналар қурилди. Астрономлар мураккаб асбоблардан фойдаланиб, Ер шарининг ҳажмини ҳисоблаб чиқа олдилар. География фанининг таракқиётига ҳам араблар катта ҳисса қўшдилар. Араб сайёҳлари бошқа мамлакатлар ҳақидаги маълумотларни фақат китоблардан олиш билан чегараланиб қолмасдан, европалик Марко Поло, Руи де Клавихо ва Плано Карпинилардан бир неча аср аввал Ҳиндистон ва Хитой, Африка ҳамда Шарқий Европанинг энг ички районларига кириб бордилар. Араб сайёҳларидан Масъудий, Ибн Даст, Ибн Фадлан ва бошқалар бу ўлкалар ҳақида асарлар ёзиб, карталар туздилар.

Халифалик ва унинг маданий таъсирида бўлган мамлакатларда тиббиёт раванқ топди. Ўрта Осиёлик улуғ олимлар Абу Али ибн Сино, Абу Бакр ар-Розийларнинг тавсиялари ва асарларидан Европа тиббиётида XVII асрга қадар кенг фойдаланди. Умуман, Ўрта Осиё кейинчалик халифаликдан ажралиб мустақил бўлса-да, бу диёрдан араб маданияти билан боғлиқ маданий уйғонишнинг маънавий ютуқларини ўзида мужассамлаштирган буюк алломалар етишиб чиқди.

3. Адабиёт. Савдогар ва сайёҳлар узок мамлакатлардан фақат қимматбаҳо моллар келтириб қолмасдан, ажойиб саргузаштлар, эртақлар ҳам эшитиб келардилар. Улар бу эртақларни халифа саройида, зодагонлар базмларида, бозор ва куча-қўйларда сўзлаб берардилар. Бу эртақ ва афсоналар тўпламлари асосида дунёга машҳур араб адабиёти дурдонаси “Минг бир кеча” яратилди. Шеърят юлдузларидан ал-Мутаннабий, Абул Аъло ал-Маарийлар мероси жаҳон маданияти тарихида алоҳида ўрин тутди.

4. Меъморчилик ва санъат. Халифаликда барча санъат турларига нисбатан меъморчилик раванқ топди. Мухташам саройлар, масжиду мадрасалар, қалъалар энг кўп қуриладиган бинолар ҳисобланарди. Фарнотадаги (Гренада, Испания) Ал-Ҳамро (Алгамбра)

саройи ҳозирги кунга қадар ҳаммани ҳайратга солаётган меъморчилик дурдоналаридан биридир. Курдобадаги (Кордова, Испания) масжид, Қоҳирадаги Ҳасан масжиди, Қуддусдаги Умар масжиди, Бухородаги Исмоил Сомоний мақбаралари фикримизнинг ёрқин далилидир. Меъморлар қурган бинолар, тошга ўйилган нақшлар ва қошинлар билан зийнатланган деворлар, бино саҳнидаги қадама нақшлар арабларнинг ўзига хос бир-бирига қирмашиб кетган безаги — “арабеска”лари билан безатиларди. Тошларга ўрнатилган қунгурали нақшлар ва ранг-баранг безаклар, вазнсиз ҳолатда тургандай таассурот қолдиради.

5. Халифалик маданиятининг аҳамияти. Европаликлар қўлаб илм-фанга оид билимларни халифалик мамлакатларидан ўргандилар. Шарқ мамлакатларидан фақат тиббиёт ёки математика соҳаларидаги ютуқларгина эмас, балки астрономия, қарталар чиқиш, глобус, қомпаслардан фойдаланиш ҳам дунё мамлакатларига маъқур минтақадан тарқалди. XVI асрдан бошлаб ривожланиш маркази Европага ўтган бўлса, бу жараёнда ислом Шарқи фани ва маданиятининг ҳиссаси беқийсдир.



10-расм. Қоҳирадаги Ибн Тулин масжиди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Араб цивилизацияси деб нимага айтилади?
2. Халифалик маданияти юксалиши омилларини айтиб беринг.
3. Ўрта Осиёлик буюк алломалардан кимларни биласиз?
4. Ватандош олимларнинг маданий меросидан мисоллар келтиринг.
5. Адабиёт, меъморчилик ва санъат соҳаларидаги ютуқларни гапириб беринг.
6. "Минг бир кеча" китобининг қиммати, ҳеч сунмас шуҳрати нимада деб ҳисоблайсиз?
7. Халифалик маданиятининг аҳамияти нимада?

Буни ўқинг!

Яшаш санъати

Қўшиқчи ва мусикачи Зирийаб IX асрда яшаган. У машхур халифа Ҳорун ар-Рашид саройида хизмат қилган. Кейинчалик Зирийаб Испанияга кетади. Бу ерда у кийиниш ва базмлар борасида кўплаб янгиликларни "ихтиро" қилади. Жумладан, мавсумга мослаб кийинишни Зирийаб ўйлаб топган. Базм дастурхонларида нозик ва нафис шиша идишлар, олтин ёки кумуш идишларга нисбатан чиройли туршини, дастурхонга таомлар: аввал шўрвалар, сўнг гўштли қуюк таомлар, ундан кейин парранда эти ва охирида ширинликлар қўйилиш тартибини ҳам у жорий қилади.

(М.Бойцов, Р.Шукуров. Ўрта асрлар тарихи. М., 1995, 102--103-бетлар.)

12-§. IX—XII асрларда Ўрта Осиёда маданий юксалиш

1. Хўжалик ҳамда фан ва маданиятнинг юксалиши сабаблари. IX асрнинг иккинчи ярмига келиб Ўрта Осиё мустақилликка эришди ва бу ерда Араб халифалиги таъсиридан қутулган Сомонийлар ҳукмронлиги остида марказлашган давлат ташкил топ-

ди. Сунг бу худудда маҳаллий туркий давлатлар: Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар давлати вужудга келди.

Бу даврда Бухоро, Самарқанд, Марв, Кўҳна Урганч, Термиз, Тошкент каби шаҳарлар ҳужалик, фан ва маданиятнинг йирик марказларига айланди. Минтақада меъморчилик, ҳунармандчилик, савдосотик, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, маданий алоқаларини ривожланишида Шарқ ва Ғарб уртасида “олтин куприк” бўлган “Буюк Ипак йули” муҳим аҳамият касб этди. Айни шу даврда ушбу заминдан ўз ижоди билан жаҳон илм-фан ва маданиятига улкан ҳисса қўшган улўғ алломалар етишиб чикди.

Ҳўжалик ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларидаги бундай юксалишга, аввало, араб истибдодидан қутулиш, марказлашган мустақил давлатларнинг вужудга келиши, шунингдек, араб тилининг давлат, ислом ва фан тили даражасига кутарилиши натижасида мусулмон Шарқи мамлакатлари билан ягона дин ва тил асосида маданий алоқаларнинг кучайиши муҳим сабаб бўлиб хизмат қилди.

2. Ўрта Осиёда уйғониш ва Шарқ дунёсининг буюк даҳолари. IX—XII асрларда Ўрта Осиё маданий юксалишининг илк уйғониш даври маданият тарихида сўнмас из қолдирди ва Европа Ренессансининг вужудга келишига катта таъсир қўрсатди.

Бағдодда халифа Ҳорун ар-Рашид (786—809 йиллар) томонидан асос солинган илмий марказ — “Байтулхикма”га монанд ҳолда Урганчда (ҳозирги Кўҳна Урганч) X аср охири — XI аср бошларида фаолият қўрсатган “Маъмун академияси” бу ерда илм-фаннинг янада раўнақ топишига хизмат қилди. Бу илм марказида улўғ алломалар — Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино ва бошқа буюк зотлар илмий иш олиб борганлар.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (тахминан 783—850 йиллар) асли Хива шаҳридан бўлиб, математика, астрономия, география ва бошқа фанлар соҳасида баракали ижод қилди ҳамда “алжабр” (алгебра) фани ва “алгоритм” тушунчасига асос солди.

“Алгебра” сузининг ўзи эса унинг “Китаб ал-Жабр вал-муқобала” (Тиклаш ва қиёслаш китоби) деган рисоласи номидан олинган. Унинг арифметикага оид рисоласи хинд рақамларига асосланган бўлиб, ҳозирги кунда биз фойдаланадиган ўнлик позицион ҳисоблаш тизими ва шу тизимдаги амалларнинг Европада тарқалишига сабаб бўлди. Олимнинг “ал-Хоразмий” нисбаси эса “алгоритм” шаклида фанда абадий ўрнашиб қолди. Унинг XII асрдаёқ латин тилига таржима қилинган “Зиж” (Астрономик жадваллар), “Ҳисоб ал-Ҳинд”, “Қуёш соати ҳақидаги рисола” ва бошқа асарлари Шарқ ва Ғарб мамлакатларида ўрта асрлар илмий тафаккурининг тараққиётига самарали таъсир кўрсатди.

Мовароуннахрнинг Фарғона вилоятидаги қадимги Қубо (ҳозирги Кува) шаҳрида таваллуд топган Аҳмад ал-Фарғонийнинг (798—865 йиллар) ижодий фаолияти Бағдоддаги илмий марказ (академия) билан боғлиқ бўлиб, ҳозирги кунда унинг 8 асари бизга маълум. Алломанинг энг машҳур асари “Юлдузлар илми ва самовий ҳаракатлар ҳақида тўплам”и ҳисобланади. Унинг бу китоби Европада Коперниккача бўлган астрономия фанида асосий қўлланма бўлиб хизмат қилган. У сферик тригонометрия асосчиларидан биридир. Ал-Фарғоний нисбаси латинчада “алфраганус” шаклида ёзилиб, шу ном остида у фанга абадий кирди.

Буюк файласуф, қомусий олим Абу Наср ал-Фаробий (873—950 йиллар) Сирдарё қирғоғидаги Фароб деган жойда туғилиб, Фароб, Тошкент, Бухоро ва Самарқандда ўқиди. Кейинроқ Бағдод ва Дамашқда яшаб ўз маълумотини ошириб, умрини илмга бахшида этди. У фаннинг барча соҳаларини камраган 160 дан ортиқ асарлар ёзган ва айрим маълумотларга қўра 70 дан ортиқ тилни билган.

Ал-Фаробий барча илмлар ривожига катта ҳисса қўшганлиги, хусусан, юнон фалсафасини шарҳлаб, дунёга таништирганлиги учун Шарқ мамлакатларида “Иккинчи Аристотель” деб улуғланган.

Ўрта асрнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Беруний (973—1048 йиллар) Хоразмнинг қадимги пой-

тахти Кот шахрида туғилди. Унинг илмий мероси турли фан соҳаларига доир 150 дан ортиқ асардан иборат бўлиб, улардан фақат 30 таси бизгача етиб келган.

Беруний фаннинг турли соҳаларида янги фикрлар ва кашфиётларни олға сурадики, бу кашфиётлар урта аср Шарқида узок вақтгача фан тараққиётини белгилаб берганлигидан гоёт катта аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, у биринчи бўлиб Ернинг Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги ажойиб фикрни илгари сурди ва Ернинг думалок шаклда эканлигини асослаб берди ҳамда Ер глобусини яратди. Шунингдек, олим дунёнинг географик картасини тузиб, Америка қитъаси борлигини илмий башорат қилган.

Беруний турли жойларнинг географик кенглиги ва узоклигини аниқлаш йўлларини танлаб олишда новатор ҳисобланади. Унинг фойдали қазилмалар қатламининг пайдо бўлиши, жинслар емирилишининг аҳамияти, тоғ жинсларининг нураши каби ҳулосалари катта илмий аҳамиятга эга бўлди. Олим зичлик тушунчасини биринчи бўлиб фанга киритиш билан қазилма бойликларни қидириб топиш қонуниятлари очирилишини бошлаб берган эди.

Беруний урта аср шароитида ҳақиқий тажрибага, кузатиш, экспериментга асосланувчи аниқ илмий тафаккурни бошлаб берувчилардандир.

Шарқнинг буюк сиймоларидан бири — комусий олим, мутафаккир, табиб, файласуф, шоир Абу Али ибн Сино (980—1037 йиллар) бўлиб, у Европада Авиценна номи билан машҳурдир. Ибн Сино Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилган, истеъдодли, хотираси кучли, зехни ўткир бўлганлигидан ўз даврида маълум бўлган илмларни тез эгаллаган. У 16 ёшдаёқ машҳур табиб — ҳаким бўлиб танилди ва кейинчалик “Олимлар бошлиғи”, “Табиблар подшоҳи” каби энг буюк номларга сазовор бўлди.

Ибн Сино асарларининг умумий сони 450 дан ошадди, бироқ бизгача фақат 160 га яқин асари етиб келган. Унинг, айниқса, “Тиб қонунлари” асари XII асрдаёқ латин тилига таржима қилиниб, 800 йил да-

вомида Фарб мамлакатлари университетларида асосий қўлланма бўлиб келган ва ҳозир ҳам бир қанча тиббий ўқув юртларида ўрганилади.

3. Мовароуннаҳрда ислом маданиятининг юксак тараққиёти Дунёвий фан олимлари билан бирга бу даврда ислом таълимоти ва мафкурасининг такомили йўлида мовароуннаҳрлик диний уламоларнинг хизмати катта бўлди. Зеро, ислом Арабистонда вужудга келган бўлса ҳамки, у Мовароуннаҳрда равнақ топди. Бу диёр алломалари ўз дурдона асарлари билан ўрта асрларда Куръон тафсири, ҳадисшунослик, араб филологияси, фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги), калом (ислом фалсафаси) илмларининг турли соҳалари тараққиётида янги даврни бошлаб бердилар.

Куръон мазмунини шарҳлаб, тафсирини баён қилувчилар бўлмиш муфассирларнинг аксарияти (Имом ал-Мотирудий, Имом Абу Лайс ас-Самарқандий, Имом аз-Замахшарий, Имом ан-Насафий) ушбу диёр вакиллари эди.

Ҳадис исломда Куръондан кейинги муқаддас манба ҳисобланиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг диний ва ахлоқий кўрсатмалари, ҳикматли сўзларидан иборатдир. Ҳадислар тўплами сунна деб ном олган бўлиб, ислом дунёсида энг нуфузли деб эътироф этилган 6 та ишончли ҳадислар тўплами муаллифларининг ҳам аксарияти Ўрта Осиёликдир. Шулар ичида “Ҳадис илмида амиралмуминин” деган шарафли номга сазовор бўлган буюк муҳаддис олим Имом ал-Бухорийнинг “Саҳиҳи Бухорий” тўплами энг муътабари ҳисобланади.

Бу даврда ушбу заминда ислом ҳуқуқи — шарият анча ривож топган бўлиб, бу соҳада ҳам мовароуннаҳрлик алломалар бой мерос қолдирганлар. Айниқса, бу борада Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари ислом оламида машҳур бўлди. Шунингдек, ислом динига асосланувчи мусулмон оламида кенг тарқалган буюк таълимот — тасаввуф жамият маънавий ҳаётини ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. Бу ерда яссавия, нақшбандия, кубравия каби турли суфийлик тариқатлари шаклландики, улар орқали ин-

соният ислом динининг ички ва ташқи гузаллигини, унинг бук-инсонпарварлик моҳиятини англаб етди. Чунки, тасаввуф таълимотининг ўзаги — инсон ва уни маънавий жихатдан камол топтиришдир.

Саволлар ва топшириқлар:

1. IX—XI асрларда Ўрта Осиё фани ва маданиятининг гуллаб-яшнашига олиб келган омилларни кўрсатинг.

2. Ривожланган ўрта асрларда Ўрта Осиёлик алломаларнинг жаҳон илм-фани ва маданиятига қўшган ҳиссаларини айтиб беринг.

3. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданиятининг Европа Уйғониш даври маданиятини вужудга келишидаги катта таъсирини далиллар билан изоҳланг.

4. Ушбу даврда ислом мусулмон Шарқда нафақат дин сифатида, балки маданият, маънавиятнинг шаклланишида ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатинг.

5. Ўрта Осиёлик диний уламолар ислом маданиятининг ривожига қандай ҳисса қўшдилар?

Ўйлаб кўриб хулоса чиқаринг!

1. Нима учун ушбу даврда яшаган олимлар комусий (бир неча илм соҳасида) билимларга эга бўлганлар деб ўйлайсиз?

2. Ушбу давр маданиятининг етакчи ғоялари нималардан иборат деб ўйлайсиз?

3. Мустаҳкам давлатчилик юзага келишининг аҳамияти нимада?

4. Бу даврда ислом динининг назарий масалалари билан бирга қандай соҳалари кенг ривож топган?

13-§. Илк ўрта асрларда Хитой

1. Хитойнинг бирлашиши. Милодий III асрга келиб Хитойда қадимги Хань қулдорлик империяси инкирозга учраб, ўрнида учта мустақил подшоликлар вужудга келди. Кейинчалик Европага қадар кўчиб борган хун қабилаларининг бир қисми III—IV аср-

ларда Хитой ерларига ҳам бостириб кирди. Майда подшоликларга бўлиниб кетган Хитой кўчманчи хунлар қабилаларига қаршилиқ кўрсата олмади. Фақат VI асрнинг иккинчи ярмида Урта Осиёда вужудга келган Турк хоқонлиги истилоси хавфи Хитойнинг бирлашишига туртки бўлди. Янги шаклдаги феодал давлатини чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган Суй сулоласи вакили бошқарар эди. Императорнинг ихтиёрида кўпсонли амалдорлардан ташқари, кучли армия ҳам бор эди. Илк феодал Суй империясининг (589 йил) ташкил топиши Хитой тарихида кескин бурилиш даври бўлди. Мамлакатнинг бирлаштирилиши 4 асрдан буён давом этаётган ўзаро урушларга чек қўйиш, иқтисодий юксалиш ва маданий ривожланиш имкониятини яратди. Хитойда экин майдонлари кенгайди. Аҳоли сони бирмунча кўпайди, шаҳарлар қайта тикланиб, савдо-сотиқ жонланди. Янги ҳокимият солиқларни тартибга солди ва мамлакатда пул ислохотини ўтказди.

Вилоятлар орасида алоқани мустаҳкамлаш, солиққа олинган маҳсулотларни ташиш мақсадида Хуанхэ ва Янцзи дарёлари орасида Буюк канал қурилиб, мамлакат миқёсида ягона сув йўли барпо этилди. Ушбу сув йўли Хитойнинг шарқида денгизга чиқиш имкониятини берди. Аммо Хитойда Суй сулоласининг идора қилиши узоққа бормади

618 йилда Шимоли-ғарбий Хитойнинг князларидан бири Ли Юань ҳокимиятни босиб олиб, Тан сулоласига (618—907 йиллар) асос солди.

2. Аграр муносабатлар. Янги империя бутун ерларни давлатники деб эълон қилди. Аҳолига ер тақсимлаб бериш тартиби бутун мамлакатга ёйилди. Хитойда 624 йили қабул қилинган қонунга кўра ҳар бир хўжалик, уйи ҳамда боғ ховлисидан ташқари, 80 му^{*} ҳайдаладиган ер олиши ҳуқуқига эга бўлди. Боғда мевали дарахтлар билан бирга албатта тут кўчати ўтказилиши шарт бўлган. Деҳқон ўз хўжалигидаги боғ ва ховлисини сотиши, гаровга қўйиши мумкин

^{*} Му — 1 му 0,06 гектарга тенг ер майдони.

эди. Лекин давлат томонидан ажратилган ер дахлсиз хисобланарди. Дехқон олинган ер хисобига давлатга турли солиқлар туларди.

Император ҳокимиятининг кучайиши дехқонлар меҳнат мажбуриятларининг йилига 30 кунгача кўпайишига олиб келди. Кейинчалик давлат баршинаси узлуксиз, муҳлати чегараланмайдиган қилиб қўйилди. Манбалар бундай дехқонларнинг қул каби ишлатилиши: Лоян Буюк канали қурилишида — 2 миллион, Буюк Хитой деворини қуриш ва таъмирлашда — 1 миллион, Кореяни истило қилишда — 1 миллиондан ортиқ кишини жалб қилинганлиги ҳақида маълумотлар беради.

Император лашкарбошилари, амалдорлар ва феодаллар йирик ер майдонларига эгалик қилганлар. Феодал зодагонларга уларнинг унвонига ва лавозимига қараб ер берилган. Энг юқори унвонли зодагон 10 минг му, энг қуйи тоифадаги киши 500 му ер олиши мумкин бўлган. Алоҳида хизмат кўрсатган ҳарбийлар ва давлат амалдорларига 6 мингдан 300 муга қадар ер инъом этишлари манбаларда кўрсатилган. Импера-



11-расм. Шоликорлик.

тор лашкарбошилари ва ерни инъомга олган бошқа амалдорларни солиқлардан озод қилган.

3. Шаҳарлар, ҳунармандчилик ва савдо. Хитойда VI асрдан шаҳар ҳаёти ва қурилишида бирмунча жонланиш бошланди. Чегара туманларида янги шаҳар-қалъалар барпо этилди. Дарёлар, денгиз портлари ва хомашё сероб жойларда эса янги хилдаги шаҳарлар — савдо-ҳунармандчилик марказлари вужудга келди. Мамлакатнинг йирик шаҳарлари: Чанъань, Лоян, Тайюань ўзларининг мухташам саройлари ибодатхоналари, истирохат боғлари, ҳовузлири ва гулзорлари билан машхур эди.

Денгиз қирғоғида, Буюк канал йўлида, VII асрнинг бошларида Хончжоу, шимол — жануб савдо йўли бўйида Кайфин, Буюк канал қирғоғида — Янчжоу шаҳарлари вужудга келиши ҳам ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши билан боғлиқ эди. Шаҳарларда кечаси кучага чиқиш ман қилинганди. Тан қонунларига биноан рухсатсиз шаҳар деворидан ошиб ўтиш 70 дарра калтаклаш билан жазоланиши белгиланганди.

Шаҳарларда ҳунармандчилик ривожланганди, тоғкон соҳаси, сопол, чинни буюмлар ишлаб чиқариш анча юксалди. Илк ўрта асрлардаёқ касбдош ҳунармандлар маълум кўча ва мавзеларда яшар эдилар.

Империянинг бирлашиши ва иқтисодий тараққиёти савдо юксалишини ҳам таъминлади. Хитойдаги энг катта бозор пойтахтда бўлса, транзит савдо маркази — Янчжоу шаҳри ҳисобланарди. Турли вилоятлар ўртасидаги савдони ривожлантиришга ярмаркалар хизмат қиларди. Хитойда VII асрдан ягона пул (цянь) жорий этилиши иқтисодий юксалишга янги имкониятлар яратди. Зарб қилинган танганинг ўртасида туртбурчак тешиги бўлиб, пулни ипга тизиш учун мулжалланган эди.

4. Ташки сиёсат. Тан сулоласи вакиллари даврида Хитой Турк хоқонлигига қарши катта уруш ҳаракатларини уюштирди. Кейинчалик император қўшини Буюк Ипак йўлида жойлашган Гаочан давлатини босиб олиб (640 йил), уйғурларга қарши кўп йиллик

урушни бошлади. Хитойнинг Фарбий Турк хоконлигига қарши 657 ва 679 йилги уруш ҳаракатлари ҳам муваффақиятли тугади. Империянинг Кореяга қарши уруши 668 йили Пхеньян шаҳрини олиш билан якунланди.

Хитой VII аср давомида Япония ва Ҳиндистон билан дипломатик алоқалар ўрнатди. Чет мамлакатлар билан савдо алоқалари кучайиб, VII—VIII асрларда Хитойга Византия ва Араб халифалигидан элчилар келдилар.

Сун сулоласи даврида (960—1279 йиллар) Хитойнинг халқаро алоқалари янада мустаҳкамланади. Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Ҳинди-Хитой билангина, эмас, балки Корея, Япония ва Индонезия билан ҳам кенг миқёсда ташқи савдо олиб борилди.

5. Маданият. Мамлакатнинг бирлашиши илм-фан, санъат ва адабиёт ривожланишига ҳам имконият яратди. VIII асрдаёқ Хитойда Ханлин Фанлар академияси ташкил қилинган бўлиб, бу академия давлат аҳамиятига молик дунёдаги энг қадимги илмий муассаса эди. Ўрта асрда Хитой ўзининг йилномалари билан донг чикарди. Хитойда VIII асрнинг бошларида “Пойтахт ахбороти” номли расмий ҳукумат газетаси вужудга келган бўлиб, бу газета XX асрнинг бошларигача нашр этилган. Алхимиклар абадий ҳаёт дорисини ахтариб, янги металллар ва минераллар хусусиятларини кашф этдилар. Табиблар илм ва сеҳргарликни мужассамлаштириб кўплаб ўсимликларнинг шифобахш хусусиятларини аниқладилар. Муҳандислар ва математиклар шаҳарлар ҳамда каналлар қурилишларида донг таратдилар. География, тарихшунослик, шеърини соҳалари ҳам юксак даражага кўтарилди. Пантомимо — имо театри ташкил топди.

Меъморчилик соҳасининг ривожланишига янги дин буддавийликнинг ёйилиши катта таъсир қилди. Кўпқаватли ибодатхоналар, пагодалардаги Будда ҳайкаллари, Юрдаги буддавийлик ибодатхоналари фикримиз исботидир.

Хитойда феодал муносабатларининг вужудга келиши бошқа мамлакатларга нисбатан бирмунча эрта

содир бўлди. Мамлакатда IX асрдан феодал жамиятнинг ривожланган даври бошланди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Хитойда феодал муносабатларига қачон утилди?
2. Мамлакатда деҳқонларнинг қандай аҳволда бўлганлигини гапириб беринг.
3. Хитойда шаҳарлар, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланишига мисол келтиринг.
4. Хитой ташқи сиёсатида қандай муҳим воқеалар содир бўлди?
5. Хитой маданиятида қайси соҳалар ривож топди?

Буни ўқинг!

Кўзойнакдан қачон фойдалана бошланган?

Ўрта асрларда аҳолининг асосий кўпчилиги саводсиз бўлиб, китоб энг камёб нарсалардан бири эди. Университетлар ташкил топиши ва ривожланиши XIII асрдан бошлаб кўзойнакларга эҳтиёж туғдиради. Европада 1299 йили — италян йилномаларидан бирида — унинг яқинда ихтиро қилингани ҳақида ёзилган. Олимларнинг фикрича, кўзойнак ўрта асрларда Хитой ёки Ҳиндистонда кашф этилган.

(А.Ястребицкая. XI—XIII асрларда Фарбий Европа. М., 1978, 34-бет).

14-§. Илк ўрта асрларда Ҳиндистон

1. Ҳиндистондаги ижтимоий-иқтисодий вазият. Кушон империясининг емирилишидан кейин хинд рожаларидан бири Чандрагупта I (320—340 йиллар) бошчилигида вужудга келган Гупталар давлати ва унинг ворислари даврида Ҳиндистонда феодал муносабатлари шакллана бошлади. Империя IV—V асрлар чегарасида Арабистон яриморолига қадар бўлган ерларни бирлаштирди.

Гупталар даврининг асосий хусусиятларидан бири феодал ер эгаллигининг шаклланиши бўлди. Импера-

торлар кенг микёсда ер инъом қилишлари натижасида IV—VI асрлар давомида амалдорлар, ҳарбийлардан иборат йирик ер эгалари солиқ йиришдан ташқари, деҳқонлар меҳнатидан фойдаланиш ҳуқуқига ҳам эга бўлдилар.

2. Жамоа-каста тузуми. Ҳиндистонда бошқа мамлакатларда учрамайдиган жамоа-каста тузумининг қадимги анъаналари сақланиб қолганди. Бу қишлоқ жамоасининг қўпқатламли бўлиши, унинг хусусий мулки оз-қўплигига эмас, балки каста тоифасига боғлиқ эди.

Қадимги Ҳиндистондаёқ дастлабки тоифаланиш муносабатлари пайдо бўлган эди. Ижтимоий даражадан кейин варна қаторида, касталар тартибига маълум белгилари асосида қишлоқлар жамоаси бирлигига қараб, мерос касб-кор, этник келиб чиқиши, диний ўзига хослиги, урф-одатлари, никоҳларининг эндогамлиги* ва ижтимоий келиб чиқишига асосланиб бўлинган:

1. *Брахманлар* — йирик ер эгалари, қўхонлар, амалдорлар ва аслзодалар;

2. *Қшатриялар* — ҳарбийлар, жангчилар тоифаси;

3. *Вайъшилар* — деҳқонлар;

4. *Шудралар* — хизматкорлар, ҳунармандлардан иборат бўлган.

Ҳиндистоннинг барча жойларида маълум ишларни бажариш, бирон-бир кастага бириктириб қўйилган. Олий каста аъзолари ўлган молга қўлларини теккизишлари ҳам мумкин эмасди. Бунинг учун, шудра-қўнчи ҳунарманд келиб, унинг терисини шилиб олиши керак бўлган. Брахманларга уликка тегиш диний жиҳатдан тақиқланган. Қишлоқларда ахлатларни тозалашни фақат шудраларга мансуб фаррош бажариши зарур эди. Олий каста аъзолари ҳатто ўз соқолларини олишлари ҳам ман этилган. Уларга, шунингдек, кир ювиш ҳам тақиқланганди.

Илк ўрта асрлар даврида ҳам Ҳиндистонда қўлчилик сақланиб қолганди. Қўллар қўпинча уй хизматко-

* *Эндогамия* ("эндо" — ички, "гамус" — никоҳ) — никоҳнинг фақат қабила-уруғ доирасида руҳсат этилиши.

ри вазифасини бажаришган. Расман дин кул меҳнатидан дала ишларида фойдаланишга ҳам рухсат берганди. Хужайин кулни озик-овқат билан таъминлашдан ташкари, унга йилига бир марта лунги, аёлларига сари учун газмол олиб бериши лозим эди.

Ҳиндистонда ишлаб чиқариш муносабатлари ана шу тарзда мураккаб бўлиб, уларни соф феодал муносабатлари деб айтиш анча мушкул. Гупталар империяси заиф сиёсий бирлашма эканлиги VI асрдаёқ маълум бўлиб қолди. Ғарбдан келган эфталийлар зарбалари остида давлат парчаланиб, унинг катта қисми истилочилар қулига ўтди.

3. Ҳиндистонда феодал тарқоқлик Хитойлик сайёҳ Сюань Цзаннинг ёзишича, Ҳиндистонда VII асрдан 70 га яқин катта-кичик князликлар бўлган. Бу князликларни рожалар бошқарган. Князь-рожалар ҳашаматли саройларда яшардилар. Ҳар бир рожа қариндошлари, ўзига яқин кишилари, амалдорлари ва жангчиларига хизматлари эвазига ер-мулки инъом қиларди. Мамлакатдаги қолган ерлар эса деҳқонларга ижарага бериларди. Ўрта асрларда Ҳиндистонда қоҳин-брахманлар, турли ибодатхоналар қулида ҳам йирик ер майдонлари тўпланган эди. Манбаларда рожалардан бири ибодатхоналарга 1400 та қишлоқни инъом қилганлиги қайд этилган.

Рожалар ўртасида ўзаро урушлар деярлик тўхтовсиз давом этарди. Босиб олинган ерлар ғолиб рожа томонидан ҳарбий ўлжа сифатида тақсимланарди. Рожанинг энг яқин қариндошлари, нуфузли зодагонларга ўз мавқеларига қараб, ўнлаб, баъзида юзлаб қишлоқлар, оддий ражпутга эса битта, гоҳида бир қишлоқнинг ярми ҳам тегиши мумкин эди. Инъом этилган ер — *грас* ("қултум" ёки "бўлак") деб аталган ва уни олган кишининг асосий мажбурияти ҳарбий хизматга доимо шай туриш бўлган. Ўз хонадонига кирмаган хизматкорларига рожалар ерни маълум хизмат муддатига беришарди. Ер эгалигининг бу тури — *патта* дейилган ("ёрлик" ёки "ёрликқа олинган ер"). Паттадан алоҳида хизмат кўрсатганларни тақдирлаш учун ҳам фойдаланилган. Феодаллашув

жараёнининг юксалиб бориши патта ҳам аста-секин меросий мулкка айланишини таъминлади.

Ўзаро урушлар натижасида заифлашиб қолган Ҳиндистон ўрта асрларнинг деярлик барча даврларида чет мамлакатларнинг талончилик майдонига айланиб қолди. Араб халифалиги парчаланишидан вужудга келган кучли мусулмон давлатларидан бири ҳозирги Афғонистон ўрнида бўлиб, унинг пойтахти Ғазна шаҳри эди. Ғазнавийлар давлатининг ҳукмдори Султон Махмуд Ғазнавий XI аср бошларида Ҳиндистонга 17 марта босқинчилик юришлари уюштирди. Мусулмон давлатларининг Ҳиндистонга асрлар давомида хужумлари унинг харобага айланишига олиб келди. Мусулмонлар аста-секин мамлакатнинг шимолий қисмини бутунлай босиб олдилар.

4. Аҳолининг ҳўжалик машғулоти. Шарқ халқларининг эртақларида Ҳиндистон афсонавий бойликлар мамлакати сифатида тасвирланган. Ғарбий Европада ҳам ҳинд рожаларининг беҳисоб бойликлари мавжудлиги ҳақида афсоналар кенг тарқалганди.

Ҳиндистоннинг тилларда дoston ғаройиб бойликлари фақат табиат инъоми бўлиб қолмасдан, асосан унинг меҳнатсевар халқи томонидан яратилган эди. Дехқонлар оғир меҳнати билан каналлар қазилиб, янги ерлар обод қилинарди. Кишлоқ ҳўжалигида қадим замонлардан буён шоли, пахта, шакарқамиш ва хилма-хил зираворлар, чой етиштирилар эди. Ҳинд деҳқони суғориладиган ерлардан йилига икки марта ҳосил оларди. Осиёдаги кўплаб мамлакатларга пахта ва шоли экинлари Ҳиндистондан тарқалган. Ҳинд ҳунармандлари кўп соҳаларда юксак санъат даражасида маҳоратга эришган эдилар. Заргарлар яратган зеб-зийнат буюмлари, олтин ва қумушдан қилинган кўзачалари, идишлари узоқ мамлакатларда маълум ва машҳур эди. Фил суягидан ва ёғочнинг қаттиқ навларидан ясалган ҳайкал ва ҳайкалчалар фақат Ҳиндистондаги ибодатхоналарни безаб қолмасдан, балки қўшни мамлакатлар ҳукмдорлари, бой зодагонлари саройларида ҳам бағоят қадрланган.

Тўқувчи қосиблар оддий ёғоч дастгоҳларда нихоятда

нафис ва сифатли газламалар тўкишарди. Уларнинг қанчалик ўзига хос бўлганлигини баъзи газламаларнинг “кечки шабнам”, “тан роҳати” деб аталганлигидан ҳам куриш мумкин.

5. Қўшни мамлакатлар билан савдо алоқалари. Қадим замонлардан Ҳиндистон яриморолининг ғарбий соҳилида кўплаб порт шаҳарлари вужудга келган ва ташки савдо ривожланишига хизмат қилган. Уларнинг энг йириги Каликут шаҳри эди. Мамлакат ғарбидаги энг кучли давлат ҳам Каликут бўлиб, унинг ҳукмдори “денгиз ҳокими” деб аталарди.

Порт шаҳарларнинг гавжум, сершовкин бозорларида минглаб четдан келган ва маҳаллий савдогарлар ўз молларини сотишарди. Турли газламалар, зираворлар ва бўёқлар, зеб-зийнатларни сотиб олиш учун бу шаҳарларга Хитой, Африка, Арабистон, Ўрта Осиёдан савдогарлар келишарди. Ҳиндистон билан савдода араб савдогарлари энг фаол қатнашиб, порт шаҳарларида уларнинг доимий қароргоҳлари бўларди.

6. Маданият. Ҳинд олимлари математика, астрономия ва тиббиёт соҳасида катта ютуқларга эришдилар. Ўрта асрларда ҳинд олимлари бошчилигида қурилган расадхоналар ҳозирги кунга қадар сақланиб келмоқда. Ҳинд астрономлари Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши ва унинг шар шаклида эканлиги фаразларни яратдилар. Ҳинд табиблари одам бош суягини очиб оғир жарроҳлик муолажаларини қилганлар. Улар мураккаб жарроҳлик асбоблари ва оғриқни босадиган дори-дармонлардан фойдаланишни билганлар. Ҳинд табиблари ўз билимлари ва маҳоратлари билан бутун Шарқ дунёсида машҳур эдилар.

Меъморчилик соҳасида тош ва ғиштлардан минорали ибодатхоналар қуриш кенг тус олди. Ушбу ибодатхоналарнинг қўриниши улкан меваларни эслатарди. Ҳиндистонда катта қоя тошларда ёки горлар ичида ўйиб солинган ибодатхоналар ҳам бўлган. Марказий Ҳиндистонда (Ажантада) гор ичида ўйиб қурилган ибодатхона айниқса машҳур эди. Ажанта эҳромининг қурилиши милоддан аввалги II асрда бошланиб, орадан 9 аср ўтгач тугалланган. У конуссимон



12-расм. Кандарья ибодатхонаси.

тоғ бағрида, 90 метр чуқурликда инсон қўли билан қазилган ғордан иборат. Унда турли хайкал ва расмлар ишлаб безатилган 29 та эҳром ва жомеъ жойлашган. Уларнинг деворига бўртма нақш ва суратлар солинган бўлиб, бу суратлардан ҳиндларнинг турмуши ва ҳаётига оид маълумотлар олиш мумкин. Ибодатхоналар ичи баланд устунлар билан безатилган, деворларига юксак дидли нақшлар солинган. Индуизм динига оид худоларнинг улкан хайкаллари жездан куйилиб ёки тошдан уйилиб ясаларди.

Ҳинд ҳайкалтарошлари ҳайвонлар ҳайкалларини яратишда ҳам юксак маҳоратга эришганлар. Ибодатхоналар ва мақбаралар яқинида фил ва отларнинг ҳайкаллари айниқса кўп учрайди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Ҷамоа-каста тузумига бўлиниш ҳақида нималарни эслаб қолдингиз?
2. Ҳиндларда қандай касталар бўлган?
3. Мамлакатнинг афсонавий бойликлари омилларини тушунтириб бering.
4. Ҳиндлар маданиятнинг қайси соҳаларида юксак тараққиётга эришганлар?

Мустақил иш

Ҳиндистондаги илм-фан ютуқларини Араб халифалигиники билан таққосланг. Бу мамлакатларда қайси илмлар ривожланди? Ҳиндистон ва Араб халифалиги маданият ютуқларини қай тарзда алмашишган? Бундай алмашиш ҳақида нималарни биласиз?



13-расм. Ажантадаги ибодатхона.

І бўлим хотимаси

Умумлаштирувчи такрорлаш дарси

Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ўтиш қандай усулларда амалга оширилди? Биз ўрта асрлар тарихининг биринчи даврини (V—XI асрлар) ўрганиб бўлдик. Тарихшуносликда бу давр илк ўрта асрлар даври деб аталади. Жаҳон мамлакатларининг асосий кўпчилигида: Европа, Осиё, Шимолий Африка ва Яқин Шарқда ушбу даврда феодал муносабатлари ўрнатилди.

Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга Рим, Греция, Хитой, Ҳиндистон ва Миср халқлари қулдорлик даври орқали ўтдилар. Германлар, славянлар, араблар сингари ўнлаб қабилалар эса қулдорликни четлаб, уруғчилик тузумининг инқирозидан сўнг феодал муносабатларга ўтдилар. Ушбу ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг илғорлиги, авваламбор, кичик деҳқон хўжалигининг жамият ишлаб чиқариши асосий кучига айланишида намоён бўлди. Эркин деҳқон хўжалигида меҳнат қуроллариининг такомиллашуви меҳнат унумдорлигини оширишга замин яратди. Бу эса, ўз навбатида, деҳқончиликнинг ўсишига ёрдам берди, ундан олинадиган маҳсулот унумдорлиги ва миқдорини оширди. Феодал жамияти давридаги деҳқоннинг ўз меҳнатидан манфаатдор бўлиши эса унинг шак-шубҳасиз қул меҳнатига қараганда унумлироқ бўлишини таъминлади. Янги иқтисодий муносабатларга ўтишда ноиқтисодий мажбурий меҳнат турлари сақланиб қолса-да, қарам деҳқоннинг аҳволи қулникига нисбатан бирмунча энгил эди.

Рим империясида яшаган халқлар янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга қулчиликнинг инқирози орқали ўтдилар. Герман қабилаларининг Ғарбий Европани, славянларнинг Византияни ва арабларнинг Яқин Шарқ, Шимолий Африка, Испанияни истило қилиб уларда жойлашиши бу ердаги қулчиликнинг инқирозини тезлаштирди.

Бу даврда икки асосий табақа — феодаллар ва қарам деҳқонлар таркиб топди.

Мустақил ишлаш учун топшириқ

Илк ўрта аср давлатини феодал тарқоқлик билан таққосланг:

Таккослаш учун саволлар	Илк ўрта аср давлати	Феодал тарқоқлик
1. Жойларда олий ҳокимият кимнинг қўлида эди? 2. Ким суд ишларини амалга оширган? 3. Қўшин қандай ташкил топган? 4. Уруш олиб бориш ҳукуки кимга берилган эди?		

Буни ўқинг!

Викинглар кимлар?

Скандинавиялик “норманлар (“шимол одамлари”, европаликлар қўйган ном) янги ерларга, узоқ ўлкаларга талончилик ёки савдо мақсадида хатарли сафарга чиққан юртдошларини “викинг”лар деб атаганлар. Жумладан, X асрда Исландияда ўз қўшнисини ўлдирган, лакаби “Малла” бўлган Эйрик исмли викинг ўз ҳамроҳлари билан қайикда шимоли-ғарб томонга сузаётиб, қўққисдан Гренландия ороли қирғоқларига бориб қолади. У асос солган қўрғон XIV асрда Европада иқлимнинг кескин совушига кадар гуллаб-яшнайд.

Отасидан узоқ хатарли сафарларга қизиқишни мерос олган Эйрикнинг ўғли Лейв 1000-йиллар атрофида ғарбга суза бориб, янги ерларни кашф қилади. Викинглар афсоналарида шаффоф дарёларида лосось балиқлари, ёрқин майин ўрмонларида эса узум ўсган бу ўлкага Винланд (“узумлар мамлакати”) деб ном беришган.

Тарихчилар Винланд Шимолий Америка қирғоғи эканлигини тан олишди. Ньюфаунленд оролидан эса викинглар қўрғони қолдиқларини археологлар топиб ўрганишган.

(М.Бойцов, Р.Шукуров. Ўрта асрлар тарихи. М., 1995, 155—156-бетлар.)

И б у л и м

Ўрта асрларнинг иккинчи даврида жаҳон халқлари (XI—XV асрлар)

IV б о б. Шаҳарларнинг юксалиши, хунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ўсиши

15-§. Европада ўрта аср шаҳарларининг пайдо булиши. Хўжаликнинг ривожланиши, хунармандчилик ва цехлар

Натурал хўжалик ҳукмронлиги остида ўтган илк ўрта асрларда Европада шаҳарлар жуда оз эди. Феодал давлатларнинг ривожланган даврида эса хунармандчилик ўсиши ва савдо-сотиқ равнақи қитъада юзлаб шаҳарларнинг вужудга келишини таъминлади. Европа халқлари ҳаётида асосий ўзгаришлар XI—XV асрлардаги ўрта аср шаҳарларининг вужудга келиши ва юксалиши билан белгиланади.

1. Хўжалик соҳасидаги тараққиёт. Феодал муносабатларнинг X—XI асрлардаги узил-кесил ғалаба-си Ғарбий Европа хўжалиги ҳаётида муҳим ўзгаришларга олиб келди. Бу жараён ишлаб чиқариш куроллари такомиллашуви билан узвий боғлиқ бўлиб, у энг аввало хунармандчиликда бўлди. Техника тараққиёти хунарманд маҳорати ўсиши, унинг иш доираси кенгайиши ва мукамаллашувини таъминлади. Айни маҳалда мол айирбошлаш жараёнлари кенгайди. Доимий бозорлар ва ярмаркалар пайдо бўлиши, танга-пул зарб қилиниши ва муомалага киритилиши, транспорт воситалари ҳамда йўлларнинг бирмунча яхшиланиши ҳам бўлажак тараққиётга замин ҳозирлади.

Дехқончилик ривожланиши ўз навбатида хунармандчилик ва савдонинг қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқишига имконият яратди. Европада дон ва тех-

ник усимликлар экин майдонлари кенгайтирилди. Дехкончиликда икки далалаб алмашлаб экишдан уч далали алмашлаб экишга ўтилди. Энди экинзорлар икки эмас, уч далага бўлиниб: бирига кузги галла экилса, иккинчисида баҳорги экин экилиб, учинчи бўлагига дам берилар эди. Бунинг натижасида аввалгидек экинзорларнинг ярми эмас, учдан икки қисми ҳосилда банд бўлиб, табиийки, олинадиган маҳсулот купайди.

Дехкончиликда темирдан ишланган тақомиллашган меҳнат куроллари ҳам бирмунча купайди. Енгил плуг билан бирга, ернинг шаронтига қараб, филдирак-ли оғир плуглар ҳам қўллана бошланди. Натижада кузги дон экиладиган майдонларни 2—3 марта ҳайдаш имконияти пайдо бўлди. Плугга отнинг қўшилиши ерни ҳайдашни тезлаштирди. Дехкончилик экинлари турлари купайиши, ерга ишлов бериш тақомиллашуви ҳосилдорликнинг сезиларли ошишига олиб келди. Полиз, боғ ва тоқзорлар купайиб, уларни Европанинг марказий ва шимолий вилоятларида ҳам барпо эта



14-расм. Хачирлар ёрдамида галла ташиш.

бошладилар. Моллар насли ҳам яхшиланди. Хўжаликларда сигир, ҳўкиз ва қўйлар туёғи қўпайиб борди. Солиқлар тўхтовсиз ўсишига қарамасдан, деҳқонлар қўлида ортиқча маҳсулот қолар эди. Натижада деҳқон хўжалигида ортиб қолган маҳсулотларни хўнарымандчилик буюмларига алмаштириш имконияти туғилди.

Меҳнат қуроллари яшаш, рицарлар учун жанг яроғлари тайёрлаш темирга бўлган талабни кучайтирди. Европада темир қазиб олиш қўпайиб, уни эритиш ва ишлов бериш жараёнлари такомиллашиб борди. Аҳолининг юнг газламаларга бўлган эҳтиёжи мовутчилик ривожланишини таъминлади. Ётик дастгоҳ кашф қилиниб, унда газлама тўқиш мато сифатини ва ҳажмини қўпайитиришга имкон берди.

Янги турдаги меҳнат қуролларини ҳамда тўқимачилик дастгоҳларини яшаш мураккаб жараён бўлиб, устадан муайян билим ва маҳорат талаб қиларди. Натижада деҳқонлар орасидан турли касб усталари ажралиб чиқиб, хўнарымандчиликка қўпроқ вақт ажрата бошладилар. Аввалига хўнарыманд қишлоқдан бутунлай кўчиб кетмасдан деҳқончилик билан ҳам шуғулланди. Лекин вақт ўтиши билан хўнарымандчилик унинг асосий касбига айлана борди. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти хўнарымандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиб алоҳида соҳага айланишига имкон берди.

2. Ўрта аср шаҳарлари. Нима сабабдан биз мавзунини ўрта аср шаҳарларининг пайдо бўлиши деб атадик? Ахир, ундан аввал ҳам Европада Рим қулдорлик империяси давридан Рим, Флоренция, Париж, Лондон, Кёльн, Севилья ва яна бир қатор шаҳарлар қолган эди-ку?! Бунинг асосий сабаби: натурал хўжалик ҳукм сурган илк ўрта асрларда шаҳарлар ўзларининг асосий, хўнарымандчилик ва савдо маркази сифатидаги вазифасини ўтай олмагани бўлган. Демак, ўрта аср шаҳарлари деганда, биз, авваламбор, янги турдаги шаҳарларни, яъни хўнарымандчилик ва савдо-сотик марказлари тикланиши ёки вужудга келишини тушунишимиз лозим. Италия ва Франция жанубида хўнарыманд-деҳқонлар қишлоқдаги оғир ҳаётдан қочиб, бошқарув, черков ва ҳарбий фаолият маркази

булган шахарга жойлаша бошладилар. Венеция, Флоренция, Генуя, Марсель, Нарбонн, Тулуза ва бошқа шахарлар IX—X асрларда хунармандчилик ва савдо марказларига айланди. Шимолий, Ғарбий ва Марказий Европада хунарманд кочок дехконлар феодал касрлари, церковлар, монастирлар, йўллар кесишган жойларда, дарё кечувлари яқинида ўз дўконларини курганлар. Хунармандлар нега айнан шу жойларни танлаганлар? Сабаби худди шу ерда одамлар кўпрок тўпланиб, хунарманд ўз буюмларига харидор топиши, хавф булган тақдирда бекиниб жон сақлаш имконияти булган. Европада қалъалар ва монастирлар теварагида Мюнстер, Страссбург, Гамбург, Аугсбург, Сен-Галлен; дарёнинг юқори оқими бўйлаб Падеборн, қуйи оқимида Бремен; кўприк ёнида Цвейбрюкен, кечув ёнида Одердаги Франкфурт ва Майндаги Франкфурт шахарларининг вужудга келиши тарихи фикримизга далилдир. Мазкур шахарлар X—XI асрлар давомида хунармандчилик ва савдо марказлари сифатида шаклланди.

Шахарлар қай тарзда ва қаерда пайдо бўлишидан қатъи назар, бу жараён Европа учун ижтимоий меҳнат тақсмоти натижасида рўй берди. У ижтимоий-иқтисодий соҳада: хунармандчиликнинг қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқиши, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши, савдо-сотиқ ва мол айирбошлашда ўз ифодасини топди.

3. Хунармандчилик. Ўрта аср шахарлари ҳаётининг асосини хунармандчилик ташкил қиларди. Шахар бозорларида сотиладиган турли хил буюмлар хунармандларнинг кичик устахоналарида тайёрланарди. Устахона кўпинча хунарманд уйи ичида жойлашган буларди. Барча буюм тайёрлаш жараёнлари оддий меҳнат куруллари ёрдамида қўлда бажариларди. Хунарманд меҳнати ниҳоятда оғир эди. Жумладан, темирчи уста плуг тишини тайёрлаш учун қип-қизил чўғ бўлиб турган темирни қўрадан омбир билан олиб, сандон устига қўяр, керакли шаклга киритгунга қадар анча вақт болғаларди.

Хунармандчилик техникаси феодал жамият даври-

да жуда секин ривожланди. Хунарманд одатда ўз касби сирларини, болалигидан ёнида меҳнат қилаётган ўғлига ўргатар, асбоб-ускуналарини ҳам унга қолдирар эди. Узоқ йиллар давомида муттасил, маълум касб билан шуғулланиш устада юксак маҳоратни шакллантирарди.

4. Цехлар*. Фарбий Европадаги хунармандчиликнинг ўзига хослиги унда цех ташкилотларининг бўлиши эди. Хунармандчилик цехлари шаҳарлар билан бир пайтда вужудга келди. Цехларнинг пайдо бўлиши хунармандлар учун зарур эди. Аввало, улар ўз асбоб-ускуналарини, маҳсулотларини феодалдан химоя қилишлари керак бўлган. Қолаверса, шаҳарга келиб жойлашаётган қишлоқлик янги хунармандлар рақобатидан сақланиш зарурати ҳам бўлган. Бозор эндигина ташкил топиб, молга эҳтиёж кам бўлган дастлабки даврда рақобат хавфли бўлиши табиий. Демак, хунармандларнинг муштарак манфаатларини муҳофаза қилиш учун тузилган бир хил касб усталари уюшмалари *цех* деб аталган.

Цех аъзолари умумий йиғилишида унинг қонунқоидалари, мажмуаси — рисолалари ишлаб чиқилган. Рисолада, сайлаб қўйилган цех оқсоқолларига: чиқарилган буюм тури ва сифатини, сонини назорат қилиш топширилган. Жумладан, цех газлама эни, бўёқлари, асосида қанча ип бўлиши, уста қандай асбоб-ускуналардан фойдаланиши ва хоказоларни олдиндан тартибга солиб турган. Ишлаб чиқаришни назорат қилиш хунармандлар инкирозга учраб, ишсиз қолмаслиги учун йўлга қўйилган. Рисолада устанинг қанча халфаси ва шогирди, иш вақти, дастгоҳи, ашёси миқдори қанча бўлишига қадар аниқ белгилаб қўйилган. Тайёр маҳсулот таннархи ҳам цех томонидан маълум чега-рада тийиб турилган.

5. Устахонада ишловчилар таркиби. Хунармандлардан ҳар бири — уста бўлиши баробарида

* *Zehe* — немисча сўз бўлиб, дастлаб халфалик муддати тугаб, ясалган буюмни синовга топширишга баришланган зиёфатни шу сўз билан аташган. Кейинчалик у хунармандлар уюшмасига ўтди. Францияда цех — *atelier*, Италияда — *artel* деб аталган.



15-расм. Нон ёпиш. Краков. XV аср.

устахонадаги асбоб-ускуналар эгаси ҳам эди. Хуна-
манд хом ашё сотиб олиб, ундан буюмлар тайёрларди.
Тайёр буюмлар ҳам кўпинча устахонанинг ўзидан со-
тилган. Хунаремандчиликда янги соҳа вужудга кели-
ши алоҳида цех ташкил қилиниши билан яқунланар-
ди. Йиллар ўтиб кўпгина шаҳарларда ўнлаб, баъзила-
рида юзлаб цехлар пайдо бўлган.

Цех хунареманди ишида, унинг оила аъзолари би-
лан биргаликда, 1--2 нафар халфа, бир неча шогирд-
ўқувчилар ёрдамлашарди. Уларнинг ўзаро муносабат-
лари цех томонидан назорат қилиб туриларди. Хал-
фалик муддати 2--7 йил бўлиб, у сифатли нодир буюм
ясаш ва уни цех оқсоқоллари синовидан ўтказиш
билан яқунланарди. Устахонада меҳнат тақсимо-
ти деярлик бўлмаган, ҳар бир буюмни бошдан охирига
қадар уста ва халфаларнинг ўзлари тайёрлаганлар.

6. Шаҳар ҳаётида цехларнинг роли. Хуна-
ремандлар ҳаёти цехлар билан узвий боғлиқ эди. Цех
аъзолари байрамларни биргаликда ўтказардилар. Цех-
нинг бирон аъзоси вафот этса, умумий жамғармадан

унинг бева қолган хотини ва сағир болаларига ёрдам қилинар эди. Цех аъзолари, шунингдек, шаҳарни қўриклашда ва мудофааида иштирок қилардилар. Уруш пайтларида цех уюшмалари ҳарбий бўлинмалари шаҳар қўшини таркибида алоҳида бирлик сифатида қатнашарди. Цехларнинг ўз герби, байроғи, ибодатхонаси ва ҳатто алоҳида қабристони ҳам бўлган.

Хунармандчилик ривожланишининг дастлабки даврида цехлар ижобий роль ўйнади. Лекин, XIV—XV асрларга келиб, улар ўз ижобий хусусиятларини йўқотиб, ишлаб чиқаришга халакит бера бошлади. Ички ва ташқи бозорнинг ўсиши хунармандлар ўртасидаги табақаланиш кучайишига олиб келди. Натижада усталар орасида мулкӣй табақаланиш ҳам тезлашди. Вақт ўтиши билан халфалар ҳам оддий меҳнатчиларга айландилар. Уларнинг халфалик муддатлари 10—12 йилгача чўзилар, иш вақти эса кунига 14—16 соатни ташкил этар эди.

Ўз ҳуқуқлари учун кураш олиб бориш мақсадида халфалар ва укувчи-шогирдлар “биродарлик” ташкилотларини тузишарди. Бундай ташкилотлар орқали улар ўз ҳуқуқлари учун курашни амалга оширардилар. Шаҳарларнинг камбағал аҳолиси XIV—XV асрлар давомида — Флоренция, Перуджа, Сиенна, Кёльн ва бошқа шаҳарларда бойларга қарши кузғолонлар кутардилар.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Нима учун ўрта аср Европасида хунармандчилик қишлоқ ҳўжалигидан ажралиб чиқди?
2. Ўрта аср шаҳарларининг вужудга келиши сабабларини тушунтириб беринг.
3. Деҳқончиликда икки ва уч далали алмашлаб экиш ўртасидаги фарқни айтинг.
4. Европада шаҳарлар қайси йўллар билан вужудга келди?
5. Хунармандчилик цехларининг асосий вазифалари нимадан иборат эди?
6. Цехлар шаҳар ҳаётида қандай роль ўйнаган?

Мустақил иш

1. Ҳозирги Фарбий Европадаги демократик тартиботлар манбаини ўрта аср шаҳарларидаги бошқарувни ташкил қилиш, хунармандлар, савдогарлар ва шаҳарнинг бошқа ахли муносабатларида кўриш мумкин.

Шаҳарнинг қандай тартиботларини келажакдаги демократиянинг дастлабки айрим манбалари сифатида қараб чиқиш мумкинлигини ўйлаб кўринг ва муҳокама қилинг.

2. Рейн дарёси бўйида вужудга келган шаҳарларда шундай қонда ўрнатилган эдики, унга кўра бу ерлардан сузиб ўтаётган савдо кемалари портларда тўхтаб, ўз молларини шу ерга тушириши, маълум вақт мобайнида уларни сотувга қўйиши лозим бўлган.

Бундай тартиб қим учун фойдали эди? Бунинг шаҳар учун қандай натижалари бўлган?

3. Ривожланган ўрта асрлар даврига келиб Фарбий Европада қалла ҳосили илк ўрта асрларга нисбатан икки баробар ўсди.

Бунинг асосий сабабларини санаб кўрсатинг.

Дарсликдан фойдаланиб, дафтарингизга қисқа ёзинг:

Хунармандчиликнинг қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқиши натижалари:

(шаҳар учун)

(қишлоқ учун)

Буни ўқинг!

Европада янги экинларнинг тарқалиши

Ўрта аср Европаси қишлоқ хўжалигининг катта ютуқларидан бири араблар келтирган цитрус экинлари, пахта ва шакарқамишнинг Испания ва Италияда тарқалиши бўлди. Дастлаб полиз экинлари шолғом, пиёз, ковоқ, саримсоқ

билан чегараланган бўлса, XIV асрда карам, латун, шпинат, лавлаги ҳисобига кенгайди. Ёнғок XI асрда тўсик сифатида қўралар теварагида ўстирилган. XIII асрдан эса бовдорчиликнинг ривожланиши давомида уни Нормандияга қадар ҳудудларда етиштирадиган бўлдилар.

Ўрта асрлар даври аҳолиси учун доимо очлик ҳавфи бўлган. Бунга энг аввало донли экинларнинг кам ҳосиллиги, полиз ва бовдорчиликнинг Ўрта Ер денгизи ҳавзасидан ташқарида яхши ривожланмаганлиги, хонаки чорвачилик тараккий этмаганлиги, озик маҳсулотларини консервация қилиб узоқ сақлаш йўлларини билишмагани сабаб бўлган.

(А.Ястребицкая. XI—XIII асрларда Ғарбий Европа М., 1978, 75-бет).

16-§. Ўрта асрларда савдонинг ривожланиши: бозорлар ва ярмаркалар

1. Товар ҳўжалигининг вужудга келиши. Хунармандлар савдога тайёрлаган буюмлар миқдори, цехлар назоратига қарамасдан, тобора кўпайиб борди. Бунинг натижасида хом ашёга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ҳам табиий равишда ошиб борди. Бозор муносабатлари ривожланиши феодаллар ва деҳқонларнинг ортиқча маҳсулотлар чиқаришдан манфаатдорлигини оширди. Улар сотилган маҳсулот ўрнига хунарманд тайёрлаган буюмларни харид қилардилар. Шаҳарлар атрофидаги ерлар деҳқонлар учун савдо марказига айланди. Йирик шаҳарлар фақат олис вилоятларгина эмас, ҳатто чет мамлакатлар билан ҳам савдо-сотиқ қиларди. Европада аста-секин товар ҳўжалиги ривожлана бориши натижасида натурал ҳўжаликнинг аҳамияти пасайди.

Маҳсулотларни бозорда сотиш ёки айирбошлаш учун ишлаб чиқарадиган ҳўжалик т о в а р х ў ж а л и г и деб аталади.

Савдо-сотиқ жонланиши йўлларни яхшилашни талаб қилар эди. Айрим мамлакатларда, жумладан, Фран-

цияда киролар фармонига биноан асосий йўлларга тош ётқизиш бошланди. Дарёларга ёғочдан ва тошдан кўприклар қуриш ишлари йўлга қўйилди. Савдо ривожланиши кemasозликнинг ҳам такомиллашишига олиб келди.

2. Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқалари. Европа савдогарлари Шарқ мамлакатлари билан қадимдан савдо-сотик қиларди. Улар Ўрта Ер денгизидаги Сурия, Миср портларига, Константинополь орқали Эрон ва Ўрта Осиёга боришарди. Европаликлар Шарқ мамлакатларидан зираворлар, шойи газламалар, зеб-зийнат буюмлари харид қилардилар. Унда Ғарб билан Шарқ ўртасида савдо ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашда Хитойдан Марказий Осиё орқали Ўрта Ер денгизига қадар чўзилган "Буюк Ипак йўли" муҳим ўрин тутарди.

Европа савдоси XIII—XV асрларда икки йўл билан олиб борилади. Биринчиси: Ўрта Ер денгизи хавзасидаги Испания, Италия ва Жанубий Францияни — Византия орқали Шарқ мамлакатлари билан боғлаб турадиган Левант савдо йўли эди. Иккинчиси: Европанинг шимоли ва Болтиқ денгизи орқали — Новгород, Брюгге, Лондон, Любек шаҳарлари ўртасидаги савдо йўлидир. Шимолий савдо йўлидаги Ганза шаҳарлар иттифокига Германиянинг 70 дан ортиқ катта-кичик шаҳарлари кирар эди.

Левант савдо йўлидаги Венеция ва Генуя шаҳар-республикалари кучли денгиз флотларига эга бўлиб, савдо устунлигига эришиш учун рақобат қилиб, хатто узаро урушлар ҳам олиб борардилар.

3. Бозорлар. Европанинг кўпчилик шаҳарларида бозор ҳафтанинг 1—2 кунда бўлган, холос. Фақат йирик шаҳарлардагина доимий бозорлар мавжуд эди.

Мол айирбошлаш ва савдонинг ўсиши шаҳарларда бозорлар қуришни тақозо этарди. Жумладан, Лондондаги биринчи ёпик бозор — Блэкуэлхолл 1397 йилдаёқ қурилган эди. Бозорлар турли хил молларга ихтисослашганди. Франциянинг Тулуза шаҳрида 1203 йили ғалла бозори қурилиб, шаҳарда ундан ташқари:

вино, тери-мўйна, пойабзал сотадиган махсус бозорлар ҳам бўлган. Манбаларда ёзилишича, Париж шаҳри атрофидаги мол бозорларида ҳар ҳафтада: 1300 бош ҳукиз, 8200 бош қўй, 200 бош бузук гўштга сотилган. Демак, ўрта асрларнинг сўнгги даврида парижликларни бир йил давомида гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш учун юзлаб минг бош чорва зарур бўлган. Англия ва Уэльсда XVII асрда 800 та бир ёки бир неча бозори бўлган шаҳарлар мавжуд эди. Улардан 300 таси ихтисослашган бўлиб: 133 та дон, 6 мева, 32 қўй, 13 от, 14 чўчка, 30 балик, 21 парранда, 12 сариёғ ва пишлок, 27 та мовут билан савдо қиладиган бозорлар бўлган.



16-расм. Сабзавотлар билан савдо.

4. Ярмаркалар. Мол айирбошлашдаги доирани кенгайтиришга ярмаркалар ҳам хизмат қиларди. Йирик ярмаркалар катта миқёсдаги ҳудудлар иқтисодиётини ўзига жалб қиларди. Ярмаркаларда кўплаб эркинлик ва имтиёзлар, жумладан, йўл солиқлари вақтинчалик олинмаслигидан фойдаланиб, уларда Европанинг турли бурчакларидан келган савдогарлар қатнашардилар.

Ярмаркаларда фақат савдо-сотик бўлибгина қолмасдан, улар оммавий халқ байрамларига айланарди. Турли хил томошалар, мусика, кўнғироқлар жаранг-



17-расм. XIV асрда италян банки.

лари, мушакбозлик аτροφ-теваракдан тупланган минглаб кишилар учун кўп ҳолларда ягона кўнгил очадиган байрам эди. Париж яқинидаги Сен-Жермен яр-

маркасида ҳатто сахна томошалари (спектакллар) қўйиларди. Венециядаги Исо меърожи (Вознесения) ярмаркасида икки ҳафта давомида 100 мингга яқин киши катнашарди.

Ярмаркалар, одатда, савдогарлар учун улгуржи савдо бозори ҳам деб юритиларди. Лекин улар ҳаммага очик эди. Лион шаҳри қахвахона хўжайинларининг “Ярмаркага келганда яхши хонада яшашни истаган битта отлиқ пулдор савдогарга арзон ёки бепул тунаш имкониятини излаган 10 нафар пулсиз киши тўғри келади” деган кинояси фикримиз далилидир. Урта асрлар Европасининг энг машхур ярмаркалари Франция шимоли-шаркидаги Шампань графлигида бўлган. Бу ўлкада ярмаркалар деярлик йил бўйи давом этарди.

5. Биржалар. Савдо-сотик ва пул муносабатлари ривожланиб бориши билан савдогарлар ҳамда банкларда катта бойликлар тўпланиб борди. Европада янги хилдаги молия муассасалари, турли мамлакатлар савдогарлари тўпланиб пулларини алмаштирадиган жойлар вужудга келди. “Биржа” сўзининг келиб чиқиши худди шу хилдаги, Брюгге шаҳри “Бурсе” меҳмонхонаси олдида савдогарларнинг тўпланадиган жой номидан олинган дейишади. Чинакам биржалар: Брюггеда 1409 йил, Антверпенда 1460, Лионда 1462, Амстердамда 1530, Лондонда 1554, Берлинда 1776. Венада 1771, Нью-Йоркда 1772 йилда ташкил топди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳунармандчиликнинг қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқиши инсоният тарихида янги босқични бошлаб берди. Шаҳарлар, бозор ва мол айирбошлаш, ярмаркалар, биржа ва банклар ушбу жараённинг маҳсулидир.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Натурал ва товар хўжаликлари ўртасидаги фарқни тушунтиринг.
2. Европадаги икки савдо йўли ҳақида нималарни биласиз?
3. Урта асрларда бозорлар ва ярмаркалар қандай аҳамият касб этган?
4. Биржалар нега ва қандай вужудга келган?

Таомлар

Ўрта асрларда дехконлар ва хунармандлар гуштни кам истеъмол қилишганидан уларда оксил моддаси етишмаган. Канд деярли бўлмаган, табиий асални истеъмол қилишга хамманинг ҳам қурби етмасди. Альп тоғларидан шимолда зайтун ёғини билишмаган. Таомлар тўйимлилиги ўрни уларнинг миқдори билан тўлдирилган. М.Рушнинг ҳисоблашича, XI асрда ҳар бир одам 1,6—1,7 кг нон еган. Сал кейинроқ шаҳарликлар 1,0 кг ва матрослар 700—750 гр нон истеъмол қилишган.

Нон асосан жавдардан (қора бугдойдан) қилинган, табиийки, сифати анча паст бўлган. Бундан ташқари: ловия, нухатли бутқалар, ҳар замонда пишлоқ ва балиқ, сабзавот, меваларни истеъмол қилишган. Мева, сабзавотларнинг кам ейилиши А, D, E, K ва айниқса С витаминининг етишмаслигига олиб келган.

Таомларда аччиқ етишмаслиги, зираворлар қимматлиги натижасида кўпинча уларнинг ўрни пиёз, саримсоқ, турли кўкатлар билан тўлдирилган. Овқатдан кейин кўпинча сув ичилган. Буларнинг барчаси таом яхши ҳазм бўлишини таъминлай олмаганидан ўрта аср кишилари қорни катта, хомсемиз бўлган.

1279 йили Франция суд палатаси тушликда ейиш мумкин бўлган таомлар миқдорини аниқлаб берган. Унга биноан: шўрва, иккита қуюқ таом, десертлар бериш мумкин бўлган, лекин бадавлат хонадонларда қарорга бўйсунилмаган. Манбалардан бирида зодагон рухоний рицарь дўстини меҳмон қилиши қуйидагича тасвирланган: дастлаб нон ва вино, кейин чўчка ва қуён гушти, сўнгра эса роз, каплун, қалампир қайлали балиқ, сўнгида паштет. Десертга вино ва ёнроқлар билан мева тортилган. Лекин зодагонларнинг кундалик таомлари, албатта, худди зиёфатдагидек бўлмаган.

Европада ичимликлар кўп истеъмол қилинган. М.Руш тадқиқотига қараганда, ҳар бири одам кунига 1,5 литр мусаллас ёки пиво ичган. Францияда — вино; Нормандияда — олмали сидр; Англияда — эль (арпа пивоси) кўп

ичилган. Спирт ишлаб чиқариш Фарбий Европада 1100 йили ихтиро қилинган.

Бадавлат хонадонларда ҳам дастурхонга шўрва ёёоч ёки икки қулоқли қумуш косада ҳар икки кишига тортилган. Гўшт нон бўлаги устида тортилган, тишлаб ёки пичок билан майдалаб ейилган. Вилка Византия ва Италия шаҳарларидагина таом истеъмол қилишда ишлатилган. Қолган мамлакатларда ундан ошхонада фойдаланилган, холос. Гўшт қўйилган нонни бой хонадонларда тушлик тугаганидан сўнг тиланчиларга ёки стол тагида юрган итларга беришган.

Таом икки марта тановул қилинган. Ўрта асрларда "фаришталар бир, одамлар икки, ҳайвонлар уч маротаба овқатланади" қабилдаги нақл бўлган.

(А.Ястребицкая. XI—XIII асрларда Фарбий Европа, М., 1978, 68—69-бетлар).

Мустақил иш

а) Генуялик савдогар кемада Суриядаги Байрут портига жўнади. Картадан унинг йўлини кузатинг. Савдогар уша ердан қандай мол олади ва унга нима тўлайди? Кемаси йўлида қандай хавф-хатар учраши мумкин?

б) Генуялик савдогар уйига қайтгандан сўнг Гамбург шаҳрига жўнади. Савдогар у ерга қандай мол олиб боради? Гамбургдан эса қандай мол сотиб олиши мумкин? Денгиз ва қуруқлик бўйлаб саёҳат қийинчиликлари ва хавф-хатарларини таққосланг. Сиз қайси йўлни танлаган бўлар эдингиз?

17-§. Ўрта аср шаҳарларининг ҳаёти, турмуши ва маданияти

1. Шаҳар ҳаёти. Илк ўрта аср давлатлари кироларининг ер инъом қилиш сиёсати XI асрга келиб кизик бир ҳолатни вужудга келтирди. Шаҳарлар қаерда бўлмасин, у жой албатта қайсидир феодалга тегишли бўларди. Натижада шаҳарнинг барча аҳолиси сеньор қўл остидаги тобе кишилар ҳисобланарди. Даст-

лаб феодаллар шаҳарларга ҳомийлик қилишди. Аҳолидан олинадиган солиқлар маълум чегарада тийиб турилди. Аммо шаҳар ўсиб, бойиб бориши билан феодалларда солиқлардан кўпроқ даромад олиш иштиёқи туғилди. Шаҳарлар ўзи ҳам кучая боргани сари сеньор ҳомийлигидан қутулиш йўлларини ахтара бошлади.

Натижада XII—XIII асрлардаги Фарбий Европанинг қатор шаҳарларида феодалларга қарши кураш бўлиб ўтди. Кўплаб шаҳарлар тўловлар эвазига озодлик ёрлиқларини олдилар. Бошқалари кўзғолон орқали эркинликка эришдилар. Жумладан, Франция шимолидаги Ланс шаҳри 200 йил давомида озодлик учун курашди. Дастлаб Ланс сеньори епископ Годри (1106 йил) шаҳар аҳолисига катта тўлов эвазига қирол тасдиқлаган эркинлик ёрлиғини берди. Лекин тез орада ўз фикридан қайтган Годри пора орқали ёрлиқни бекор қилди. Бунга жавобан шаҳар аҳли кўзғолон кутарди. Бойлар, шунингдек, епископ саройига ўт қўйиб юборган кўзғолончилар Годрини у яширинган ёғоч бочка ичидан топиб олиб ўлдиришди. Қирол эса бунга жавобан ўз қўшини ёрдамида кўзғолонни бос-тириб, яна эски ҳокимиятни тиклади. Шаҳар аҳолиси 1129 йили яна кўзғолон кутарди. Лансинг қирол билан кураши узок йиллар давом этиб, ниҳоят 1331 йили тугади. Қирол шаҳар устидан ўз ҳукмини тўлиқ ўрнатди. Лансни бошқариш қирол томонидан тайинланган судья ва амалдорларга юклатилди.

Шаҳарликлар кураши муваффақиятли тугалланса, улар шаҳарни мустақил бошқариш ҳуқуқини қўлга киритардилар. Шаҳарда аҳоли томонидан сайланадиган кенгаш бўларди. Франция, Англия, Италияда шаҳар кенгаши бошлиғи — *мэр*, Германияда эса *бургомистр* деб аталарди. Шаҳар кенгаши шаҳар суди, қўшини ҳамда хазинасини бошқарарди.

2. Шаҳар аҳолиси. Шаҳарлар аҳолисининг асосий қисми ҳунармандлар ва савдо билан боғлиқ кишилардан иборат эди. Хизмат кўрсатиш соҳасида, жумладан, бозорларда ишлайдиган ҳаммол, аравакаш, саргарошлар ҳам талайгина бўлган.

Шаҳар аҳолисининг энг нуфузли қисми маҳаллий савдогарлар эди. Умуман, савдогарлар тоифаси шаклланишини ижтимоий меҳнат тақсимотидаги муҳим қадам деб аташ мумкин.

Йирик шаҳарларда кироли ва унинг аъёнлари, феодаллар, уларнинг хизматкорлари ва жангчилари, давлат хизматидаги амалдорлар, нотариус, врачлар ва ўқитувчилар яшашарди. Черков, дин намояндалари ҳам аҳолининг маълум қисмини ташкил этарди. Шаҳарлар аҳолисининг қишлоқдан чиққан қисми узок муддат шаҳар ичида ёки ташқарисида ўз ерига ва чорва молларига эга бўлганлар.

Узоқ давр Фарбий Европа ўрта аср шаҳарларининг аҳолиси нуфуси кўп бўлмаган. Кўпчилик шаҳарларда 3—5 минг киши яшарди. Шаҳарлар ҳатто XIV—XV асрларда ҳам 20—30 минг аҳолиси бўлса йирик ҳисобланган. Фақат: Константинополь, Париж, Милан, Флоренция, Кордова, Севилья шаҳарларида 80—100 минг киши яшаган.

3. Шаҳарларнинг кўриниши. Шаҳарлар уларни ўраб турган қишлоқлардан кўриниши ва аҳолиси зичлиги билан ажралиб турган. Шаҳар атрофи баланд тош девор ва чуқур, сув тўлдирилган хандак билан ўраб олинган. Мудофаа девори устида соқчилар учун миноралар қурилган. Душман хавфидан сақланиш мақсадида шаҳар дарвозаси темирдан, мустаҳкам қилиб ишланган. Кечаси шаҳарга кирадиган жойдаги кўприк кўтарилиб, дарвоза ёпиб қўйилган. Шаҳар марказида бозор майдони, унинг ёнида ибодатхона ва ратуша (шаҳар кенгаши) бинолари қурилган. Шаҳар мавзелари кўпинча аҳолининг касб-корига қараб бўлинган. Кўчалар тор бўлиб, ёғоч уйлар бир-бирига жипслаштирилиб қурилган. Тор ва қинғир-қийшиқ кўчаларга қуёш нури тушиши амримаҳол эди. Кўчалар ёритилмаган, канализация ҳам бўлмаган. Ахлат ва чиқиндилар тўғридан-тўғри кўчага тўкилган. Қўй, эчки, чўчқалар ва паррандалар ҳам кўпинча шу кўчалар бўйлаб ёйилиб юришарди. Шаҳар кўчаларининг бундай аҳволда бўлиши юқумли касалликлар тез-тез тарқалиб туришига сабаб бўларди. Турли касалликлар эпидемияла-

ри пайтида шаҳар аҳолиси кўпроқ кириларди. Ўрта асрларда кўплаб содир бўладиган ёнғинлар ҳам бутун-бутун кўчалар, баъзида мавзелар буткул ёниб кетишига олиб келарди.

4. Бойлар ва камбағаллар. Барча Европа мамлакатларида шаҳар аҳолиси таркиби деярлик бир хил эди. Жумладан, Венецияда 1573 йили “қора ўлат” тарқалиши арафасида бой хонадонлар вакиллари 10 мингга яқин бўлиб, бу рақам умумий аҳоли сонининг 5%ини ташкил қиларди. Неаполда 80 минг аҳолини бошқариш кўпи билан 700 киши қўлида эди. Германиядаги Нюрнберг шаҳрини 43 зодагонлар оиласига мансуб 150—200 киши бошқарган. Унинг аҳолиси 40 минг кишидан иборат эди.

Шаҳар зодагонлари орасида шухратпарастлик, манманлик кенг тарқалган эди. Томаззо Компанелли “Қуёшлар шаҳри” асарида камбағаллар очдан ўлаётган бир маҳалда Неаполда сеньорлар “ўз пулларини овитларию отларга, қизиқчи артистлару айш-ишратга сарфлайдилар” деб ёзган эди. Сеньорнинг 100 экю даромади бўлса, унга қарам кишиларнинг йиллик даромади 3 экюдан ошмас эди. Уларнинг уйлари ҳам бир-бириникидан тубдан фарқ қиларди. Бойларнинг ғишт ва мрамардан қурилган ҳашаматли қошона-саройлари атрофида камбағалларнинг зич, юпун кулбалари жойлашган эди. Шаҳарларда йилдан-йилга камбағаллар кўпайиб борди. Улар савдогарлар ва ҳунарманд усталарнинг оғир ишлари ва юмушларини бажарар эдилар.

Тез-тез такрорланиб турадиган урушлар, юкумли касалликлар қайта-қайта бўлиши, шаҳарларда гадоилар, майиб-мажруҳлар кўпайиб кетишига сабаб бўларди. Бойлар эҳтиёт чораларини кўриб, дала ховлиларига чиқиб кетардилар. Шаҳарда қолган камбағалларнинг касалликдан қочиб борадиган жойи йўқ эди. Савойя ерларида эпидемия тугагандан сўнг бойлар ўзларининг тозаланган уйларига бирон камбағал аёлни синов тариқасида яшаш учун қўйиб қўрганлар, унга касаллик юкмаса, кейин ўзлари қўчиб қирганлар.



18-расм. Очларга таом улашиш.

Кахатчилик йилларида шаҳарлар қишлоқлардан нажот излаб келган оч деҳқонларга тўлиб кетарди. Шаҳар маъмурияти турли йўллар билан улардан тезроқ қутулишга ҳаракат қиларди. Манбалардан бирида ёзилишича, Франциядаги Лион шаҳри аҳолисига 1656 йилдан бошлаб “камбағалларга, гадойларга ҳомийлик қилиш, бошпана ва овқат бериш” тақиклаб қўйилган эди. XVI асрда бегона — гадойни хайдаб юборишдан аввал даволашган ёки овқатлантиришган. XVII аср бошларига келиб унинг бошини олишган. Шу аср ўрталаридан эса уни қамчи билан савалашган, аср охирида сургун қилиб, оғир ишларда фойдаланишган. Европада аҳвол ана шундай эди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Шаҳарларнинг феодалларга қарши курашлари сабаблари нимада?
2. Шаҳарлар қурилиши ҳақида гапириб беринг.
3. Шаҳар бойлари ва камбағаллари ўртасидаги тафовут нималардан иборат эди?
4. Шаҳарларда камбағал ва гадойларга бўлган муносабат ўзгариб туришига мисол келтиринг.
5. Ўрта асрлардаги қуйидаги ибора мазмунини тушунтиринг: “Шаҳар ҳавоси инсонни эркин қилади”.

Ўз уйларида

Турар-жойлар қурилиши ва турлари ранг-баранг бўлиб, маҳаллий анъаналар, кўпинча уй эгасининг ижтимоий мавқеи ва мулкый аҳволига боғлиқ эди. Ўрта асрлар охирига қадар деҳқон ва ҳунармандларнинг уйлари аксари синч ёғоч ва тошлардан қурилган. Уларнинг томи сомон билан ёпилган, ярим ертўлалар ҳам учраб турган.

XII асрда шаҳарликлар уйлари ҳам қишлоқ аҳлиникидан деярли фарқ қилмаса-да, тошдан бинолар қуриш энг аввало шаҳарда кенг тарқалган. Дастлаб олов билан ишловчи ҳунармандлар — нонвой, темирчилар тошдан уйлар қура бошладилар. Германияда XIII асрда бой бюргерлар (шаҳарликлар) бир хонали баланд тош иншоот қуриб (у “Kemenate” деб аталган), унда ёнғиндан сақлаш учун энг қимматбаҳо ашё-буюмларини асрашган.

Асосий иситиш воситаси очик ўчок бўлиб, у девор бўйлаб ўрнатилган, шифтда тутун учун туйнук қолдирилган. Ўчокнинг тагига тош теришиб сувалган.

Деразалар аксарият ҳолда, хусусан, жанубда Рим анъаналарига биноан очик қолдирилган. Ойна танқис бўлиб, ундан фақат ибодатхоналарда фойдаланилган. Хонадонлардаги деразалар эса осийликларники каби пергаментлар (юпка қоғоз) ёки ёғга ботирилиб олинган матолар билан тўсиб қўйилган. Қиш кезларида ёруғлик етишмаса, бир сиким сомонни ўчоққа ташлаб кучайтирилган. Бадавлат хонадонларда сопол, шиша ва темир чироқлар бўлиб, улар деворга илиб қўйилган. Имконияти бўлган хонадонларда шамдан фойдаланилган.

Кўчалар

Ўрта асрларда шаҳар кўчалари турли кўринишда бўлган. Шаҳар марказида эни 7—8 метрли йўллар бўлса, кичик кўча ва йўлкалар 2 метрдан кенг эмасди. Брюсселда “Бир одам кўчаси” деган йўл ҳам бўлган. Ахлатни йиғиб олиш

хизмати Парижда XIV, Амьенда XV асрда ташкил қилинган. XII асрнинг охиридан Парижда қирол ташаббуси билан ҳар бир хонадонга кўча юзига тош ётқизиш мажбурияти юкланади. Шунга ўхшаш қарор Прагада 1331 йили қабул қилинади.

Устки кийимлар

Устки кийимларни уйга киришда буғу шохларига илиб қўйишган. Бошқа кийимлар махсус “лар” — сандикларда сақланган. Қўйлак ва шимни ётиш пайтида ечиб, ёстиқ тагига тиқишган.

(А.Ястребицкая. XI—XIII асрларда Ғарбий Европа, М., 1978, 52-бет.)

18-§. Осиё мамлакатларида ўрта аср шаҳарлари. Ҳунармандчилик ва савдо

1. Ўрта аср шаҳарлари. Ўрта асрларнинг ривожланган даврига Шарқ мамлакатлари турли асрларда: Хитой, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка — VIII асрнинг иккинчи ярмида, Япония — IX—X асрларда, Ҳиндистон XI—XIII асрларда ўтдилар. Бу жараённинг турли даврда содир бўлиши ишлаб чиқариш кучлари ҳар бир мамлакатда турли даражада бўлганлиги натижаси эди.

Шарқ мамлакатларида ҳам ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши ижтимоий меҳнат тақсимотини тезлаштирди. Шаҳарларда тўпланган ҳунармандчилик юксак даражага кўтарилди. Осиё шаҳарлари ҳунармандчилик ва савдо марказлари бўлиши баробарида маъмурий марказ сифатидаги аҳамиятини ҳам сақлаб қолди.

Ўрта асрларда дастлаб маъмурий марказ ёки ҳарбий қалъа сифатида ташкил топган шаҳарлар тез орада ҳунармандчилик ва савдонинг таъсирида кенгайиб кетарди. Жумладан, Араб халифалигида Аббосийлар сулоласи вакилларининг “фустот” — ҳарбий манзилгоҳи

ёнида — X асрда пайдо бўлган Қоҳира шаҳри тез орада энг гузал, аҳолиси кўп пойтахтлардан бирига айланди.

Ўрта асрларда Осиёнинг йирик шаҳарлари: Чанъань, Лоян, Ханчжоу, Қоҳира, Дамашқ, Бағдод, Самарканд, Бухоро, Камакура, Киото, Осака, Дехли эди. Шаҳарларда мактаблар, кутубхоналар очилиб, уларда олимлар, шоирлар, мусикачи ва рассомлар тўпланганди. Шарқдаги шаҳарларнинг кейинги тараққиётига уларнинг давлат ерларида ташкил топганлиги ҳам ёрдам берарди. Осиёда Европадаги каби шаҳарлар аҳолисининг феодалларга қарши уруши бўлмаган.

Осиёнинг энг йирик давлатларидан бўлган Хитойда феодал шаҳарлари вужудга келиши ва ривожланиши IX—XIII асрлар давомида бўлди. Шаҳарларнинг иқтисодий юксалиши уларга эркинлик келтирмади. Хитой шаҳарларидаги бутун бошқарув ташкилотлари давлат ҳокимиятига бўйсунган эди.

Ҳиндистон ва унинг шаҳарлари биз кўраётган даврда чет эл босқинчиларининг талончилик майдонига айланди. Жумладан, Пратижар рожаси 1018 йили Маҳмуд Газнавийдан мағлуб бўлиши пойтахт Кануж шаҳрининг аёвсиз таланишига олиб келди. Истилочилик урушлари Ҳиндистонда шаҳарлар тараққий қилишига имкон бермади.

Японияда ўрта аср шаҳарлари турли тарзда пайдо бўлган: Будда ибодатхоналари теваарагида (Нара, Хэйян), алоқа бекатлари ва йўллар устида — Оцу, порт шаҳарлари — Хёго, Сапай, қалъалар атрофида — Нагоя ва бошқалар. Хэйян шаҳри 1177 йили ёнғин оқибатида бутунлай ёниб битди. Тез орада қайта тикланган шаҳар — Киото номини олиб, мамлакат пойтахтига айланди. Кейинги асрларда ҳам Киото ўзининг сиёсий, иқтисодий ва диний аҳамиятини йўқотмади.

Ишлаб чиқариш ўсиши Эронда ҳам шаҳарлар тараққиётини тезлаштирди. Буюк Ипак йўли халқаро савдо йўлидаги эски шаҳарлар ривожланиши баробарида янгиларига асос солинди. Бу шаҳарлар фақат

транзит савдога хизмат қилиб қолмасдан, маҳаллий ҳокимларнинг бошқарув марказлари ва ҳунармандчилик учоқлари эди.

2. Шаҳарлар ҳаёти. Осиё мамлакатлари шаҳарлари ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтган. Жумладан, Хитойда XI асрга келганда шаҳарлар қурилиши юксак даражага кўтарилди. Император саройлари, зодагонларнинг ҳашаматли уйлари 2—3 каватли



19-расм. Ҳиротдаги Мусалло мажмуасидаги минора.

қилиб курила бошлади. Мамлакатда курилишга яроқли ёғоч кам бўлгани туфайли гишт ва сополдан кенг фойдаланилган. Бу борада халқда “Тоққа ёғочга кетган минг кишидан фақат беш юзи қайтиб келади” нақли бор эди. Шунинг учун император янги сарой курилишини эълон қилиши атроф ерлардаги деҳқонлар учун ташвишли давр бошланишидан далолат берарди.

Хитойнинг йирик шаҳарларида, Европадан фарқли уларок, коммунал хўжалик иши яхши йўлга қўйилган эди. Аҳолини тоза сув билан таъминлаш, шаҳарни ахлат ва ташландиклардан тозалаш, ўт ўчириш ишлари тартибга солинганди. Ўрта асрлар даврида ҳам Хитойнинг аҳолиси кўп бўлиб, Пекинда (XVI аср) — 1 миллион, Нанкинда эса ундан ҳам кўпроқ киши яшаган.

Мусулмон мамлакатлари шаҳарлари ўзига хос лойиҳалаштирилган: марказда арк-қалъа, унинг ёнида шаҳристон, яъни шаҳарнинг асосий қисми жойлашганди. Шаҳар теварагида рабод номи билан хунарамандларнинг гузар-маҳаллалари бунёд этилган. Ислом мамлакатларининг деярлик барчасида ёғоч такчил бўлганлигидан асосий курилиш ашёси тош ва гишт ҳисобланарди. Ҳукмдор ва зодагонлар саройлари пишиқ гиштдан қурилса, камбағалларнинг пахсадан қурилган оддийгина кулбалари доимий таъмирлашни талаб қилар эди. Меросга уй қолдирилганда кўпинча уни бузиб ташлаб қайта куришга мажбур бўлардилар.

Мусулмон мамлакатлари шаҳарлари аҳолиси ҳам Европадагига нисбатан зич жойлашган. Эроннинг йирик шаҳарлари Исфахон ва Шерозда 200 мингдан ортиқ аҳоли яшар эди. Манбаларда ёзилишича, XI асрда, очарчилик йилларининг бирида фақатгина Нишопур шаҳрида 100 минг киши қирилиб кетган.

XIV аср охири ва XV аср бошларида Самарқанд шаҳри ҳар томонлама юксалиб, Амир Темур салтанати пойтахти сифатида жаҳонга машҳур бўлди. Соҳибкирон Амир Темурнинг фикрича, Самарқанд катталиги, гўзаллиги жиҳатидан дунёдаги энг йирик

шаҳарлардан ҳам устун турмоғи керак эди. Самарқанд атрофида Бағдод, Дамашк, Миср (Кохира), Шероз ва Султония деб мусулмон мамлакатлари бош шаҳарларининг номлари қўйилган бир канча катта қишлоқлар бунёд этилганлиги бу фикрни тасдиқлайди.

Дарҳақиқат, ўрта аср шоир ва мутафаккирлари уни “сайқали рўйи замин”, яъни бутун Ер юзининг сайқали, ҳусни деб таърифлаганлар. Ҳатто жаҳонгир Македониялик Искандар милоддан аввалги 329 йилда Самарқандни босиб олганда, унинг мустаҳкам ва кўркемлигини кўриб ҳайратда қолган.

Ўрта асрларда Бухоро шаҳри Шарқ оламида ислом дини ва маданияти ҳамда ҳунармандчилик ва савдо марказларидан бири сифатида шуҳрат қозонди.

3. Ҳунармандчилик. Ишлаб чиқариш ўсиши ҳунармандчиликка ҳам ижобий таъсир қилди. Шаҳарлик ҳунармандлар купинча чет элларга чиқариш учун қимматбаҳо буюмлар, зеб-зийнатлар ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашарди. Қоғоз, шойи газламалар, нафис кашталар, чинни чиқариш бўйича Хитой ҳунармандлари санъати ном қозонганди. Эрон ва Мисрнинг зиғир толаси, пахта, юнг газламаларига ташки бозорда ҳам талаб катта бўлган. Дамашк пулатидан ясалган қурол-аслаҳалар бутун дунёда машҳур эди. Шимолий Африкалик кўнчи ҳунармандлар ясаган чарм китоб муқовалари ҳам Шарқ ва Ғарб мамлакатларига маълум бўлиб, юксак қадрланар эди.

Осиё ва Африка мамлакатларида турли даврда бўлса-да ҳунармандчилик ташкилотлари — цехлар вужудга келган. Шарқ мамлакатларида ҳам цехлар ҳунармандларнинг феодаллар зулмига қарши кураш воситаси сифатида ташкил топди. Дастлаб шаҳар аҳолиси махсус солиқлардан озод бўлган. Лекин кейинчалик феодал давлатлар савдогар ва ҳунармандлардан турли махсус солиқлар ундира бошлади. Ушбу ҳол Араб халифалигида, Хитой, Япония ва бошқа мамлакатларда содир бўлди. Аста-секин цехларнинг аҳамияти пасайиб, улар давлат солиқларини тақсимлаб, уни вақтида йиғувчи ижроия ташкилотига айланиб қолди.

Хитойда цехлар ҳунармандларнинг мажбурий таш-

килотлари эди. Биргина Ханчжоу шахрининг ўзида XIII асрда 414 та цех бўлган. Хитой хунармандчилигининг юксак муваффақиятларини яна бир соҳадан билишимиз мумкин: бу ўлкада қурилган мустаҳкам ва катта, 600—700 одам, кўплаб юклар сиғадиган кемалар бошқа мамлакатларда деярли учрамайдн.

Ислом мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёда ҳам хунармандчиликнинг кўплаб соҳаларида цехлар бўлган. Ўша даврда яратилган хунармандлар рисоалари ҳозирги кунга қадар ҳужжатхоналарда сақланиб қолган. Бу даврда Марвда юқори сифатли кийимлар ва газламалар тайёрланса, Самарқандда бошқа хунармандчилик турлари билан биргаликда қоғоз ишлаб чиқариш юксак даражада ривожланган эди.

Ўрганилаётган даврда туқимачилик соҳаси, айниқса, Эронда яхши ривожланган эди. Қимматбаҳо парчалар, юнг ва ипакдан гиламлар туқилар эди. Пулат ва темирдан жанг қуроллари, совут, қалқон, жез ва қумуш идишлар юксак дид билан яратилиб, ҳам ички, ҳам ташқи бозорни таъминларди.

Араб халифалиги ўлкаларида ривожланган феодал жамияти нисбатан эрта ташкил топди. Халифаликдаги савдо ва хунармандчилик ҳақида географ олим ал-Муқаддасий Сурия ва Фаластиндан чиқариладиган моллар ҳақидаги маълумотларидан келтиришимиз мумкин. "Сурияда савдо яхши даромад келтиради. Фаластиндан зайтун ёғи, майиз, шойи газламлардан кўйлақлар, совун ва мева келтирилади. Қуддусдан — пишлок, пахта, узум, олма, ойна, чироқ ва игналар; Уммондан — дон, қўзилар ва асал; Табариядан — гилам, қоғоз, пахта газламалар; Кадасдан — икки асосли газлама, арқон; Сурдан — қант, нақшли ойна; Маъабдан — писта; Байсандан — гуруч, хурмо; Дамашқдан — зайтун ёғи, газламалар, парча, гунафша ёғи, мис идишлар, қоғоз, ёнғок, майиз; Ҳалабдан — пахта, кийим-кечак чиқарилган. Тунис кун давомида турли хил товланувчи заррин газмоли — "буқаламун" билан машхур эди".

4. Савдо. Шарқ мамлакатларида ички ва ташқи савдо бир хил даражада юксак ривожланган эди. Буюк

Ипак йули бу соҳада муҳим урин тутган. Араб халифалиги, Тан империяси, Деҳли султонлиги каби йирик марказлашган давлатлар ташкил топиши фақат ташқи савдони эмас, балки мамлакатлар ичидаги савдони ҳам фойдали соҳага айлантирди. Шу даврдан Узоқ Шарқ, Ўрта Осиё, Яқин Шарқ билан қуруқлик ва денгиз савдо йўллари орқали қизғин савдо-сотик олиб борилди. Африкадаги мамлакатларнинг ўзаро савдосида доимий урушлар оқибатида хунармандчилик буюмларига қараганда хом ашё кўпроқ эди. Африкаликлар ички ва ташқи савдоси туз, олтин, фил суяги, туяқуш патлари, зираворлар, қисман куллардан ташкил топганди.

Шарқ мамлакатларида одамлари гавжум, сершовкин бозор ва дўконларни бугунги кунда ҳам кўришимиз мумкин. Асрлар давомида Шарқ бозори бу борада деярлик ўзгармаган. Ўрта асрларда анъанавий бозорлар шаҳардан чиқиш жойига яқин ерда бўлган. Шаҳар ичида эса кўпинча кичик ихтисослашган бозорлар бўларди. Ўрта Осиё ва Эрон шаҳарларининг бозорлари бир қанча расталардан иборат эди. Ҳар бир раста маълум бир мол билан савдо қилдиган савдогарларни ёки муайян касб билан шуғулланадиган хунармандларни бирлаштирар эди. Бағдод, Ишбилия (Севилья) ва Ғарнота (Гренада)да мардикорлар бозори ҳақидаги маълумотлар илк ўрта асрларга оиддир. Тарихчи ал-Макризийнинг ёзишича, Қохирада, шаҳар ичида 35 та бозор бўлган.

Ҳар қандай тақиқлар бўлишига қарамасдан, деҳқон бозорга ўз маҳсулотини олиб кириши билан олибсotar уни қарши олар эди. Ҳиндистонда пул муносабатлари эрта таркиб топганидан бозори бўлмаган қишлоқнинг ўзи йўқ эди. Солиқларни пул ҳисобида тўлаш деҳқонларни ўз маҳсулотларини сотишга мажбур қилар эди. Бу вазиятдан ҳамиша ҳозир у даллоллар фойдаланар, ҳар бир олди-сотдидан ўзига фойда чиқаришар эди.

Хитойда ҳам, Европадаги каби, қишлоқларда бозорлар бўлмаган. Лекин бозор ташкил қилинадиган алоҳида жойлар бўлиб, у ерда ҳафтанинг 2—3 кун



20-расм Истанбулдаги кичик бозор.

савдо уюштирилган. Унинг атрофидаги 5—6 кишлок аҳолиси шу жойда савдо-сотик қиларди. Бозор унчалик катта бўлмаган, аҳоли кашшоклигидан 4—5 оиладан бозорчага бир киши келиб, деҳқонлардан хўжалик

учун зарур игна, гугурт, совун, тамаки ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларни харид қиларди. Бозорда овқатланиш жойи чойхона бўлган. Майхонада гуручдан тайёрланган ароқ сотилган. Бозорда кўзбойлағичлар, дорбозлар, кизикчилар томошалар кўрсатишган.

Шарқда бозорлар фақат савдо-сотик жойигина бўлиб қолмасдан, айтилиб вақтда кўпгина хунармандчилик устaxonалари ҳам шу бозорларда жойлашган бўларди.

Бозорлар бир-бирларига халакит қилмаслиги учун ҳафтанинг турли кунларида уюштириларди. Савдогарлар, сайёр хунармандлар, олибсотарлар доимо ҳаракатда бўлиб, бир бозордан иккинчисига ўтганлар.

Бугунги кунда Ғарб ва Шарқ ўртасидаги тафовут жуда катта. Ўрта асрларнинг асосий салмоқли даврида эса уларнинг иқтисодий тараққиётида фарқ деярлик бўлмаган. Шарқ мамлакатлари V—X асрлар давомида кўп соҳаларда Европадан илғор бўлган. Фикримизча, юқорида келтирилган маълумотлар бунини тўлиқ тасдиқлайди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Шарқ мамлакатларида ўрта аср шаҳарларининг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.

2. Хитойда шаҳарлар қурилиши ва улардаги маиший хизмат ҳақида нималарни биласиз?

3. Япония ва Эрон шаҳарлари ҳақида гапириб беринг.

4. Шарқ мамлакатларида хунармандчиликнинг қайси соҳалари яхши ривожланган эди?

5. Осиё давлатларида савдо ва бозорлар ҳақида нималарни биласиз?

6. Ўрта аср мусулмон шаҳарларининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.

7. Ўрта асрларда Шарқда машҳур бўлган қуйидаги иборани шарҳлаб беринг: "Самарқанд сайқали руйи заминдур, Бухоро қудрати исломи диндур".

19-§. Христиан черкови тарихидан лавҳалар

1. Европанинг христианлашуви. Христианлик Рим кулдорлик империясида IV асрда императорлар Константин I ва Феодосийлар даврида давлат дини сифатида тан олинди. Айнан шу даврдан христианлик герман қабилалари орасида ҳам ёйила бошлади. Тарихчи Турлик Григорийнинг ёзишича, франклар Хлодвиг бошчилигида христиан динини қабул қилиши билан “Исо ва унинг ердаги ноиб*ларидан бўлажак жангда ғалабани таъминлашни талаб қилганлар”. Шундай экан, дастлаб янги динни маънавий тушуниб, ҳис билан эмас, балки сиёсий ва амалий тадбирлардан келиб чиққан ҳолда қабул қилганлар.

Англия ва Ирландия монастирларидан етишиб чиққан христиан дини серғайрат роҳиблари VI—VIII асрларда Европанинг энг чекка жойларига ҳам етиб динни тарғиб қилиб аҳолини чуқинтирганлар. Марказий ва Жанубий Германиядаги фриз, сакс қабилалари ҳам шу асрларда христианликни қабул қилдилар. Скандинавия халқлари IX асрда католик динини қабул қилган бўлсалар, Киев Руси православ мазҳабини Византиядан X асрнинг охирида ўзлаштирди. Европадаги расмий дин христианликка энг охири ўтказилган қабилалар: полаб славянлари (XII асрда), Болтикбўйи прус ва литов қабилалари (XIII—XIV асрларда) бўлдилар.

2. Христиан черковининг бўлиниб кетиши. Рим империясининг 395 йили бўлиниб кетиши христиан черковининг ҳам норасмий ажралишига сабаб бўлди. Кейинги даврда Рим папалари давлати ташкил топди (756 йил). Византия черкови эса ўз фаолиятини давлатга бўйсунган ташкилот сифатида юритарди. Шарқий Европа славян халқларининг аксарияти

* Рим папалари ўзларини худонинг ердаги вакили деб атаганлар.

христиан динини Византиядаги православиядан қабул қилиши Рим папаларининг бу ишга аралашуви билан якунланди. Христиан черковига ҳукмронлик қилишга даъвогарлик қилиш улар уртасида 1054 йилдаги низога ва черковнинг расмий равишда бўлиниб кетишига олиб келди.

Католик ва православ черковлари ўртасидаги диний баҳснинг боиси Муқаддас рух ғоясининг қабул қилинишида эди. Никей собори қарорларига риоя қилган Византия черковида Муқаддас рух фақат худодан иборат эканлиги эътироф этилса, Рим черковида худонинг фарзанди Исодан ҳам Муқаддас рух тарқалиши тан олинади. Рим черковига қўйилган айблардан яна бири уларнинг махсус ёрлик — индульгенцияларни инсонни гуноҳлардан халос этувчи восита сифатида сотишлари эди.

Рим черковида фақат руҳонийлар ибодатдан олдин нон ва вино билан поклансалар, православияда сиғинувчиларнинг барчаси бу ҳуқуққа эга эди. Католиклар бешта, византияликлар эса учта бармоқлари билан чуқинишлари, Ғарбда черков ваъзи латин тилида, Шарқда эса грек тилида олиб борилиши ҳам фарқланади. Католик черкови қонунлари бўйича руҳонийларга уйланиш тақиқланган бўлса ("целибат"), православияда фақат роҳибларгина оила қурмасди. Рим черковида никоҳдан чиқиш бутунлай тақиқланган. Келишмовчиликнинг яна бир сабаби Рим папаларининг авлиё Пётр вориси сифатида христиан дунёсига яқка ҳукмронликка бўлган даъволари эди.

3. Христиан черковининг феодаллашуви. Ғарбий Европада бошланган феодаллашув жараёни черковни ҳам четлаб ўтмади. Қитъадаги экин майдонларининг 1/3 қисми черковга қарар эди. Бундан ташқари, черков ва монастыр ерлари давлат солиқларидан бутунлай озод қилинганди. Ўрта асрларда епископ ва аббатларнинг юзлаб, минглаб қарам деҳқонлари бўларди.

Епископлар ва аббатлар бошқа феодаллардан деярлик фарқ қилишмасди. Черковнинг тақиқларига қарамасдан, улар урушларда иштирок этишар, мусобакалар

ва овлар уюштиришар, қимматбаҳо кийимлар кийишарди. Черков ўз харажатларини қоплаш учун деҳқонлардан олинадиган соликларни, уларнинг ишлаб бериш мажбуриятларини тинимсиз кўпайтирарди. Черков ва монастирлар ерларида солиқ ва мажбурий ишлаб бериш кўп бўлиши баробарида Европада деҳқонлар қарамликдан озод бўлиши ҳам жуда оғир кечди.

Черков бойликларини кўпайтиришда аҳолидан ёппасига олинадиган ушр, никох, болага исм қўйиб чўқинтиргани учун солиқлар ва бошқа диний марсимлардан тушадиган пуллар ҳам хизмат қилди. Европа мамлакатлари аҳолисидан тушадиган бойликларнинг катта қисми Рим папалари хазинасига қирим қилинарди. Булар ҳам камлик қилгандай, диндорлар гуноҳларни пул эвазига кечишни даъво қилишлари католик черковини аввалига бойитган бўлса, кейинчалик уни обрусизлантирган муаммога айланди.

Инд�льгенция (лотинча “афв” демакдир) — гуноҳларни кечириш ёрлиғини сотиш шаҳар ва қишлоқларда, бозорларда роҳиблар томонидан кенг йўлга қўйилди. Бу борадаги андишасизлик шу даражага бориб етдики, черков инсоннинг фақат қилган гуноҳларинигина эмас, балки қилиши мумкин бўлган гуноҳларини ҳам олдиндан маълум пул ҳисобига кечиришни ўз зиммасига олди. Папалик томонидан тузилган дастур-жадвалда қандай гуноҳдан кечиш неча пул туриши кўрсатилган эди.

Христиан черкови ўрта асрларда маданият ва маориф соҳаларини ривожлантиришдаги хизматлари баробарида меҳнаткаш халққа шафқатсиз зулм ўтказди, баъзан ҳатто уларнинг ер-мулкларини олишда фирибгарликлардан ҳам тоймади.

4. Рим черковининг кучайиши. Европада феодак таркоқлиги ҳукм сурган бир пайтда католик черкови катта куч эди. Рим католик черкови ўз қудрати чўққисига XIII асрда, папа Иннокентий III даври (1198—1216 йиллар)да эришди. Унинг “Ой ўз ёғдусини Қуёшдан олганидек, қирол ҳокимияти ўз жилосини папаликдан олади” деган фикри ҳаётга татбиқ

этилди. Рим папаси ўз ҳукмини ўтказиш учун черковдан четлатиш ва интердикт*дан фойдаланиб киролларни тахтдан воз кечишга мажбур қилар эди. Шу йўл билан Иннокентий III даврида герман, француз ва инглиз кироллари жазоланди. Интердиктнинг қўлланиши ушбу давлатлардаги ички аҳволни оғирлаштирди. Сабаби: интердиктга мувофиқ бу мамлакатлардан ибодатхоналар бекитилиб, гўдакларни чуқинтириш, никоҳ маросими, вафот этганларни черков удуми бўйича дафн қилиш тақиқланар эди.

Папалик сиёсий мавқеи ошганлигини салиб юришларидан ҳам яққол кузатишимиз мумкин.

5. Католик черковининг еретикларга қарши кураши. Урта асрлардаги еретик — дахрийлар диндан бутунлай юз ўгирган кишилар бўлмасдан, балки католик черковининг бойликка ружуъ қўйишига, ушрга, унинг ер-мулкига қарши, соф, содда черков ғояси тарафдорлари эди. “Еретик” грекча сўз бўлиб, “диндан қайтган дахрий” маъносини билдирарди. Дахрийлар ҳаракати вакиллари ўз тарафдорларини итоаткор, сабр-тоқатли бўлишга даъват қилардилар. Лекин дахрийлар ғоялари расмий черков вакилларини обрўсизлантирарди.

Дахрийлик ҳаракати кенг ёйилган вилоятларга Рим папалари салиб юришлари уюштирар эдилар. Франциянинг жанубидаги вилоятларга қарши XIII асрнинг бошларида худди шундай салиб юришлари қилинди. Натижада гуллаб-яшнаб турган кўплаб шаҳарлар таланиб вайрон қилинди, аҳолиси эса қириб ташланди. Шаҳарлардан бирида католиклар қўшини 20 минг кишини қиличдан ўтказди. Папа вакилидан дахрийларни католиклардан қандай фарклаш мумкин деб сўрашганида, у: “Ёппасига ўлдираверинг, у дунёда худо ўз бандасини ажратиб олади!” деб жавоб берган экан.

6. Инквизация. Дахрийлар билан курашиш мақсадида католик черкови инквизация судларини тузди. Черков тарихи бошланишидаёқ динни мус-

* *Интердикт* — кироликда диний черков хизматини вақтинчалик тақиқлаш.

тахкамлаш ва тозалашда зўравонликка фатво берилган эди. Император Феодосий даврида черков ва дин душманларини топиб жазолаш учун қидириш ва тергов қилиш ташкилоти — инквизация тузилганди. Папа Григорий IX даври (1227—1241 йиллар)да инквизация суди — трибуналининг қайта ташкил этилиши бу ишни кенг ва оммавий тусда авж олдирди.

Инквизиторлар дахрийларни ва черковдан норози бўлган кишиларни жосус ҳамда айбқочилар ёрдамида топарди. Айбланувчиларни турмага қамаб, айбига икром бўлгунча турли қийноқларга солишарди. Уларнинг оёқларини оловга тутиб куйдирар, махсус исканжага солиб суякларини мажақлардилар. Инквизация авж олган Испанияда маҳкум этилганларни гулханда куйдириш “*аутодафе*” (эътиқод иши) деб ном олган эди. Қатл черков байрамига айланиб, қирол, куплаб зодагонлар, майдонда жам бўлган халойик куз олдида утказиларди.

Инквизация ёрдамида черков кузғолон раҳбарларини, черков таълимотига қарши фикр билдирган олимларни жазоларди. Турли эътиқоддаги Жанна д'Арк, Жордано Бруно, Ян Гус, Мигель Серветларнинг гулханда ёндирилиши бунга мисол бўла олади. Урта асрларнинг сўнгги даврида “жодугарларга қарши ов” кенг тус олиб, у католик черкови тарихида энг қора саҳифаларни битди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Христиан дини Европада қачон расмий тан олинди?
2. Католик ва православ мазҳаблари ўртасидаги фарқни гапириб беринг.
3. Христиан черковининг феодаллашуви деганда нималарни тушунасиз?
4. Индульгенция ёрлиғи нима сабабдан сотилган?
5. Христиан черковига қарши кишилар ким деб аталган?
6. Инквизация нима ва у кимларга хизмат қилган?

20-§. Христиан черкови ва салиб юришлари

1. Салиб юришлари нима? Фарбий Европа феодалларининг Урта Ер денгизи мамлакатларида, 1096—1270 йилларда олиб борган салиб юришлари диний тусдаги боскинчилик урушлари эди. Салиб юришларининг ташкилотчиси ва ғоявий тарғиботчиси христиан католик черкови бўлди. Черков урушларга диний тус бериб, Исо пайғамбар (Иисус Христос)нинг Қуддусдаги қабрини ғайридинлар — мусулмонлар қўлидан озод қилишни тарғиб қилди. Юришлар “салиб”нинг “ярим ой”га, христианларнинг мусулмонларга қарши “муқаддас уруши” деб эълон қилинди. Салиб юришлари учун дин фақат ниқоб бўлганлиги Византияга қарши қилинган тўртинчи салиб юришида (1202—1204 йиллар) яққол кузга ташланди.

Салиб юришлари аслида Фарбий Европа мамлакатлари феодалларининг ўсиб бораётган тажовузорлиги натижаси, Шарқдаги бой ерларни, шаҳарларни эгаллашга қаратилган ҳарбий ҳаракати эди.

2. Салиб юришларининг сабаблари. Умумий иқтисодий юксалиш, шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ўсиши, савдо-сотиқ ривожланиши ҳам салиб юришларига туртки берди. Эндигина шакллана бошлаган ишлаб чиқариш, табиийки, феодалларнинг кундан-кунга ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондира олмасди. Натижада феодаллар учун қурол кучи билан урушлар орқали бойлик орттириш энг осон йўл бўлиб қолганди.

Фарбий Европада, анъанага кўра, ворисликнинг майорат тури мавжуд эди. Унга биноан феодалнинг ер-мулки катта ўғилга ўтиб, қолган фарзандларга эса купинча от, қурол-яроғ ва дворянлик унвонидан булак ҳеч вақо тегмасди. Қитъада худди шундай ер-мулки бўлмаган феодаллар тоифаси анчагина эди.

Салиб юришларида, жумладан, ҳали айтиб ўтилганидек, ундан манфаатдор бўлган католик черкови ҳам фаол қатнашди. Шарқ ерлари бўйсундирилиши чер-

ков таъсир доирасини кенгайтириши баробарида унга янги ер-мулклар ҳам келтириши мўлжалланган ва амалда ҳам шундай бўлиб чиқди.

Дастлаб салиб юришларида минглаб оддий деҳқонлар ҳам иштирок қилди. Деҳқонларнинг бу урушларда қатнашишдан мақсади очарчиликлардан ва ўз қарзларидан қутулишдан иборат эди.

Умуман, салиб юришларидан жамиятнинг барча табақалари ва ижтимоий тоифаларининг маълум мақсадлари ва манфаатлари бор эди.

3. Христиан черкови ва салиб юришлари. Францияга 1095 йил ёзида Альп тоғлари орқали ўтиб келган Рим папаси Урбан II Клермон шаҳрида ўтказилган черков собори (йиғини) тугаганидан кейин тўпланган 14 архиепископ, 225 епископ, 400 аббат ва минг-минглаб халқ вакиллари олдида нутқ сўзлади. У йиғилганларни салиб юришларига чорлади. “Кимки урушда қатнашиб ҳалок бўлса, унинг гуноҳидан ўтаман. Илгари ўзаро урушаётганлар, талончилар, ёлланма аскарлар энди ғайридинларга қарши урушга отлансинлар. Кимки бу ерда тушкунлик ва қашшоқликда бўлса, у ерда хушвақт ва бой бўлади. Бу ерда худонинг гуноҳкори бўлса, у ерда унинг дўстига айланади”. Урбан II сўзида давом этиб: “Ўз ерингиз кам ва унумсиз бўлганидан ўзаро биродарқушлик урушлари бўлмоқда. “Инжил”да ёзилишича, у ерларда сут ва асал дарё бўлиб оқади. Қуддус ернинг киндигидир, у жаннатсифат ҳосилдор ерли улкадир!”

Бу сўзларни эшитган халойик “Худонинг иродаси шу!”, “Худонинг истаги шу!” деган хитоблар билан папанинг фикрини ёқлади. Урбан II нинг қақирғи билан бу йўлда умрини тикканлар кўкракларига, муқаддас ишни бажариб қайтишни ният қилганлар ҳам елкаларига салиб аксини туширишлари керак эди.

Католик черкови салибчиларга бир неча енгилликлар ваъда қилди. Жумладан, деҳқонларни қарзларидан озод қилиш, оила ва мол-мулкни черков ҳимоясига ўтказиш, уруш қурбонларининг гуноҳларидан кечиш ва нариги дунёда жаннатга тушиши кафолати берилди. Дастлабки салиб юришларини ташкил қилиш-

да черков вакили, роҳиб Амьенлик Петринг Франция ва Жанубий Германия қишлоқларида аҳолини ўз ваъзалари билан юришларга чақириши муҳим роль ўйнади. Кейинчалик у деҳқонлар юришининг раҳбарларидан бирига айланди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Салиб юришлари нима?
2. Салиб юришларининг сабабларини кўрсатиб бериңг.
3. Деҳқонлар нима сабабдан салиб юришларида иштирок қилишди?
4. Феодалларнинг салиб юришларида қатнашишдан мақсадлари нима эди?
5. Христиан черковининг салиб юришларидаги ўрни қандай бўлган?

21-§. Салибчилар ҳаракатининг асосий даврлари.

Салиб юришларининг натижалари ва оқибати

1. Биринчи салиб юришлари. Камбағаллар юриши. Салиб юришларига 1096 йил баҳорида йўл олган Ғарбий Европа деҳқонлари Рейн дарёсининг юқори оқими бўйлаб жануб томонга юриш бошладилар. Болта, ўрок, тўқмоқлар билан қуролланган оломон орасида бетайин саёқлар, дайдилар ҳам анчагина эди. Натижада салибчилар ўтган жойларда талончилик ва зўравонлик кундан-кунга кучая борди. Богемия ва Рейн бўйидаги шаҳарларда оломон яҳудийларга қарши қирғин уюштирди. Араваларга бола-чакаларини ортиб олган деҳқонлар шу тарика Қуддусга томон борар эди. Салибчилар ҳар бир шаҳарни кўрганда: “Қуддус шу эмасми?” деб сўрадилар.

Ниҳоят, катта талофатлар билан, 1096 йил ёзида юриш иштирокчилари Константинополга тупланишди. Византия императори салибчилардан тезроқ қутулиш

учун дехконларнинг тартибсиз лашкарини Кичик Осиёга утказиб юборди. Бу ерда салжукий турклар билан биринчи туқнашувдаёқ салибчиларнинг купчилиги кириб ташланди. Жанглардан омон қолган халк лашкарининг қолган-қутгани Константинополга қайтиб келди.

2. Феодаллар юришлари. Рицарлар кушини пухта тайёргарликлардан кейин 1096 йил кузида Франция, Германия ва Италиядан Шаркка томон йўл олди. Улар турли йўллар билан Византия пойтахтига тупланиб, 1097 йил баҳорида Кичик Осиёга утдилар. Қуддусга юриш давомида салибчилар бир неча шаҳарларни босиб олдилар. Улар бу ерларда ўзларининг учта князлик ва графликларини туздилар.

Нихоят, юришларнинг учинчи йили салибчиларнинг $1/5$ қисми Фаластинга етиб келди. Рицарлар 1099 йил июлида қаттиқ жанглардан сўнг Қуддусни ишғол қилишди. Салибчилар шаҳардаги мусулмон аҳолини аёвсиз қирдилар. Улар ҳатто хотин-қизларга, болаларга ҳам шафқат қилмадилар. Рицарлар маҳаллий аҳолининг уйига киришда ўз қалқонини эшикка осиб қўярдилар. Таомил бўйича — бу уй барча жихозлари билан янги хўжайинники ҳисобланарди.

3. Салибчилар давлатлари. Кейинги салиб юришлари. Сурия ва Фаластиннинг денгиз қирғоғи бўйлаб 1200 километрга чўзилиб кетган ерларида салибчилар ўз давлатларини туздилар. Улар ичида энг каттаси Қуддус қироллиги эди. Эдесса, Триполи графликлари, Антиохия князликлари қироллик вассаллари ҳисобланарди.

Янги ерларни бўлиб олиш баробарида салибчилар феодал давлатларини вужудга келтирдилар. Маҳаллий дехконлар қарамликка туширилди. Улар ҳосилнинг $1/3$ қисмини, баъзида ярмини йирик ер эгаларига солиқ тариқасида тўлашарди. Дехконлар, шунингдек, қиролга алоҳида солиқ ва черковга ушр тўлардилар.

Салибчилар истилоси ва зулми маҳаллий аҳолининг норозилигига олиб келди. Аҳоли европалик феодалларга қарши бир неча марта кўзғолонлар кўтарди. Устига-устак, салибчилар давлатлари ўзаро чиқиша

олмасдилар. Вакт утиб, мусулмон амирлари шарқдан ва жанубдан салибчиларга тазйик бошладилар. Ниҳоят, Миср султони Салоҳиддин Айюбий (1187 йил) Қуддусни забт этди ва европалик рицарларни шаҳардан қувиб чиқарди.

Қуддусни қайтариб олиш учун уюштирилган иккинчи (1147—1149 йиллар) ва учинчи (1189—1192 йиллар) салиб юришлари муваффақиятсизлик билан тугади.

4. Тўртинчи салиб юришлари. Рим папаси Иннокентий III XIII аср охирларида Шарққа янги салиб юришини ташкил қилишга киришди. Тайёргарлик вақтидаёқ салибчилар Фаластинга денгиз орқали боришга қарор қилдилар. Уларга кемаларни Венеция республикаси 85 минг кумуш марка ҳисобига ижарага беришни зиммасига олди.

Салибчилар ижара ҳақини тўлиқ бера олмасдан, Венециянинг талабига биноан унинг асосий савдо рақобатчиси Византияга қарши уруш бошлашга мажбур бўлдилар. Бунда асосий баҳона Византиянинг қонуний императори Исаак II ни тахтда тиклаш бўлди. Натижада салибчилар христианларга қарши уруш бошлаб, 1204 йил Константинополни ишғол қилдилар. Салибчилар талончилигидан фақат савдогарлар, шаҳар аҳолиси азият чекиб қолмасдан, ибодатхоналар ҳам шип-шийдон қилинди. Шаҳар уч кун давомида ёнғин гирдобиди қолди. Салибчилар ҳатто Муқаддас София ибодатхонасини ҳам талашди. Қимматбаҳо буюмлар синдирилиб, бўлишиб олинди. Салибчилар Византия ҳудудининг ярмига яқин ерларда янги давлат — Лотин империясини туздилар. Фақат Никея императори Михаил VIII томонидан Византия империяси 1261 йилда қайта тикланди.

5. Болаларнинг салиб юришлари Франциянинг Вандом қишлоғида 1212 йили салиб юришлари тарихида қизиқ воқеа рўй берди. Стефан деган чўпон бола “Мен худо томонидан муқаддас ерни озод қилишга юборилдим”, деб эълон қилди. У бутун мамлакат бўйлаб юриб болаларни салиб юришларига чакириб тарғибот қила бошлади. Ота-оналарнинг қаршилигига

карамасдан, минглаб болалар ва кизлар юришга отландилар. Франция жанубидаги Марсель портига тўпланган болаларни кул савдоси билан шуғулланувчи икки савдогар кемаларда Мисрга олиб бориб кулликка сотиб юбордилар.

Кейинчалик бешинчи салиб юришларига бошчилик килган Фридрих II ўша савдогарларни ушлаб дорга остирди (1229 йил). Император Миср султони билан тузилган битимга биноан болаларнинг бир қисмини Францияга қайтаришга эришди.

6. Салибчилар ҳаракати тўхташининг сабаблари. XIII асрнинг охирига келиб Ғарбий Европада салиб юришлари ҳаракати тўхтади. Бунинг асосий сабаблари:

— Европа мамлакатларида жиддий ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй берди. Чунончи, кўпгина мамлакатларда ишлаб чиқариш кучлари ўсиб, марказлаштириш сиёсати бошланди.

— Ишлаб чиқариш кучлари ва иш қурулларининг ўсиб такомиллашуви табиий офатлардан келадиган талофатларни камайтириб, ҳосилдорликнинг ортишига олиб келди. Деҳқонларнинг ерсизланган қисми тобора юксалаётган шаҳарларга ўтди.

— Рицарлар аҳволида ҳам ўзгаришлар рўй берди. Энди улар учун урушларда иштирок этишдан кўра қирол гвардиясида хизмат қилиш афзал бўлиб қолди.

— Савдогарлар ҳам урушлар орқали эмас, балки тинчлик битимлари йўли билан савдони ривожлантириш афзаллигига иқрор бўлдилар.

— Салиб юришларининг ғоявий раҳбари ва тарғиботчиси бўлган Рим папалари XIII асрдан ўз сиёсий мавқеини йўқота бошлади. Бунга Ғарбий Европада марказлашган давлатларда қирол ҳокимиятининг кучайиши сабаб бўлди.

XI аср охиридан то XIII асрнинг учинчи чорагига қадар давом этган Европа феодалларининг Шарқдаги босқинчилик урушлари бўлган салиб юришлари шу тарика тугади.

7. Салиб юришларининг натижалари ва аҳамияти. Салиб юришлари ўзининг асосий максаси

ди — Шарқдаги ҳудудларни истило қилишга эриша олмади. Европа мамлакатлари унга катта маблағлар сарфладилар. Урушлар юз минглаб одамларнинг бевакт ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлди. Шундай бўлса-да, салиб юришларининг Европага ижобий таъсири ҳам бўлди. Жумладан, урушқоқ рицарь ва феодалларнинг юришларда иштироки кўплаб мамлакатларда қирол ҳокимияти кучайиб, марказлаштириш сиёсати бошланишига имконият яратди.

Ғарб феодалларининг Шарқ мамлакатларида бўлиши, юксак маданият ва турмуш даражаси билан танишишлари, маълум жиҳатдан уларнинг ҳаёт ва турмуш тарзларига ижобий таъсир қилди. Европа феодаллари Шарқ таъсирида пул солиғига ўтиб, баъзида деҳқонларни пул тўлови эвазига қарамликдан озод қилишлари ҳоллари учрай бошлади. Демак, салиб юришлари деҳқонлар аҳволига ҳам таъсир кўрсатди десак, муболаға бўлмайди.

Мусулмонларнинг Ғарбий Европа иқтисодий тараққиётига таъсири айниқса катта бўлди. Европада XII—XIII асрдан гречиха, шоли, тарвуз эка бошладилар. Шарқдан ўрик ва лимон дарахтлари келтирилди. Дамашқдан олиб келинган атиргул нави кўплаб мамлакатларга тарқалди. Қитъанинг жанубий ҳудудларида шакарқамиш экиш йўлга қўйилди. Салибчилар Сурияда биринчи марта кўрган шамол тегирмонлари XII асрдан Европада ҳам қурила бошлади. Шарқ хунармандлари тўкиган баъзи нафис газламалар: “атлас” (арабча сўз, чиройли дегани), муслин, дамаст ва бошқалар Европага келтирилиб, улардан либослар тикила бошлади.

Араблардан XII асрда келтирилган алоқа қаптарларидан кўплаб мамлакатларда кенг фойдалана бошладилар. Асрлар давомида совук сувда ювинадиган, кийимларини алмаштирмайдиган, ички кийимни билмайдиган жангчилар Шарқда иссиқ ҳаммомларда чўмилишни, кийим алмаштиришни ўргандилар. Бу янгиликлар албатта кизикарли, лекин улар фақат салиб юришлари натижасида тарқалди десак, янглиш бўлади. Сабаби: ҳар қандай маданий жараён тинч ва савдо

йўли билан таркалиши ҳамда узлаштирилиши мумкин эди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Биринчи салиб юришлари қачон бўлди? Уларда кимлар иштирок этди?
2. Салибчилар тузган давлатлар ҳақида гапириб беринг.
3. Тўртинчи салиб юришларининг аҳамияти нимада?
4. Болалар салиб юришлари ҳақида нималарни эслаб қолдингиз?
5. Салибчилар ҳаракати нима сабабдан тўхтади?
6. Салиб юришларининг натижалари ва аҳамиятини сўзлаб беринг.

Мустақил ишлаш учун топшириқлар

Дафтарингизга қўйидаги жадвалларни ёзиб тўлдиринг:

Салиб юришларида аҳоли турли қатламларининг қатнашиш сабаблари ва натижалари

Юриш қатнашчилари	Қандай мақсадни қўйган эдилар?	Нимага эришдилар?
Католик черкови Қирол ва йирик феодаллар Рицарлар Шаҳарлар Дехконлар ва камбағаллар		

Салиб юришларининг оқибатлари

Ғарбий Европа халқлари учун	Шарқ халқлари учун

VI б о б. Европада марказлашган давлатларнинг ташкил топиши

22-§. Францияда марказлаштириш учун кураш

1. Феодалларнинг ўзаро урушлари. Инсоният тарихида феодал жамиятидек шахсий эркинлик ваколати чексиз даражадаги жамият бўлмаган. Ўрта асрларда феодал ҳуқуқларининг умумий талабларига бўйсунган вассал ўз хўжайинидан бошқа ҳеч кимни тан олмас эди. Кўпинча феодал қўшнилари ўзига тенг ҳуқуқли кишилар бўлишига қарамасдан, улар ўртасида низолар бўлиб турарди. Сеньорнинг вассаллари ўртасида чиққан низо феодаллар тоифавий судида кўриб чиқилган. Суд чиқарган ҳукмга феодал ўз имкониятлари, кучига, умуман, шахсий манфаатига қараб бўйсунган. Агар ҳукм унинг фойдасига бўлмасдан, рақибига қараганда кучлироқ бўлса, қўрғонига қайтиб, суд қарорини писанд қилмасдан яшайверган.

Келишмовчиликларнинг ягона ва узил-кесил ечими феодал уруши ҳисобланарди. Феодал жамиятида ҳеч қандай қонун ва ҳуқуқ урушиш ҳуқуқи каби қадрланмасди. Ҳар қандай феодал ўз тоифасидаги тенгига қарши уруш эълон қилиши мумкин эди. Бу урушда унинг фақат ўзи қатнашмасдан, қариндош-уруғлари, дўстлари ҳам иштирок қиларди. Шу тариқа, майда ер эгаларининг жанжаллари бутун бир вилоятни қамраган урушларга айланиб кетарди. Франция қироллари феодал урушларини жиловлаш ва маълум қонун-қоидалар доирасига солишга уринишган. Жумладан, қироллар бу турдаги урушларда қатнашиши мумкин бўлган шахслар, шунингдек, қариндошлар доирасини аниқлашган. Урушни бошлаш муддати белгилаб қўйилган. Уруш бошланиши ҳақида аввалдан хабар бериш ташкил қилинди. Қиролнинг уруш бошланишига "қирқ кунлик муҳлат"да рухсат бермаганлиги шу тариқа қонун кучига кирди. Христиан черкови ҳам XI аср

нинг бошларида ўзаро феодал урушларини жиловлаш ва юмшатишга ҳаракат қилди. Лекин руҳонийларнинг яраш битимларини худони ўртага қўйиб тузишга ҳаракат қилишлари ҳам кўп ҳолларда фойдасиз бўлиб чиқарди. Феодал онги, ғурури ўз ҳақлигини ва ўзи ҳал қиладиган муаммога бошқалар аралашувига йўл қўйишни қабул қилмаган.

Франция кироли XI асрга қадар ўз вассаллари: норманд, бургунд, аквитан герцогларига нисбатан бирмунча кучсизроқ бўлиб, улар киролга ўз хоҳишларига кўра итоат қилар эдилар. Бу ҳам етмагандек, кирол ўз домени* ерларида ҳам тўла хўжайин эмасди. Парижнинг шундок ёнгинасида киролнинг ўз ерларида унга қарши кураш олиб бораётган феодал қалъалари бор эди. Бу шароитда кирол чопари ҳеч қандай хавфхатарсиз Париждан Орлеангача етиб бориши даргумон бўлган. Кирол мулкидаги феодаллар аҳолини унинг номидан бошқарар ва зарур бўлганда суд қилар эди. Киролда на мунтазам қўшин ва на махсус ишончли тарафдорлари бор эди.

2. Франция қишлоқ хўжалиги. Францияда ҳам X—XI асрларда бошқа мамлакатлардаги каби қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ривожланди, шаҳарлар ўсди. Мамлакатда ички савдо ривожлана борди. Меҳнат қуролларининг такомиллашуви, ер ҳайдашда қўшга қўшилган отдан фойдаланишга утилиши ерга ишлов беришни яхшилади ва фақат меҳнат унумдорлигини ошириб қолмасдан, етиштириладиган маҳсулот кўпайишини ҳам таъминлади. Мамлакат шимолида ҳам уч далалаб алмашлаб экиш қўлланила бошлади.

Қуриқ ерлар очилиши, ўрмонларнинг тозалаб экинзорларга айлантирилиши XII асрга келганда айниқса кучайди. Экин майдонлари кенгайишидан манфаатдор бўлган феодаллар бу ишларнинг кўпчилигига бош бўлишди. Янги ерлардаги зироатчилар қарам дехконларга нисбатан енгилроқ шартлар асосида хўжалик юритардилар. Улар меҳнат мажбуриятларини ўтамас-

* Кирол домени — кирол оиласига тегишли ерлар, улардаги шаҳар ва қишлоқлардан иборат эди.

дилар. Олинган хосилдан натурал солиқ ва оз микдорда пул солиғи тулаб, феодалга ер ва суд ишларида карам эдилар, холос.

Янги хўжалик юритиш тури мажбурий меҳнатга нисбатан унумлироқ бўлгани туфайли ердан олинадиган хосил купайди. Феодаллар XII—XIII асрларда ўз ерларини ҳам деҳқонларга меросий ижарага (мерос қолдириладиган) тақсимлаб бера бошладилар. Натижада Францияда мажбурий меҳнатдан озик-овқат солиғига ўтиш бошқа мамлакатларга нисбатан тезроқ содир бўлди. Ортиқча маҳсулот чиқараётган деҳқонлар бозор муносабатларига жалб этилдилар.



21-расм. Қўшчи.

3. Шаҳарлар. Шаҳар тараққиётида ҳам XI—XIII асрлар юксалиш даври бўлди. Франция жанубидаги шаҳарлар нисбатан эрта — X асрдаёқ савдо-хунармандчилик марказларига айланганди. Мамлакат шимолидаги янги шаҳарларга эса XI асрда асос солинди. Аррас, Бове, Санлис шаҳарлари XII асрдан мовут ва зигир толасидан газлама чиқариш марказларига айланди.

Вилоятларнинг ҳўжалик соҳаларидаги ихтисослашуви Шимолий Францияда бошланиб, у мамлакат микёсидаги ички алоқалар ривожланишига асос бўлиб хизмат қилди. Нормандия: темир, туз, қорамол ва мовутчилик; Шампань ва Бургундия: сурп, мовут ҳамда вино; Парижнинг турли буюмлар билан ички бозорга чиқиши мазкур вилоятлар ўзаро иқтисодий алоқада бўлишини такозо этарди.

Юқорида зикр этилган сабаблар: деҳқончиликда ортиқча маҳсулот кўпайиши, шаҳарларда ҳунармандчилик ривожланиши, мамлакат вилоятларининг иқтисодий соҳаларда ихтисослашуви ички бозор вужудга келиши заруриятлари — буларнинг барчаси — Франция марказлашувини такозо этарди.

4. Марказлашиш жараёни омиллари. Улардан асосийси шаҳарлар пайдо бўлиши ва ривожланиши, пул-товар муносабатлари вужудга келиши — айрим вилоятлар ўртасидаги ҳўжалик биқиклигини бузди. Натижада сиёсий бирлашувнинг асосий шarti иқтисодий умумийлик, бирликка эришиш имконияти туғилди. Шаҳарлар тараққиёти, шунингдек, жамиятда янги ижтимоий куч — қирол ҳокимияти кучайишидан манфаатдор бўлган шаҳарликлар тоифасини вужудга келтирди. Ўз навбатида, шаҳарлар кучли қирол ҳокимияти феодаллар тартибсизлигига чек қўйиши, савдо-сотиққа ҳалақит берувчи тусиқларни олиб ташлаши, ягона ўлчов бирликлари, ягона пулни муомалага киритишидан умидвор эдилар.

Натижада шаҳарлар ва қирол ҳокимияти ўртасида сиёсий иттифок вужудга келди. Марказлаштириш сиёсатидаги яна бир омил ҳукмрон табақа вакиллари орасида ҳам ички вазият ўзгариши эди. Деҳқонларнинг ҳўжалик соҳасидаги мустақиллиги ошиши, мажбурий меҳнат ва қарам деҳқон ҳўжалиги инқирозга учраши феодалларнинг қирол атрофига жипслашувини такозо этарди. Қирол саройида хизмат, қўшинда лавозим эгаллаш имкониятлари феодалларнинг қўшимча даромадга кизиқишини ортирди. Айниқса, моддий жихатдан чегараланган майда ва ўрта феодаллар кучли қирол ҳокимиятига мухтож эдилар.

Франциянинг марказлашув сиёсатига қарши бўлган асосий куч йирик феодаллар тоифаси бўлиб, улар ўз сиёсий мустақиллигини, аҳолидан тушаётган даромадлар ва улар устидан ҳукмронлигини йўқотишни истамасдилар. Жамиятдаги ягона тартиб вакили бўлган қирол эса ҳукмрон синф вакиллари орасидаги зиддиятларда, ўз манфаатларини назарда тутган ҳолда, у ёки бу гуруҳни қўллаб-қувватларди.

5. Францияни марказлаштириш учун кураш. Қирол ҳокимияти кучайиши XII асрдан бошланди. Дастлаб Людовик VI даврида қирол ерларидаги ўзбошимча сеньорлар бўйсундирилди. Кейинги қирол даврида эса Бурж ва Санс шаҳарлари қирол ерларига қўшиб олинди.

Филипп II қироллиги даврида (1180—1223 йиллар) норманд герцогларини (шу вақтда инглиз қиролли Вильгельм ворислари) вассаллик мажбуриятларини бузганликда айблаб, уларнинг Франциядаги ерларини мусодара қилди. Инглиз қўшинини енгган қирол Нормандияни (1202—1204 йиллар) ўз доменига қўшиб олди. Инглизлар устидан 1214 йили яна бир ғалабага эришилди.

Мамлакат жанубидаги Тулуза графлиги ерлари босиб олинishi билан мамлакатни марказлаштириш сиёсатининг яна бир даври якунланди. XIII аср ўрталарида қирол ерларининг кенгайishi, умумдавлат бошқарув идоралари ташкил этилиши билан янада мустаҳкамланди. Қирол кенгаши, олий суд ва молия бошқармаси тузилди. Эндиликда қирол ер-мулкларидаги айрим вилоятларни у тайинлаган амалдорлар бошқарар эди. Людовик IX даврида (1226—1270 йиллар) қирол доменидаги феодаллар урушлари тақиклаб қўйилди. Франциянинг бошқа вилоятларидаги феодаллар ҳам ўзаро уруш эълон қилганларидан кейин 40 кунга қадар уруш ҳаракатларини бошлаши тақикланди. Шу вақт ичида муҳолифлардан кучсизроғи қирол судига мурожаат қилиши мумкин эди. Франция қироли ўз танга пулини зарб қилди ва унга мамлакатдаги барча вилоятларда эркин муомалада бўлиши ҳукукини берди. Қирол пули таркибида олтин ва қумуш микдори

куплиги, унинг ҳамма жойда муомалада бўлиши мамлакатда савдо-сотик ривожланишида муҳим омил бўлди. Францияда бу даврда герцог ва графлардан 40 кишига ўз пулини чиқаришга рухсат берилган эди.

6. Генерал штатлар. Қирол Филипп IV Чиройли (1285—1314 йиллар) олиб борган муваффақиятли урушлар натижасида Франция ерларининг 3/4 қисми бирлаштирилди. Натижада XIV аср бошларида Бретань, Фландрия, Аквитания ва қисман Бургундияларгина ўз мустақиллигини сақлаб қолди, холос.

Мамлакатни бошқариш ва доимий урушлар катта маблағларни талаб қиларди. Бу борада мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда қирол Европада биринчи бўлиб христиан черкови ерларига солиқ солиш тўғрисида қарор қабул қилди. Филипп IV нинг бу иши Рим папаси билан низо келиб чиқиши (1296 йил)га сабаб бўлди. Бу курашда мададга эга бўлиш учун эса 1302 йили Франция қироли биринчи маротаба Генерал штатларни чақирди. Унда 3 тоифа вакиллари — дворянлар, рухонийлар ва шаҳарликлар қатнашдилар. Рухонийлар биринчи тоифа бўлиб, ибодат қилиш, гуноҳларни худо наздида ажрим қилиш, дворянлар тоифасига эса уруш қилиш, қирол ва унинг фуқароларини душманлардан ҳимоя қилиш вазифалари юклатилган бўлиб, улар солиқ тўлашдан озод этилган эди. Учинчи тоифа аҳолининг қолган қисмига мансуб бўлиб, унда бадавлат шаҳарликлар асосий урин тутардилар. Генерал штатлар тузилиши Франция давлатчилигида олға ташланган муҳим қадам бўлди. Сабаби — унинг тимсолида қиролни аҳолининг нуфузли тоифалари билан боғлаб турадиган янги ташкилот пайдо бўлганди.

Йиғинда дворянлар, рухонийлар ва шаҳарликлар вакиллари алоҳида мажлис қилар эдилар. Узил-кесил қарор чиқариш зарурати бўлган пайтлар улар бирга йиғилардилар.

Францияда XIV аср бошларида тоифавий монархия — тоифа вакиллари йиғинига таянадиган марказлашган давлат вужудга келди. Қирол ҳокимияти етарли даражада кучли бўлмагани сабабли у тоифалар ёрда-

мига муҳтож эди. Бу эса марказлашган давлатнинг дастлабки босқичи бўлган.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Картага қараб XI аср бошларида ва XIV асрда Франция қўлида бўлган ер-мулкни таққослаб кўринг.

2. Қирол ҳокимияти XIV аср бошларида XI асрдэгидан қўра кучли булганини исботланг. (Камида учта далил кўрсатинг).

3. Франция қишлоқ хужалигида қандай ўзгаришлар рўй берди?

4. Мамлакатни марказлаштириш сиёсатида қироллар кимларга суянишган?

5. Людовик IX нинг ички сиёсати ва ислохотларини гапириб беринг.

6. Францияда Генерал штатлар қачон тузилган? Унинг қандай аҳамияти бор?

Франциядаги тоифалар жадвалини тузинг:

Тоифалар	Аҳолининг қайси катламлари кирган?	Нимадан фойдаланардилар?	Қандай ҳуқуқ ва вазифаларга эга эдилар?
I тоифа II тоифа III тоифа			

Буни ўқинг!

Англия ва Франция қироллари ҳаётидан

Франция қироли Людовик VI (1108—1137 йиллар) бутун умрини ўз доменида тартиб ўрнатишга бағишлади. Умри охирида қирол энг омадли ишларидан бирини амалга оширади, у 17 ёшли ўғли Людовик VII (1137—1180 йиллар)ни 15 ёшли Алеонорага уйлантиради. Аквитания герцоги Гильом IX нинг қўққисдан ўлими унинг барча ерлари қизи мулкига

ва, хусусан, Людовик VII га ўтишини таъминлайди. Лекин 1147 йили II салиб юришига Алеонорани бирга олиб борган қирол уни Антиохия князи Раймондга рашк қилиб, урушдан қайтгандан сўнг хотини билан ажрашади.

Маълум вақтдан сўнг Алеонора Людовикнинг ашаддий рақиби Анжуй (Франциянинг ғарбида) графи, Плантагенетлар сулоласи вакили Генрихга турмушга чиқади... Бахтли тасодиф Генрих Нормадиялик Вильгельмнинг набираси сифатида 1154 йили Англия тахтини эгаллаши билан яқунланади. Натижада Англия қиролининг Франциядаги ерлари француз қироли Людовик VII никидан кўп бўлган вазият юзага келади.

Элчилик

Франция қироли Людовик Авлиё (1226—1270 йиллар) Яқин Шарқда мусулмонлар ҳукмронлигига чек қўйишда мўғуллар хонига умид боғлаган эди. У мўғуллар орасида христианликни тарқатиш, сўнг уларнинг ёрдамида Қуддусни халос этиш хаёлида бўлган. Ушбу мақсадда роҳиб Гильом Рубрук 1253 йили Акрадан йўлга чиқиб, Константинополь орқали Кримга келади. Бир неча ойдан сўнг у Волга дарёси қуйи окимидаги Ботухон қароргоҳига келади. Боту Рубрукни Қорақурумга — буюк хон Мункэ хузурига жўнатади. Элчи орқали Франция қиролига мактуб юборилади. Унда мўғуллар христианликни қабул қилиши ёки ҳамкорликда Шарққа юриши хусусида ҳеч нарса ёзилмаган. Лекин Рубрук элчилиги натижасида европаликлар Осиё ҳақида нисбатан тўғри маълумотларга эга бўлади. Марко Поло ҳам Рубрук изидан Осиёга йўл олади.

Рубрук Людовикка Мункэ хоннинг хати ва совғаларини топширади. Шу пайтдан Евроосиёнинг қарама-қарши томонларидаги мамлакатлар биринчи маротаба ўзаро мулоқот бошлайдилар.

(М.Бойцов., Р.Шукуров. Ўрта асрлар тарихи. М., 1995, 218—219-бетлар).

**23-§. Юз йиллик урушнинг бошланиши.
Унинг асосий даврлари.
Жакерия кўзғолони**

1. Юз йиллик урушнинг сабаблари. Франция иқтисодий тараққиёти XIV асрнинг 30-йилларида Англия билан бошланган урушлар оқибатида тўхтади. Француз халқига катта кулфатлар келтирган бу уруш (1337—1453 йиллар) тарихда юз йиллик уруш деб ном олди. Урушнинг бошланишига нима сабаб бўлди?

Энг аввало, инглизларнинг китъадаги ўз ер-мулкларини қайтаришга ҳаракати уруш бошланишига сабаб эди. Франция ва Англия ўртасидаги рақобат XIV аср бошларида Фландрия ерлари учун бошланган урушлар натижасида янада кескинлашганди. Англия билан яхши иқтисодий алоқада бўлган Фландрияда француз қўшинлари бир неча марта қаттиқ зарбага учради. Бу урушда инглизлар Фландрия шаҳарларига моддий ёрдам бериб турди.

Уруш бошланишига баҳона инглиз қиролининг Франция тахтига даъвоси эди. Францияда Филипп IV нинг вафотидан кейин қироллик қилган ўғиллари бирин-кейин вафот этиб, улардан эркак зурриёт қолмади. Феодаллар тахтга Капетинглар кичик авлоди Филипп VI Валуани сайлашди. Лекин Филипп VI нинг қизидан бўлган набираси Англия қироли Эдуард III тахтга ворисликни даъво қилди. Англия қироли ўз мақсадига қурол кучи билан эришиш учун Францияга қарши тез орада уруш бошлади.

2. Француз феодалларининг мағлубияти. Францияга 1337 йили бостириб кирган инглиз қўшинлари сон жиҳатидан кўп бўлмаса-да, лекин рақибларига нисбатан бир қанча устунликларга эга эди.

1. Инглиз армияси интизомли, яхши ташкил қилинган эди. Ёлланма рицарлар капитанга, улар эса бош қўмондонга сўзсиз итоат этардилар.

2. Озод деҳқонлардан тузилган инглиз пиёда аскарлари (асосан камончилар) ўз ишининг асил усталари бўлиб, 200 кадамдан отган ўқлари рицарлар-

нинг химоя қилинмаган жойини бемалол тешиб утарди.

Француз қўшинлари эса рицарлардан ташкил топган бўлиб, армия майда бўлинмалардан иборат эди. Жангда бўлинмалардан ҳар бири мустақил ҳаракат қилиб, шахсий жасорат кўрсатишга интиларди. Эски усулда жанг қилган французлар кетма-кет мағлубиятга учрадилар. Натижада асирлар учун тўлов олиш ва халқни талаш инглизларнинг асосий машғулотларига айланди.

Инглизлар 1340 йили денгиздаги Слейс жангида, 1346 йили қуруқликдаги Креси оstonаларидаги жангда ғалаба қозониб, 1347 йили Кале портини олишга эришдилар. Сунгра инглиз қўшинлари Аквитанияга хужум бошлади. Юз йиллик урушнинг энг йирик жангларидан бири 1356 йили Пуатье шаҳри яқинида бўлиб ўтди. Бу жангда инглиз шахзодаси Эдуард французларни мағлуб қилибгина қолмасдан, қирол Иоанн II ва унинг қўлаб аъёнларини асир олди. Жангда французларнинг 5—6 минг сара рицарлар қўшини ҳалок бўлди. Бу жангдан кейин ўзбошимча ва манман француз зодагонлари ўзининг енгилмаслик шон-шухратидан махрум бўлди.

3. Халқнинг аҳволи. Француз қироллари XII асрдан бошлаб ўз ҳокимиятини кучайтириш учун олиб борган урушларининг оғирлиги ҳар доимгидек янги солиқлар сифатида меҳнаткаш халқ бошига тушди. Юз йиллик урушнинг бошланиши халққа янги азоб-укубатлар келтирди. Француз тарихчиларининг ёзишича, Сена ва Луара дарёлари қирғоқларида XIX асрнинг ўрталарида ҳам юз йиллик уруш давридан қолган бениҳоя катта ертўла ва ер ости уйларини учратиш мумкин бўлган. Аҳоли уларда йилнинг асосий қисмини урушдан, талончиликлардан яшириниб ўтказган. Қишлоқларни гоҳ инглизлар, гоҳ француз ёлланма қўшинлари бирдай талар эдилар. Англия қиролли қўшини таркибида француз ёлланмалари талайгина бўлса, французлар қўшини таркибида ирландларни учратиш мумкин эди. Бундан даҳшатлироқ манзарани тасаввур қилиш қийин, албатта. Францияда бу

даврда куполлик, шафқатсизлик ва иримларга берилиш хаддан ташқари кучайиб кетди. Тарихий манбаларда Парижда XIV аср бошларида кечалари бурилар дастидан юриб бўлмаганлиги ёзиб қолдирилган

Дехқонларнинг оғир аҳволига қарамасдан, феодаллар улардан янги туловларни талаб қилишарди. Улар: “Жакнинг елкаси кенг, у ҳар қандай оғирликни кутараверади”, дер эдилар. Кенг тарқалган “Жак” лақаби дворянлар шевасида қишлоқ аҳолисини камситиб айтиладиган сўз эди.

4. Жакерия қўзғолони. Франция шимоли-шарқидаги Бове округида 1358 йилнинг май ойида дехқонлар қўзғолони бошланди. Ҳеч қандай тайёргарликсиз, режасиз бошланган бу қўзғолон тез орада бошқа вилоятларга ҳам ёйилиб, унда 100 мингга яқин дехқонлар қатнашди. Қўзғолончилар шиори “Барча дворянларни сўнгги зурриётларигача битта қолдирмай кириб ташлаш!” эди. Одил, халқнинг аҳволидан хабари йўқ қиролга ишонган қўзғолончилар байроғида қирол гербининг белгиси нилуфар билан бирга акс эттирилган эди. Қўзғолончиларнинг катта гуруҳларидан бирига Гильом Каль исмли дехқон бошчилик қилди. Дехқонларда маҳаллийчилик кайфияти устун бўлганидан улар фақат ўз хўжайинларига қарши кураш билан чекланар ва ўз юртларидан кетишни истамасдилар. Қўзғолон бўлган вилоятлардан қочиб кетган феодаллар эса тез орада ўзларини унглаб олиб қўшин тупладилар. Шаҳарлар қўллаб-қувватламаган Жакерия қўзғолони мағлубиятга учради.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Юз йиллик уруш бошланиши сабаби нимада?
2. Урушнинг дастлабки даврида французлар мағлубияти сабабларини санаб ўтинг.
3. Уруш пайтида халқнинг аҳволи қандай бўлган?
4. Жакерия қўзғолони ҳақида нималарни эслаб қолдингиз?

Мустақил иш
Қискача ёзинг:

Юз йиллик урушнинг сабаблари	1).....
	2).....
Урушга бахона	3).....

Буни уқинг!

Кале ҳимояси

Юз йиллик уруш даврида инглизлар “Франциянинг денгиз дарвозаси” — Кале портини камал қилдилар. Лекин Англия қироли Эдуард III шаҳарни 12 ой давомда ишрол қилолмайди. Ниҳоят, очликдан тинкаси қуриб, мадад келишидан умидини узган шаҳар халқи таслим бўлишга қарор қилади. Бу хабарни эшитган Эдуард III жаҳл устида Кале шаҳрининг 6 нафар энг нуфузли фуқароларини оммавий қатл қилиш орқали қолган кишиларга афв беришини айтади. Танланган олти киши эса ҳамшаҳарлари учун ўлимга қўнғилли рози бўладилар. Англия қироличаси Эдуард олдида тиз чўкиб ҳукм этилганларга афв сўрайди. Эдуард эса 6 кишини афв этиш бутун шаҳарни инглизларга бўшатиб бериш эвазига бўлишини айтади. Каленинг ахил аҳолиси шаҳарни ташлаб чиқиб кетади.

(М.Бойцов., Р.Шукуров. Урта асрлар тарихи М., 1995, 404-бет).

24-§. Француз халқининг босқинчиларга қарши кураши. Жанна д'Арк. XV аср охирида Франция

1. Урушнинг кейинги даври. Франция учун Англия билан 1360 йил тузилган тинчлик битими ниҳоятда оғир эди. Мамлакатнинг 1/3 қисми инглизларга ўтди. Эндиликда инглиз ерлари Луарадан Пиренейгача бўлган вилоятларни ўз ичига оларди. Ушбу вазиятда Франция янги жангларга тайёрлана бошлади. Карл V қиролиги даврида мамлакатда ҳарбий ислохотлар ўтказилди. Эндигина пайдо бўлган артиллерия тўпларини қупайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Коннотабль — бош кўмондон мавқеи кучайтирилиб, унга кенг ҳуқуқлар берилди. Бу лавозимга тайинланган кичик-рицар Дюгеклан катта жангга кирмасдан, кичик-кичик жангларда англизларни енгиб, уларни аста-секин денгиз қирғоғига чекинтирди.

Аммо французларнинг ғалабалари узоққа чўзилмади. Орадан кўп вақт ўтмасдан яна сарой низолари кучайиб кетди. Бундан фойдаланган англизлар янгидан хужумга ўтдилар. Кўп жиҳатдан ҳал қилувчи жанг 1415 йили Азенкур шаҳри ёнида бўлди. Француз роицарларининг жангдаги мағлубиятидан фойдаланган англизлар Франциянинг шимолий қисмини тулик эгаллашди.

Мамлакатда парокандалик бошланди. Рухонийлар, кўпласи вилоятлар Англия киролини тан олишга ошиқдилар. Энг қудратли феодаллардан бири Бургундия герцогги ҳам англизлар томонига ўтди. Феодаллар хоинлиги оқибатида англизлар Парижга кирдилар. Ниҳоят, 1420 йили Карл VI Франция учун тахқирли Труа шартномасига қўл қўйишга мажбур бўлди. Шартномага биноан Франция ва Англия Генрих V ҳукмронлигидаги ягона қиролликка айланди. Лекин тақдир тақозоси билан 1422 йили Генрих V 36 ёшида тўсатдан вафот этди. Англия ва Бургундия 10 ойлик Генрих VI ни қирол деб эълон қилдилар. Франциянинг марказий ва жанубий вилоятлари Карл VII (1422—1461 йиллар) қироллигини тан олдилар. Тахт учун кураш давом этарди. Француз қўшинларининг қолган-қутганлари Луара дарёсини қирғоғидаги қалъаларга жойлашди. Уларнинг таянч маскани Орлеан шаҳри эди. Мабодо шаҳар таслим бўлса, мамлакат жанубига борадиган йўл очиларди. Вазиятни тушунган англизлар Орлеанни қамал қилдилар. Франция тақдири Орлеан остоналарида ҳал бўлмоқда эди.

2. Франция халқининг кураши. Инглизлар мамлакатда хужайинлик қила бошлаши, тахқирлаш ва талашлар аҳолининг қаршилигини кучайтирди. Феодалларнинг ожизлигини кўрган халқ ўз уйини ва мамлакатини ўзи ҳимоя қилиши вақти келганлигини англади. Франция шаҳар ва қишлоқларига талончилар

нинг хужумларини қайтариш учун аҳолини черков қўнғироқларини чалиб тўплашарди.

Бу борада Орлеан шаҳри аҳолисининг 200 кунлик мудофаасини алоҳида таъкидлаш лозим. Шаҳарликлар узок-узок жойлардан тошлар келтириб, замбаракларга ўк тайёрладилар, темирчи усталар қурол-аслаҳалар ясадилар. Инглизлар хужуми пайтида бутун аҳоли қалъа деворларида туриб уларга қарши жанг қилардилар.

3. Жанна д'Арк — халқ қаҳрамони. Франция тарихидаги ниҳоятда оғир бир паллада урушда Жанна д'Арк номи билан боғлиқ кескин бурилиш бўлди. Жанна халқ ҳаракати вакиллари орасида унинг тимсоли ва қаҳрамонига айланди.

Жанна д'Арк 1412 йили Франциянинг Лотарингия билан чегарадош кичиккина Домреми қишлоғида дехкон оиласида туғилган. Мамлакатнинг нисбатан тинч бўлган бу қисмига уруш авж олган ҳудудларидан қўлаб қочоқлар келганди. Қизча ёшлигидан қочоқларнинг урушдаги азоб-уқубатлари ҳақидаги хикояларини тинглаб катта бўлди. Унинг таъсирчан ҳаёлларида қўшинга қўмондон бўлиб Франциядан инглизларни ҳайдаш истаги ва ишончи туғилди. Ўйчан ва тақводор қизалоқ авлиёлар нидосини эшитганлигини ва улар Жаннани ҳарбий жасоратга даъват этиб, ёрдам беришни ваъда қилганларини таъкидларди.

Орлеан қамалини эшитган Жанна Вокулер шаҳрига келиб, қалъа қўмондонини ўзига халоскорлик вазифаси юкланганлигига ишонтиради. От ва қурол-ярғоқ олиб, эркаклар кийимини кийган Жанна ҳарбий отряд ҳамкорлигида шахзода Карл турган Шинон қалъасига келади. Унинг ҳақидаги хабар тез орада бутун Францияга ёйилиб, халқда Жаннанинг мўъжизакор кучига ишонч туғилади.

Карл VII қобилиятли ҳукмдор саналса-да, беғам ва дангаса бўлиб, бу пайтда беҳуда ҳаракатлардан толиққан ва ҳатто тахтдан воз кечишга ҳам тайёр эди.

Шундай бир вазиятда ҳолдан тойган сарой ахллари ва қўшинга ўн олти ёшли Жанна д'Арк эҳтиросли

чақириклари билан мурожаат қилиб уларни рухлантирди. Қирол синаш учун Жаннани тажрибали харбийлар ҳамроҳлигида Орлеанга юборди. Халқ уни авлиёдек кутиб олди ва баланд рух билан жангга киришди. Замондошларининг хикоясича, жанглардан бирида яраланган Жанна йиғлаб юборади, лекин тезда ўзини тутиб олиб, яна олишувни давом эттиради. Инглизлар қурган истехкомлар бир неча кун давомида забт этилиб, Орлеан қамалдан халос бўлди. Душманлар чекиниши Жанна шуҳратининг бутун мамлакатга ёйилишига сабаб бўлди. Жанна д'Арк урушга халқ уруши тусини берди. Шу пайтгача ҳаракатсиз халқ оммаси энди тугёнга келганди. Халқ ҳаракати бошида оддий оиладан чиққан қиз турарди. Жанна Францияда ва французларда илк маротаба миллат туйғусини уйғотди.

Жанна д'Аркнинг қатъий тазйиқи билан Карл VII нинг Реймсга юриш уюштириб тож кийиши, ҳукмдорнинг халқ кўз олдида ва Европанинг бошқа мамлакатларида ягона қонуний қирол сифатида тан олиншига сабаб бўлди. Шампань графлиги ерларини озод қилишда иштироки Жаннанинг обрўсини янада кутарди. Лекин Жанна д'Арк лашкарининг Парижни олишга уриниши муваффақиятсиз чикди.

Дастлабки ғалабалардан кейин Жанна д'Аркнинг халқ орасидаги обрўси кўтарилиб кетганлиги қирол ва унинг аъёнларида хавотирланиш туғдирди. Жаннанинг деҳқон қизи эканлиги халқда ўзига ишонч ва ҳурматни орттирди, феодалларда эса кўркинчли вужудга келтирди. Компьен остоналарида 1430 йил май ойида бўлган жангда Жанна д'Арк асир тушиб қолади. Бургундия герцоги уни 10 минг олтин танга ҳисобига инглизларга сотади. Йил охирида инглизлар Жанна д'Аркни Руан шаҳрига келтириб, христиан черкови судига топширишди. Уни қутқариш учун Франция қироли ҳатто ҳаракат ҳам қилиб кўрмади.

Инглизлар Жанна д'Аркнинг ғалабаларини камситиш мақсадида уни жодугарликда айбладилар. Епископ Кошон бошчилигидаги черков суди уни бир неча ой тергов қилди. Тергов ҳужжатлари Жанна д'Арк

черков вакилларининг чалкаш саволларига ҳам ақл билан содда, баланд руҳда жавоб қайтарганлигидан далолат беради. Трибунал Жанна д'Аркни жодугарликда айблаб 1431 йил майида Руан шаҳри марказий майдонида гулханда ёндирди. Ҳозирги кунда Жанна д'Арк қатл этилган жой оқ бут чекилган мармар тош билан белгиланган.

Жанна д'Арк сиймосининг Франция тарихидаги аҳамияти ниҳоятда каттадир. Феодаллар тоифаси давлатни сақлаб қола олмаслиги кундай равшан бўлган бир пайтда у ўз ортидан халқни эргаштирди ва мамлакатни ҳалокатдан асраб қолди.

4. Урушнинг тугаши. Мамлакатда тартибсизликлар ҳукм сурган бир пайтда Карл VII муҳим молиявий ва ҳарбий ислохотлар ўтказди. Қирол молия ишларида тартиб ўрнатишни Жак Кёрга топширди. Машҳур савдогар ва банкир Францияда ҳам савдогарлар хонадонидagi каби ҳисоб-китобни йўлга қўйди. Бу оддийгина усул ажойиб натижалар берди. Ёлланма қўшин қўмондонлари билан тузилган шартномага биноан қирол энг яхши жангчилардан мунтазам армия тузишни таклиф қилди. Ҳар бири 150 қуролланган жангчидан иборат 12 та жандармерия эскадронлари тузилди.

Энди бу қўшинни таъминлаш учун пул қаердан олинди деган савол туғилади. Маълумки, ўрта асрларда солиқлар заруратга қараб олинган. Жак Кёр Карлга доимий солиқ ҳар бир ўчоқдан, яъни хўжаликдан олиниши кераклигини таклиф қилди. Ушбу солиқ пуллари мунтазам қўшинни таъминлашга ишлатилди.

Мазкур ислохотлар ва халқ урушининг кучайиши мамлакатни инглизлардан ҳалос қилиш имконини яратди. Инглиз қироли билан 1453 йили сулҳ тузилди. Битимга биноан Кале портигина инглизлар қўлида қолди.

Халқнинг қаҳрамонона кураши Франция мустақиллигини сақлаб қолишга имконият яратди.

5. XV асрнинг иккинчи ярмида Франция. Мамлакат хўжалигига юз йиллик уруш етказган за-

рарни қоплаш учун ўттиз йилча вақт керак бўлди. Хукуматнинг 1451 йилдаги қарори билан ҳамма деҳқонлар 8 йилга солиқлардан озод этилиб, улар ўз ерларига қайтишларига даъват қилинди. Энди феодаллар ҳам ўз ерларини деҳқонларга белгиланган мунтазам пул солиғи ҳисобига ижарага бўлиб бера бошладилар. Давлат кейинги йилларда ҳам камбағал деҳқонларни солиқдан озод қилиш усулини қўллашни давом эттирди. Бунинг ҳисобига ўртаҳол деҳқонлардан олинадиган солиқлар қўпайтирилди.

Қишлоқларга нисбатан кам талофат қўрган шаҳарлар ҳам солиқ қамайтирилиши ёки бутунлай бекор қилиниши натижасида тезда ўзини ўнглаб олди. Людовик XI даврида (1461—1483 йиллар) давлатнинг иқтисодиётда протекционизм — саноат ва савдони ривожлантиришни давлат ҳимоясига олиш сиёсати сезиларли натижалар бера бошлади. Қирол айниқса шойи тўқиш, металлургия, китоб босиш, шишасозлик, мовут тўқиш соҳаларини рағбатлантирди. Бунинг учун саноатчилар ва савдогарларга имтиёзлар ҳавола этилди, чет мамлакатлардан уста ҳунаромандлар олиб келинди. XV аср охирида ярмаркалар гуллаб-яшнаганлиги Франция ички бозорининг ютуқларидан дарак беради.

6. Сиёсий марказлашувнинг яқунланиши. XV асрнинг иккинчи ярми Франция қироллари учун йирик феодаллар билан кураш байроғи остида ўтди. Карл VII қироллигининг охириги йилларида ўғли, бўлажак қирол Людовик билан жанжали уни анча қийнади. Дастлаб отасига қарши фитнада қатнашган шахзода Людовик ўзига ажратилган Дофинэ вилоятига кетиб, у ерда бир неча йил яшади. Кейинчалик отасининг қаҳридан йироқ бўлиш учун Бургундия герцоги саройига келган Людовик герцогнинг ўғли Карл Жасур билан дўстлашади. Қирол Карл VII нинг ўлими 1461 йили тахтга Людовик келишига имконият яратди. Парижга дўсти Бургундиялик Карл билан бирга қайтиб келган Людовик шаҳар аҳолисида одми қийиниши ва соддалиги билан таассурот қолдирди. Парижга етиб келмасиданоқ Людовик отасининг министрларини ис-

теъфога чиқариб, уларни тергов қилишга ваъда берган. Натижада уларнинг қўпчилиги янги қиролни қутмасдан пойтахтдан қочиб қолдилар.

Феодаллар билан кураш Людовик IX учун аввало Бретань ва Анжуй герцогларини бўйсундиришга ҳаракатдан бошланди. Қиролнинг феодал зодагонларни йўқотиб, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаши режаси маълум бўлиши билан 1465 йилда феодалларнинг “Жамият бахт-саодати иттифоқи” тузилди. Людовикнинг дўсти Бургундия герцоги Карл Жасур бу иттифокқа раҳбар бўлди. Бургундиялик Карлнинг “Мен Францияни шундай севаманки, унда битта эмас, олти қирол бўлишини истардим!” деган сўзлари бу иттифок аъзоларининг барчасига хуш ёқарди.

Қирол ўз душманлари билан курашда ҳар қандай воситадан қайтмади. У душманларини бир неча бор алдади, қўп маротаба ўз ваъдасини бузди. Айёр ва ҳасис қирол зарур пайтда душманларини сотиб олишга пулни аямади, керак бўлганда уларга хушомад қилишдан ҳам қайтмади. Людовикни “тулки” деб аташарди. Қирол бу лақабни манзур кўргандай: “Муғом-бирликни билмаган киши қироллик қила олмайди”, дерди. Уни Франциянинг биринчи мутлак қироли деб бежиз айтишмаган.

Людовикнинг укаси, феодаллар жамияти тарафдори Гиенлик Карл 1472 йили тўсатдан вафот этди. Унинг ўлимига сабаб бўлган шафтолини берган роҳиб номаълум тарзда қамоқхонадан изсиз йўқолди. Карлнинг маслаҳатчиси бу жинойтда Людовикни айблади. Шундан кейин Людовик ўзининг асосий рақиби Карл Жасур тақдири билан шуғулланишга киришди. Орадан қўп ўтмай бундай имконият ҳам туғилади. Карл Жасур қўшинларини мағлуб қилган швейцарияликларга Людовик XI 20 минг лувр пул ваъда қилиб, уларни янги урушга ундайди. Нанси шаҳрини 1477 йили қамал қилган Карл Жасур учинчи бор швейцарияликлар қўшинидан мағлуб бўлади. Карлнинг ўзи шу жангда ҳалок бўлади. Вужудга келган вазиятдан фойдаланган Людовик Бургундиянинг ғарбий қисмини Францияга қўшиб олди.

1481 йили мамлакат жанубидаги Прованс вилояти порт шаҳри Марсель билан биргаликда киро́л ҳукми остига ўтди. Кейинги киро́л Карл VIII нинг Бретань герцоги қизи Аннага уйланиши (1491 йил) ва Бургундия қўшиб олинishi билан Франциянинг марказлашуви тўлиқ якунланди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Англия билан тузилган Труа шартномаси Францияга нима берди?

2. Инглизларга қарши халқ курашининг бошланиши сабабларини айтинг.

3. Жанна д'Арк ким эди?

4. Жанна д'Аркнинг Франция тарихидаги ўрнини изоҳлаб бering.

5. Уруш тугагандан сўнг Францияда ўтказилган ислохотларни изоҳланг.

6. Киро́л Людовик IX нинг ички сиёсати нимага йуналтирилган эди?

7. Мамлакатни марказлаштириш борасида киро́лнинг ҳаракатлари қандай натижаларга олиб келди?

25-§. Англияда марказлашган давлат ташкил топиши.

Англия парламенти

1. Нормандлар истилоси. Буюк кўчиш даврида герман кабилаларидан англо-сакс, фриз ва ютлар V асрда Британия ороллари́ни босиб олиб, у ерда бир неча кичик киро́лликларини туздилар. Уларнинг 829 йилдаги бирлашуви натижасида Англия давлати вужудга келди. Мамлакатда феодал жамият тикланса-да, эркин деҳқонлар кўпчиликни ташкил қиларди. Англияда киро́л ҳокимияти нисбатан заиф эди. Дастлаб Даниянинг истило майдони́га айланган Англия 1066 йили Франция шимолида жойлашган Нормандия герцоги Вильгельм қўшинлари томонидан босиб олинди. Истилода фақат герцог вассалларигина эмас, Франциянинг бошқа графликлари рицарлари ҳам қатнашганлар.

Вильгельм қўшинлари катта елканли кайиқларда

Ла-Манш буғозидан сузиб ўтиб Англияга тушдилар. Герцог кўшинлари оғир курулланган рицарлардан иборат бўлиб, инглиз кўшинларига нисбатан кўпроқ эди. Инглиз кўшинлари дехқонлардан тўпланган халқ лашкари ва киро́л Гарольднинг отлик бўлинмасидан ташкил топганди. Гастингс яқинидаги жангда нормандлар ҳарбий ҳийла билан чекиниб, инглизларни текис майдонга чиқариб қуршаб олди ва кириб ташлади. Жангда Гарольд ва унинг ҳарбий бўлинмаси ҳалок бўлди.

Тез орада Англия пойтахти Лондонни босиб олган Вильгельм-Уильям I киро́л деб эълон қилинди. Норманд босқинчиларига қарши англо-саксларнинг мамлакат шимолидаги кўзғолонлари 1071 йилга қадар давом этди. Вильгельм кўшинлари кўзғолончиларнинг асосий туманлари Йорк водийси ва Дарем графликларини олиб, вайрон қилди ва аҳолисини қириб ташлади.

2. Англияда феодаллашув жараёни тугалла-ниши. Кўзғолонлар бостирилганидан сўнг англо-сакс зодагонларининг кўплаб ерлари тортиб олиниб, норманд рицарларига бўлиб берилди. Маҳаллий кичик ва ўрта ер эгалари эса ўз мулкларини саклаб қолдилар. Янги тартибга биноан улар рицарлар деб номланди ҳамда норманд баронларига вассалликка ўтдилар. Янги хўжайинлар истило қилинган мамлакатни бошқариш ва халқни итоатда саклаш учун кучли киро́л ҳокимиятига муҳтож эдилар. Шу сабабдан Вильгельмга йирик феодаллар эмас, майда ва ўрта ер эгалари, рицарлар ҳам содиклик ҳақида қасамёд қилдилар. Англияда феодаллар табақасининг барча вакиллари киро́л вассалларига айландилар.

Феодаллар киро́л чақириғи билан ҳарбий юришларда қатнашиш учун тўпланар ва унга ҳар йили маълум вассаллик бадалини тўлаб борардилар. Черковда ҳам, давлат бошқарувида ҳам инглизлар нормандлар билан алмаштирилди.

Истило натижасида Англияда ҳукмрон табаканинг юқори тоифаси бутунлай янгиланди. Мамлакатдаги ерларнинг 1/7 қисми киро́лнинг "тож" домени сифатида унинг тасарруфига ўтди. Бу ерлардаги ўрмонларнинг кўпчилиги киро́л ов қўриқхоналарига айлан-

тирилиб, унда аҳолига ов қилиш, дарахт кесиш ва ўтин йиғиш тақиқланди.

Баронларга нисбатан бир неча барабар кўпроқ ер-мулкка эга бўлиши қиролнинг зодагонлардан устунлигини таъминлади. Баронларга ер мамлакатни босиб олиш жараёнида берилгани туфайли уларнинг мулки турли вилоятларда тарқоқ ҳолда жойлашган эди. Бу эса, ўз навбатида, Франциядаги каби мустақил графликлар вужудга келишига имконият бермасди.

Нормандлар истилоси Англияда кучли қирол ҳокимияти вужудга келишини таъминлади. Мамлакатда феодаллашув жараёни тугалланиши ҳам тезлашди.

3. “Даҳшатли суд китоби”. Кучли қирол ҳокимияти бўлиши феодалларга деҳқонларни қарамликда тутишга ёрдам берди. Вильгельм томонидан 1086 йилда Англия аҳолисининг рўйхатга олинishi ғоят катта тадбирлардан бири эди. Мамлакат тарихида ҳеч қўрилмаган бу ишга аҳоли қўрқув билан қаради ва рўйхат варақаларини “Даҳшатли суд китоби” деб номлади. Аҳолини рўйхатга олишдан қиролнинг маълум мақсадлари бор эди, албатта. Авваламбор, у ўз вассалларининг қанча ер-мулки борлигини ва қанча даромад олишларини аниқ билишни истарди. Қолаверса, қирол аҳоли сонини аниқлаш орқали улардан тушадиган солиқларни тартибга солишни мўлжаллаган эди.

Аҳоли рўйхатга олинishi инглиз деҳқонларининг қарамликка тушишини тезлаштирди. Рўйхатда учрайдиган эркин деҳқонлар тоифаси — “вилланлар” XII асрга келиб қарам деҳқонларга айланди. Нормандлар истилоси Англияда феодал тартиблари тикланиши ва деҳқонлар аҳволи оғирлашишига олиб келди.

Кейинги асрларда ҳам инглиз деҳқонлари феодалларга қарши курашни тўхтатмадилар. Улар кўпинча ўз хўжайинларидан қочиб кетар, ўрмонларда яшаб курашни давом эттирардилар. Қочоқлар гуруҳлари бирлашиб феодаллар, епископлар ва қирол амалдорлари, судьяларига хужумлар уюштирардилар. Халқ уларни яхши кўрар ва доимо қўллаб-қувватларди. Худди шу даврда халқ оғзаки ижодининг машҳур “Робин Гуд” ҳақидаги шеърӣ қиссалари тўқилган эди. Уларда Ро-

бин Гуд халқнинг севимли қахрамони, мазлумларнинг содик дўсти, бева-бечораларнинг ҳимоячиси, бойларнинг душмани, хушчақчақ ва мард сиймо сифатида тасвирланган.

4. Англия тараққиётининг ўзига хослиги. Вильгельмнинг неваралари даврида йирик ер эгалари мамлакатни узоқ йиллар давом этган ўзаро урушларга мубтало қилди. Бу урушлар айниқса 1135 йилда қирол Генрих I нинг ўлиmidан кейин авж олди. Ўзидан ўғил тахт вориси қолдирмаган қирол тожи учун ҳукмдорнинг қизи ва жияни талашиб уруш бошлади. Тахт учун курашдан фойдаланган йирик феодаллар ҳам муҳолиф гуруҳлар томонида туриб жанг қилдилар. Мамлакат талон-торож майдонига айланди. Фақат Стефан Блуанинг 1153 йили тахтга ўтириши урушларга чек қўйди.

Кейинги даврда мамлакатда тартиб ўрнатилиб, кучли қирол ҳокимияти вужудга келди. Англияда кучли қирол ҳокимияти бўлиши учун бир неча омиллар мавжуд эди. Биринчидан, йирик шаҳарлар қирол доменида жойлашгани унинг хазинасига бойлик келтириши баробарида ўзлари ҳам қиролга яхши таянч эди. Иккинчидан, майда ва ўрта ер эгалари рицарлар ҳам қирол ҳомийлигига муҳтож эдилар. Улар, бир томондан, деҳқонлар қўзғолонидан ҳимоя истаса, иккинчи томондан, йирик ер эгалари кучайиб кетишидан чўчирдилар. Христиан католик черкови ҳам мамлакатда қиролни қўллайдиган катта кучлардан эди. Ва, ниҳоят, эркин деҳқонлар тоифаси ҳам қирол тарафдорлари эдилар. XII асрдан бошлаб Англиядаги ҳар бир эркин киши маҳаллий феодал судини четлаб ўтиб қирол судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Генрих II Плантагенет қироллиги даврида (1154—1189 йиллар) Англияда ҳарбий ва молиявий ислохотлар ўтказилди. Жумладан, қирол феодаллар ҳарбий хизмат кунларини камайтириб, ўрнига “қалқон пули” солиғини жорий қилди. Бу пуллар эвазига мамлакатда ёлланма қўшин тузилди.

Айни вақтгача ўзлигини сақлаб қолган нормандлар XII аср охиридан маҳаллий инглизлар билан ара-

лаша бошладилар. Лекин давлат бошқарувида француз тили сақланиб қолди.

Қирол ҳокимияти мустаҳкамланиши билан Англия марказлашган давлатга айланди. Мамлакат тараққиётининг ўзига хос омиллари бу жараён бошқа Европа улқаларидагига нисбатан енгил кучишига имконият яратди.

5. “Буюк озодлик хартияси”. XIII асрдаги сиёсий курашнинг биринчи даври қирол Иоанн даврига (1199—1216 йиллар) тўғри келди. Иоанн Ерсиз ўзига ёқмаган баронлар ер-мулкларини мусодара қилиб, феодал удумларини менсимаслиги натижасида мухолиф баронлар гуруҳини вужудга келтирди. Францияда олиб борилган муваффақиятсиз урушлар Англия учун ўз ерларини йўқотиш билан якунланди. Солиқлар кўпайиб кетиши фақат баронларни эмас, ҳатто черковни, шаҳарларни ҳам қиролга қарши қилиб қўйди. Баронлар 1215 йили баҳорда рицарлар ва шаҳар кўмагида қиролга қарши уруш бошлади. Лондонликлар уларга шаҳар дарвозаларини очиб бердилар. Кўзғолончилар талабларига бўйсунишга мажбур бўлган қирол 1215 йил 15 июнда “Буюк озодлик хартияси” деб ном олган ҳужжатга имзо чекди.

Хартиянинг қатор моддалари Генрих II ислохотидан кейин мамлакатда ташкил топган суд-маъмурий тартибларни тасдиқлади. Улар эркин аҳолининг кенг қатламлари учун фойдали эди. Бу моддалар кейинчалик энг ҳаётий ва илғор бўлиб чиқди. XIII—XIV асрлардаги қонунларга киритилган бу моддалар Англия умумда давлат ҳукукидан ҳам жой олди. “Буюк озодлик хартияси” 63 моддадан иборат бўлиб, латин тилида тўзилган эди. Кейинчалик хартия инглиз қонунчилиги пойдеворига айланди.

6. Англия парламенти. Феодалларнинг қиролга қарши курашининг иккинчи даврида 1265 йили биринчи марта кенг тоифадаги парламент чақирилди. Аслида, парламент (французча “parle”, яъни гапирмоқ сўзидан)ни Вильгельм Истилочи ўзига яқин феодаллар кенгаши сифатида XI асрнинг охиридаёқ чақириб турарди.

Англия парламенти XIV асрдан икки мажлисга: юкори, яъни лордлар ва куйи — умум палаталарга бўлинди. Лордлар палатасида епископлар, йирик ер эгалари, кирол томонидан махсус таклиф қилинганлар мажлис қиларди. Умум палатасида ҳар бир графликдан чакирилган икки рицарь ва йирик шаҳарларнинг иккитадан вакиллари иштирок этардилар. Куйи палата дастлабки кезларда фақат молия масалаларини ҳал қилди. Бу орқали у давлат сиёсатига таъсир ўтказарди. Урушларга пул ажратиш, давом эттирилиши каби масалалар парламентда ҳал этиларди. Кейинчалик Англия парламенти конун чиқариш ишларида фаол иштирок этадиган бўлди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Англия қироллиги қайси қабилалар асосида ва қачон ташкил топган?
2. Нормандлар истилосининг Англия учун аҳамияти нимада эди?
3. Феодаллашув жараёнида Англия ва Франция ўрта-сидаги қандай фарқларни биласиз?
4. Англияда кучли қирол ҳокимияти бўлиши сабабларини кўрсатинг.
5. "Буюк озодлик хартияси" ҳақида нималарни биласиз?
6. Англия парламенти туғрисида гапириб бering.

Мустақил иш

Англия нормандлар томонидан
истило қилинишининг
асосий оқибатлари:

1)

2)

Буни ўқинг!

"Қора ўлат" Европада

XI асрдан Европа аҳолиси нуфузининг ошиб бориши прокля ерлар экин майдонларига айлантирилишини тезлаштирди. Лекин ҳосилдорлик пастлиги одамлар ёлчиб овқат емаслигига олиб келади. XIV асрдан иқлим кескин совиб, ёлчигарчиликлар кўпайиши очарчиликлар сонини янада оши-

ради. Доимий туйиб овқат емаслик одамларнинг заифлашиб, касалликларга чалинишини осонлаштиради. 1347 йил эса энг даҳшатли “қора ўлат” эпидемияси бошланади.

Аллақандай Европа кемалари Шарқдан Сицилиядаги Мессина портига ўз трюмларида ўлат касаллиги юккан қора қаламушларни келтиради. Касаллик тез орада бутун Европа қитъасига тарқалади. Уч йилда қитъа аҳолиси сонин учдан бирига камаяди. Баъзи вилоятларда аҳолининг 3/4 қисми қирилиб кетади.

Одамлар ўлатнинг тарқалиш сабабларини билишмас, турли миш-мишлар орқали яҳудийларни христианларни қириш учун қудуқларни заҳарлашганликда айблашарди. Бу хабарлар аҳолини дарғазаб қилиб, Европа бўйлаб минг-минглаб қишиларнинг ўлими билан яқунланади. Яҳудийларни эса оилалари билан тириклайин ёндиришган.

(М.Бойцов., Р.Шукуров. Ўрта асрлар тарихи. М., 1995, 410—411-бетлар.)

26-§. Ижтимоий муносабатларнинг кескинлашуви. Уот Тайлер қўзғолони

1. Англияда ижтимоий вазият. Пул-товар муносабатлари ривожланиши билан деҳқонлардан олинган солиқлар ҳам ошиб борди. Англиянинг юз йиллик урушдаги иштироки давлатдан катта маблағларни талаб қилар эди. Қирол Ричард II даври (1377—1399) да ҳам уруш давом эттирилди. Натижада қўшимча маблағ зарур бўлиб, 1377 йили аҳолига қўшимча жон солиғи солинди. Бу солиқ 1379 йили ҳам йиғиб олинди. Халқ сабр-қосасининг тулишига сабаб 1380 йили жон солиғини 3 баравар миқдорини тўлаш талаб қилиниши ва уни йиғишдаги суиистеъмоллар бўлди. Феодаллар зулми қучайиши ва солиқлар ўсиши халқни ғазабга келтирди.

Ушбу вазиятда XIV асрдан Англияда халқ воизлари етишиб чикдилар. Улар аҳоли орасида юриб ўз ваъзларида тингловчиларга қирол судидаги пора-

хўрлик, рухонийлар очкўзлиги, феодаллар шафқатсизлиги ҳақида гапириб, уларни кескин қораларди. Воизлардан бири бўлган Жон Боллни халқ айниқса ҳурмат қиларди. У ўз ваъзаларида “Худованди карим ҳаммани тенг қилиб яратган экан, ер ҳам, сув ҳам барчаникидир”, дер эди. Унинг: “Одам Ато ер ҳайдаб, Момо Ҳавво чарх йигирганда ким дворян бўлган?” дея айтган қочириклари қишлоқларда тез-тез қайтариларди. Кентрбери архиепископи буйруғи билан Жон Болл тез орада қамокқа олинди.

2. Қўзғолоннинг бошланиши. Лондоннинг шимолидаги Фобинг деган балиқчилар қишлоғида 1381 йил май ойининг охирида солиқ йиғиш комиссари Томас Бамитон ва унинг гуруҳига қарши аҳоли қўзғолон кўтарди. Можаро сабабларини аниқлаб, уни ҳал қилишга юборилган қирол суди дехқонларни айбдор деб топди. Бундан ғазабланган қўзғолончилар сони кундан-кунга ўса бошлади. Тез орада мамлакатдаги қўзғолончилар 50 минг кишига етди. Қўзғолончилар томонидан қамокдан озод қилинган Жон Болл уларнинг маслаҳатчисига айланди. Қўзғолонга ҳарбий ишдан хабари бўлган тунукасоз Уот Тайлер бошчилик қилди. Эссекс ва Кент графликларидан тўпланган қўзғолончилар иккита катта лашкар бўлиб Лондонга йўл олдилар. Уларнинг мақсади қирол Ричард II билан учрашиб, ундан солиқларни камайтиришни сўраш эди.

3. Қўзғолончилар Лондонда. Шаҳарликлар дарвозани очиб берганликлари сабабли дехқонлар пойтахтга ҳеч қандай қаршиликсиз кириб келишди. Лондон 3 кун давомида (13—15 июнь) қўзғолончилар қулида бўлди. Қирол министрларининг баъзилари, жумладан, қироллик канцлери, Кентрбери архиепископи Симон Сэдбери, хазиначи лорд Хеймслар қатл қилинди. Шаҳар қамокхоналарининг ҳаммаси остинустин қилинди. Қўзғолончилар судни, марказий ҳужжатхонани ёндириб юборишди.

Дехқонларнинг қирол билан дастлабки учрашувлари Лондонга яқин Майл-Энд деган жойда бўлди. Унда қўзғолончиларнинг талаблари 4 моддадан иборат дастурда изоҳ этилганди:

1. Дехқонлар карамлигини бекор қилиш.
2. Мамлакатнинг барча ерларида савдо-сотик эркинлигини бериш.

3. Хар бир акр* ердан 4 пенс микдорида мунтазам пул солиғини белгилаб қўйиш.

4. Қўзғолон катнашчиларига умумий афв бериш

Ушбу муътадил дастур камбағал дехқонлар манфаатларини эътиборга олмаган эди. Қирол талабларни қабул қилиб, уларни бажаришга ваъда берди. Шундан кейин қўзғолончиларнинг бир қисми шаҳардан чиқиб кетди.

Лекин қўзғолончиларнинг катта қисми, жумладан, Кент графлиги камбағал дехқонлари бу дастурдан норози эдилар. Улар Тайлер ва Болл бошчилигида Лондонда қолишди ва қиролни янги учрашувга чақиритди. Дехқонларнинг қирол билан иккинчи учрашуви Смит-фильдда бўлди. Қиролга берилган янги талабномага бир канча қўшимчалар киритилиб тайёрланганди. Қўзғолончилар йирик ер эгалари тортиб олган жамоа ерларини, ўрмон ва ўтлоқларни дехқонларга қайтаришни, черков ва монастырлар ерларини мусодара қилиб халққа бўлиб беришни, аҳолининг барча тоифаларини тенг ҳуқуқли деб эълон қилишни талаб қилгандилар.

Иккинчи учрашув чоғида Уот Тайлер хоинона ўлдирилади. Бошликсиз қолган дехқонлар саросимага тушиб қолдилар. Шу пайтда пистирмадаги қирол рицарлари майдонга кириб келдилар. Қирол маслаҳатчиларининг ваъдаларига ишонган қўзғолончилар эса шаҳарни ташлаб чиқиб кетдилар.

5. Қўзғолоннинг бостирилиши ва унинг аҳамияти. Дехқонлар изидан юборилган рицарлар жазо отрядлари уларни аёвсиз қира бошлади. Қўзғолон бўлган графликларда қирол судлари бўлиб, унда қўзғолонда катнашганларни қаттиқ жазолади. Қўзғолон раҳбарлари, шу жумладан, Жон Болл қийнаб ўлдирилди. Қирол ўзининг барча ваъдаларидан тонди.

Уот Тайлер қўзғолони феодал жамияти тарихидаги

* Акр — 0,4 гектарга тенг ер майдони.

энг уюшган дехконлар кўзғолони бўлишдан ташқари, унда биринчи маротаба сиёсий, иктисодий ва ижтимоий талабларнинг биргаликда қўйилиши билан ажралиб туради. Кўзғолон йирик ер эгаларига халқ нақадар дахшатли куч эканлигини курсатди. Англияда 1381 йилдан сўнг мажбурий ишлаб бериш бутунлай бекор қилинди. XV аср давомида эса қарам дехконларнинг деярли барчаси тўлов эъвазига озодликка эришди. Озод дехконларнинг шахсий чек ерларидан олинадиган солик ҳам аниқ миқдорда белгилаб қўйилди.

5. XV асрда Англия. Франция билан бўлган юз йиллик уруш тугаганидан кейин Англия тарихидаги энг фожияли даврлардан бири бошланди. Бу— мамлакатдаги икки сулола уртасидаги қироллик тахти учун бўлган урушлар эди. Унда деярли барча феодаллар муҳолиф гуруҳлар томонида туриб жанг қилдилар. Заиф ва касалманд Генрих VI ёшлигида Франциядан ажралгани каби Англия тахтидан ҳам воз кечишга тайёр эди. Лекин унинг хотини, Анжуй графининг қизи Маргарита бу ишга тиш-тирноғи билан қарши эди. Қиролнинг бош рақиби гербида “Ок гул” акси туширилган Йорк герцоги бўлди. Қирол гербида “Қизил гул” бўлганидан урушлар “Ок ва Қизил гуллар уруши” номини олди. Уттиз йил давом этган уруш (1455—1485 йиллар) Англия аҳолисининг 1/4 қисмини йўқотди. Уруш давомида қирол хонадонига қариндош 80 нафар барондан махрум бўлди. Қўплаб феодал сулолалари тўлиғича қирилиб битди. Эски норманд зодагонлари ҳалок бўлиб, ўрнига англо-сакс дворянлари келди.

Сўнгги жангда икки томондан ҳам бир амаллаб озгина қўшин тўпланди, холос. Босворт жангида (1485 йил) қирол сулоласининг узок қариндоши Генрих Тюдор ғолиб чиқиб, Англия қироли тожини кийди. Генрих VII даврида қақирилган биринчи парламентда лордлар палатасига 20 га яқин киши келганди. Вақт ўтиши билан ҳалок бўлган баронлар ўрнига буржуазия билан алоқадор ўрта дворянлардан чиққан ва ўз ҳужалигини янги, чинакамига бозор усуллари билан юргизувчи янги дворянлар келадилар.

XIV—XV асрларда инглиз миллати шакллана бош-лади. Мамлакатда умумий ички бозор ташкил топди. Шу даврда инглиз адабий тилининг ривожига катта ютуқларга эришилди. Қирол Эдуард III 1362 йилиёк француз тилини купчилик аҳоли билмагани учун суд мажлислари инглиз тилида олиб борилишига фармон берганди. XV асрда Англияда содир бўлган сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар қиролнинг мутлақ ҳокимияти вужудга келишини таъминлади.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Англияда XIV асрнинг 80-йилларида ижтимоий вазият қандай эди?
2. Уот Тайлер қўзғолони бошланишининг сабаблари нимада эди? Учта сабабни курсатинг.
3. Қўзғолончиларнинг қирол билан учрашувлари ва уларнинг талабномалари ҳақида сўзлаб беринг.
4. Қўзғолоннинг аҳамияти нимада?
5. "Оқ ва Қизил гуллар уруши" ва унинг Англия тарихидаги аҳамияти қандай бўлган?

Умумлаштирувчи такрорлаш дарси

Европада XV аср охирида марказлашган феодал давлатлари фақат Франция ва Англияда эмас, бошқа қатор мамлакатларда ҳам ташкил топди. Пиренея яриморотида аҳоли асрлар давомида олиб борган кураши натижасида араблар мамлакатдан ҳайдаб чиқарилди. Бу *“реконкиста”* (қайтадан урушиб олиш) урушлари давомида Пиренеяда мустақил давлатлар ташкил топди. Жумладан, Португалия қироллиги XIII асрда вужудга келган бўлса, XV асрда Кастилия ва Арагоннинг бирлашуви Испания қироллигини майдонга келтирди.

Марказлашган феодал давлатлари ўзларини ташқи душмандан муваффақиятли ҳимоя қилиш қобилятига эга бўлди. Улардаги иқтисодий юксалиш хунармандчилик ва савдо-сотиқ раванқ топиши ва ягона ички бозор вужудга келишини таъминлади. Қирол ҳокимиятининг кучайиши мунтазам қўшин тузишга шароит яратди. Эндиликда ўзаро феодал урушларга барҳам берилди, йўлларда бебошликларга, талончиликларга чек қўйилди.

Марказлашган давлатлардаги иқтисодий тараққиёт маданиятни ривожлантиришга, умумий тилнинг таркиб топишига замин яратди. Жумладан, Францияда мамлакат жануби ва шимолида яшовчи икки халқнинг аста-секин яқинлашуви, ягона иқтисодий тараққиёт доирасида бирлашуви француз адабий тили вужудга келишини тезлаштирди. Лекин юксак маданият фақат марказлашган давлатлардагина вужудга келди десак, хато бўлади. Ўрта асрлардаги етук Италия маданияти. Флоренция, Венеция ва Милан шаҳар-республикаларидаги меъморчилик, рассомчилик, фан ва техника тараққиёти фикримизга далил бўла олади.

Барча Европа мамлакатларида ҳам марказлашиш жараёни бир хил тарзда бўлмади. Жумладан, ҳудуди ва аҳолиси бўйича энг йирик давлатлардан бири бўлган Германияда, Париж ёки Лондон каби, мамлакатни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бирлаштирувчи марказ ташкил топмади. Шунга қарамасдан, сиёсий

жнхатдан таркок Германияда кўплаб шахарлар ву-
жудга келиб, уларда ҳунармандчилик ва савдо кенг
ривожланди. Германия кироллари XI—XIV асрлар да-
вомида олиб борган буюк давлатчилик сиёсати эса
фақат Германиянинг ўзига эмас, балки истилолар май-
донига айланган Италияга ҳам кўп зарар келтирди.
Манбаларда ёзилишича, герман императори Фридрих
II ўттиз йиллик ҳукмронлик даврида (1220—1250 йил-
лар) ўз юртида бор-йўғи 3 маротаба бўлиб, 9 йил
яшаган, холос. Ҳукмдорнинг қолган умри Италияда,
салиб юришларида ва бошқа урушларда ўтган. XIV
аср ўрталаридан Германия императорлик тахти вори-
сийлигн бекор қилиниб, уни еттита йирик князлар
сайлаб қўядиган бўлди. Бу эса император уларга тобе
бўлишига, марказий ҳокимиятнинг эса янада кучсиз-
ланишига олиб келди.

Италия етук ўрта асрлар даврида ҳам феодал
таркокчилигича қолаверди. Лекин Италия шахарлари,
баъзида ҳатто қишлоқлари ҳам XI—XII асрлардаёқ
феодал сеньорлардан озодликка эришганди. Шаҳарлар
ўз теварагидаги контадо — ерларни бошқарар эди.
Улар учун эса бозорга маҳсулот чиқарадиган эркин
деҳқонлар зарур эди. Шу сабабли Италиядаги шахар-
лар ўзларига қарашли қишлоқларда деҳқонлар шах-
сий қарамлигига жуда эрта барҳам бердилар. Жумла-
дан, Болонья шахрида 1256 йили эълон қилинган
“Жаннат эдикти”га биноан 400 ер эгасининг 6000
“серв”и қарамликдан озод қилинди. Қиёслаш учун
мисол: Россияда деҳқонлар қарамлиги тузуми 1861
йили бекор қилинган, холос.

Бу икки сана қиёсланиши орқали Ғарбий Европа-
нинг иқтисодий тараққиёти нима сабабдан тез суръ-
атларда ривожланганлигини англаб олишингиз мум-
кин.

22-расм. Энг қадимги халқлар цивилизацияси. XV аср
Карта.



Х — Железные руды, Т — свинец, цинк

Мустақил иш

Марказлашган давлат билан феодал тарқоклик давридаги бошқарувни ташкил қилишни қиёсловчи қуйидаги жадвалини дафтарингизга тулдириг:

Қиёслаш учун саволлар	Феодал тарқоклик	Марказлашган давлат
Қирол қандай ҳуқуққа эга эди? Қирол қайси манбалардан даромад олар эди? Қандай ҳарбий кучлар қирол қўл остида эди? Суд қилишни ва қонунлар қабул қилиш ҳуқуқи қимнинг қўлида эди? Жойларда қим бошқарувни амалга оширар эди?		

VII б о б. Русда марказлашган давлатнинг ташкил топиши (XI—XV асрлар)

27-§. Русда феодал тарқоклик ва чет элликлар босқини

1. Русда феодал тарқоклик. Рус ерларида XI аср охири — XII аср бошларида феодал жамияти узил-кесил барқарорлашди. Мамлакатда бошланган иқтисодий тараққиёт унинг турли қисмларида йирик ер эгалари, князь ва боярларнинг қучайишига олиб келди. Киевдан олис ва эндиликда етарлича ривожланган Новгород, Полоцк, Смоленск, Ростов, Суздаль, Рязань каби йирик шаҳарлар ўз вилоятларининг мустақил марказлари бўлишга интиларди.

Владимир Мономах ва унинг ўғли Мстиславнинг кипчокларга қарши ҳарбий юришлари уларнинг ҳавфини вақтинчалик бўлса-да бартараф этди ва марказий ҳарбий бирликка бирмунча эҳтиёж бўлмай қолди. Йирик шаҳарлар боярлари бундан фойдаланиб, Киевга қарам бўлмаган мустақил князликлар барпо қилишга кўмаклашиб, айрим князларни ўзларига ҳукмдорликка таклиф қила бошладилар. Князларнинг 1097 йили Любечда бўлган съезди “Ҳар ким ўз юртига эга бўлсин” деб қарор чиқарди. Бу эса феодал таркоклиги бошланишининг тантанали равишда эълон қилиниши эди. Солномачи 1132 йили “Бутун Рус ери бўлиниб кетди” деб ёзган эди. Русда феодал таркоклик даври бошланди.

Жанубий вилоятлардаги Киев Руси князлари ҳокимиятининг заифлашуви ҳам тушкунлик сабабли бўлди. Киев ва унинг атрофидаги ерларга турли ҳукмдорлар таҳдиди, шунингдек, кўчманчи кипчоклар ҳужумлари тўхтовсиз давом этарди. Натижада XII асрдан бошлаб кўплаб деҳқонлар ва шаҳар аҳолиси тинчроқ жойларни ахтариб жануби-ғарбий ва айниқса шимоли-шарқий ҳудудларга, Волга—Ока дарёлари ҳавзасига кўча бошладилар. Янги ерларда эса тез орада шаҳар ва кишлоклар барпо этилиб, улардаги аҳоли сони кўпайиб борди.

Киев Русидан мустақил ерлар: Чернигов, Полоцк, Переяслав, Галич, Волин, Смоленск, Рязань, Ростов-Суздаль, Новгород ери, Киев ва бир қатор майда князликлар ташкил топди. Ҳар бир князлик бутунлай мустақил бўлиб, ўзининг ички тартибларинигина эмас, балки ташқи сиёсат олиб бориш, уруш ва тинчлик муаммоларини ҳал этиш ҳуқуқларига ҳам эга эди.

Русдаги феодал таркоклигининг тўртта салбий ҳусусиятини алоҳида кўрсатиш лозим: биринчидан, ўзаро феодал урушларининг тўхтовсиз бўлиши; иккинчидан, мамлакат мудофаа қобилятининг заифлашуви; учинчидан, князликларнинг ворислар орасида тақсимланиб, янада майдалаша бориши; тўртинчидан, князлар ва маҳаллий боярлар орасида низоларнинг кучайиши ҳоллари рўй берди.

2. Новгород республикаси. Новгород ери Киев билан алоқасини очикдан-очик узган биринчи мустакил князлик бўлди. Кичкина қалъа сифатида пайдо бўлган Новгород XI асрга келиб фақат Рус ерларининг эмас, балки бутун Европанинг хунармандчилиги ва савдоси юксак ривожланган шаҳарларидан бирига айланди. Шаҳар мўйнага бой шимоли-шарқий ҳудудларга ҳукмронлик қиларди. Новгород бир неча савдо йўллари кесишган ерида жойлашган, унга Болтиқ денгизи орқали Европа, Волга дарёси ва Каспий денгизи орқали эса Осиё мамлакатлари билан халқаро савдо алоқаларини олиб бориши имкониятини берган. Шу сабабдан Новгородда яратилган халқ оғзаки ижоди асарлари қаҳрамонлари кemasоз-денгиз сайёҳлари Садко ва Василий Буслаевлар бўлган.

XI асрда Новгородда анъанага кўра ноиб Киев ҳукмдорининг катта ўғли бўлган. Лекин бора-бора боярларнинг мавқеи ошиб улар князь ҳокимиятини чеклаб қўйганлар ва Новгород боярлар республикасига айланган. Новгородликлар йиғини 1136 йили Мономахнинг невараси Всеволод Мстиславични князликдан четлатиб қамокка олишга қарор қилади. Шу вақтдан бошлаб шаҳар бутунлай феодал республикасига айланди. Новгороднинг сиёсий ҳаётида халқ вечаесида зодагон боярлардан сайланадиган шаҳар ҳокими ва “шаҳар кенгаши” ҳамда сайлаб қўйиладиган епископ бош ролни ўйнарди.

3. Владимир-Суздаль ери. Москва. Русдаги Киев, Галич-Волин, Владимир-Суздаль ерларида ҳам XII—XIII асрлар боярларнинг ҳукмдорга қарши кураши остида ўтди. Жумладан, Владимир Мономахнинг ўғли Юрий Долгорукий XII асрда Руснинг шимоли-шарқидаги Волга ва Ока дарёлари оралиғига кўчиб келиб жойлашган ҳамда маҳаллий туб фин-угор қабилалари билан яқинлашаётган аҳолига ҳукмдорлик қиларди.

Владимир-Суздаль ерларида XI—XIII асрлар давомида Ростов, Суздаль, Ярославль, Владимир, Юрьев, Дмитров каби шаҳарларга асос солинди. Князлик ерларидаги Кучков қишлоғида 1147 йил баҳорида Юрий

Долгорукий Киев устидан эришилган ғалабалардан бирини нишонлаган. Москва деб атала бошлаган бу жойда биринчи ёғоч қалъа 1156 йили қурилди.

Юрий Долгорукийнинг авлодлари Владимир ерларида ва Москвада Иван IV Грозный тахтга утиргунга қадар (1584 йил) хукмронлик қилдилар. Владимир-Суздаль князлиги эса келажакда Рус ерларининг бирлашишига асос бўлди. Москва XIV асрда ана шу бирлашиш жараёнининг марказига айланди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Русдаги феодал тарқоқликнинг сабаблари ва оқибатини гапириб беринг.
2. Буюк Новгород ҳақида нималарни эслаб қолдингиз?
3. Москва шаҳрига қачон ва қандай асос солинган?

Буни ўқинг!

Сув манбалари

Сув кудуқдан, имконияти бор жойларда эса ариқлар ёки дарёлардан олинган. Рим-юнон дунёсида тарқалган ҳаммомлар илк ўрта асрларда камайиб кетди. Ҳаммомлар хусусий уйларда ҳам бўлмаган. Фақат айрим монастирларда ювиниш хоналари қурилган. Лекин XIII асрдан бошлаб, салиб юришлари таъсирида, ҳаммомлар қурилиши авж олади. Жумладан, 1292 йили Парижда 26 та жамоа ҳаммомлари бўлиб, уларда сартарошхоналар ҳам бор эди.

Ошхоналар

Ўрта асрлардаги хонадонларда махсус овкатланиш жойлари бўлмаган. Таом ўчоқ жойлашган хонада истеъмол қилинган. Фақат феодал қуръонлари ва монастирларда таомлар махсус хоналарда тайёрланган.

Овкат яланг оловда ёки чўғда тайёрланган. Ошхона печлари XV асрдан қурила бошлаган, холос. Ошхоналарда идиш-товоклар, капгир-чумич, қошиқлар девор бўйламасига ўрнатилган столда турса, овкатланиш учун эса махсус тўрт бурчак стол ўртага қўйилган. Унинг теварагига стуллар, табуреткалар, скамейкалар ўрнатилган.

Ўрта асрларда металл камёб бўлганидан, сопол буюмлар яшаш ҳали кенг тарқалмагани сабабли асосий идиш-товоклар ёғочдан қилинган. Антик даврнинг ёғ, ун сақланган катта сопол "пифос"лари ўрнига ёғочдан бочкалар, косалар, қошиқлар, турли ошхона анжомлари ҳам тайёрланган. Ўрта асрларда Европада чиннини билмаганлар ва бой хонадонларда май ҳамда ичимликларни биллур, олтин ёки қумуш қадахлардан ичишган.

(А.Ястребицкая. XI—XIII асрларда Фарбий Европа. М. 1978, 44—45-бетлар.)

28-§. Мўғул-татарлар ва бошқа босқинчиларга қарши кураш

1. Мўғулларнинг Осиё ва Шарқий Европадаги истилолари. Жалолиддин жасорати. Маълумки, XII аср охирида мўғул қабилаларини бирлаштирган ва мўғул давлатини тузган киши Темучин (1155—1227 йилларда яшаган) бўлиб, у 1206 йилда Чингизхон деган номни олди. У мўғуллардан кўпсонли, яхши қурулланган, уюшган ва интизомли армия тузиб, Жанубий Сибирь, Хитой, Ўрта Осиё, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Кавказорти ўлкаларини забт этди.

Чингизхон истило қилган мамлакатларни ва улардаги шаҳарларни ғоят шафқатсизлик билан вайрон қилди.

Чингизхон 1219 йил охириларидан катталиги жихатдан буюк давлат ҳисобланган Хоразмшоҳлар салтанатига юриш бошлаганида Хоразмшоҳ кучли қўшини бўлгани ҳолда ундан фойдалана олмай, истилочиларга муносиб қаршилик кўрсатмасдан, 1221 йилда вафот этади. Унинг тахтига ўтирган ўғли Жалолиддин Мангуберди (1221—1231 йиллар) мўғуллар билан Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ҳудудларида қонли жанглар олиб бориб, уларга бир неча марта қакшаткич зарбалар беради.

Жалолиддин босқинчиларга қарши курашни давом эттириб, 1226 йилда жанг билан Озарбайжон ва Гру-

зияни эгаллайди. У мўғулларга қарши курашни давом эттириш мақсадида Кавказортида кучли давлат барпо этмокчи бўлди. Лекин у ердаги феодаллар урта-сидаги низолар унинг бу орзусини рўёбга чиқармади.

Кичик Осиё, Сурия ва бошқа вилоятларнинг ҳукмдорлари Жалололдинга қарши иттифок тузиб, 1230 йил августдаги жангда Жалололдин қўшинларини мағлубиятга учратдилар.

У омон қолган кичик бир гуруҳ қўшин билан Озарбайжон ерларига чекиниб, мўғулларга қарши курашни давом эттирди ва 1231 йил августдаги жангларнинг бирида курд қишлоғига чекинган Жалололдин ҳалок бўлади.

Чингизхон ўлимидан кейин унинг ворислари истилоларни давом эттирдилар. Жумладан, унинг невараси Ботухон 1235—1242 йилларда Шарқий Европада жуда катта истилолар қилди. У бошчилигидаги мўғуллар Рус князликларини, Волга, Дон, Кама дарёлари этакларидаги халқларни бўйсундириб, Венгрия, Чехия, Польшага ва қисман Сербия ҳамда Болгарияга ўтиб кирдилар. Чингизхоннинг бошқа невараси Хулагу Эрон, Ироқ ва Сурияни бутунлай босиб олди.

Мўғулларнинг истилолари Осиё ва Шарқий Европа мамлакатлари бошига оғир мусибатлар солди.

2. Рус ерларининг мўғул-татар истилосига қарши кураши. Урта Осиё ва Кавказорти ерларини босиб олган Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар дастлаб Рус ерларига 1223 йилда бостириб кирдилар. Кипчок хонларининг ёрдам сўраб қилган мурожаатларига жавобан Жанубий Рус ҳукмдорининг ҳарбий бўлинмалари Калка дарёси бўйида душманга рўпара бўлди.

Мўғул-татарлар гўё чекинган бўлиб, рус лашкари-ни чалғитиб, ўз отлик аскарлари учун қулай майдонга чиқардилар ва уларни тўла мағлубиятга учратдилар. Асир олинган князь ва жангчилар устига тахта бостирган голиблар унинг устида ўтириб базм қурдилар. Шундан кейин мўғуллар Волгаорти даштларига йўл олиб, у ерда бир неча йил давомида Шарқий Европага янги юришларга тайёргарлик кўрдилар.

Муғул-татарларнинг Русга қарши кенг кўламдаги хужумлари 1237 йил охирида бошланди. Уларнинг 140 минг қўшинига Чингизхоннинг невараси Ботухон бошчилик қилди. Рус ерларида давом этаётган феодал тарқоқлик муғул-татарларга қўл келди. Дастлаб камал қилинган Рязань шаҳри аҳолисининг мардонавор қаршилиги кучлар тенг эмаслиги туфайли натижа бермади. Владимир хукмдори ўзига ракиб ҳисоблаган Рязанга ёрдамга келмади. Мудофаачиларнинг қатъиятидан ғазабланган Боту шаҳарни бутунлай вайрон қилишни буюрди.

Шимоли-шарқий Руснинг ичкарисига силжий бошлаган душман лашкарлари Коломна остоналаридаги жангда руслар қўшинини енгиб, Москвани эгалладилар. Боту қўшини 1238 йилнинг февраль ойи давомида Волга ва Ока дарёлари хавзасидаги 14 та рус шаҳрини, шу жумладан, Владимирни вайронага айлантирди. Владимир князи Юрий Всеволодович қўшини март ойида Сити дарёси яқинидаги жангда тормор қилинди, хукмдорнинг ўзи ҳалок бўлди. Бутунлай вайрона қилинган Владимир-Суздаль князлиги шаҳар ва қишлоқларида минг-минглаб аҳоли ҳалок бўлди, кўплаб қўлғамалар, моддий маданият ёдгорликлари ёндириб юборилди.

Янги юришлар 1239 йилда бошланиб Ботухоннинг асосий қўшинлари Рус ерларининг жанубий қисмига зарба берди. 1240 йили Киев камал ва шиддатли жанглардан кейин таслим бўлди. Жанубий Рус князликлари ерлари ҳам харобазорга айлантирилди.

Босиб олинган ерларда Чингизхон тузган империянинг бўлиниб кетган қисмларидан бири, янги давлат — Олтин Ўрда қарор топди. Ҳозирги Астрахань шаҳри яқинидаги Сарой шаҳри унинг пойтахти эди. XIII аср ўрталаридан рус князликлари Олтин Ўрда ҳоилигига қарам ерлар сифатида катта ўлпон тўлай бошлади. Энди князлар муғул хонларидан олинган ёрликқа биноан ўз ерларини бошқарар, халққа зулм ўтказиб, улардан оғир солиқлар йиғиб олардилар. Рус хукмдорларининг ўзаро урушларида Олтин Ўрда хонлари ўз манфаатларини кўзлаб гоҳ бирларига, гоҳ

бошкаларига хомийлик килар, натижада яна оддий халкнинг кони тўкилар, шаҳар ва кишлоклар ут ичида қоларди.

Муғуллар истилоси Рус ерларидаги иктисодий тараққиётга катта салбий таъсир кўрсатди. Мамлакатда иктисодий ривожланиш сусайди.

3. Немис ва швед босқинчиларига қарши кураш. XIII асрнинг бошларида Болтиқ денгизи қирғокларида яшайдиган эст, лив қабилаларига қарши немис феодалларининг урушларини Рим папалари салиб юришлари деб эълон қилган эди. Бу урушлар маҳаллий аҳолини христиан католик динига ўтказиш байроғи остида олиб борилди. Урушлар натижасида немисларнинг Ливония ордени рицарлари эстлар ерларини босиб олиб, Новгород-Псков давлати чегараларига яқинлашиб қолдилар. Болтиқбўйи немис рицарлари билан ҳамкорликда ҳаракат қилган швед феодалларининг катта қўшини 1240 йилнинг ёзида Нева дарёси бўйлаб Новгород ерларига бостириб кирди.

Новгород хукмдори 18 ёшли Александр Ярославич 1240 йил 15 июлда ўзининг унчалик катта бўлмаган лашкари билан шведлар қароргоҳига қўққисдан ҳужум қилди. Ёш князь ва унинг довурак лашкари шиддатли жангда шведларни енгади. Александрга берилган Невский фахрий номи Рус тарихида асрлар бўйи сақланиб келмоқда.

Муғул-татар босқинидан четда бўлган Новгород-Псковнинг бой ерлари немис рицарларини ҳам ўзига жалб этади. Бу борада уларни ҳатто шведларнинг муваффақиятсизликлари ҳам тўхтата олмади. 1240 йилда Псков яқинидаги Изборск қалъасини олган немислар, Псков ноиби Твердила ва боярлар хоинлигидан фойдаланиб, шаҳарни эгаллашди. Немис феодаллари ўша йили қишдаёқ Новгороднинг чегара районларига ҳам бостириб киришди. Новгороднинг душманга қарши курашини яна Александр Невский бошқарди. Князь Суздаль қўшини ёрдамида Псков ва унга қарашли ерларни озод қилди.

Александр Невскийнинг немис рицарларига қарши

ҳал қилувчи жанги 1242 йилнинг 5 апрелида Чуд кўлидаги муз устида бўлиб, бунда рус қўшинлари порлоқ ғалабага эришдилар.

4. Рус ерларининг бирлашуви. Олтин Ўрда хукмронлигининг тугатилишида Амир Темурнинг ўрни. Мўғул-татарлар истилоси натижасида Рус ерлари оғир талофот кўрган бўлса-да, иқтисодий ривожланиш бутунлай тўхтаб қолмади. Рус шаҳарларида хунармандчилик ва савдо-сотиқнинг жонланиши, турли вилоятлар орасидаги алоқаларнинг кучайиши, қишлоқ хўжалигидаги силжишлар — Рус ерларининг бирлашишига ёрдам берди.

Мамлакатнинг бирлашишига ташқи душманларга, аввало, Олтин Ўрда хонлари зулмига қарши кураш зарурияти ҳам кўп жиҳатдан таъсир қилди.

Русда энг кучли князликлар орасида сиёсий биринчилик учун курашда Москва князлигининг устунлиги ва унинг кучайиши Руснинг бирлашишига шартшароит яратди. Москва князи Дмитрий Иванович (1359—1389 йиллар) русларнинг мўғул-татарларга қарши урушларидаги биринчи ғалабага 1378 йили Рязань ерларидаги Волга дарёси бўйида бўлган жангда эришди.

1380 йил сентябрь бошида эса Дон дарёси соҳилидаги Куликов майдонида Олтин Ўрда хони Мамай лашкарлари устидан ғалаба қозонди. Бу ғалабаси учун унга Донской номи берилган. Лекин орадан икки йил ўтгач, Олтин Ўрданинг янги хони Тўхтамишхон Москвани босиб олди ва русларни яна солиқ тўлашга мажбур қилди.

Бу борада бир тарихий воқеага алоҳида тўхташ лозим.

Тўхтамишхоннинг Олтин Ўрдани қайта бирлаштириши ва жаҳонгирлик сиёсати Мовароуннаҳрда қарор топган Амир Темур давлати учун хавф туғдирди. Бу хавфни бартараф қилиш учун Амир Темур Тўхтамишга қарши 1391 ва 1395 йилларда алоҳида аҳамиятга эга бўлган катта юришлар қилди. Оқибатда Тўхтамиш қўшинлари тор-мор қилиниб, пировардида унинг ўзи Рус князликлари ерлари томон чекинди. Амир Темур

уни таъкиб этиб Москвагача боради. Рязань князлиги ерларида икки ҳафта кўнгандан кейин Азов ва Каспийбуйи чулларига қараб қайрилди ва Қуйи Волга бўйидаги Сарой Берка, Сарой Боту ва Ҳожитархон (Астрахань) шаҳарларини эгаллади.

Олтин Ўрда хони бу қақшатқич зарбадан сўнг ўзини сира ўнглай олмади. Бу эса фақат Урта Осиё учун эмас, балки Шарқий Европа, шунингдек, Рус ерлари учун ҳам буюк аҳамият касб этди ва Руснинг муғул-татарлар зулмидан тезроқ қутулишига шарт-шароит вужудга келтирди. Ниҳоят, Иван III даврида, 1480 йили Москва Олтин Ўрдага солиқ тўлашдан бош тортди ва шу тариқа муғул-татарларнинг Рус ерларидаги икки ярим асрлик ҳукмронлигига чек қўйилди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Биринчи қарашда галати бўлиб кўринган тарихий далилни тушунтириб беринг: Нега нисбатан қолоқ муғул-татарлар хийла ривожланган халқларни енгди?

2. Жалолиддин Мангуберди босқинчиларга қарши қандай кураш олиб борди?

3. Муғул-татарлар Рус ерларини қачон ва қандай қилиб босиб олишган?

4. Новгород ерларининг швед ва немис феодаллари-га қарши курашини гапириб беринг.

5. Муғуллар истибдодининг оқибатлари қандай бўлди?

6. Рус ерларининг бирлашуви сабабларини сузлаб беринг.

7. Руснинг муғул-татарлар зулмидан қутулишида Амир Темурнинг қандай ўрни бор?

VIII б о б. Салжукий турклар давлати ва Европа халқлари

29-§. Салжукий турклар давлатининг ташкил топиши ва тараққиёти

1. Салжукийлар давлатининг вужудга келиши. Туркий қабилалар дастлаб Византия империясининг Кичик Осиёдаги вилоятларига милодий IV асрдаёқ кириб келганлар. Лекин Олд Осиёга Салжукийлар (Урта Осиёда Салжукбек асос солган сулола) бошчилигидаги ўғуз қабилаларининг кенг қўламдаги юришлари XI асрдан бошланган.

Тез орада Византияга қўшни ерлардан: Эрон, Ирок, Озарбайжон, Шарқий Арманистон ерларини ўз ичига олган Буюк Салжукийлар давлати пайдо бўлди. Ўзаро ички низолардан заифлашиб қолган Византия, тарихчилар ҳисоб-китобига қараганда, 1 миллионга яқин аҳолиси бўлган кўчманчи қабилалар ҳужумларига дош бера олмади.

Император Роман IV Диогеннинг ўз давлати яхлитлигини сақлаш учун ҳаракати ҳам натижа бермади. У тўплаган катта ёлланма қўшинни 1071 йили Ван қўли яқинидаги Манцикерт жангида Салжукийлар султони Алп Арслон қўшини тор-мор қилди. Бу жангдан сўнг византияликлар қаршилиги янада сусайиб, турк қабилаларининг кенг оқими Кичик Осиёга йўл олди.

2. Туркларда ижтимоий-иқтисодий тузум. Урганилаётган даврда турк қабилалари уруғчилик тузуми инқироzi ва феодал муносабатларининг пайдо бўлиши жараёнини бошдан кечирмоқда эдилар. Янги шаклланаётган феодаллар гуруҳи қўлида чорванинг асосий қисми ва яйловларни бошқариш ҳуқуқлари тўпланган. XI аср охирида Кичик Осиёни деярлик тўлиқ босиб олган ўғуз қабилалари бир неча майда амирликлар туздилар. Уларнинг ҳаммаси Салжукийлар сулоласининг умумий ҳукмронлигини тан олсалар-да, мустақил сиёсат олиб борардилар.

Салжукийлар давлатининг гуллаб-яшнаши XIII аср-

нинг биринчи ярмига тўғри келади. Бу даврда мамлакатда хўжалик инқироzi тугаб, кучманчи турклар ўтроклашдилар. Улар маҳаллий аҳоли булган грек ва арманлар билан биргаликда дехқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғуллана бошлашди. Натижада XII—XIII асрлар давомида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожланиб, янги турдаги давлат шакллана бошлади. Мамлакатдаги феодал ер эгалиги муносабатлари ва соликлар мажмуаси Шарқдаги мусулмон давлатлариникидан деярли фарк қилмасди. Хўжалик муносабатларининг ўзига хос хусусиятларидан бири давлат ерларининг хусусий ерлардан кўпроқ бўлиши эди. Давлат ерларининг кўп қисми маълум хизматлар эвазига -- иқтoъ сифатида инъом этилган. Ушбу ерлар меросга қолдирилиши мумкин бўлмасдан, у фақат хизмат муддатига берилган.

3. Шаҳарлар тараққиёти. Бу даврда Кичик Осиёдаги шаҳарлар ҳам бирмунча ривожланди. Улар фақат ҳунармандчилик, савдо, идора-бошқарув бирликлари бўлиб қолмасдан, турли халқлар ва улар маданиятининг ўзаро таъсири марказига айланди. Энг йирик: Кўнё, Сивас, Қайсария шаҳарларида бир неча ўн минг аҳоли яшарди. Шаҳарларнинг ташқи қиёфаси аста-секин ўзгариб шарқона тусга кира борса-да, Кичик Осиёдаги шаҳарларнинг Византия даври хусусиятлари Византиянинг бой моддий маданиятини Анатолияда ўтроклашган турк аҳолисига ўтказишда муҳим роль ўйнади.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидан кўплаб савдогарлар, ҳунармандлар, олимлар ва ислом уламоларининг Салжукийлар шаҳарларига келишлари, уларни ўрта аср араб-ислом маданияти ўчоқларига айланиши имкониятини вужудга келтирди. Турк султони девони ҳужжатлари форс тилида юритиларди. Ўрта аср мусулмон дунёсининг буюк шоири ва мутафаккири Жалолиддин Румий (1207—1273 йилларда яшган) умрининг кўп қисмини Кўнё шаҳрида ўтказган эди.

Турк қабилаларининг ўтроклашиши ва маҳаллий аҳоли билан аралашиши натижасида янги этник бир-

лик — турк халқи шакллана бошлади. Бу жараён XIII асрнинг 20—30-йилларида айниқса тезлашди. Фақат мўғул-татарларнинг босқини, 1243 йили Салжукийлар қўшинининг тор-мор бўлиши, султонликнинг кейинги тараққиётига катта салбий таъсир кўрсатди. Кичик Осиёдаги Салжукийлар давлати XIV аср бошларида бутунлай парчаланиб кетди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Салжукий турклар давлати қачон ташкил топди?
2. Турклардаги ижтимоий тузум қандай булган?
3. Мамлакатдаги иқтисодий юксалиш қайси соҳаларда ва қачон булди?
4. Шаҳарлар тараққиёти ҳақида нималарни эслаб қолдингиз?
5. Уйлаб қуриб хулоса қилинг: Нима учун ҳозирги даврда турклар Ўрта Осиёни ота юртимиз деб эъозлайдилар?

30-§. Усманийлар давлати ва Европа халқлари

1. Византия империяси ва усмоний турклар. Парчаланиб кетган Салжукийлар давлатида қўлаб бейликлар ташкил топади. Улардан бири — Усмон бейлиги Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбида, чегарага яқин Эскишеҳир ҳудудида тузилган. Бейликнинг кейинги тараққиётига унинг Византия империяси билан қўшни эканлиги қўл келди. Тобора заифлашиб бораётган империяга қарши ҳарбий ҳаракатлар бейлик ерларининг янада кенгайишига имкон яратди. Кенг миқёсда истилолар олиб борилиши эса Усманий бейлари қўл остига бошқа қабиаларга мансуб жангчиларнинг ҳам келиб қўшилишига сабаб булди.

Сулоланинг биринчи вакили Усмон давридаёқ (1258—1326 йилларда яшаган) бир неча ҳарбий юришлар қилиниб, Бурса шаҳри атрофидаги ерлар босиб олинди. Унинг ўғли Ўрхон Византиянинг Никея, Никомедея шаҳарларини истило қилиб, XIV асрнинг ўрталарида Қора денгиз қирғоқларига чикди.

Дастлаб бейликнинг сиёсий тузуми ниҳоятда сод-
да бўлиб, Усмон ва Ўрхон қабила бошлиқларининг
йиғинида бей уивонига сазовор бўлгандилар. Бейлар-
нинг асосий вазифаси эса кучманчи турк қабилалари-
нинг қўшни ерларни талашга қаратилган ҳарбий юриш-
ларини бошқариш эди. Бейликнинг кучайиб бориши
унинг бошқарувида ҳам ўзгаришларга олиб келди.
Ўрхон даврида биринчи марта вазир лавозими таъсис
этилди. Бейликда танга-пул зарб қилиниб, давлат ер-
лари маълум бошқарув бирликларига бўлинди. Қўшин-
да ҳам ислохотлар ўтказилиб, пиёда ва отлик қўшин-
лар (уларни “мусаллам” деб аташган) алоҳида бир-
ликларга айлантирилди.

Болқон яриморолида Усмонийлар босқини арафа-
сида бир неча мустақил давлатлар мавжуд эди. Улар-
дан: Византия, Сербия, Болгария, Босния нисбатан
йирик қиролликлар бўлган. Лекин ўзаро низолар Жа-
нуоби-шарқий Европа халқларининг жипслашувига им-
коният бермади ва бу давлатлар турклар босқинига
бардош бера олмадилар.

2. Болқон яриморолидаги босқинлар. Анқара
жанги Усмоний туркларнинг дастлабки босқинлари
1353—1357 йилларда бошланди. Улар кейинги ўттиз
йил давомида Болқон яриморолининг асосий қисмини
босиб олишди. Шундан сўнг Усмонийлар ўз пойтах-
тини — Эдирна (Адрианополь) шахрига кўчирдилар.
XIV асрнинг 80-йилларида Константинополь шахрини
четлаб ўтган турклар Сербияга ҳужум бошладилар.
Сербларнинг Косово майдонидаги жангда (1389 йил)
оғир мағлубияти мамлакат тақдирини ҳал қилди. Сер-
бия ўз мустақиллигини йўқотиб, Усмонийлар давла-
тига қўшиб олинди. Турклар 1393 йили Болгария
пойтахти Тирново шахрини олиб, 1396 йили Нико-
поль остоналарида венгр, валах, болгар ва бошқа ев-
ропалик салибчи рицарларнинг бирлашган 60 минг-
лик қўшинини мағлуб қилдилар.

Косово майдонидаги жангда ҳалок бўлган Мурод I
нинг ўғли Боязид кейинги жангларда ўзининг тезкор
ҳарбий ютуқлари билан ном чиқарди. Замондошлари
унга Йилдирим, яъни шиддатли лақабини беришган.

Усмонийлар давлатини империяга айлантириш бора-сида Боязиднинг харакати Константинополнинг камал қилиниши билан якунланди. Бу воқеалардан сўнг Европа давлатлари таҳликага тушиб қолди. Худди шу пайтда Амир Темурнинг Боязидга қарши юриши бошланди. Европа давлатлари Боязидга қарши курашиши учун Амир Темур билан иттифок тузишга интилдилар. Жумладан, Византия, Венеция шундай таклиф билан Амир Темурга мурожаат қилди. Ўз навбатида Боязид Амир Темурни биргаликда Европага қарши курашга даъват этади. Бироқ, Соҳибқирон уни рад этиб, султон саройида паноҳ топган исёнчи туркман қабилалари бошлиқларини ихтиёрига топширишни талаб қилади. Музокаралар натижасиз тугагач, иккала томон катта жангга тайёргарлик кўрдилар. Нihоят, 1402 йил июлида Кичик Осиёга Амир Темур қўшинлари кириб келиши ва туркларнинг Анқара яқинида бўлган катта жангдаги мағлубияти Византия пойтахтини олиш орзуси 50 йил кейинга сурилишига сабаб бўлди.

Амир Темур қудратли Усмонийлар империясини тор-мор қилганидан сўнг Ғарбий Европада яна кенг шухрат қозонди. Соҳибқироннинг шухрати ҳамма жойда зур қизиқиш ва ҳаяжон туғдирди. Натижада европаликларда олис Шарқ билан танишишга бўлган азалий интилиш янада кучайди. Ушбу буюк ғалаба муносабати билан “катта хурсандчилик” изҳор қилган Франция қироли Карл VI, Англия қироли Генрих IV ва Византия императори билан Амир Темур ўртасидаги дипломатик ёзишмалар шундан далолат беради.

Дахшатли хавфдан халос бўлган Европа Соҳибқирондан миннатдор эди. Аммо, Амир Темурнинг Усмоний турклар давлатини бутунлай йўқ қилиб юбориш нияти йўқ эди. Сабаби салиб юришларининг оқибати ҳали мусулмон олами ёдидан кўтарилмаганди. Шунга кўра у салибчиларнинг Ўрта Ер денгизи шарқий соҳилларидаги охириги қароргоҳини тугатиб, Боязиднинг асир тушган ўғилларига мурувватлар кўрсатди ва ўз мулкларига ҳоким қилиб тайинлади.

3. Константинополнинг олиниси. 1453 йилнинг эрта баҳорида султон Мехмет II (1451—1481 йиллар) Константинополь камалига 100 минглик қўшин тўплади. Пойтахтнинг 400 минг аҳолисидан шаҳар химоясида 5000 киши қатнашди, холос. Химояда, шунингдек, 2000 жангчидан иборат италияликлар харбий бўлинмаси ҳам бор эди. Европа давлатлари эса Византияда бўлаётган воқеаларга лоқайдлик билан қарашди.

Манбаларда эътироф этилишича, султон Мехмет II Европада христианларни тугатмагунча ўз қиличини кинига солмасликка ваъда берган. У ўз даврининг энг яхши маълумот олган кишиларидан бири эди. Мехмет II форсча, арабчадан ташқари, иврит, юнон ва латин тилларини ҳам билган.

Константинополь 1453 йил 29 майда турклар томонидан олинди. Византиянинг сунгги императори жангда ҳалок бўлди. Усмонийлар эса шаҳарга Истанбул деб ном бердилар ва унга ўз пойтахтларини қўчирдилар. Византия қулаши замонасининг илғор кишилари томонидан, асосан Европада оғир фожиа сифатида қабул қилинди.

4. Туркларнинг кучи нимада эди? Усмоний турклар ҳукмронлигининг асосий таянчи уч нарсадан иборат бўлган: анъанавий кучли отлик қўшин, яни-чарлардан иборат жанговар пиеда аскарлар ва, ниҳоят, юксак шахсий хусусият ва фазилатларга эга султонларнинг бўлиши.

Майда бейликларни бирлаштирган Усмонийлар ўз сафларида Кичик Осиёдаги таркок қабиладошларини мужассамлаштирдилар. Анъанага қўра Усмонийларда отлик қўшиннинг ҳар бир жангчисига харбий хизмат эвазига йилига 3—5 минг пиастр даромад берадиган ер майдони — тумори ажратилган. Тумори ери меросий бўлмасдан, фақат туркларга берилиши мумкин эди. XV асрдан уруш асосий юмушига айланган туркларда 130 минг отлик қўшин мавжуд эди. Бундан ташқари, Усмонийлар султони Европадаги энг сара пиедалар қўшинига ҳам эга эди. Турк харбий бошликлари XIV аср ўрталаридан урушда асир олинган

соғлом ёш ўғил болаларни танлаб султонга совға қилишарди. Бу христиан болалар 20 ёшига қадар махсус тарбия олиб, моҳир жангчига айланишган. Кейинчалик ўз динини, тилини унутган йигитлар султоннинг алоҳида махсус лашкарига киритилган. Турк султони шу яничарлар билангина урушга қирарди. Яничарлар ўйланиши мумкин эмасди ва султон учун қон кечиби, жонини аямасдан ўз ватандошларига қарши жанг қилардилар. Яничарлар ҳарбий бирлашмалари Варна, Косово, Константинополь жангларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. XVI асрда турк қуролини машҳур қилган буюк вазирларнинг барчаси яничарлар орасидан етишиб чиққан.

Нихоят, султонларнинг шахсий хусусиятлари ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Усманийларнинг, Боязид II дан ташқари, барча султонлари ўз истеъдодлари, шуҳратпарастлиги ҳамда ўта фаолликлари билан алоҳида ажралиб турган. Улар ўз бошқарув фаолиятларининг асосий қисмини христианларга қарши урушларда ўтказганлар. Қўлларида давлат хазинаси ва катта ҳокимият мужассамлашган турк султонлари Европага уч аср давомида таҳдид солиб турдилар.

5. Усманийларнинг кейинги истилолари. Византия пойтахтининг босиб олиниши билан Европа ва Осиёни боғлаб турган савдо йўллари устидан назорат турклар қўлига ўтди.

Усманийлар XV асрнинг иккинчи ярмида ҳам ўзларининг истилочилик сиёсатини давом эттирдилар. Жумладан, 1475 йилда Крим яримороли итбат эттирилди. Орадан қўп ўтмасдан Молдавия ва Валахия ҳам султонга вассал эканлигини тан олди. Усманийлар Осиёда Мессопотамия, Арманистон ва Грузиянинг ғарбий қисмини ҳам истило қилдилар. Кейинчалик Сурия ва Арабистон ҳам босиб олинди. Сулаймон I нинг султонлиги даврида Миср ҳам ишғол қилиниб Ўрта Ер денгизининг шарқий қисмида турклар ҳукмронлиги тўлиқ ўрнатилди. Европада Усманийлар Вена шаҳри остоналарига қадар (1529 йил) бўлган ерларни босиб олдилар.

Кенг қўламдаги истилолар ғоят йирик Усманийлар

империясининг ташкил топишига олиб келди. Бу давлат уч китъа ерларида — Европа, Осиё ва Африканинг катта қисмини эгаллаганди.

6. Маданият. Усманийлар жамиятида XV аср охиридан маданиятнинг турли соҳалари: адабиёт, тасвирий санъат, меъморчилик равнақ топди. Географик билимлар ва тарихшунослик ҳам яхши ривожланди.

Мамлакатда қатор иқтидорли шоирлар етишиб чиқди. Шоира Мехри хотун ва шоир Мулла Маҳмуд асарлари фикримизга далил бўла олади. Турк меъморчилиги турли мамлакатлардан келтирилган устуқурувчилар тажрибасидан фойдаланиб юксала борган. Миллати грек Хўжа Синон (1490—1588 йилларда яшаган)нинг қурган ажойиб меъморчилик дурдоналари уни бутун жаҳонга танитди. У ўз фаолияти даврида 300 дан ортиқ иншоотлар: масжидлар, мадрасалар, саройлар, фавворалар, ҳаммом ва куприклар қурилишига бошчилик қилган.

Фаннинг турли соҳалари ичида географиянинг тараққиёти айниқса эътиборга моликдир. Туркиялик денгиз сайёҳи Пири Раиснинг асарлари, унинг Ўрта Ер, Қора ва Эгей денгизлари атласи — “Баҳрия” дунё фанидаги катта ютуқ эди. Эвлия Чалабийнинг “Саёҳатнома” кўпжилдли асари, Хўжа Халифанинг “Жаҳоннома” асарларида араб ва европа манбалари асосида жаҳоннинг турли мамлакатлари тасвирланган.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Усманийлар давлати қачон ташкил топди?
2. Усманийларнинг Болқон яриморлидаги босқинларини гапириб беринг.
3. Византия империяси қачон тугатилди?
4. Усманий туркларнинг кучли давлатга эга бўлиши омилларини сўзлаб беринг.
5. Усманийларнинг кейинги истилолари ҳақида гапириб беринг.
6. Усманийлар маданияти ҳақида нималарни эслаб қолдингиз?

Уйлаб кўриб хулоса чиқаринг!

1. Минг йилга яқин ҳукм сурган Византиянинг қулаши-ни замондошлар турлича тушунтирганлар: баъзилар империя ёмон ҳукмдорларининг жиноятлари учун берилган жазо деб, бошқалар эса христианларнинг қилган гуноҳлари учун худонинг қаҳрига учраши деб ҳисобладилар.

Византияни қулашининг асл сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

2. Европа ҳукмдорлари Амир Темурдан миннатдор бўлишининг боиси нимада деб ўйлайсиз?

IX б о б. XI—XV асрларда Ғарбий Европа маданияти

31-§. Маориф ва фаннинг ривожланиши

1. **Ўрта аср кишисининг дунё ҳақидаги тасаввурлари.** Ҳар бир тарихий давр инсонда табиат, вақт, фазо, яъни борлик ҳақида ўзига хос ҳис-туйғу ва тасаввурлар уйғотади. Ўрта асрлар кишисининг дунё ҳақидаги тасаввурлари кўпинча христиан дини ғоялари билан бевосита боғлиқ эди. "Инжил"даги ғоя: Ер юзидаги ҳаёт, иариги дунёдаги "асл ҳаёт"нинг мусибатларга тўла акси эканлигига одамлар ишонганлар. Ўрта аср адабиёти ва санъати коинотнинг ҳаққоний, аниқ тасаввурига интилмас, ҳаёлий тасаввурлар кузатувлар ва тадқиқотларга нисбатан устунроқ бўлган.

Ўша даврларда вақт ҳақидаги тушунча ҳам ҳозиргидагига нисбатан бошқача эди. Ўрта асрларнинг сўнгги давридагина аниқ вақтни белгилаш кенг тарқалди. Ўрганилаётган замон кишисининг вақти: тонг-кундуз, кеч-кеча; мавсуми ойларда эмас, фаслларда: киш-баҳор-ёз-куз доирасида доимо айланиб турган.

Ўрта асрларда одамларнинг ёши ҳақидаги тасаввур ҳам ўзига хос бўлган. Феодал жамияти демографик жиҳатдан ниҳоятда ёш эди. Инсон ҳаёти қисқа

бўлгани учун 40 ёшдан ошган киши қария ҳисобланган. Ушбу даврда ёш болаларга нисбатан ҳам алоҳида эътибор ёки ҳис-туйғу бўлмаган. Болалар ўлимининг ниҳоятда кўплиги бунга таъсир қилгани эҳтимолдан холи эмас. Юқоридаги сабабларга қўра бу давр санъатида болалар тасвирлари ва хайкаллари кўп учрамайди.

Инсон ҳаётидаги асосий давр ўсмирликдан бошланган. Ўсмирликка нисбатан муносабат ҳам бошқача эди. Ўсмирлик инсоннинг гуллаган ўйинқарок ва беғубор даври ҳисобланган. Улар учун деярли ҳамма нарса, ҳар қандай шўхликлар қилиш мумкин бўлган. Ўрта асрларда одамлар ўртасидаги муносабатларда муомаланинг ташқи кўринишига, шаклига алоҳида эътибор қилинган. Шу сабабдан анъаналарга, удум ва урф-одатларга тўлиқ амал қилинган.

Шаҳарлар ва савдо-сотикнинг ривожланиши билан одамларда ўз қишлоқларидан бошқа жойларни ҳам кўриш имконияти туғилади. Салиб юришлари эса европаликларда дунёнинг кенг қўламли, ранг-баранг эканлиги, олис мамлакатларда дини, тили, маданияти ўзгача халқлар яшашлиги ҳақида ҳаққоний маълумотларнинг кўпайишига имконият берди.

Европадан Шарқ мамлакатларига борган савдогарлар ва сайёҳлар ўзлари билан узок ўлкаларда яшовчи аҳоли ҳақида ажойиб ҳикоялар, қизиқарли маълумотлар олиб келганлар. Венециялик савдогар ва сайёҳ Марко Поло шулар жумласидан эди. Машҳур "Марко Поло китоби" бу буюк сайёҳнинг Шарқ мамлакатларида 25 йил давомидаги ҳаёти ва саргузаштларини тасвирлайди.

2. Мактаб ва маориф ривожланиши. Ўрта асрлар мактаби антик даврдан мерос қолганди. Унинг асоси "етти эркин санъат" деб аталган. Мактабнинг биринчи поғонасида: грамматика, фалсафа асослари ва риторика ўргатиларди. Математика, арифметика, мусиқа, геометрия ва астрономия билим олишнинг иккинчи давраси ҳисобланарди.

Ғарбий Европада XII—XIII асрларда иқтисодий ва маданий юксалиш бошланди. Шаҳарлар тараққиёти,

хунармандчилик ва савдонинг ривожланиши европаликлар дунёқарашининг кенгайишига ёрдам берди. Салиб юришлари даврида Византия ва Араб халифалиги маданиятлари билан танишув урта аср маорифининг камол топишини рағбатлантирди. Шаҳарларда хусусий ва шаҳар кенгашлари томонидан очилган мактаблар кўпайди. Уларда черков мактабларига нисбатан кенгрок ва чуқуррок билим берила бошланди.

Европанинг йирик шаҳарларида XI асрдан бошлаб олий мактаблар -- университетлар очила бошлади. Университет (лотинча сўз, "мажмуа" маъносини англатади) умумийлик маъносини бериб, унда турли соҳалар бирлаштирилгани туфайли шундай деб аталган. Олий мактаблар XIII асрда: Болонья, Монпелье, Палермо, Париж, Оксфорд, Салерно ва бошқа шаҳарларда ташкил топди. Умуман, XV асрга қадар Европа мамлакатларида 60 га яқин университет очилган.

Университетлар эркин бошқарув ва молиявий мустақиллик ҳуқуқларига эга бўлиб, бу ҳақдаги ёрлик қирол ёки Рим папасидан олинарди. Университетлар мустақиллиги, унинг ички ҳаётида тартиб-қоидаларга, интизомга қаттиқ риоя қилиши билан мужассамлашган. Ўрта асрлардаги энг йирик университет Парижда бўлган. Унга 1257 йили француз қироли хонадони руҳонийси Робер де Сорбон асос солган. Демак, ҳозирги кунга қадар машҳур Сорбонна университети шу тариқа ташкил топган.

Университетда алоҳида фан ўқитувчилари йиғилиб ўз бирлашмаларини, факультетларни тузиб, унга декан сайлаганлар. Ўқитувчи ва студентларнинг умумий йиғилишида университет раҳбари -- ректор сайланган.

Мактаб ва университетларнинг кўпайиши китобга бўлган талабни кучайтирди. Илк ўрта асрларда китоб қимматбаҳо буюм бўлиб, у пергаментда -- бузук терисидан тайёрланган махсус варақларга хаттотлар ёзишган. XII асрдан китобатда алоҳида устахоналар очилиши уларнинг бирмунча арзонлашувига олиб келди. XIV асрдан қоғознинг кенг қўлланилиши эса, уни

яна ҳам кўпроқ чиқаришга ёрдам берди. Қоғоз Хитойдан мусулмон давлатлари, жумладан, Самарқанд орқали Европага кириб келди. Испанияда дастлабки қоғоз устахоналари XII асрдан ишга тушган. Кейинчалик, XIV асрдан Италияда қоғоз ишлаб чиқариш соҳаси кенг ривожланди. Европадаги дастлабки устахоналар қоғозни эски латталардан қилишган.

Германияда 1445 йили Иоганн Гуттенберг китоб босиш дастгоҳини кашф этди. Унинг кашфиёти китобнинг оммавий тарқалишига имконият яратиб, Европа маданий ҳаётида катта ўзгаришларга олиб келди.

3. Тажрибага асосланган билимлар ривожланиши. Европада илм-фан XIII асрдан бошланган дейишади. Сабаби бунга қадар тажрибавий илмлар ва фалсафа ўртасида катта фарқ бор эди. Ҳаёт талаби XII асрдаёқ математика ва механика соҳаларини бирмунча тараққий қилишини таъминлади. Оксфорд университети профессори Рожер Бэкон XIII асрдан билимга кузатишлар ва тажрибалар йўли билангина эришиш мумкинлигини исботлади. Бэкон оптика, физика, кимё фанларига оид бирмунча аҳамиятга молик илмий натижаларга эришди. Олим ўзи юрадиган кема, извош, денгиз тубида ва ҳавода сузувчи кемалар яшаш мумкинлиги ҳақида ёзган эди. Бэконнинг ҳаёти қийинчилик ва хавф-хатарларга тўла бўлган. Христиан черкови тазйиқи натижасида у узок йиллар қамокда утирган.

Хўжалик тараққиёти, черков таълимотидан фарқли уларок, тажриба асосидаги илмларнинг ривожланишига эҳтиёж туғдирди. Дехқонлар ишлов беришни яхшиладилар, тупрокнинг хусусиятларини билишга интилдилар, об-ҳаво, чорва моллари ва экинлар ҳолатини кузатиб бордилар. Ҳунармандлар темир, унинг турли коришмалари ва тошлар хусусиятларини ўргандилар. Бўёқ ва шиша тайёрладилар.

Ўрта асрларда мунажжимлик ва алкимё фанларига айниқса катта эътибор берилди. Мунажжимлар осмон жисмларига қараб келажакда бўладиган воқеаларни билишга интилганлар. Кироллар, саркардалар,

савдогар ва сайёҳлар улардан доимо маслаҳатлар олиб турганлар. Ҳар қандай маъданни олтинга айлантирувчи "сеҳрли тош"ни излаган кимёгарлар ҳам ўрта аср олимлари ичида кўпчиликини ташкил қилган. Улар тажрибалари жараёнида турли бўёқлар, маъданларнинг хусусиятлари, бир қанча қотишмаларни, доривор моддаларни тайёрлаш амалий усулларини ихтиро қилганлар.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Ўрта асрларда одамларнинг дунё ҳақидаги тасаввурлари қандай ўзгариб борган?
2. Бу даврда одамлар ҳаёти нима сабабдан қисқа бўлган?
3. Мактабларда ўқувчиларга нималарни ўргатишган?
4. Университетлар ҳақида нималарни эслаб қолдингиз?
5. Илм-фаннинг тараққиётига нима туртки бўлди?

Ўйлаб кўриб жавоб беринг!

1. Университетларда одатдагидек мактаблардан фарқли равишда ўрта махсус предметлардан бири қонун (ҳуқуқ), илоҳиёт ёки тиббиёт албатта ўқитилган. Нима сабабдан ўша давр университетларида ўшбу предметлар бўйича билим берилган деб ўйлайсиз?

2. Ўрта асрларда латин тили ўзоқ вақт фан тили бўлиб келди. Бу ҳол фан ва таълимнинг ривожини учун қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини айтинг.

Буни ўқинг!

Дунё ҳақидаги тасаввурлар

Мавжуд маълумотларнинг ноаниқлиги, ахборотнинг жуда секин тарқалиши, китобларнинг камёблиги, ойкумена — Ер юзидаги инсонлар яшайдиган ҳудудлар чегарасини қисқартирган. Одамлар: Ер, осмон, ҳаво, сув ҳақида жуда кам ва кўп ҳолларда "ғаройиб" тасаввурларга эга бўлганлар.

Черков таълимотига биноан дунёнинг маркази ("киндиги") Қуддус шаҳри ҳисобланиб, унинг шаркидаги баланд

тоғлардан тўртта буюк дарё: Фрот, Дажла, Фисон ва Геонлар сув олиб Эдем боғлари, яъни Ердаги “жаннат” томон оқади. Бу борада Фисон Хинд ёки Ганг, Геон эса Нил дарёси деб фараз қилинган.

Хинд океани ёпиқ денгиз деб тушунилиб, ундаги ороллар олтин, зираворлар, хушбўй дарахтлар, гаройиб мавжуротлар яшайдиган ҳудуд сифатида тасвирланган. Хатто венециялик сайёҳ Марко Поло (1254—1324 йилларда яшаган) Хитой ва Шимолий Хиндистонга саёхатида думли одамлар борлиги ҳақида хикоя қилади.

Хайвонот олами ҳам афсонавий қурилиш ва хусусиятлар билан ифодаланган.

(А.Ястребицкая. XI—XIII асрларда Ғарбий Европа. М., 1978. 35—360-бетлар.)

32-§. Санъат ва адабиёт

1. Меъморчилик. Европада қурилиш-меъморчилик соҳаси XI асрдан бошлаб тез ривожланиди. Дастлабки пайтда бинолар ва хатто феодал қалъалари ҳам ёғочдан қурилган эди. Ғарб мамлакатларида, жумладан, Ўрта Ер денгизи ҳавзасидаги шаҳарлар қурилишида тошни ашё сифатида кенг миқёсда ишлатишга утилиши учун бир неча аср керак бўлди.

Тошнинг ишловда қулай юмшоқ турлари бўлмаган мамлакатларда, жумладан, Англия ва Польшада ибодатхона, сарой ва уйлар пишиқ ғиштдан қурилган.

Дастлабки тош бинолар христиан черкови иншоотлари: ибодатхоналар ва монастирлар эди.

Ўрта аср санъати ва меъморчилигидаги кейинги давр — готика услубини яратилиши билан маълум ва машҳурдир. Сеньорлар ҳукмронлигидан озод бўлган шаҳарларда XII аср охиридан савдо расталари, ратушалар, касалхоналар ва меҳмонхоналар қурилиши бошланди. Анъанавий шаҳар марказидаги энг чиройли ва ҳашаматли бино ибодатхона бўларди.

Готика меъморчилигининг ватани Шимолий Франция ҳисобланиб, янги французча бу меъморий услуб



23-расм. Шаҳарнинг марказий майдони.

XII аср охирларидан тезкорлик билан расм бўла бошлади ва роман услубини сиқиб чиқарди. ("Готик" номи гуманист, яъни инсонпарвар арбоблар таъсири остида кейинроқ пайдо бўлган, чунки улар ўрта аср давридаги барча нарсалар готлар ва "варварларники" деб ҳисоблардилар).

Готика услубининг характерли хусусияти шунда эдики, меъморлар бинони мумкин қадар баландроқ қилиб қуришга интилардилар. Бунинг сабаби шаҳар аҳолиси сони ўсавергач, мустаҳкам қалъа деворлари унинг атрофини ўраб турганидан шаҳар майдонини кенгайтиришга анча-мунча қийинчилик туғдирди. Энига ўсишга илож топа олмаган бинолар бўйига ўса бошлади. Ярим доирали кубба пешток ўрнига учи найзасимон пешток қилинадиган бўлди, бу учли пештоқлар ва гумбазларни Европага мусулмон усталари келтирдилар. Бу гумбазлар синч устига ўрнатилиб, ибодатхонанинг баланд ва қўрқам ишланган устунларига таяниб турарди. Шу тариқа, ҳозирги замон қурилишларида ишлатиладиган темир-бетон ва пулат каркаслар каби қурилма ҳосил бўларди. Бундай қурилмалар таянч

устунлар орасидаги бушлиқни катта деразалар билан тўлдириш имконини берган. Эндиликда бесўнакай ва халин деворлар қуриш зарур бўлмай қолди.

Готика услубидаги ибодатхоналар деразаларнинг катта ҳамда кўп бўлганлигидан енгил ва ёрқин кўринишга эга бўлди. Ибодатхона ичи кенг ва чиройли бўлган. Ибодатхоналар шаҳар кенгаши буюртмаси билан қурилган. Улар фақат черковнинг кудратини намойиш қилибгина қолмасдан — шаҳарлар эркинлиги тимсолини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Тик қоя томлари уткир учли арклари, энг тепасига ингичка найза ўрнатилган баланд жомминорлар — буларнинг барчаси бинони тобора юқорига кутарилаётгандай қилиб қўрсатади. Готика услубида қурилган энг йирик ибодатхоналар жомминорининг учи Мисрнинг Хеопс эҳроми каби 150 метрга етарди. (Франциянинг Шартр шаҳридаги бутхонанинг баландлиги 115, Страсбургдагиси эса 142 метр, яъни 48 қаватли бинонинг бўйига тенг). Бу йирик иншоотлар баъзида юзлаб йил давомида қуриларди.

Умуман, Европанинг ўрта аср меъморчилигида роман ва готика услубларидан ташқари Италиядаги византия услубидан (Венециядаги Авлиё Марк собори, қисман Дожлар саройи ва бошқалар) ҳамда Испаниядаги араб услубидан (энг машҳур ёдгорликлар: арабларнинг Гранададаги Ал-Ҳамро номли собиқ саройи — масжиди, ҳозирги Севилья собори ва Севильядаги Ал-Касар қасри) ҳам фойдаланилган.

2. Ҳайкалтарошлик. Ўрта асрларда ҳайкалтарошлик санъати меъморчилик билан узвий боғлиқ эди. Ибодатхона ва черковлар худо, пайғамбар, авлиёлар, епископ ва қиролларнинг юзлаб ҳайкаллари билан безатилган. Ҳайкалларга асосий буюртмачи черков бўлгани сабабли уларни диний мавзуда яратганлар. Ҳайкалларни кўпинча халқ орасидан етишиб чиққан санъаткор усталар бунёд қилганлар. Улар ҳайкалларида ҳаётни ўзлари англаганча ифодалар, инсоннинг олижаноблиги ва самимийлигини улуғлар эдилар. Усталарни айниқса онанинг болага бўлган меҳр-мухаббатини улуғлаш қизиқтирарди. Бу ҳол Биби Ма-



24-расм. Париждаги Нотр-Дам ибодатхонаси.

риямнинг куплаб хайкалларида ўз аксини топган. (Европада уни "хоним", "бекам" маъносида "мадонна" деб аташар эди.)

Инсон танасининг гузаллигини улуғлаган антик давр санъаткорлардан фарқли ўларок, ўрта аср ustalари одамларнинг фикрини, хис-туйғу ва кайфиятла-

рини ифодалашга ҳаракат қилишган. Роман услубидаги ҳайкалларда одамлар айтарлик жозибали тасвирланмаган. Усталар одамларнинг қайғу-аламларини ёки хурсандчиликларини бўрттириб акс эттириш ниятида ҳайкалларнинг туришини ва ҳаракатларини куп ҳолларда ғайритабиий (нимжон, озғин, хунук) акс эттирганлар.

Готика услубидаги ҳайкалларда одамлар киёфаси бирмунча тўғри тасвирланган. Уларнинг қадди-қоматлари кийимлари бурмаларидан билиниб туради. Ҳайкалларнинг туришларида ҳам ҳаракат купрок ифодаланган.

Истеъдодли усталар ҳаётда кўрган нарсаларини куп ҳолларда ишонарли қилиб тасвирлашга эришганлар. Ҳайкалтарошларда эса аста-секин инсон ташқи киёфасининг гузаллигини тасвирлашга қизиқиш пайдо бўлган.

3. Рассомчилик. Роман услубида қурилган ибодатхоналарнинг ички деворларига, шифтига куп сурат солинади. Бу суратларда азиз авлиёлар, пайғамбарлар, худонинг сиймолари тасвирланар эди. Кейинги пайтда қурила бошлаган готика услубидаги ибодатхоналар деворларида суратлар нисбатан кам бўлган. Уларнинг ўрнига катта деразалар, кўрғошин гардиш билан бир-бирига уланган рангли ойна парчаларидан ишланган витражлар, сурат ва манзаралар ибодатхона ичидаги устунларда, гумбаз ва полда жилваланиб, унга бениҳоя чиройли ҳамда тантанали тус берарди.

Китоб безалиши (миниатюралари) соҳасида рассомчилик айниқса катта ютуқларга эришди. Ушбу ёрқин миниатюраларда ўрта аср кишиси ҳаётининг турли томонлари ўз аксини топган. Витраж ва миниатюраларда купинча деҳқон ва хунармандларнинг ишлаб турган пайтлари тасвирланган. Уларда халқ меҳнатининг аҳамияти, унинг кадр-қиймати акс эттирилган.

4. Адабиёт. Жангнома шеърини Европа адабиётида VIII—IX асрларда шаклланди. Жангнома дostonлари асосан икки йўналишда: тарихий воқеаларга ва

хаёлий тасаввурларга, халқ эртаклари ва афсоналарига асосланиб яратилган.

Тарихий жангномаларга французларнинг “Роланд ҳақида қўшиқ” ёки испан адабиётига оид “Сид ҳақида қўшиқ” асарларини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Германияда яратилган “Небелунглар ҳақида қўшиқ” достони эса тарихий ҳақиқат ва афсоналарни биргаликда мужассамлаштирган асардир.

Рицарлар адабиёти. Урта асрлар маданиятининг энг ёрқин саҳифалари рицарларнинг кейинчалик романтик тус олган адабиётлари билан бевосита боғлиқдир. Удумларга биноан рицарлар кўплаб фазилатларга эга бўлишлари керак эди. Дастлаб рицарлар жасурлик, саҳийлик ва олижаноблик каби хусусиятлар ҳақида унчалик кўп ўйлашмаган. Уларнинг ҳаётидаги кўп нарсалар юзаки бўлиб, кўз-кўз қилиш мақсадида қилинган. Рицарлар ғолиб бўлиш ва шон-шухратга эришиш йўлида ҳеч нарсадан қайтишмаган. Уларнинг қаҳрамонликлари ва ишқий саргузаштлари ҳам гўёки ҳаммаси шундай бўлиши керакдай намоён қилинган. Рицарлар ҳаёти тасвирланган Тристин ва Изольда севгиси ва фожиаси ҳақидаги кисса фикримизга далил бўла олади.

Халқ адабиёти. Ғарбий Европа маданий ҳаётининг маркази XI асрдан шаҳарга кўчди. Шаҳарлар эркин маданиятининг черковга қарши йўналтирилганлиги шаҳар адабиётида ўз аксини тулик топди. Бу йўналишдаги асарларда ҳажв асосий усул эди. Жумладан, “Тулки ҳақида роман” асари шаҳар аҳолисининг севимли китоби бўлган. Унда топқир ва довюрақ тулки Ренар, ишбилармон ва оқил шаҳарлик сиймосида, у доимо фаҳмсиз ва қонхўр бўри Изенгрининг, кучли, лекин аҳмоқ айик Брен — рицар ва феодалларнинг — устидан ғолиб чиқади. Тулки, шунингдек, шер Нобль (кирол) ва эшак Бодуэн (рухоний) аҳмоқликлари устидан доимо кулади. Францияда яратилган бу асар кейинчалик немис, инглиз ва итальян тилларига таржима қилиниб Европада кенг ёйилган.

Ҳар қандай тарихий давр маданияти асоси меҳнаткаш халқ ижодидир. Унингсиз маданият

тараккий этмайди. Халк оғзаки ижоди: қўшиқ, эртак, қиссаларда деҳқонларнинг ҳаёти ҳақидаги фикр ва тасаввурлар ўз аксини топади. Қўшиқ деҳқоннинг фақат дам олишда эмас, меҳнатда ҳам доимий ҳамдами. йўлдоши эди. Ўрта асрларда халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлган эртак ва афсоналарда камбағаллар доимо яхшиликка, ёруғликка, эзгулик ниятларга интилар ва одатда сеҳрли кучлар ёрдамида мурод-мақсадларига етардилар.

Савол ва топишириқлар:

1. Меъморчиликдаги роман ва готика услубларининг фарқини тушунтириб беринг.
2. Ўрта асрлардаги ҳайкалтарошлик санъатининг асосий мавзулари нималардан иборат эди?
3. Европада рассомчилик санъатининг ривожланиши ҳақида нималарни биласиз?
4. Адабиётда қандай соҳалар вужудга келган?
5. Меҳнаткаш халқ яратган маданият ҳақида гапириб беринг.

Буни ўқинг!

Ўрта аср соатлари

Илк ўрта асрларда куёш ва сув соатлари қуриш фақат Византия ҳамда Араб халифалигида сақланиб қолган. Фарбий Европада бу каби соатлар камёб бўлиб, тарихий манбаларда Хорун ар-Рашиднинг Буюк Карлга (768—814 йиллар) юборган совғалари орасида сув соати бўлгани кайд этилган.

Механик соатларнинг қачон яратилгани аниқ эмас. Лекин машҳур италиялик шоир Данте Алигъерининг ёлдиракли ва жарангли соат ҳақида ёзишига қараганда, у XIII асрда бўлган. Лондон Вестминистериди 1288 йили дастлабки жоминор соати ўрнатилган. Бу соатнинг битта миля бўлиб, у фақат вақтни курсатган, холос.

Жоминор соатлари ҳам ўз аجدодлари каби фақат вақтни курсатибгина қолмасдан, кўпинча юксак бадий санъат бўлими, ҳаракатланувчи театр бўлган. Хусусан, 1354 йили

яратилган Страссбургдаги жомминор соати: куёшни, ойни, куннинг маълум паллаларини, черков байрамларини белгиллаган. Куннинг қоқ ўртасида соатдаги Биби Мариям хайкалчаси олдида учта авлиёлар таъзим қилиб турган, дарчадан кўринган ўйинчоқ хўроз эса қанотларини қоқиб кичкирган. Бугунги кунда Страссбург соатидан фақат хўрозча сақланиб қолган, холос.

(А. Ястребицкая. XI—XIII асрларда Ғарбий Европа М., 1978, 7—8-бетлар.)

Х б о б. Ўрта асрларда Осиё, Африка ва Америка халқлари

33-§. Хитойда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши

1. Ижтимоий муносабатлар ва деҳқонлар аҳволи. Хитойда узок вақт давом этган узаро урушларга Сун сулоласи даврида (960—1279 йиллар) чек қўйилди. Урушларнинг тўхташи эса кейинги даврда мамлакат кишлоқ хўжалигида бирмунча юксалиш имкониятини берди.

Далаларда сопол кўзалар ёки ёғоч чўмичли сув кўтариш чархпалаклари, шунингдек, чўмичли ясси сув чиқариш мосламаларининг такомиллашуви ва кенг қўлланилиши илгари ишлатилмай келган ерларга ҳам сув чиқариб экин етиштириш имкониятини берди. Янги ихтиро қилинган сув тегирмонлари ва исканжаларида: шоли оклаш, ёғ чиқариш, турли донлардан ун қилиш йўлга қўйилди.

Илк ўрта асрлардаёқ деҳқонлар алмашлаб экишни, далада бир пайтнинг ўзида турли хил экинлар экиб, улардан мавсумда икки марта ҳосил олишни билишган. Деҳқончиликдаги бу усул ҳозир Ўзбекистонда асосий экин орасига оралиқ экин экиш деб аталади. Деҳқончиликда уруғчиликка алоҳида эътибор қаратилган. Деҳқонлар асосий экин шолининг

уруғи ва кучатини синчковлик билан танлашган. Жанубий вилоятлар ерларида шакарқамиш экиш кенгайса, шимолда саноат пиллачилиги ривожланди.

Хўжаликдаги ҳамма ютуқлар деҳқоннинг қўл меҳнатини кенгайтиришга асосланган эди. Хитойда отлар кам бўлиб, бори ҳам қўшин хизматида бўлган. Мамлакатда хачир ва эшаклар ҳам ем-хашак танқислигидан унчалик қўп бўлмаган. Шунинг учун барча юмушлар: ер чопиш қўл омовчи, сўка ва кетмонлар билан қўлда бажарилган. Сув оқими кучсиз жойларда ерга сув чиқариш мосламалари ҳам инсоннинг қўл ва оёқлари ёрдамида ҳаракатга келтирилган.

Бу даврда империянинг ижтимоий ҳаётида ҳам бирмунча ўзгаришлар рўй берди. Давлат ерлари: император хонадони ва қариндошлари, ҳарбийлар ҳамда амалдорлар, шунингдек, ибодатхона ерлари камайиб борди. Унинг ўрнига хусусий мулкчилик — феодал ер эгаллигининг ҳукмрон етакчи йўналишига айланиб борди. Хусусий мулклар қўриқ ва бўш ерларнинг ўзлаштирилиши қийин бўлган тоғли туманларда янги майдонлар очилиши, ерни сотиб ёки куч ишлатиб тортиб олиши ҳисобига қупайиб борди.

Хитойда XI аср бошидан мамлакатдаги экин майдонларининг ярми йирик феодаллар қўлида тўпланди. Феодаллар ўз ерларини сотишлари, инъом этишлари мумкин эди. Лекин асосий ер майдонлари қарам деҳқонларга ижарага бўлиб бериларди.

Хукумат имконияти борича 30—40 му ери бор эркин ер эгалари табақасини саклаб қолишга ҳаракат қилди. Улар солиқларни тўғридан-тўғри давлатга тўларди. Ер солиғи деҳқондан йилига 2 марта, етиштирилган маҳсулот ҳисобида: шоли, тарик, буғдой, шойи ва ип газламалар сифатида олинар эди.

2. Шаҳарлар ва хунармандчилик. Хитойда X—XII асрларда шаҳарларнинг вужудга келиши жараёни давом этди. Қўп жойларда улар янгидан ташкил этилса, баъзан хунармандчилик ва савдо учун қулай йирик кишлоклар ҳам шаҳарларга айланган. Бу пайтда Кайфин, Чэнду ва Учан шаҳарлари йирик бошқарув, хунармандчилик ва савдо марказлари эди.

Шаҳар деворлари ортида савдо-хунармандчилик гузарлари қурилар, вақт утиши билан вужудга келган ташки шаҳарни янги девор билан урашга тўғри келарди. Хитой шаҳарларининг купчилигидан сув йўллари кесиб утарди. Сув транспорти савдо-сотикдаги асосий юк ташувчи восита эди.

Шаҳарларнинг усиши хунармандчиликнинг жадал суръатларда тараққий қилишини таъминлади. Темир қазиб чиқариш ва эритиш кўпайди. Жумладан, мис ишлаб чиқариш IX асрдагига нисбатан 30 марта, темир эса 12 марта ошди. Шунингдек, қурғошин, симоб, қалай, олтин, кумуш олиш ҳам кўпайди. Металларни эритиш ва ишлов беришда махсус кимёвий моддалар, тошқумир кенг қўлланилди. Темирчилик ва металл буюмлар: қуроқлар, пичоқлар, мих, темир идишлар ишлаб чиқариш кенг тарқалди.

Жанубий вилоятларда шойи буюмларнинг унлаб турлари туқиларди. Шойи сўзаналарнинг бадийи туқиш услуби — панно ихтиро қилинди. XI асрда Ўрта ва Марказий Осиё ҳамда Ҳиндистон орқали Хитойга пахта экинининг кириб келиши ва кенг тарқалиши катта аҳамиятга молик воқеа бўлди. Мамлакатда чигитни тозалайдиган ва ип йигирадиган чарх — дастгоҳларни ихтиро қилишди. Натижада XII—XIII асрлардан зиғир толаси ва канопсиз, фақат пахта толасидан газлама туқиш имконияти туғилди.

Бу асрлар давомида Хитойнинг анъанавий хунармандчилик соҳалари сопол ва чинни буюмлар ясашда ҳам янги кашфиётлар қилинди. Бўёқчилик такомиллаша бориб, янги ним яшил ёки ним кулранг — ним хаворанг чинни идишлар ясала бошланди.

Шаҳарлар кўчаларида беҳисоб: кийим тикиш, пой-абзал, уй-хужалик маҳсулотлари, елпигичлар, соябонлар, зеб-зийнат буюмлари ишлаб чиқарадиган устахоналар ва дуконлар бўларди. Лекин хунармандчилик устахоналарида меҳнат тақсмоти бўлмаган Хитойга XIII асрнинг охирида келган венециялик Марко Поло устахоналарда 10 тадан 40 тагача киши ишлаганлигини ёзиб қолдирган.

Хитой хунармандчилигида цех аъзоси бўлиш маж-

бурий эди. Цехлар ҳар бир устада неча халфа ва шогирдлар бўлиши лозимлигини, меҳнат шароити ва маоши, тайёрланган буюмларни сотиш, цех сирларини сақлаш каби вазифаларни бажарарди.

3. Савдо. Фарбий Европадан фарқли уларок Хитой шаҳарларининг ҳунармандчилик мавзеларида кизғин савдо бўларди. Шаҳарларда ҳатто тунги бозорлар ҳам бўлган.

Шаҳар майдонлари ва шаҳар дарвозалари яқинида турли маҳсулотлар билан савдо қиладиган кундалик бозорлар бўларди. Катта байрам кунлари ярмаркалар ҳам ташкил қилинган. Бозор ва ярмаркаларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ҳунармандчилик буюмлари билан савдо-сотик қилинган.

Ҳунармандчилик ва савдо мамлакатда пул ва пул муносабатларини юксалтирди. Темир ва мис тангалардан ташқари, қумуш ва олтин пуллар ҳам муомалага киритилди. Хитойда, шунингдек, қоғоз пуллар ҳам ишлатилган.

Ташки савдода Хитой турли мамлакатлар билан алоқада бўлган. Курукликдаги савдо йўллари Хитойни қўшни Вьетнам ва Бирма, мамлакатнинг шарқий ва шимолий қисмларида жойлашган халқлар билан боғлаган. Хитойдан Буюк Ипак йўли орқали Ўрта Осиё, Эрон ва Византияга қарвонлар борарди.

Денгиз бўйидаги Нинбо, Ханчжоу ва Гуанчжоу шаҳарлари Ҳинд ва Тинч океани ҳавзасидаги мамлакатлар билан савдо-сотик алоқаларини олиб боришига имконият берган. Хитойнинг порт шаҳарларида ҳинд, араб, форс, арман, яҳудий савдогарлари сони 200 минг кишига етган.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Хитойда ўрта аср шаҳарлари қачон ва қай тарзда ташкил топган?
2. Мамлакатда хўжалик тараққиёти қандай ривожланди?
3. Хитойдаги ижтимоий муносабатлар ҳақида нима-ларни биласиз?
4. Ҳунармандчилик ҳақида гапириб бering?

5. Мамлакатда ички ва ташқи савдо қандай ҳолатда эди?

34-§. XII—XV асрларда Хитойнинг ички ва ташқи сиёсати

1. Хитойда феодал таркоқлик ва мўғуллар истилоси. XIII асрда ҳозирги Хитой ерларида тўртта давлат мавжуд эди. Мамлакатнинг феодал таркоқликни бошидан кечириши, 1211 йили бошланган Чингизхон қўшинлари ҳужумини қайтариш имконини бермади. Истилочилар Хитой ерларини тўлиқ босиб олишга тахминан 70 йил вақт сарфладилар.

Хитой кейинги асрларда Мўғулистон давлатининг асосий қисми бўлиб қолди. Пекин “улуғ хон” Хубилайнинг пойтахтига айланди. Мўғуллар уни Хонба-лик деб атардилар. Мўғуллар мамлакатни тўлиқ бо-сиб олганларидан кейин Юань сулоласига (1279 йил) асос солдилар.

Мўғуллар ички сиёсатда мамлакатдаги барча ер-ларни унда яшовчи аҳоли билан бирга ўз феодалла-рига бўлиб бердилар. Янги хўжайинлар ҳам хўжалик юритишнинг эски анъанавий тартибини тўлиқ қабул қилдилар. Солиқлар мажмуаси ҳам сақланиб қолди.

Мўғулларнинг молиявий сиёсати дехконлар ва хунармандларнигина эмас, балки савдогарларни ҳам оғир аҳволга солиб қўйди. Доимий харажатларни ко-п-лаш учун қоғоз пул чиқариш қўпайтирилди. Натижа-да пулнинг қадрсизланиши тезлашди. Турли мах-сулотлар ва буюмлар нархи ошиб кетди.

Хубилай бошқарувнинг хитойча таомилини олса-да, давлат хизматидаги барча маҳаллий амалдорларни иш-дан ҳайдади. Мўғуллар давлати молиясини ўзбек Аҳмад бошқарса, Насриддин ва Масарийлар ҳарбий қўмондон-лар эдилар. Умуман, давлат хизматида турли халқ ва дин вакилларини учратиш мумкин эди. Манбаларда ёзилишича, мўғуллар ҳукмронлиги даврида Пекинга 5 минг христиан кўчиб келганди. Италиялик сайёҳ Марко Поло ҳам хон саройида юксак лавозимни эгаллаган.

Хубилайхон ва унинг ворислари даврида давлат

фаол ташки сиёсат олиб борди. XIII асрнинг 90-йилларида Ява оролига ҳарбий-денгиз экспедицияси юборилди. Мўғул қўшинларининг заифлашуви билан босқинчилик урушларидан воз кечилди.

2. Мин сулоласининг ташкил топиши. XIV аср ўрталарида мўғуллар империясининг инқирозга юз тутиши Хитойда озодлик ҳаракатининг кучайишига олиб келди. 1351 йили бошланган қўзғолоннинг асосий иштирокчилари деҳқонлар бўлиб, у бутун мамлакатни камраб олди. Аньхуй вилоятида кичик бўлинмага бошчилик қилишдан фаолият бошлаган роҳиб Чжу Юан-Чжаннинг обрў-эътибори кун сайин оша бошлади. Рақиблари, мўғуллар тарафидаги зодагон ва амалдорларни енгган Чжу 1368 йили Пекинни эгаллаб, янги Мин сулоласининг биринчи императори бўлди.

Худди шу сулола даврида мўғуллар мамлакатдан ҳайдаб чиқарилди. Мўғулларнинг Гоби чўлидаги пойтахти Қорақурум шаҳри хитойликлар томонидан босиб олиниб, ёндириб юборилди. Кейинги икки аср давомида кўчманчиларнинг Хитойга янги ҳужумларига чек қўйилди. Фақатгина XVII асрнинг ўрталарида манчжурлар мамлакатга ҳужум қилиб, Пекинни бо-



25-расм. Хитойни забт этган Хубилайхон.

сиб олдилар. Умуман, кўчманчи халкларнинг хужумларидан Ғарб ва Шарқ дунёсида XVIII асрда порох ва тўпларнинг кенг миқёсда қўлланилиши натижасидагина қутулдилар.

Муғуллар босқинидан хонавайрон бўлган мамлакат ҳўжалигини тиклашда Чжу Юан-Чжаннинг солиқ соҳасида берган эркинликлари, кулларни озод қилиш, сув омборлари ва тўғонларни тиклаши бирмунча қўл келди. Хитойда XIV аср охири ва XV аср бошларида кишлок ҳўжалигининг ривожланиши, экин майдонларининг кенгайиши ва аҳоли сонининг ошиши рўй берди. Хитойнинг жанубий вилоятлари аҳолиси 1380 йилга келиб, расмий манбаларга қараганда, шимолий худудлардагига нисбатан 2,5 баравар кўп эди. Хусусан, жанубда 37, шимолда эса 15 миллион аҳоли яшар эди. Бундай номутаносибликнинг сабаби мамлакатнинг жанубида шолидан 2—3 марта ҳосил олиш имкониятининг бўлишида эди. Ўрта асрларданок Хитойда шолини сепиб экилмасдан, иссиқхоналарда етиштирилган кўчатлар бир-биридан 10—12 см оралиқда ўтказилган. Бу эса факат ҳосилдорликни ошириб қолмасдан, шолининг пишиш вақтини ҳам қисқартирган.

Қиёслаш учун шундай мисол келтириш кифоя: Франциянинг Лавузье районида буғдой 5 центнер ҳосил берган бир пайтда, Хитойда шолидан 30 центнер ҳосил олинган. Шолининг эртапишар навлари Хитойга Таиланддан XI асрда келтирилган бўлиб, у аста-секин мамлакатнинг барча вилоятларига тарқалди ва буюк демографик юксалишга асос бўлди. XVI асрда маккажўҳорининг кенг тарқала бошлаши билан Хитойнинг шимолий вилоятларида аҳолининг ўсиши ҳам таъминланди.

3. XV асрда Хитойнинг ички ва ташқи сиёсати. Мамлакатда деҳқонларга ва шаҳар аҳолисига берилган турли имтиёзлар XV асрдан феодаллар табақасининг мустаҳкамланиши билан бекор қилинди. Хусусан, деҳқонларга берилган ерлар қайтадан тортиб олинди. Зироаткор, ҳунармандлар ва савдогарлардан олинадиган солиқлар яна кўпайтирилди.

XV асрнинг бошларида Мин империясининг ғарб-даги қўшниси Амир Темур давлати билан муносабатлари мураккаблашди. Икки давлат орасидаги муқаррар уруш ҳаракатлари 1405 йили Амир Темурнинг Хитойга юриши бошланишида қўққисдан вафоти сабабли тўхтади. Шундан сўнг Мин сулоласи қўшинлари 1406 йили Вьетнамни босиб олиб, ўз вилоятига айлантирди. Кейинчалик Хитой Мўғулистонни ҳам истило қилди.

Мамлакат ташқи сиёсатида шу йилларда Чжан Хэ бошчилигида тузилган денгиз флотининг фаолияти катта аҳамиятга молик бўлди. У 62 та кема, 30 мингга яқин ҳарбий денгизчилардан иборат катта кучга эга эди. Чжан Хэ 1405—1433 йиллар давомида етти марта ҳарбий юришлар уюштириб Ҳиндихитой, Зонд архипелаги, Шри-Ланка ва Ҳиндистонгача борди. Унинг кемалари Ормуз шаҳрида (Форс кўрфазида) ва Африканинг шарқий қирғоқларида ҳам бўлди. Бу ҳарбий экспедициялар мамлакатнинг мавқеини ошириш ва ташқи савдони юксалтиришга қаратилган эди. Хитой 1415—1420 йиллари Самарқандга, Улугбек саройига ҳам икки марта ўз элчиларини юборди. Лекин ҳали кучли бўлган Теурийлар давлати Хитойнинг тажовузлари-га писанд ҳам қилмади.

Хитойда XV аср ўрталарида бошланган молиявий инқироз мамлакатнинг кейинги давридаги тараққиёти, хусусан, ташқи сиёсатида ҳам путур етказди.

4. Маданият. Кенг миқёсдаги ташқи алоқаларнинг йўлга қўйилиши, олис ўлкаларга денгиз сафарлари турли илмий билимларнинг ривожланишига туртки бўлди. Илмнинг турли соҳалари: тиббиёт, геоморфология ва спелеология ривожланди. Географик маълумотларнинг қўпайиши янги қарталар яратилишига олиб келди.

Хитойда ўрта асрларда қўплаб ихтиролар қилинди. Дастлаб мушакбозликда ишлатилган ўқ-дори (по-рох) кейинчалик ҳарбий соҳада ҳам кенг қўлланила бошланди. XIII асрдан милтик, XIV асрдан тош ва темир ўқ отадиган замбарак — тўплар яратилди.

Босма китобнинг яратилиши Хитойда хусусий наш-

риётларнинг вужудга келишини таъминлади. Жумладан, пойтахт Пекиннинг ўзида 2 та босмахона мавжуд эди. Фалсафа, тарихшунослик фанларининг ҳам ўсишига бирмунча имконият яратилди. Тасвирий соҳада янги соҳа — бадий асарларни расмлар билан безаш вужудга келди.

Мамлакатда анъанавий санъат соҳалари сақланиб қолса-да, аста-секин фан, адабиёт ва санъатда янги йўналишлар шаклланиб, замондошлар диққат-эътиборини жалб қила бошлади.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Муғуллар истилоси ва уларнинг Хитойдаги ички сиёсати ҳақида сузлаб беринг.
2. Мин сулоласининг ташкил топиши ва унинг аҳамияти ҳақида гапиринг.
3. Хитойда аҳоли сонининг ошишига нималар сабаб бўлган?
4. Чжан Хэ тўғрисида нималарни биласиз?
5. Хитой маданиятининг қайси соҳалари яхши ривожланди?

35-§. Ўрта асрларда Ҳиндистон

1. Деҳли султонлигининг ташкил топиши. XI асрда Ҳиндистон яриморолининг шимолий қисми мусулмон феодаллари — Ғазнавийлар сулоласи томонидан босиб олинди, бу давлатнинг доимий истилочилик урушлари кейинги асрлар давомида мамлакатнинг қўлаб вилоятларини харобага айлантирди.

XIII асрнинг бошларида Ғазна султонларидан мустақил бўлиб олган пойтахти Деҳли шаҳри бўлган султонлик ташкил топди. Бу давлатни шимолдан келган мусулмон феодаллари тузди. Деҳлининг биринчи султони Қутбиддин Ойбек бўлди. Мусулмонлар лашкари турли қабилалардан тузилган бўлиб, унинг асосини турк қабилалари ташкил қилган. Қўшиннинг ҳарбий бошлиқларига мамлакатнинг босиб олинган ерларида йирик вилоятлар бошқаруви топширилди.

Араб халифалигидаги каби мамлакатдаги барча ерлар Дехли султонинг мулки деб эълон қилинди. Янги ҳукмдорлар ҳам солиқни хинд рожалари каби — ҳосилнинг $1/5$ қисми микдорида белгилашди. XIII аср охиридаи ҳокимият мустаҳкамланиши билан ер солиғи қупайтирилиб, ҳосилнинг $1/4$ қисми микдорида белгиланди.

Кўпгина маҳаллий хинд феодаллари уруш пайтида ҳалок бўлганди, баъзилари ўз ерларини ташлаб қочишса, йирик ер эгаларининг маълум қисми мусулмонлар ҳукмрончилигини тан олиб, ўз ерларида қолишди. Кейинги даврда ҳукмрон гуруҳнинг мустаҳкам жойлашишида феодалларининг худди ана шу қисми ёрдам берди. Султон йирик ер эгалари орқали аҳолидан солиқларни йиғар, маҳаллий халқни итоатда сақлашда ҳам шу феодалларга суянади.

Дехли султонлиги ерларида XII—XIII асрлар чегарасида сиёсий вазият мураккаб бўлса-да, мусулмонларнинг мустаҳкам ҳокимияти ўрнатилди. Султон Кутбиддин Ойбек чавгон ўйини пайтида отдан йиқилиб ўлгандан сўнг тахтга Шамсиддин Элтутмиш (1211—1236 йиллар) ўтирди. Унинг даврида Панжоб, Синд, Бенгалия ерлари босиб олинди. Султонликнинг шимолий ҳудудларига 1221 йили кириб келган Жалолиддин Мангуберди Панжоб ва Синд ерларида уч йилча бўлиб, яна ўз юртига Чингизхонга қарши курашни давом эттириш учун қайтиб кетди.

2. Мамлакатда феодал ер эгалиги муносабатлари. Узоқ вақт давлатнинг асоси ҳарбий ташкилот тарзида сақланди. Мусулмон феодаллари султон атрофида жипслашган эдилар. Уларга нисбатан душман кайфиятидаги маҳаллий аҳолининг кўп бўлганлиги шуни тақозо этарди.

Султонликдаги ер эгалиги бошқа мусулмон давлатларидаги каби — иқтодан иборат эди. Иқтога катта ерларни, баъзида бутун вилоятларни олган амир ёки маликлар йиғилган солиқнинг 10—20% ини ўзларида қолдиришлари ва уни ҳарбий қўшинга сарфлашлари зарур эди.

Элтутмуш давридаёқ Дехли атрофидаги кишлокларни



26-расм. Дехлидаги Кутб минораси.

султон ўзининг шахсий гвардияси отлик жангчиларидан 2000 кишига иктоъ сифатида бўлиб берди.

Ўзининг аҳамияти жиҳатидан иккинчи ўринда ҳолиса ер эгалиги турарди. У давлат ихтиёридаги ерлар бўлиб, ундан йиғиладиган солиқлар султон хазинасига тушарди. Ҳолиса давлат эҳтиёжлари ва махсус қўшинни сақлаш ҳамда таъминлашда қўл келган.

Дехли султонлигида маҳаллий феодаллар ерларини, шартли равишда “заминдорлар” номи билан белгилаш мумкин. Уларнинг ерлари ҳам анча бўлиб, султонликнинг катта қисмини ўз ичига олган. Мамлакатда, шунингдек, кўп бўлмаса-да, инъом, мулк, вақф ерлари ҳам мавжуд эди. Инъом аслида буюм сифатида берилган. Лекин султон баъзида маълум ерлардан олинадиган солиқларни ҳам инъом қилиш ҳоллари учраган. Султонга яхши мадҳия ёзган сарой шоирла-



27-расм. Хосил ўрими.

ри, маълум вазиятларда дин пешволари ҳам инъом олиб, ундан фақат ўзлари эмас, кейинчалик уларнинг меросхўрлари фойдаланган. Мулк туридаги ерлар купинча савдогарларда бўлган. Улар бу ерлардан олинган даромаддан давлатга солиқ тулаганлар.

Вакф ерлари масжид, мадраса ва бошқа диний ташкилотларга тааллуқли бўлган. Вакф ерлари уларнинг эгаси бўлган муассасанинг доимий мулк бўлиб, ундан солиқ олинмаган. Маҳаллий меҳнаткаш хинд аҳолиси жамоалари ҳаётида эса айтарлиқ ўзгаришлар бўлмаган.

4. XV асрда Дехли султонлиги. Элтутмуш вафотидан кейин Дехли султонлигида тахт учун кураш ва феодалларнинг ўзаро урушлари кучайиб кетди. Давлатнинг бирмунча юксалиши султонлар Алоуддин Хилжий ва Муҳаммад Турлуқлар даврида бўлди.

Дастлаб султонлик тахтига ўтирган Алоуддин Хилжий бир қатор ислохотлар ўтказган. Уларнинг асосий моҳияти, давлат даромадларини кўпайтириш.

йирик жанговар қўшин тузиш ва таъминлаш ва, ниҳоят, феодаллар устидан султон ҳукмини тулик ўтказишдан иборат эди.

Султоннинг иқтисодий соҳадаги асосий тадбири жамоалардан олинадиган ер солиғини 2 баравар қўпайтириш бўлди. Эндиликда деҳқон олинган ҳосилнинг $1/4$ қисмини эмас, ярмини солиққа бериши лозим эди.

Манбаларда ёзилишича, солиқ ислоҳоти бошланиши билан қўп ўтмасдан аҳолининг барча тоифалари қашшоқлашиб кетди. Ҳатто солиқ йиғувчи жамоа оқсоқолларининг уйида ҳам ҳеч вақо қолмаган. Одамлар очликдан пишмаган бошоқларни еб тирикчилик қилишган.

Давлат вақтинчалик бўлса-да ўз қудратини тиклади. Ислоҳот қўшинни мустаҳкамлаб, шимолда мўғуллар ҳужумларини қайтариш имкониятини берди. Кейинчалик султон Дакан яриморолида истилочилик урушларни олиб борди. Алоуддин Хилжий Ўрта Осиё ва Арабистондан минглаб отлар сотиб олдириб келди. Бу борада суистеъмол бўлмаслиги учун у Ҳиндистон тарихида биринчи марта отларни тамғалашни буюрди.

Султонлиги пайтида Алоуддин Хилжий давлат қонунларини бузган амалдорларга нисбатан бешафкат бўлган. Унинг ўлиmidан кейин зиндонлардан 17 минг турли жазо муддатини ўтаётган амалдорларни бўшатганлар.

Мухаммад Туғлуққа унинг отасидан султонлик 1325 йили ўтган. Туғлуқ ўз ҳукмронлигини отаси пайтида ажралиб кетган князликларни бўйсундиришдан бошлади. Ўзини Искандар Зулқарнайн давомчиси деб эълон қилган султон даврида Ҳиндистон яримороли тулик бирлаштирилди. Ҳарбий юришларда омадли Мухаммаднинг мамлакат ичидаги солиқ ислоҳоти, ҳосилнинг $1/4$ қисмини ундириш амалга ошмай қолди. Султоннинг "бахти"га Ҳиндистонда 7 йил каторасига мисли қўрилмаган қурғоқчилик бўлиб, халққа катта қулфатлар келтирди. Очарчилик аҳоли ёппасига қирилишига олиб келди. Қўчаларда ўлик

отларнинг териси устида талашаётган аёлларни куриш мумкин эди.

Султон ҳокимияти инкирозини унинг утказган икки муваффақиятсиз тадбири ҳам тезлаштирди. Дастлаб у пойтахтини кучирди. Қадимги Девагири шаҳрини Давлатобод деб номини ўзгартирди, унга сарой ахиллари билан бирга Дехлининг кўплаб ҳунармандлари ва савдогарларини кучишга мажбур қилди. Иккинчи муваффақиятсизлик унинг пул соҳасидаги ислохоти эди. Муҳаммаднинг мулжали бўйича олтин ва қумуш пуллар билан тенг муомалада бўлиши мулжалланган мис пуллар тез орада қадрсизланиб мамлакат молиясига катта зарар етказди. Кейинги султон Ферузшоҳ Туғлуқ даврида солиқларни камайтириш, давлат ерларини деҳқонларга ижарага бериши натижасида қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва савдонинг бирмунча юксалишига эришилди. Ферузшоҳнинг иқтисодий сиёсати унга халқ раҳнамоси сифатида шуҳрат келтирди.

Аммо бу тадбирлар султонлик таркибига кирган кўпчилик вилоятларни XIV асрнинг ўрталаридан бошлаб ундан ажралиб, мустақил давлатга айланиши жараёнини тўхтата олмади.

Дехли султонлиги 1398—1399 йиллари Амир Темур қўшинлари ҳужумига қарши кураш олиб борди. Лекин тажрибали саркарда Амир Темур катта қаршиликсиз Дехлини қўлга киритди. Бу ердан ўлжа олинган бойликлар билан малакали ҳунарманд-усталар Самарқандга жўнатилди. Шундан кейин Дехли султонлиги майда князликларга бўлиниб кетди. Орадан ўн йилча вақт ўтиб сиёсий майдонга янги сулола Сайидлар (1414—1451 йиллар) сулоласи келди. Кейинчалик Дехли шимолидаги афюнлар қабила бошлиғи Бахлул Лоди (1451—1489 йиллар) сайидларни ҳокимиятдан четлатди. Ўрта Осиёдан келган Бобур Мирзо қўшинлари унинг ўғли Иброҳим Лодига (1489—1526 йиллар) қарши уруш олиб борган.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Дехли султонлиги қачон ва ким томонидан ташкил қилинди?
2. Мамлакатда феодал ер эғалиги муносабатлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Дехли султонлигида XIV асрда қандай ислохотлар утказилди?
4. Алоуддин ва Муҳаммад Туглуқлар султонликлари фаолияти ҳақида гапириб беринг.
5. Амир Темур Ҳиндистонни қачон забт этган?

36-§. Бобурийлар сулоласи даврида Ҳиндистон ва унинг маданияти

1. Ҳиндистоннинг Бобур томонидан забт этилиши. Лоди сулоласи Дехли султонлигини 1526 йилга қадар бошқарди. Шу йилдан бошлаб Заҳириддин Муҳаммад Бобур бошчилигидаги туркий ва афғон қабилаларидан тузилган қўшин хинд ерларини босиб олиб, янги давлатга асос солдилар. Уша пайтларда хиндлар мамлакатида шимолдан келган барча истилочиларни “мугҳал” деб аташган, европаликларнинг бу сўзни бузиб айтиши натижасида Бобурийлар давлати тарихшуносликда “Буюк Монголлар давлати” деб нотўғри ном олган.

Мовароуннаҳрда марказлашган давлатни ташкил қилиш учун Шайбонийхонга қарши урушларда омади чопмаган Соҳибқирон Амир Темурнинг панневараси, Фарғона вилоятининг ҳукмдори Бобур Мирзо дастлаб Афғонистоннинг шимолида янги давлатга асос солди. Кейинчалик у Кобулдан туриб Ҳиндистоннинг шимолий вилоятларига бир неча бор муваффақиятли ҳарбий юришлар уюштирган. Бобур бу юришларда Панжобнинг катта қисмини эгаллайди.

Ҳиндистонга 1525 йили 12 минг яхши қуроолланган отлик қўшини билан ҳужум бошлаган Бобур. Дехли султонлигидаги вазиятни албатта яхши биларди. У Ҳиндистондаги турли султонлар ва рожалар орасидаги келишмовчиликларидан усталик билан фой-



28-расм. Бобурнинг Самарқанддан чекиниши.

даланиб, уларнинг кўпчилигини яккама-якка жангларда енгди.

Дастлабки жанг 1526 йили Дехлидан узок бўлмаган Панипат номли шаҳар яқинида рўй берди. Бобур ўзининг кўшинидан бир неча баравар кўп бўлган рақиби Иброҳим Лоди кўшинини енгди. Султон жангда ҳалок бўлди. Бобур Дехли ва Агра шаҳарларини эгаллади.

Ҳиндистонда кўлга олинган бойликлар ўзаро тақсимлангандан сўнг, Бобурнинг қатор сафдошлари унга Афғонистонга қайтишни таклиф қилдилар. Ҳарбий бошлиқлардан бир қисми ўз аскарлари билан бирга Кобулга қайтдилар. Лекин Бобурнинг нияти ўз Ватанида амалга ошира олмаган ниятини рўёбга чиқариш, кучли давлат тузиш эди. Шунини таъкидлаш керакки, Заҳириддин Муҳаммадни жасурлиги, дойраклиги, эпчиллиги, зийраклиги туфайли ёшлигида-ноқ Мирзо Бобур (йўлбарс) деб аташ расм бўлган. У шунчалик кучли ва эпчил бўлганидан икки қўлтиғига икки одамни олиб қалъа девори устида югуриб машқ қилган. Бобур ажойиб сузувчи ва ғаввос бўлганидан йўлда учраган деярли барча дарёлардан сузиб ўтган, қаҳратон қишда анҳор музини синдириб, 16 марта сувга шўнғиган, қулоқларигача қорга қўмилиб тунни ўтказган. Бобур ўз замонасининг истеъдодли давлат арбоби, саркарда, шоир, тарихчи, санъат ва илм-фанни кадрловчи инсон бўлган. Бобур ўз тарафдорларига, шунингдек, маҳаллий феодаллардан унга қарши бўлмаганларга йирик ер майдонларини инъом қилди.

Мамлакатда ҳокимиятни мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан Бобурнинг хавфли душмани Ражпут рожаси Рана Санга билан муносабатида ҳал қилиниши керак эди. Ниҳоят, 1527 йили оғир Сикри жангида Рана Санга қўшинлари Бобур лашкаридан енгилди. Мамлакатда ҳокимият мустаҳкамланиб, янги ислохотларга тайёрлана бошлади.

2. Ижтимоий-иқтисодий вазият. Бобурнинг Ҳиндистондаги ижтимоий таянчи ҳам унчалик кўпсонли бўлмаган ҳарбий феодаллар гуруҳи эди. Авваламбор, улар Бобурнинг ўзи билан келган турк ва афғон ҳарбийлари бўлган. Ҳиндистонда асрлар даво-

мида яшаб келаётган феодаллар, хусусан, Лодилар сулоласи даврида кучиб келганлар ҳам анча катта гуруҳни ташкил қиларди. Уларнинг асосий купчилиги янги ҳокимиятга қарши эдилар. Бобурнинг улимидан кейин афғон қабилаларининг Сур сулоласи олиб борган кураши бунга далил бўла олади.

Бобурийлар даврида подшо кўл остидаги барча ерлар, жамоа — раъийят ҳосилнинг $1/3$ қисмини солиқ сифатида давлатга тўлардилар. Солиқнинг пул сифатида йиғилиши ҳақида фармон чиқарилган эди. Йирик ер эгалари инъомга олган ерларидан юз минг рупий даромад қилардилар. Унинг $1/3$ қисмини феодал подшо хазинасига берарди. Ҳар юз минг рупий даромад ҳисобига феодал 100 тадан отлик жангчини сақлаши ва таъминлаши зарур эди. Демак, йирик ҳарбий феодалларнинг бир неча юз отлик жангчиси бўлган. Баъзи ҳолларда йирик ер эгалари мулки *“паргана”* деб аталган маълум солиқ бирлигига тўғри келса, унга солиқ йиғиш учун паргана тақдим қилинарди. Бобур кўп нарса қилиб улгурмади. Лекин унинг ички сиёсати ўз юртидаги ер эгалиги ва қабилавий удумларга асослангани шубҳасиз. Бобурнинг улимидан олдин уфилларига мамлакат ерларини бўлиб берганлиги ҳам шундан дарак беради. Катта ўғли Ҳумоюнга энг бой ерлар, Ганга дарёси ҳавзаси, Панжоб, Шарқий Афғонистон — Кобул ва Кандаҳор эса унинг укаларига тегди. 1530 йилда Ҳумоюнга қарши афғонларнинг сур қабиласи ғалаён кўтарди. Ҳиндистондаги сиёсий вазият анча вақт танглигича қолди.

3. Бобурнинг ворислари даврида Ҳиндистон ва унинг маданияти. Бобурийлар сулоласи (1526—1858 йиллар) даврида Ҳиндистоннинг деярли барча ерлари забт қилинди. Мустақил хинд князликлари фақат Ҳиндистон яриморолининг энг жанубий қисмидагина сақланиб қолди. Умуман, Бобур ва унинг авлодлари Ҳиндистонни таламадилар, балки тарқоқ князликларни бирлаштириб, йирик давлат барпо этдилар. Энг муҳими, улар турли этникодли кишиларни, хинд билан мусулмонларни мумкин қадар бирлаштириб, ҳар иккаласини давлат ишларига жалб қилдилар.



29-расм. Акбаршоҳ харбий юришда.

Айниқса, бу диёрга то инглизлар бостириб келгунга қадар ҳукмронлик қилган Бобурийлар (1526—1707 йиллар) XVI асрдан XVIII асргача Ҳиндистонни мустақил давлат сифатида сақлаб келганлар. Бу ҳақда Ҳиндистоннинг буюк давлат арбоби Жавоҳарлал Неру ўзининг “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” номли асарида шундай ёзади: “Бобур дилбар шахс, уйғониш даврига хос ҳукмдор, довиюрак, мард, тадбиркор ин-

сон. у санъатни, адабиётни севган, ҳаёт нафосатидан лаззатлана билган. Унинг набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ ва кўп яхши фазилатларга эга бўлган... Бобурнинг Ҳиндистонга келиши туфайли Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлди, санъатда, ҳаётда, меъморчиликда ва маданиятнинг бошқа соҳаларида янгича серилҳом тараққиёт юз берди”.

Умуман, Бобур Мирзо билан ва унинг авлодларини паноҳ тортиб Ҳиндистонга келган Ўрта Осиёлик шоиру олимлар, тарихчию уламолар, машҳур расомлар, меъморлар баракали ижод этишиб, умумҳиндистон фани ва маданиятига муносиб ҳисса қўшганлар. Бобурнинг кўпқиррали истеъдоди бу ерда учасрдан кўпроқ ҳукм сурган авлодларида ҳам давом этди.

Бобурнинг ворисларидан Акбаршоҳ подшолиги (1556—1605 йиллар) даври айниқса диққатга сазовордир. Дастлаб Акбар қўшинлари Синд, Кашмир, Мадва ва Қандаҳорни ўз ҳокимлигига қайтарди. Кейинчалик Дакан султонлиги, Гужарат ва Бенгалия босиб олинди.

Акбаршоҳнинг ўтказган ислохотлари ҳам алоҳида аҳамиятга моликдир. Унинг йирик ер эгалиги соҳасидаги ислохотлари мамлакатдаги сиёсий барқарорликни таъминлади. Акбаршоҳ илм-маърифатга ташна бўлиб, унинг даврида махсус давлат тасвирий санъат корхонаси ва расмлар бўлини маси — наққошлик таъсис этилган. Бобурийлар сулоласининг энг гуллаган даври Шох Жаҳон подшолиги даврида (1628—1658 йиллар) бўлди. Унинг подшолиги



30-расм. Акбаршоҳ Ганг дарёсидан сузиб ўтмоқда.



31-расм. Тож Махал макбараси.

йилларида Ҳиндистоннинг иқтисодий ва маданий юксалиши айниқса кучайди.

Мусулмон меъморчилиги XIII асрдан бошлаб Ҳиндистон меъморчилигига катта таъсир кўрсатди. Янги ҳукмдорлар масжидлар, гўзал мадрасалар ва макбаралар, шарқона саройлар қурдирдилар. Жумладан, Шох Жаҳон подшолиги йилларида қурилган ва ҳозирги кунга қадар “Ҳиндистон марвариди” ёки дунёнинг етти мўъжизасининг бири деб аталиб келинаётган Агра шаҳридаги Тож Махал макбараси фикримиз далилидир. Унинг даврида Дехли шаҳридаги жомеъ масжиди, Қизил Форт қалъа-саройи ва бошқа меъморчилик дурдоналари яратилди. Бобурийлар даврида рассомчилик санъати айниқса гуллаб-яшнаган. Унга дастлаб подшоларнинг ўз саройларига Ирок, Эрон, Ўрта Осиёдан рассом усталарни — мусаввирларни таклиф қилишлари асос бўлади. Улар китобларни, тарихий асарларни ажойиб миниатюралар билан безашган. Кейинги мингйиллик даврида бу мамлакатни асосан туркий сулолалар бошқаргани натижаси ўларок урду тилининг (туркийча “урда”, яъни сарой сўзидан келиб чиқиб, сарой тили демакдир) вужудга келиши

ва шаклланишида бошка тиллар билан бирга туркий (ўзбек) тили фаол иштирок этди.

Ўрта асрларда Ҳиндистон маданияти ва санъати кўплаб Шарқ мамлакатлари усталарининг маҳоратини ва ютуқларини мужассамлаштирди.

Саволлар ва топшириқлар

1. Бобур Ҳиндистонни қачон ва қандай босиб олган?
2. Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий вазият қандай бўлган?
3. Бобурнинг ворисларидан кимларни биласиз?
4. Бобурийлар даврида Ҳиндистонда маданият қандай ривожланди?
5. Ўзбек маданиятининг Ҳиндистонга курсатган таъсири нималарда кўринади?

37-§. Ўрта асрларда Африка давлатлари

1. Феодал жамияти даврида Африка аҳолиси. Узоқ йиллар Европада Африка халқлари тарихи ва маданиятига нисбатан қолоқ тарих ва маданият сифатида ёндашиш ҳукмрон бўлган, лекин кейинги йилларда олиб борилган илмий тадқиқотлар бу ғоянинг мутлақо хато эканлигини тулиқ тасдиқлади.

Африканинг Саҳрои Кабирдан жанубдаги ерларида яшаган халқлар ва қабилалар узоқ ва ўзига хос тарихий йўлни босиб ўтган. Лекин улар кам тадқиқ этилгани боис бизда бу халқлар ҳақида тула тасаввур бўлмаган.

Африканинг тропик урмонларида: пигмейлар, бушменлар ва готтентот қабилаларининг аҳолиси яшаган. Уларда уруғчилик ижтимоий тузуми бўлиб, аҳоли асосан овчилик ва термачилик билан турмуш кечирган. Африка аҳолисининг асосий ов қуроллари найза, уқ-ёйлар эди. Аҳоли жамоалари чайлаларда еки шох-шаббалардан ёпилган паналарда яшарди.

Саҳрои Кабир атрофларида, айниқса унинг жанубий қисмида кўпсонли кўчманчи, ярим кўчманчи ва ўтроқ чорвачилик билан шуғулланувчи қabila ҳамда элатлар яшаган. Жанубий Саҳродаги барбар ва туа-

реглар, Фарбий Африканинг фульбе, китъанинг шаркида яшовчи масани, галла, сидамо, тигре халклари корамол, куй, туя, зебу каби уй хайвонларини бокиб хўжалик юритишган ва турмуш кечирганлар.

Африканинг кўпчилик халклари дехкончилик хўжалиги билан ҳам шуғулланишарди. Тупрокнинг унумдор қисми нисбатан юпка бўлиши ерни темир учли сука билан енгил чопишни такозо этган. Экинлардан дон учун сорго, тарик ва шоли, шунингдек, пахта, шакаркамиш етиштирилган. Полиз ва ерилдизли экинлар етиштириш ҳам кенг тарқалган эди.

Китъада хунармандчилик жамият ишлаб чиқаришининг муҳим қисми ҳисобланган. Ҳар бир жамоанинг темирчи, кулол, кўнчи, тукувчи сингари хунармандлари бор эди. Улар иш куроллари, яроғ-аслаха, идиш-товоқ, газлама, шиша ва чармдан турли буюмлар ясаганлар.

2. Илк давлатлар. Гана. Нигер ва Сенегал дарёлари хавзасида жойлашган Фарбий Судан ерларида



32-расм. Дагомейдаги анъанавий бозор.

милоднинг VII—VIII асрларида йирик савдо қўғонлари: Аукар, Мали, кейинчалик Томбукту ва Гао ўрнида шаҳарлар вужудга келди, уларнинг савдосида, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари, туз ва олтин алоҳида ўрин тутар эди. Айирбошлаш бирлиги сифатида, пул ўрнида, каури чиғаноғи, мис булаклари ёки газлама парчаларидан фойдаланилган. Урта асрларда Нигер ва Сенегал дарёлари хавзасида илк давлатлар: Гана, Мали, Сонгаилар ташкил топди.

Гана — ҳозирги Судан ҳудудидаги энг қадимий давлат бўлиб, у VIII асрда вужудга келган эди. X асрнинг бошларида Гана давлати ўз тараққиётининг энг юксак даврига ўтди. Ғарбий Суданнинг Мағриб мамлакатлари билан олиб борадиган олтин ва туз савдоси йўллари устидан назорат Гана подшоҳи ва унинг зодагонларига бениҳоя катта бойликлар тўплаш имконини берди. Бу пайтда мамлакатда қўшин сони 200 минг бўлиб, унинг таркибида 40 мингга яқин камончи ва қўсонли отлик лашкарлар бор эди.

Араб савдогарларининг Ғарбий Судандаги олтин конлари, подшоҳларнинг беҳисоб хазиналари ҳақидаги ярим чин, ярим лоф афсоналари Гана давлатини, аввало Алморавидлар империяси ва унга қўшни давлат ҳамда қабилаларнинг ҳужум майдонига айлантирди. XI аср охирида Марокаш давлати Гана пойтахтини босиб олди ва шаҳарни вайрон қилди. Гана шаҳри султонга хирож тўлаш мажбуриятини олди, аҳоли эса ислом динига ўтказилди. Лекин марокашликлар ҳукмронлиги унчалик узок чўзилмади. Ганада халқ кўзғолон кўтариб 1087 йили чет эллик босқинчиларни ўз ерларидан ҳайдаб чиқардилар. Бирок заифлашиб қолган Гана давлати тез орада яна парчаланиб кетди.

3. Мали давлати. Малининг иқтисодий ва сиёсий тараққиёти XIII асрга тўғри келади. Давлатда Кейт сулоласининг энг буюк вакили бўлган Сундиата ҳукмронлиги даврида (1230—1255 йиллар) кучли ва центризмли қўшин тузилиб, у қўшни мамлакатларнинг асосий қарвон йўлларини ҳамда олтин қазиб чиқарадиган жойларини босиб олди. Ҳукмдор ва унинг амалдорлари ислом динини биринчи бўлиб қабул

қилдилар. Шундан сўнг Мали пойтахти — Ниарага ва бошқа қатор шаҳарларга араб савдогарлари келиб жойлашдилар.

Мали давлати аҳолисининг ижтимоий тузумида жамоанинг роли катта эди. Жамоанинг асосини йирик патриархал оилалар ташкил қилган. Қабила оксоқоллари ерларни жамоа аъзоларига бўлиб берардилар. Улар хўжаликни ва ижтимоий ҳаётни назорат қилиш билан биргаликда ҳарбий юришларда ўз қабиласига қумондонлик вазифасини ҳам бажаришган.

Жамоа хўжалигини юритишда урушларда асир олинган қуллар меҳнатидан ҳам фойдаланганлар. Лекин давлатда қулчиликнинг аҳамияти катта бўлмаган. Уларнинг кейинги авлодлари озод кишилар ҳисобланарди. Қуллардан тузилган ҳарбий гвардия ҳукмдорлар қўшинида муҳим ўрин тутарди. Мулкий табақаланиш уруғ зодагонларининг орасидан ҳукмрон табақа вакиллари вужудга келишини таъминлади. Мали ҳукмдорлари ниҳоят катта бойликка эга бўлганлар. Маккага ҳаж зиёратини қилган ҳукмдорлардан бири ўзи билан бирга юз хуржун олтин ортилган карвонини 8 минг жангчи кузатиб борганлиги ҳақида тарихий маълумот ёзиб қолдирилган.

Мали ҳукмдорлари босиб олинган вилоятларга ўз қариндош-уруғларидан ноиблар тайинлаганлар. Вилоят ноиблари ўз жангчиларига уларнинг хизматлари эвазига ер инъом қилганлар. Ноиблик вазифасига маҳаллий аҳолидан солиқлар йиғиб олиш ҳам кирарди. Шу тариқа, Малида ҳам феодал муносабатлари вужудга келди ва янги феодал давлати ўрнатилди. XV асрда Малида феодал тарқоқлиги бошланиб, мамлакат инкирозга юз тутди.

4. Сонгаи давлати. Мали кучсизланган бир даврда Сонгаи давлати раванқ топди. Мамлакат пойтахти Гоа шаҳрида жойлашганди. Сонгаи ўзининг гуллаб-яшнаган даврида Нигер дарёси ҳавзасидаги ерларни тўла эгаллади.

Сонгаи давлати ўзининг ижтимоий тузумида қулдорликдан феодал жамиятига ўтиш даврини бошидан кечирган. Мамлакат ҳукмдорлари ва зодагонлар ерла-

рида 300, 500 ва ҳатто 1000 дан ортиқ куллар меҳнат қилганлар. Йиллар ўтиши билан жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ўзгариб, куллар аста-секин қарам деҳқонларга айландилар. Уларнинг учинчи-тўртинчи авлодлари кичик ер-мулк эгасига, давлатга солиқ тўлайдиган шахсий эркин, лекин иқтисодий қарам кишилар бўлди.

XVI аср ўрталаридан Сонгаи давлати заифлаша борди. Ўзаро урушлар, тожу-тахт учун курашлар натижасида кучсизланган давлатни XVI асрнинг охирида Марокаш султони босиб олди.

Африканинг Гвинея қурфази соҳилларида ҳам ўрта асрларда бир қанча давлатлар пайдо бўлди. Улардан энг кучлиси Бенин эди. Унинг жанубида XIII асрда Конго давлати ташкил топди. Ангола ҳукмдори Конго давлатининг вассали ҳисобланарди.

5. Аксум давлати. Африкадаги энг қадимий давлатлардан бири, ҳозирги Эфиопия (Ҳабашистон) шимолида вужудга келган — Аксум давлати эди. Аксум милоднинг IV—V асрларида ўзининг энг ривожланган даврини бошидан кечирди. Жанубий Арабистон қарвон йўллари ва Шарқий Суданнинг бир қисми Аксум подшоҳи ҳукмронлиги остида эди. Аксум Рим империяси, кейинчалик Византия билан яқин иқтисодий ва маданий алоқаларда бўлган. Ҳабашистондаги расмий дин — христианлик худди шу даврда қабул қилинган эди.

Араб халифалиги VII асрда Аксумнинг Арабистондаги ерларини тортиб олиб, кейинчалик унинг Африкадаги ерларига ҳам ҳуруж қилади. Давлатнинг парчаланиши, ўзаро урушлар ва ташқи душманлар ҳужумлари Аксумни X асрга келиб бутунлай йўқолиб кетишига сабаб бўлди.

Эфиопия давлатининг қайта тикланиши XIII асрга, яъни империя тахтига Соломон сулоласи чиққан даврга тўғри келади. Бу сулоланинг охириги вакили Хайле Селассие 1974 йили тахтдан ағдарилган.

Африка китъасининг шарқий соҳилларида ҳам ўрта асрларда бир қанча шаҳар-давлатлар вужудга келди. Улардаги аҳолининг кўпчилики қисми араб, эрон,

ҳинд ҳунарманд ва савдогарлари бўлган. Бу шаҳар-давлатлар савдогарлари ўз кемаларида Ҳинд океани бўйлаб сузиб Ҳиндистон, Эрон ва бошқа давлатлар билан савдо-сотик қилардилар. Уларда йирик кема-созлик устахоналари бўлиб, денгизчилик санъати юксак ривожланганди.

6. Африка халқлари маданияти. Африка халқларида авлоддан-авлодга ўтиб келган ажойиб афсона ва эртақлар кўп эди. Улар биз учун қимматли тарихий манба бўлиб хизмат қилади.

Африка халқлари ичида ўз ёзувига эга бўлганлари ҳам бор эди. Жумладан, Аксумда IV асрдаёқ маҳаллий ёзув ислохоти ўтказилди. Бу алифбо Эфиопияда ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган. Аксумда моддий маданият яхши ривожланган бўлиб, унинг қурилиш соҳасида айниқса катта ютуқларга эришилган. Бу даврда қурилган саройлар, христиан ибодатхоналари ва ерости даҳмалари ҳозирги кунга қадар ҳам сақланиб қолган.

Ғарбий Судан халқлари маданиятининг юксак тараққиётида арабларнинг таъсири каттадир. Ислом дини қабул қилинганидан кейин бу ерларда араб мамлакатларидан келган уста ва меъморлар: масжидлар, саройлар, қасрлар, жамоат бинолари, касалхоналар, ҳаммом, истироҳат боғлари ва бошқа муассасалар қурдилар. Мусулмон мактаб ва мадрасалари очилди. Жумладан, Томбукту мадрасасида илоҳиётдан ташқари тарих, фикҳ, математика, астрономия каби фанлар ўқитиларди. Марокашликлар истилоси пайтида Суданнинг Томбукту ва бошқа шаҳарларидаги кўплаб меъморчилик дурдоналари вайрон қилинди.

Африкаликлар санъатнинг турли соҳаларида катта муваффақиятларга эришганлар. Ёғоч ва жездан ясалган ҳайкаллар ва ниқоблар нафислиги билан одамларни ҳозирги кунгача ҳайратлантириб келмоқда. Бениндаги шоҳ саройи қушқлари ва галереяларида подшо ҳамда унинг аъёнлари тасвирланган жезда ишланган бўртма расмлари топилган. Уларда ов ва урушлар, шунингдек, сарой ҳаёти сахналари акс эттирилган. Қуймачиликнинг махсус сир-асрорларини билган

бенинлик усталар санъатнинг бу соҳасида катта муваффақиятларга эришганлар.

Табийй, Африка халқларининг ўрта асрлардаги тараққиёти Осиё ёки Европа давлатларидагига нисбатан бирмунча орқада эди. Шунга қарамасдан, аҳоли ҳужаликда ўзига хос моддий ва маънавий маданият яратди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Ўрта асрларда Африкада яшаган халқлар ва қабилалардан қайсиларини биласиз?
2. Африка аҳолиси ҳужаликда нималар билан шугулланган?
3. Қитъадаги илк давлатлар ҳақида гапириб беринг.
4. Гана давлати қачон ташкил топган?
5. Малининг сиёсий ва иқтисодий тараққиётини сузлаб беринг.
6. Аксум давлати бошқа давлатлардан нима билан фарқ қилган?
7. Африка халқлари маданиятининг қайси соҳалари яхши ривожланган эди?

Ўйлаб кўриб хулоса чиқаринг!

Африка қора танли аҳолисининг ижтимоий тузумида узок вақт жамоанинг роли катта бўлиб келган. Ҳатто, бир халқ ёки қabila бошқасини бўйсундирган тақдирда ҳам жамоа бузилмаган, бўйсундирилганлар эса ғолибларга тортик ва солиқлар тўлаганлар.

Жамоанинг узок вақт сақланишини Африкадаги дехқончиликнинг қайси хусусиятлари билан боғлаб тушунтириш мумкин?


Нима учун мағлублар оммавий равишда қулларга айлан-тирилмай, балки солиқлар ва тортиқлар тўлашга мажбур қилинган?

38-§. Ўрта асрларда Америка

1. Америка туб аҳолисининг ҳўжалиги ва машғулотлари. Американинг туб аҳолиси, хиндуларнинг аجدодлари китъага бундан 46—48 минг йил аввал Шимолий Осиёдан ҳозирги Беринг бўғози ор-

қали кўчиб ўтган. Фақат XIX асрдангина Америка халқлари тарихини ўрганиш илмий асосда йўлга қўйилди. Тадқиқотчилар ҳиндуларнинг ажойиб олами, қадимий давлатлари ва ўзига хос маданиятлари борасида янгидан-янги кашфиётлар қила бошладилар.

Америка қитъасида турли тилларда гаплашадиган халқлар яшаган. Улар ҳужаликнинг турли соҳалари билан шуғулланганлар. Кўп қабилалар овчилик ва балиқчилик билан кун кечирганлар. Шу билан бирга Шимолий Американинг жанубий қисмида, Марказий ва Жанубий Американинг тоғолди водийлари ҳамда қирларидаги бир-бирига уланиб кетган катта-кичик воҳаларида юксак даражада ривожланган деҳқончилик ҳужали-



33-расм. Маккажўхори плантациялари.



34-расм. Перудаги ламалар карвони.

ги ҳам бўлган. Бу жойларда кечуа, майя, ацтек, ольмек, тольтек халқлари дехқонлари яшаганлар. Улар тошболталар билан ўрмон кесиб, дарахтларни ёқиб кули билан ерни ўғитлаганлар. Ер ёғоч сўкалар билан юмшатишган. Америка кишлок хўжалигида Европада маълум бўлмаган: маккажўхори, картошка, кунгабоқар, помидор, какао, тамаки етиштирилган.

Китъада қўлга ўргатилган ҳайвонлар жуда кам бўлган. Ҳаммамизга маълум от, сигир, қўй каби уй ҳайвонлари Америкага европаликлар томонидан келтирилган. Америкада хонакилаштирилган ҳайвонлар, шимолда ит, жанубда туясимон лама, курка ва ўрдаклар бўлган, холос.

Ҳиндулар бошқа китъалар аҳолисига қадимдан таниш бўлган темир эритишни билмаганлар. Шу сабабли уларда темир асбоб-ускуналар, омон, филдирак, турли ўточар қуроллар бўлмаган. Ҳиндулар иш қуролларини ёғоч, тош ва жезлардан ясар эдилар. Аҳолининг қўпчилиги уруғчилик жамоа тузуми даража-сида яшардилар. Лекин майя, ацтек ва инкларда илк

давлатлар пайдо бўлганди. Уларнинг хўжалиги ҳам, маданияти тараққиёти ҳам бошқа элат ва қабилаларникидан устун турар эди.

2. Майя халқлари. Марказий Американинг Юкатан яриморотида, ҳозирги Мексиканинг қалин чакалакзорларида, майя халқлари яшарди.

Майя давлатида ер жамоаларга қарарди. Жамоа эса ўз таркибидаги ҳар бир оиллага ўрмондан тозаланган ер майдонини берарди. Жамоа аъзолари етиштирган ҳосилнинг бир қисмини ҳукмрон аслзодалар ва қўҳинларга солиқ сифатида берардилар. Хўжаликда, шунингдек, урушларда олинган асирлар, қарзлари туфайли қулликка тушган кишилар ҳам ишларди. Милоннинг биринчи мингйиллигида майяларда шаҳар-давлатлар вужудга келди. Бу шаҳарларда «буюк кишилар» ҳукмдорлик қилардилар. Майяларда ҳокимият наслдан-наслга ўтарди. Ҳукмдор аҳолидан тушган солиқлар эвазига яшар ва давлат ишларини юритарди.

Зодагонлар шаҳар марказидаги тош қасрларда, оддий халқ эса шаҳар атрофидаги томи қамишдан ёпилган, пасткам, полсиз уйларда яшардилар. Милоннинг бошларида майяларда ёзув пайдо бўлди. Ибодатхоналарда қўҳинлар қилқалам билан иероглифларни (суратли ёзув) ёзиб турли диний китоблар яратарди. Уларда диний дуо ва оятлар, афсоналар ҳамда тарихий воқеалар ўз аксини топган.

Майя халқлари ҳаётида қўҳинларнинг роли айниқса катта бўлган. Улар жамоа аъзоларига дала юмушларининг муддатларини белгилаб беришарди. Дехқончилик эҳтиёжлари учун календарь — тақвим зарур эди. Майялар қадимги халқлар ичида энг аниқ тақвимлардан бирини яратган. Математика соҳасидаги муваффақиятлар ҳам хўжалик заруриятлари билан боғлиқ эди. Майялар, шунингдек, О рақамини ишлата билганлар. Мамлакат пойтахти — Чичен-Ицадаги расадхонада қўҳинлар сайёраларнинг Қуёш атрофида айланиш вақтини ҳисоблаб чиққанлар. Майя астрономлари Қуёш ва Ойнинг тутилишларини олдиндан аниқлаганлар.

Меъморчиликда ҳам майялар улкан муваффақият

ларга эришган эдилар. Улар баланд пойдеворларда ва кўлбола тепаликларда зинали эҳромлар (пирамидалар) шаклида қаср ва ибодатхоналар қуришган. Сарой ва қасрларни — бўртма суратлар, маъбудаларнинг ҳайкаллари, фрескалар — девордаги расмлар билан безашган.

Майяларнинг уйларида деразалар бўлмаган, хоналарга ёруғлик эшик ва дарвозаларнинг тирқишларидан тушарди. Майя шаҳар кўчалари текис ва рагон ҳамда тош ётқизилган эди. Бундай текис ва сифатли тош йўллар шаҳарлар ўртасида ҳам қурилган.

3. Ацтеклар давлати. Марказий Америкада, ҳозирги Мексикада, денгиз сатҳидан 2000 метр баланд ясситоғликда ва тоғолдида майин иқлими, тупроғи унумдор хушманзара водий бўлган. Мамлакат шимолдан XIII асрда, атрофини кўл ўраб турган ерларга, ацтеклар кўчиб келиб — Теночтитлан шаҳрини бунёд этдилар. Шаҳар кўлдаги оролларни дамбалар билан бирлаштириш натижасида вужудга келади. Унинг турли томонлари бир-бирини кесиб ўтган туғри, рагон кўчалар билан бирлаштирилган. Каналлар ёқасида эса ибодатхоналар ва қасрлар қурилган.

Ацтеклар кенг бўлмаган яриморолларда ер танқислигидан кўл тагидан сув ўсимликлари ва лойини кўтариб соллардаги «сузувчи» далаларга айлантирадилар. Ана шундай «сузувчи далалардан» йилига 2—3 мартадан ҳосил олинадилар.

Ҳарбий юришлар уюштирган ацтеклар қўшни қабилаларни ҳам бўйсундирдилар. Бу қабилалар хирож тулашдан ташқари ҳар йили маълум миқдордаги қўлларни ацтекларга юбориб турганлар. Босиб олинган аҳолини маҳаллий зодагонлар бошқарса-да, уларда солиқчилар ва ноиблар ацтеклардан бўларди.

Ацтекларда ҳам давлатни бошқариш наслдан-наслга ўтиб борган. Зодагонлар давлат хизмати эвазига маош олганлар. Уруш зарурияти бўлган тақдирда эса ацтеклар 150 минг кишилик қўшин тузишга қодир эдилар. Шаҳарликлар ўзлари учун зарур маҳсулотларни атрофдаги қарам қишлоқлардан олганлар.

Ацтеклар ҳунармандчиликда ҳам катта ютуқларга

эришдилар. Заргарлар олтин, кумушдан уйма безаклар, жавоҳир тошларга ишлов бериб зеб-зийнат буюмлари яшарди. Меъморчиликда усталар нозик мозаика ишларини бажарар эдилар. Хунармандлар нақшин идишлар, ип ва товус патларидан камалак рангларда товланувчи турли газламалар ва кашталар тукишарди.

Пойтахт Теночтитланда турли мактаблар очилганди. Оддий мактабларда деҳқончилик, хунармандчилик ва ҳарбий санъат ўргатиладди. Зодагонларнинг фарзандлари ўқийдиган мактабларда: ёзиш, ўқиш, ҳисоб, астрономия, шеърят, нотиклик санъати, тарих ўқитиларди. Ацтек шоирлари дostonлар, қасидалар ва шеърӣ тўпламлар битишган. Пойтахтда ҳар йили шоир-қушиқчилар мусобақалари ўтказилиб турилган ва ғолиблар мукофотлар билан тақдирланган.

4. Инклар давлати. Жанубий Американинг ғарбида, ҳайбатли Анд тоғлари тизмасида, минглаб чақиримга чўзилиб кетган Беру, ҳозирги Перу — инклар мамлакати жойлашган эди. Аҳолиси миллиондан ортиқ кишини ташкил қилган кечуа-аймаралар Америка халқлари ичида ўзига хос юксак маданият яратганлиги билан алоҳида ўрин тутарди. Инклар давлатининг пойтахти атрофи водийлар билан ўралган Куско шахри эди.

Инклар давлати XII асрда ташкил топганди. Қушни вилоятларни босиб олган бу давлат анчагина катта ҳудудни эгаллаганди. Инкларда давлатни чекланмаган ҳуқуққа эга бўлган — Олий Инка бошқарарди.

Мамлакат аҳолиси қуёшга сифинишган. Инка «Қуёш ўғли» деб аталган. Инклар босиб олган ерларида ҳам ўз тартибларини, дину удумларини ўтказишган. Маҳаллий зодагонлар ёрдамида улар бутун мамлакатни, ҳар бир деҳқон хонадонигача, назорат қилишарди.

Кишлоқ аҳолиси жамоа бўлиб яшарди. Жамоалар деҳқонлар oilаларидан ташкил топганди. Ҳокимият рухсатисиз деҳқон ўз кишлоғидан ташқарига чиқа олмасди. Тоғлик ерларда деҳқончилик билан шугул-

1. ФРАНКЛАР ИМПЕРИЯСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА УНИНГ ПАРЧАЛАНИБ КЕТИШИ

а. Франклар қироллигининг ташкил топиши



Хлодвиг ҳукиронлиги
охирларида франклар
давлатининг чегаралари

320 0 320 км

б. Франклар империясининг парчаланиб кетиши



843 йилдаги Верден шартномасига
қура Франклар империясининг
бўлинган чегаралари

320 0 320 км

6. VIII аср охирида ва IX аср бошида франкларнинг истилолари



- 768 йилда Буюк Карл ҳукиронлиги бошларида Франклар қироллиги
- Буюк Карл даврида Франклар истилолари
- Буюк Карл даврида Франклар империяси чегаралари
- ▨ Буюк Карл давридаги Франклар империясига қарашли ерлар
- Папа области

320 0 320 км

Франкларнинг VI асрда
яшаган жойлари ва истилодан
сўнг жойлашган ҳудудларини
курсатинг.

Картадаги стрелкалар
нималарни билдиради?
Роланд отряди ҳалок бўлган
жойни топинг.

843 йилдаги ва XI аср
охирларидаги давлат
чегараларини солиштиринг
(5-картага қаранг). Нима
ўзгарди?



Империя ҳудудининг қайси карталарда тўғри кўрсатилганлигини аниқланг:
VI аср ўрталарида; XI аср ўрталарида; IX аср ўрталарида.

3 АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ВА УНИНГ ПАРЧАЛАНИБ КЕТИШИ

а. VII - IX асрларда араблар босиб олган ерлар




6. Халифаликнинг парчаланиб кетиши (VIII - IX асрлар)



а) Картадан халифаликда энг катта халқ қўзғолонлари бўлган районларни топинг

б) Картадан франклар арабларнинг юришини тўхтатган жанг майдонини курсатинг

5 VI - XII АСР БОШЛАРИДА ЕВРОПАДАГИ САЛИБ ЮРИШЛАРИ



а. Тўртинчи салиб юриши



б. Салибчилар барпо қилган давлатлар



6. XI - XVI АСРЛАР ИНДИСТОН ВА ХИТОЙ

-
- XI - XII аср бошида Хитой давлати ҳудуди
- Мўғулларнинг босқинчилик юришларининг асосий йўналишлари
- XIII аср охирида мўғуллар босиб олган ерларнинг жанубий чегараси
- Мўғул босқинчилирига қарши халқ қўзғолонлари
- XVII аср бошида Хитой давлатининг чегараси
- Энг муҳим савдо-ҳунармандчилик марказлари
- Савдо йўллари қуруқликдаги
- Буюк Хитой девори



-
- XI аср бошида мусулмон феодалларининг юриш қилган томонлари
- XIV аср бошида Деҳли султонлигининг ҳудудлари
- XV аср бошида Деҳли султонлигининг чегараси
- Бобурнинг 1526 йилдаги юриши



а. IX асрнинг охирида Хуан Чао бошчилигидаги деҳқонлар уруши



-
- IX асрда Хитой давлати ҳудуди
- 874-884 йилларда деҳқонлар қўзғолон кўтарган районлар

-
- Исёичи армиялар юришларининг йўналишлари



7. XV АСР - XVII АСР ЎРТАЛАРИДАГИ ГЕОГРАФИЯНИЙЕТЛАР ВА МУСТАМЛАКАЛАР БОСИБ ОЛИШ



Х аср охирида скандинавияликларнинг донгиздан сузиб ўтишлари

XV - XVII аср ўрталаридаги энг мухм савхатлар маршрути

Афанасий Никитин 1466 - 1472 йиллар

Бартоломео Диас 1487 - 1488 йиллар (Хинд океанига борадиган йўлни очилгани)

Христофор Колумб 1492 - 1493 ва 1502 - 1504 йиллар (Америка кашф этила бошлагани)

Васко да Гама 1497 - 1499 й. (Хиндистонга бориладиган донгиз йўлининг кашф этилгани)

1300 0 1300 км



а. Марко Полонинг 1271 - 1295 йиллардаги савхати

XVII аср ўрталаридаги энг йирик давлатларнинг мустамлакалари

Испаниянинг Португалиянинг Англиянинг Франциянинг Голландиянинг

Картада рақамлар билан кўрсатилган:

- 1 Норвегия
- 2 Голландия
- 3 Англия
- 4 Франция
- 5 Испания
- 6 Португалия
- 7 Япония

Фернандо Магеллан 1519 - 1521 йиллар (Южн айлани биринчи савхат)

Абел Тасман 1642 - 1644 йиллар (Южн Зеландия ва Австралия кашф этилгани)

Сем Дежнев 1642 йил (Южн ва Америка ўртасидаги буёзнинг очилгани)

Русларнинг Сибирь ва Улаң Шарқин ўлаштирган аслик томонлари

8. XII - XVI АСРЛАРДА ЕВРОПАДАГИ АСОСИЙ МАДАНИЯТ МАРКАЗЛАРИ



Йирик университет шаҳарлар

- XII - XIII асрларда ташкил этилган университетлар
- XIV - XV асрларда ташкил этилган университетлар
- XV - XVI асрларда китоб босишнинг энг йирик марказлари

--- XIV аср охирида давлатларнинг чегаралари

200 0 200 400

9. XIV - XVII АСРЛАРДА УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИ

5. XIV - XV асрларда усмоний турклар истило қилган ерлар



XIV аср ўрталарида усмоний туркларга қаршиси ерлар

XV аср ўрталарида қалиб усмоний турклар истило қилган ҳудудлар

Сербиянинг 1389 йилда Косово таштисинда мағлубиятга учраган тоғлиги

40 0 450

6. XVI - XVII асрларда усмоний турклар истило қилган ерлар



XV аср ўрталарида усмоний туркларга қаршиси ерлар

XV аср бошларида қалиб усмоний турклар истило қилган ҳудудлар

XVI - XVII асрларда усмоний турклар истило қилган ҳудудлар

XVI - XVII асрларда қалиб озоқлик қўзғололири бўлган районлар

--- XVII аср ўрталаридаги давлат чегаралари

× Картадаги усмоний турклар қамал қилган шаҳарлар ва йирик жанглар бўлган жойларни тоғлиги ва ёйлиги.


10. XVI АСРЛАРДА АНГЛИЯДА САНОАТ ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШЛАНИШИ



- Мануфактура ишлаб чиқариш марказлари
- Тошқумир қазиб чиқариладиган жойлар
- Жун газлама ишлаб чиқариладиган районлар
- II Асосий савдо портлари
- Металл эритиш ва қайта ишлаш районлари
- 1549 йилда Роберт Кет бошчилигида деҳқонлар қўзғололи кўтарган районлар

65 0 65 км

11. XVI АСРДА НИДЕРЛАНДИЯДАГИ БУРЖУА ИНҚИЛОБИ



12. XVI АСРДА РЕФОРМАЦИЯНИНГ ЕВРОПАГА ЁЙИЛИШИ



ланиш нихоятда машаккатли эди. Дехконлар тоғнинг тик ёнбағирларини ўйиб, устини унумли тупрок билан текислаб, янги экинзорлар барпо этишарди. Бундай экинзорлар тупроғини ёмғир ювиб кетмаслиги учун атрофи тош деворлар билан ўраб олинган эди. Ёзнинг иссик кунларида экинзорлар канал-нахрлардан суғориларди.



35-расм. Инклар картошка экиб ҳосилини йиғмоқдалар.

Экинзорлар ҳосили уч қисмга бўлинган. Ҳосилнинг бир қисми кохинларга, яна бир қисми Олий Инкага, ва нихоят, учдан бири жамоага қоларди. Инка ва кохинлар, турли тоифадаги амалдорлар дехконлар ҳисобига ҳаёт кечирарди. Давлат омборларидаги захира маҳсулотдан жангчилар боқиларди. Шунингдек, очарчилик йилларида дехконларга маккажўхори дони ҳамда қуритилган картошка тарқатиларди.

Давлат аҳолини ўзига ҳос назорат қиларди. Барча фуқаролар тайинланган жойларда, далада, қурилишда ёки қўшинда хизмат қилишлари керак эди. Ҳарбий ёки мажбурий хизматдаги кишиларнинг оила аъзоларини жамоа боқарди.

Инклар мамлакатини бошидан охирига қадар 2 та йўл кесиб ўтганди. Уларнинг бири тоғ йўли бўлса,

иккинчиси пастдаги воҳаларда қурилганди. Асосий йўлларни кўндалангига кесиб ўтадиган йўллар ҳам бўлган. Йўлларнинг ҳар икки томони тош тўсиқлар билан тўсилган бўлиб, дарё, жарликлар ва даралар устидан эса тўкилган арқонлардан осма кўприклар ўрнатилганди. Йўл устидаги бекатларда шу ердан ўтадиган амалдорлар ёки қўшин учун меҳмонхоналар, озиқ-овқат омборлари қурилганди. Тош йўллар ниҳоятда сифатли қурилгани туфайли уларнинг баъзи жойларидан бугунги кунга қадар фойдаланилмоқда.

Почта алоқаси яхши ривожланган бўлиб, у мамлакатнинг барча қисмини бирлаштириб турарди. От бўлмаганидан йўлнинг маълум жойларида махсус тайёрланган чопарлар навбатчилик қилардилар. Натижада давлатнинг энг чекка жойларидаги хабар ҳам пойтахтга тез етиб келарди.

Олий Инканинг фарзандлари махсус мактабларда таълим олишган. Ёзув ихтиро қилинишидан аввал улар диний оятлар, бошқарув тартибларини, қонун ва урф-одатларни, удумларни ёдлаб ўрганишарди. Инкларда ўзига хос «тугунли хат» (кипу) бўлиб унинг сирлари фақат қоҳинларга маълум бўлган. Олимларнинг фикрича, инкларда графикага асосланган ёзув бўлганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Писарро бошчилигидаги испан конкистадорларининг 1531—1533 йиллари мамлакатни босиб олиш давомида келтирган вайронагарчиликлари унинг йўқолиб кетишига сабаб бўлган. Инк аҳолиси испанлар ҳукмронлигига қарши 40 йил давомида кураш олиб боради. Америка қитъасида бугунги кунда кечуа аҳолисигина ўз тилини давлат тили сифатида сақлаб қолди. Перу республикасида кечуа испан тили билан бирликда расмий давлат тили ҳисобланади.

Ўрта асрларда Христофор Колумб Американи кашф қилиши арафасида қитъада яшайдиган бир қанча халқларда тоифалар ва давлат пайдо бўлган эди. Фақат ацтеклар, майя ва кечуа халқлари эмас, балки бошқа этнослар ҳам ўзига хос маданият яратган эди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Американинг туб аҳолиси ҳақида гапириб беринг.
2. Уларнинг хужалик машғулотлари нималардан иборат эди?
3. Майя халқлари тарихи ва маданияти ҳақида нималарни биласиз?
4. Ацтеклар кимлар?
5. Инклар давлати қачон ва қаерда вужудга келган?
6. Инкларда маданият қандай ривожланган?

II бўлим хотимаси

Умумлаштирувчи такрорлаш дарси

1. Ўрта асрларнинг иккинчи даврида дунё. Инсоният тарихининг XI—XV асрлари феодал муносабатлари ривожланган давридир. Бу даврда кулдорлик ва унинг сарқитлари Осиё ва Африка қитъасининг баъзи мамлакатларидагина сақланиб қолганди, холос. Биз юқорида келтирган маълумотлар дунё халқларининг асосий қисми феодал муносабатлари шароитида яшаганлигини тасдиқлайди.

Ривожланган ўрта асрларда инсоният хўжалиги ва маданияти олға томон салмоқли қадам ташлади. Унинг асосий омилларидан бири қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари ҳамда иш курулларининг такомиллашуви бўлди. Дехқончиликда иш усуллари такомиллашиб борди: икки ва уч далали алмашлаб экиш, янги ерларни ўзлаштириш, экин майдонларида маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш, меҳнат курулларининг такомиллашуви, ғилдиракли плуг, чиғириқлар, турли хил тегирмонларнинг кенг ёйилиши шулар жумласидандир. Яхши ишлов берилган ерлардан олинадиган ҳосил кўпайди. Дехқон хўжалигида меҳнат унумдорлиги ўса бошлади.

Ўрта асрларда ҳунармандчилик бирмунча ривожланди. Бу жараён айниқса Европа қитъаси мисолида

якқол сезилади. Хунармандчилик кишлок хўжалигидан ажралиб алохида соҳага айланди. Феодал шаҳарлари вужудга келиб улар хунармандчилик ва савдо марказларига айланди.

Меҳнат таксимотининг ўсиши савдонинг ривожланишига олиб келди. Шаҳар билан кишлок ўртасида, вилоятлар ва мамлакатлар ўртасида товар айирбошлаш кучая борди. Натурал хўжалик бутунлай йўқолмаган бўлса-да, айтилиши вақтда пул-товар хўжалиги таркиб топа бошлади.

2. Одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар. Ўрта асрларнинг ривожланган даврида кишлок хўжалигида меҳнат унумдорлигининг ўсиши қарам деҳқонларни эксплуатация қилиш усуллариининг ўзгаришига олиб келди. Ишлаб бериш (баршина) рентаси, озиқ-овқат маҳсулотлари билан солиқ тулашдан аста-секин пул солиғига ўта бошланди. Баъзи мамлакатларда деҳқонларни шахсий қарамликдан (крепостнойликдан) пул эвазига, баъзида эса ҳеч қандай туловсиз озод қилиш бошланди. Феодал тузумининг ривожланиши, шаҳарлар пайдо бўлиши туфайли табақалар ўртасидаги зиддият кескинлашди. Эндиликда баъзи вилоятлардагина эмас, ҳатто бутун бир мамлакатга ёйилган деҳқонлар қўзғолонлари бўлди. Шаҳарларда ҳам ҳукмрон феодаллар — сеньорларга қарши озодлик ҳаракати кучайди.

Шаҳарларнинг кўпайиши ва йириклашиши, савдо алоқаларининг кенгайиши марказлашган давлатлар ташкил топиши учун шароит туғдирди. Қирол ҳокимияти кучайиши, феодал тарқоқлигини тугатилишидан манфаатдор шаҳарлар марказлашиш сиёсатини қўллаб-қувватладилар.

Бу борада аҳолининг турли тоифалари ёрдамига мухтож қирол ҳокимияти: Англияда парламент, Францияда Генерал штатлар сингари тоифа вакиллари мажлисларини ташкил этдилар.

Шаҳарларнинг ўсиши, иқтисодий юксалиш ва мамлакатлар ўртасидаги савдонинг ривожланиши марказлашган давлатлар пайдо бўлишига ва маданий тараққиётга ёрдам берди. Шаҳар мактаблари ташкил топ-

ди. Дастлабки олий мактаблар — университетлар очилди. Аста-секин илм-фаннинг ривожланишига асос солинди. Буларнинг ҳаммаси ўрта аср кишисининг ҳаётини ўзгаришига имконият яратди.

3. Қитъалар ва мамлакатлар тараққиётидаги нотекислик. Тарихдан бизга шу нарса маълумки, инсониятнинг Ер юзидаги тараққиёти доимо бир хилда текис ривожланмаган. Европада феодализм давлатлари ташкил топаётган бир даврда Шарқда, яъни Осиёда юксак тараккий қилган ислом цивилизацияси маданияти мавжуд эди. Ислом маданияти эса ўз навбатида қадимги юнон ва рим, ҳинд ва хитой олимларининг тўплаган билимларидан оқилона фойдаланиш эвазига юксакликка эришди. Ўрта асрлар иккинчи даврида Европа қитъасидаги давлатларнинг кескин ривожланиши бошланди. Эндиликда европаликлар Шарқ алломалари яратган асарлардан кенг фойдаландилар. Тиббиёт, астрономия, география, фалсафа каби фанлар ва денгизчиликнинг ривожланишида ислом мамлакатлари фан ютуқларининг ҳиссаси айниқса бекиёсдир. Фикримишни тасдиқлаш учун қуйидаги мисолларни келтириш kifоя. Европаликлар араблардан 210 та юлдуз, жумладан: Альдебаран, Альтоир, Вега, Ригель номларини ўзлаштирганлар. Европа денгиз луғатида ҳозиргача арабча сўзлар: адмирал, арсенал, баржа, бизан, галера, кабельт, муссон ва ҳоказолар мавжуд.

Таъкидламоқчи бўлган асосий фикримиз шундан иборатки, Ер юзидаги турли қитъалар ва мамлакатлар тараққиёти доимо тўлқинсимон шаклда юқорига ва пастга ҳаракатда бўлган, уларнинг нотекис ривожланиши ҳам табиийдир. Дунё халқларининг бугунги кундаги тараққиёти ҳам шундан далолат беради.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Ўрта асрлар иккинчи даврида инсоният ҳужалигида қандай ўзгаришлар бўлганини эсланг.

2. Бу даврда ижтимоий ҳаётда қандай янгиликлар бўлди?

3. Жаҳон халқлари тараққиётидаги нотекислик сабаблари нимада?

4. Дарслик охиридаги тарихий атамалар кўрсаткичидан урта асрлар тарихининг иккинчи даврини урганиш мобайнида сиз учратган янги сузларни топинг. Ҳар бир атаманинг моҳиятини ва аҳамиятини эсланг.

Буни ўқинг!

Вақт муаммолари

Урта асрларнинг дастлабки даврларида ибодат вақтини аҳолига етказиш зарурияти туфайли уни тартиблаштиришга ҳаракат қилган ягона ташкилот черков бўлган.

Кейинчалик вақтга муносабат узгара боради. Хусусан, Франция тарихида 1355 йили қиролнинг Артуа вилоятидаги ноиб Э-р-сюр-ля Лис шахри аҳлига черков соати эмас, мовут туқувчилар иш вақтини ва савдо битимларини эълон қилиш учун жомминор соати қуришга рухсат беради. Бу воқеа вақт ҳисоблашнинг мазмуни ўзгаришида бўлган дастлабки уриниш бўлди. Дақиқани билишга эҳтиёж XV асрдан соатга иккинчи милнинг киритилишига олиб келди.

Урта асрларда фақат оддий кишиларгина эмас, балки сайёҳлар ҳам шошилмасдан йўл босганлар. Бир кунда нари борса бир неча ун километр йўл босилган холос. Шу сабабли Италиянинг Флоренция ва Неаполь шаҳарлари орасидаги масофа 11—12 кунда босиб ўтилган. Табиий йўлларнинг ёмон ҳолатда эканлиги ҳам бунга катта таъсир қилган.

(А. Ястребицкая. XI—XIII асрларда Ғарбий Европа. М., 1978, 9—10-бетлар).

III б ў л и м

Ўрта асрлар учинчи даврининг бошланиши

(XVI—XVII асрнинг биринчи ярми)

**XI б о б. XV аср охири — XVI асрлардаги
ихтиролар, буюк географик кашфиётлар
ва мустамлакачилик босқинлари**

**39-§. XV—XVI асрларда техниканинг
ривожланиши. Географик кашфиётларнинг
сабаблари**

1. Техниканинг такомиллашуви. Жамият — вазмии ҳаракатланувчи мураккаб тарихий жараёндир. У илгари кашф қилинган маълум нарсаларни анъанавий такрорлайди. Лекин у қийин ва хатарли кўринган янгиликларни, ихтироларни қабул қилмайдиган хусусиятга ҳам эгадир. Натижада асрлар давомида ҳар қандай кашфиёт ҳам тайёр бўлганидан кейин йиллаб, баъзида юзлаб йил ҳаётга жорий этилишини кутарди. Ҳаммамизга маълум бўлган белўроқ (чалғи-ўроқ, чалғи)нинг тақдири бунга мисол бўла олади. Белўроқни Фарбий Европада илк ўрта асрларданок би-лишарди ва ундан ўт ўришда кенг фойдаланилган. Белўроқдан фойдаланиш меҳнат унумдорлигини кескин оширган. Унинг бу хусусияти XIV асрда Фарбда катта қирғин келтирган «кора ўлат» — вабонинг рамзий белгисига айланишига олиб келганди. Вабони белўроқ кутарган «ўлат» кўринишидаги расмини куплаб китобларда учратиш мумкин. Белўроқдан дон ўришда фойдаланишга ўтилгунча беш аср вақт керак бўлди. Ғалла майдонлари кўпайиб, уни тез йиғиштириб олиш зарурияти туғилгандан сўнг, маълум миқдорда дон тўкилишига ҳам қарамасдан, XIX асрда белўроқдан кенг фойдалана бошланди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Жумладан, буг машинаси ҳам техника инкилоби бошланишидан анча олдин кашф қилинганди. Лекин унинг қўлланилиши бир неча асрдан кейин бошланди. Шунинг учун нидерланд тарихчиси Анри Пиреннинг «Викинглар томонидан кашф қилинган Америка очилгандан сўнг дарҳол йўқотилганди, сабаби Европада хали унга эҳтиёж йўқ эди», деган кинояси ҳақиқатдир.

Инсон XV—XVIII асрлар давомида ўз кучи, шунингдек, ўй ҳайвонлари, шамол, оқар сув, ўтин-кўмир ва тошкўмир қувватидан фойдаланган. Инсоният тарихий тараққиётини қуйидаги мисолларда кузатиш мумкин: ҳужаликда битта от етти кишининг ишини бажарар эди. Демак, отнинг тортиш ва юк ташиш кучидан фойдаланиш катта ижобий натижаларга олиб келган. Анд тоғлари атрофида савдо-сотиқ ишларини олиб бориш учун Перуда 500 минг хачирдан фойдаланишган. Демак, отни ёки ҳукизни омон ва плугга қўшиб ер ҳайдалмаганда, юк ташишда уларнинг кучидан фойдаланилмаганда инсоният тараққиётида олға силжишини тасаввур қилиш қийин.

Осиё халқлари тарихида, уларнинг иқтисодий ривожланишида туяларнинг кенг қўлланилиши аҳамияти ҳам ниҳоятда катта бўлган. Хусусан, икки ўркакчи иссиққа чидамли драмодерлар ўртача 400—500 кг юк кўтарган тақдирда ҳам 6 минг туядан иборат карвон 2,5—3 минг тонна юкни узоқ масофаларга олиб борган. Бу рақамларни Буюк Ипак йўли учун қанчалик аҳамиятга эга бўлганлиги ҳар биримизга равшан.

Европа мамлакатларида XI—XIII асрлар давомида механика соҳасида катта инкилобий ўзгаришлар бўлди. Осиёда бир неча аср олдин ихтиро қилинган сув ва шамол тегирмонлари энди Фарб давлатларида кенг тарқалди. Англияда XI асрнинг охирида ўтказилган аҳоли рўйхатида мамлакатда 5624 тегирмон бўлганлигини қайд этилган. Олимларнинг ҳисобича, Европада бу асрларда 500—600 минг сув тегирмони бор эди.

Шамол тегирмонлари ҳам дастлаб Шарқда ихтиро қилинган. Эронда улар VII асрдан қурилган. Кейинчалик шамол тегирмонлари Хитой ва Урта Ер



36-расм. Шарк халқлари амалий санъатидан бир намуна.

денгизи ҳавзасига тарқалган. Испанияда шамол тегирмонлари X асрда араблар давридан тарқалган, Англия ва Фландрияда XII асрда, Польша ва Москва давлатига эса XIV асрда шамол тегирмонлари Германия орқали кириб келган ва қурилганди. Атлантика океанидан Болтиқ денгизи томонга доимо эсиб турадиган ғарбий шамолнинг бўлиши шамол тегирмонларини Голландия республикасининг рамзий белгисига айлантирди.

XV—XVI асрларга келиб янги ихтиролар: сув двигателларида кенг фойдаланишга олиб келди. Дастлаб пастдан ҳаракатланувчи сув паррагининг янги, юқоридан ҳаракатга келувчи паррак билан алмаштирилиши бир тоннагача оғирликдаги тўқмоқлардан маъданни ишлашда фойдаланиш имкониятини яратди. Қоғоз ишлаб чиқарадиган устахоналарда сув парраги ёрдамида ҳаракатланувчи исканжалар қурилди. Кончиликда эса сув парраги ёрдамида кондан рудани юқорига кўтаришда ва майдалашда фойдаланилган. Шахтадан сув насос



37-расм. Туннелдан сув тортиб олиш.

билан тортиб чиқарилиши уни чуқурроқ қазиш ва рудани кўпроқ олиш имкониятини яратди.

2. **Металлургия ва металлга ишлов бериш соҳасидаги ихтиролар.** Темирни эритиш қадим замонларда кашф қилинган эди. Хитойда милоддан аввалги V асрдаёқ темир эритишни билишган. Хитой XIII асрда Европадан анча аввал темир эритишда тошқумирдан ҳам фойдаланган. Ғарбда маъдан суюлтириш XIV асрдан, кокс қўшиб чўян эритиш эса XVII асрдан бошланди.

Демак, Хитойда ихтиро қилинган чўян эритиш домналари такомиллашган ҳолда Ўрта Осиё орқали Сибирга, турклар ва Россиядан Ғарбга ўтганлиги аниқ. Осиёда, Ҳиндистон ва Хитойда кашф қилинган угле-родли пулат эритиш сирлари Европада XIX асрдагина маълум бўлди. Бу машҳур «Дамашк пулати» деб аталган пулат нави эди.

Европада нисбатан кеч ривожланган металлургия саноати тез орада катта муваффақиятларга эришди. Металлга махсус ишлов бериш: йўниш, пардозлаш, винтлар ясаш соҳалари такомиллашиб, янги механизмлар яратиш имкониятини берди. Улардан бири соатсозлик эди. Тез орада кўплаб мамлакатларда жоминор соатларидан тортиб қўл ва чўнтак соатлари ҳам ясала бошланди.

3. **Ҳарбий техника.** Аниқ фанлар соҳасида ажойиб тарихчи Альдо Минелли порох, яъни ўқни хитойликлар кашф этгани «афсона» эмас деган эди. Хитойликлар порохни IX асрда селитра, олтингугурт ва майдаланган кумирдан қилишган. Милтиқнинг пайдо бўлиши Хитойда XI аср, ўқ отадиган тўп 1356 йил билан белгиланган. Тарихий манбаларда ёзилишича, Европада тўпнинг биринчи бор ишлатилиши 1347 йили Кале жангида инглизлар томонидан бўлганди.

Қаерда ва қачон кашф қилинишидан қатъи назар милтиқ, тўп ва бошқа қурооллар Европада тезроқ такомиллашди ва кенг ёйилди. Асрлар ўтиб Осиё мамлакатлари ўзлари кашф қилган бу соҳаларда ҳам ил-форликни қўлдан бой бердилар.

Аркабуз ва мушкетларнинг пайдо бўлиш вақти аниқ эмас. Лекин 1512 йили Италиядаги Бреши шаҳри қамали пайтида «унинг химоячилари тўп ва милтиқлардан душманни ўққа тутганликлари» манбаларда қайд қилинган. Айри ёғоч устига қўйиб отиладиган бу милтиқлардан 150—200 қадам наридаги нишонни хатосиз уриш мумкин эди. Ўқ отадиган қуроолларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши билан ҳарбий соҳада катта ўзгаришлар юз берди. Рицарларнинг қалқон, совут ва бошқа қурол-аслаҳаларини ўқ тешиб ўтгани сабабли улар ўз аҳамиятини йўқотди. Шаҳарларнинг қалин ва баланд деворлари ҳам тўпдан вайрон қилиниши мумкинлигидан зарур бўлмай қолди. Тез орада Европа давлатларида отлик рицарь қўшинлари ўрнини ўточар қурооллар билан қуроолланган янги қўшин эгаллади.

4. Кемасозликнинг ривожланиши. Финикияликлар Миср фиръавнлари илтимосига биноан Африка қитъасини Васко де Гамадан икки минг йил аввал айланиб чиқишган эди. Колумбдан бир неча аср олдин, 690 йили, ирланд денгизчилари Фарер ороллари-ни очишган. Ирландиялик роҳиблар эса 795 йили Исландияга тушишгани фанда ўз тасдиғини топган. Скандинавиялик Эрик Малла 982 йили Гренландияда викинглар колониясини ташкил қилганди. Унинг ўғли Лейф Эриксон 1003 йилда Американинг Ньюфаундленд яриморолини кашф қилганди.

Осиё мамлакатларида денгизчилар XI асрданок компасдан фойдаланишган, XIV асрдан эса мачтали 12 елканли кемаларда сузишган. Хитойдаги «жонка» кемаларига минг киши сиғган. Осиёдаги денгизчилик санъатининг юксак ривожланганига ушбу мисолни ўқиб ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Хитойлик буюк денгизчи Чжэн Хэ (аслида мусулмон бўлган) XV асрда 7 марта йирик денгиз саёҳатлари уюштирди. Унинг биринчи саёҳатида 62 та катта жонкалардан иборат экспедицияси Индонезияга етди. Кейинги экспедицияда ҳарбийлар ҳам қатнашиб хитойликлар Цейлон оролини босиб олдилар. Учинчи юришлари Суматра ороллари-ни забт этилиши билан якунланди.



38-расм. Аркабузерлар.

Кейинги икки саёхат савдо-дипломатик мақсадларда булиб, Арабистон ва Ҳабашистон қирғоклари зиёрат қилинди. Олтинчи юриш яна Суматрага ва ниҳоят сўнгги юришларда 1433 йили Ормуз қўлтиғига ва Маккага борилди. Бу бекиёс 25 йилдан ортиқ вақт давом этган денгиз экспедициялари тугаганидан сўнг, куп ўтмасдан Хитойда яна ички можаролар кучайиб буюк режаларга чек қўйилди.

Арабларда ҳам денгизчилик санъати юксак даражада ривожлангани сир эмас. Араб географи ал-Маъсудий X асрдаёқ Африка қитъасини денгиз орқали айланиб ўтиш мумкин эканлигини ёзганди. Машхур олим Александр Гумбольдтнинг ёзишича, араб кемаларидан бири Атлантика океанида 40 кун сузиб орқага қайтган ва 70 кун деганда ўз саёхатини бошлаган жойига қайтиб келган. Лекин келтирилган барча маълумотларга қарамасдан, Атлантика океанини сузиб ўтиш муаммосини ҳал этиш Европага насиб этди. Унинг ҳал этилиши эса бошқа муаммолар чигалини ечишга ҳам кўмак берди. Шу сабабдан шамолга қарши сузишга қодир елканли, каравелла типдаги кемалар қурилиши, компас, устурлобнинг ихтиро қилини-



39-расм. Артиллерия кудратли бўлиб бормокда.

ши, буларнинг барчаси фақат маълум даражадаги омил бўлди, ҳолос.

5. Буюк географик кашфиётларнинг сабаблари. Европада XIV—XV асрларда ишлаб чиқариш кенг ривожланди. Йирик шаҳарларда дастлабки мануфактуралар пайдо бўлди. Савдо-сотиқ ривожланиб пул зарб қилиш учун қимматбаҳо маъданлар: олтин ва қумушга талаб кучайди. Европа Шарқ молларини ва зираворларни асрлар давомида олтин ва қумуш ҳисобига сотиб оларди. Китъага келтириладиган Шарқ моллари, араб ва италиялик савдогарларга 8—10 баравар фойда қолдирарди. Усмоний туркларнинг Византияни босиб олиши Шарқ мамлакатлари билан савдо-сотиқ алоқаларини янада мушкуллаштирди. Савдогарларнинг туркларга



40-расм. Ёгоч оёк кийимлари.

бож тўлаши олиб келинадиган маҳсулотларни янада қимматлашишига сабаб бўлди.

Натижада Европа Осиёга борадиган янги денгиз йўлини ахтариб топишга ҳаракат қила бошлади. Демак, буюк географик кашфиётларининг энг асосий сабаби Европада дунёга чиқиш эҳтиёжининг вужудга келиши эди. Бундай зарурият ўша вақтда на Хитойда ва на арабларда бўлмаган. Европанинг иқтисодий юксалиши XIII асрдаёқ бошланганди. Тарихчилар олтинга, зираворларга чанқоқлик деб атаган нарса техника соҳасида доимо изланишларга, янгиликка интилишни таъминлади. Ғарб аҳолиси фақат моддий жиҳатдан бойиб қолмасдан, унинг руҳияти ўзгариб борди. Европанинг буюк кашфиётлардаги устунлигини белгиллаган нарсалар, фикримизча, ана шулардан иборат эди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Сизнингча, техниканинг ихтиро қилиниши ва ундан фойдаланишга ўтиш орасидаги вақтнинг узоқ бўлиши нимадан?
2. Осиёда ихтиро қилиниб Европада ўз тараққиётини топган қандай кашфиётларни биласиз?

3. Инсоният тарихида от ва туялардан фойдаланишнинг аҳамиятини гапириб беринг.

4. Металлургия ва ҳарбий соҳаларда урта асрларда қандай ихтиролар қилинган?

5. Кемасозлик қайси мамлакатларда яхши ривожланган?

6. Буюк географик кашфиётларнинг сабабларини тushунтириб беринг.

40-§. Американинг кашф этилиши.

Ҳиндистонга денгиз йўлининг очилиши.

Дунё айлана биринчи саёҳат

1. Географик кашфиётларнинг бошланиши.

Испания ва португалияликлар буюк географик кашфиётларнинг йўлчи юлдузлари бўлдилар. Португалия араблар ҳукмронлигидан халос бўлганидан сўнг, XIV—XV асрларда Шимолий Африкада араблар билан урушларни давом эттириб, яхшигина денгиз флотини тузишга эришди. Ўрта Ер денгизидан Шимолий ва Болтиқ денгизларига борадиган муҳим савдо йўли Португалия қирғоқлари яқинидан ўтарди. Шу сабабдан Португалия портларига турли мамлакатлардан кемалар келиб турарди. Денгиз кемаларида хизмат қилиш ва балиқ овлаш соҳил бўйида яшовчи кўпчилик аҳолининг асосий машғулоти эди. Кейинчалик улардан довжорак ва тажрибали денгизчилар ҳам етишиб чикди.

Кашфиётларнинг биринчи даврасида, шахзода Генрих Денгизчи (1418—1460 йиллар)нинг истеъдоди, ташкилотчилиги натижасида нафақат савдогарлар балки дворянлар ҳам иштирок этишди. Натижада XV асрнинг 20—30-йилларидаёқ португалияликлар Мадейра, Канар ва Азор ороллари очишди. Африканинг ғарбий қирғоқлари бўйлаб жанубга силжий борган денгизчилар Бохадор бурнини четлаб ўтиб, 1434 йили Гвинея қирғоқларига, Яшил Бурун оролларига ва 1462 йили Сьерра-Леонега етиб бордилар. Португаллар бу жойларда маҳаллий аҳолидан рангдор латталар, шиша маржонлар, кичкина ойначалар каби май-

да-чуйда буюмларга олтин аралашган кум ва фил суяк-ларини алмаштириб олардилар. Кейинчалик бошлан-ган кул савдосининг маркази ҳам худди шу ерда бўл-ган. Карталарда сақланиб қолган Куллар қирғоғи, Ол-тин қирғок, Фил Суяғи қирғоғи каби расмий номлар бежиз пайдо бўлмаган.

Португалларнинг Барталомео Диаш бошчилигида-ги экспедицияси 1486 йили Африканинг жанубий нуқ-тасини айланиб ўтиб, Ҳинд океанига чиқди. Лекин узоқ давом этган оғир йўл машаққатларидан толиқ-қан денгизчилар сафарни давом эттиришдан бош торт-дилар. Африка қитъасининг энг жанубий нуқтасини, португаллар Ҳиндистонга борадиган йўлни яқин ора-да очилишини умид қилиб Яхши Умид бурни деб атадилар.

2. Колумбнинг Американи кашф қилиши. Олимларнинг Ер шар шаклида бўлиши ҳақидаги тах-минлари XV асрда денгиз сайёҳларининг кизиқишини янада оширди. Италиялик олим, астроном Паоло Тос-канелли бу ғоядан келиб чиқиб дунё картасини туз-ди. Картада Осиё қитъаси Атлантика океанининг ғар-бий қирғоқларида тасвирланган бўлиб, олимнинг фик-рича, Европа қирғоқларидан доимо ғарбга сузиб Ҳиндис-тонга бориш мумкин бўлади. Италиялик олим Ер эк-ватори узунлигини хато тасаввур қилиб, 12 минг ки-лометрга янглишган. Кейинчалик бу хато — буюк кашфиётларга олиб келди.

XV аср охирида Испания ҳам янги денгиз савдо йулларини ахтара бошлаганди. Испания кироли Фер-динанд ва киролича Изабеллага узининг Тосканелли тасдиқлаган Ҳиндистонга Ғарбий денгиз йулини очи-ши лойиҳасини топширган Христофор Колумб (1451—1506 йилларда яшаган) Италиянинг Генуя шаҳрида тукувчи оиласида туғилган. Христофор 15 ёшига қа-дар яхшигина маълумот олган эди. Кейин оилавий шароити туфайли денгизчиликка ёлланиб, кемаларда матросдан капитанга қадар бўлган лавозимларида хиз-мат қилди.

Нихоят, 1492 йили Испания кироли саёҳатга рух-сат берди. Палос портидан 1492 йил ёзида Колумб

ўзининг 90 кишилиқ командаси билан учта кемада «Нинья», «Пинта» ва «Санта-Мария»ларда денгизга чиқди. Орадан эсаётган шамол кемаларни ғарб томонга тез ҳайдаб борарди. Кунлар кетидан кунлар, ҳафталар кетидан ҳафталар ўтди, лекин ер ҳамон кўринмасди. Сарагосса денгизига етганда сув утлари ернинг яқинлиги ҳаёлини туғдирди. Пассат шамоллари йўналишидаги кемалар илдам олдинга сузарди. Яна бир неча кун утгандан кейин денгизчиларда кўрқув пайдо бўлди. Орадан икки ой ўтгандан сўнг денгизчилар талаби билан кемалар жануби-ғарбга томон йўл олди. Ниҳоят, 1492 йил 12 октябрь куни кечаси кемалардан бирининг мачтаси устидан матроснинг «Ер!», «Ер!» дея бакирган овози эшитилди.

Эртасига кемалар кичик бир орол ёнига келиб тўхтади. Колумб қирғоққа Испания байроғини тикиб, оролни қирол мулки деб эълон қилди. Экспедиция аъзолари бу ердан олтин излаб жануб томонга йўл олдилар ва Куба ҳамда Гаити ороллари кашф қилдилар. Гаити қирғоқларида ўзининг энг катта кемасидан айрилган Колумб денгизчиларнинг бир қисмини янги қурилган Навидад фортида қолдириб, ўзи Испанияга қайтди. Кейинги йилларда Колумб ғарбга яна 3 марта саёҳат қилди. У Кариб денгизидagi кўплаб ороллари кашф этди. Лекин омад унга қулиб бокмади, у ўзи излаган Ҳиндистоннинг олтин-бойлиқларини топа олмади.

Янги қитъа кашф қилинганини Колумб умрининг охирига қадар билмаган. Ўзи кашф қилган жойларни Ҳиндистон, у ерлар аҳолисини «хиндулар» («индеецлар») деб атади. Шу сабабдан Американинг кўплаб тилларда гаплашадиган, турли номдаги халқлари ва қабилаларини адабиётларда «индеецлар» деб аташ расм бўлиб кетди. Колумбдан кейин 1498 йили ғарбда саёҳатда бўлган Америго Веспуччи Колумб кашф қилган ерларнинг «янги қитъа» эканлиги ҳақидаги фикрларини ўз дўсти немис космографи Вальдземюллерга ёзиб юборган. Худди шу немис олимнинг таклифи билан янги қитъа Америка деб атала бошланди. Христофор Колумбнинг номи Колумбия давлатига, Америка Қуш-

ма Штатлари округларидан бирига, куплаб шаҳарларга, университетга, тоғ, дарё ва ҳатто фазони тадқиқ этиш лойиҳаларидан бирига қўйилган.

3. Васко де Гаманинг Ҳиндистонга саёҳати
Испанияликлар томонидан Американинг кашф қилиниши ва уни Ғарбий Ҳиндистон деб аталиши овоза бўлиб, португалияликларни ҳам ҳаракатга солиб қўйди. Португалия қироли Ҳиндистонга бориладиган денгиз йўлини топиш учун Васко де Гама бошчилигида (1497—1499 йиллар) экспедиция жўнатди. Экспедицияга жуда пухта тайёргарлик қўрилганди. Васко де Гама энг яхши кемалар, асбоблар ва карталар билан таъминланиб, экспедиция таркибидаги денгизчилар ҳам тажрибали бўлган.

Сафар бошлангандан тўрт ярим ой ўтгач, саёҳатчилар Яхши Умид бурнини айланиб ўтиб, Африканинг шарқий соҳилига чиқдилар. Шундан кейин Ҳинд океан бўйлаб шимолга сузган де Гама экспедицияси Мозамбикнинг — Малинда портига келди. Араб лоцмани* Аҳмад ибн Мажид ёрдамида португалияликлар 1498 йилнинг май ойида 10 ойлик саёҳатдан сўнг Каликут шаҳрига етиб келди. Васко де Гамани Ҳинд рожаси қабул қилди. Португаллар кемаларига зираворларни юклаб орқага қайтдилар. Икки йилга чўзилган сафар пайтида денгизчиларнинг 2/3 қисми ҳалок бўлди. Келтирилган зираворлардан экспедицияни уюштиришга сарфланган маблағдан 60 марта ортиқ фойда олинди.

4. Дунё айлана биринчи саёҳат. Америго Веспуччининг Колумб кашф қилган ерлар янги қитъа эканлиги ҳақидаги фарази Фернан Магелланнинг 1519—1522 йиллардаги дунё айлана биринчи саёҳатида тўла тасдиқланди. Янги очилган ерлардан мулжалланган бойликларига эриша олмаган испан ҳукмдорлари Фернан Магелланнинг Ҳиндистонга Ғарбий денгиз йўлини очиш лойиҳасини қўллаб-қувватладилар.

Жасур ва тажрибали денгизчи, бағоят иродали Ма-

* Лоцман — денгизда йўл кўрсатувчи киши.


геллан ўзининг 5 та кемадан иборат флотилиясини 1519 йили 20 сентябрида Сан-Лукар портидан денгизга чиқарди. Экспедицияда қатнашган: «Тринидад», «Сан-Антонио», «Консепсион», «Виктория» ва «Сант-Яго» каби 105—154 тонна юк сифимли кичик кемаларда икки йилга етадиган озиқ-овқатларни ғамлаб олинганди. Устига-устак Магелланга берилган кемалар таъмирлашдан кейин ҳам талабга тулик жавоб берадиган ҳолда эмасди. Португалиянинг Испаниядаги элчиси ўз қиролига Магеллан экспедицияси муваффақиятсизликка учраши муқаррар деб ёзган эди. Магеллан кемаларга португалиялик ҳамюртларидан рухсат берилган 5 урнига 37 киши олишга муваффақ бўлди. Саёҳатнинг бошидаёқ жуда оғир синовларни енгиб, 60 кунлик тинимсиз ёмғирлардан сўнг кемалар 1519 йил 13 декабрида Рио де Жанейро кўрфазига кирди. Яна бир ойлик саёҳатдан кейин ҳозирги Уругвайнинг пойтахти Монтевидео жойлашган ерда тўхташди. Бу жойнинг икки океанни боғловчи қўлтик эканлиги ҳақидаги фараз тасдиқланмади. Қишловга тўхтаган экспедицияда биринчи марта исён кутарилди. Унда учта кеманинг капитанлари қатнашди. Капитанлардан бири исёнчилар билан тўқнашувда ҳалок бўлди. Иккинчи — капитан Мендоса исён бостирилиши билан қатл қилинди, учинчи капитан Картахена фитнада иштирок қилган рухоний билан кўрфазнинг кўрғоғига ташлаб кетилди. Исён бошланишига сабаб Магелланнинг озиқ-овқат миқдорини камайтириши бўлганди. Экспедиция аъзоларининг орқага қайтишни талаб қилишларига жавобан Магеллан «Китъа жанубидаги бўғозни топиб ўз ваъдамни бажараман, бу йўлдан мени факат ўлим қайтаради», — деб айтди. Кўрфазнинг очилиши арафасида «Сант-Яго» кемаси ҳалокатга учради. Магеллан экспедицияси 1520 йил 21 октябрида жанубий кенгликнинг 52 градусида кейинчалик унинг номига қўйилган қўлтиққа кирди. Экспедициянинг Жанубий денгизга йўл олган кемасида 1 ноябрь куни Эстеван Гомес бошчилигидаги бир гуруҳ зобитлар исён кутариб, Магелланнинг содик сафдоши «Сан-Антонио» капитани Альваро де Мески-

туни кулга олиб асосий озиқа захираси билан Испанияга йул олдилар. Қайтиб келганлар Магелланга тухмат-бухтонлар ёғдирдилар. Қирол ҳукумати эса бунга ишониб Магелланнинг қайнотаси ва хотинини сазойи қилди.

Бу пайтда жасур Магеллан ўз мақсади томон ишонч билан бормокда эди. Курфаздан бир ойга яқин сузган кемаларнинг чап томонида доим хиндулар гулханлари олови ва тутуни куриниб турган. Натижада денгизчилар бу ерларни «Оловли ер» деб атадилар. Океанга чиққан кемалар шимолга қараб сузишди. Тўрт ой давомида ҳеч қандай довулларсиз олға юрилди. Океаннинг уларга қилган муруввати эвазига саёҳатчилар уни «Тинч океан» деб атадилар. Хужжатларда ёзилишича, саёҳатчилар кейинги 110 кун давомида қуртлаган нон ушоқларини, сассиқ сувни ичишга мажбур бўлдилар. Кемаларда каламушнинг нархи ярим дукат бўлган, денгизчилар кеманинг чарм қопланган жойларини олиб қайнатиб ичишган. Саёҳатчиларнинг кўпи цинга касалига чалиниб ўла бошлади. Ниҳоят, 1521 йилнинг 6 мартда экспедиция аъзолари Мариан архипелаги оролларида бирига тушдилар. Ўн кундан сўнг кемалар яқинлашган архипелаг Испания шахзодаси, бўлажак қирол Филипп шарафига Филиппин деб аталди. Худди шу оролларда рўй берган бир воқеа сайёҳларнинг қилган ишларини қанчалик буюк эканлигини кўрсатди. Магелланнинг қачонлардир Малай оролларида олиб чиқиб кетилган хизматкори Энрике маҳаллий аҳоли билан гаплашиб бир-бирларини тушунганлар. Демак Энрике ўз юртидан шарқ томонга чиқиб унга ғарбдан қайтиб келди. Себу ороллари аҳолисини ҳазрати олийлари, Испания қироли вассалларига айлантириш учун қилинган урушда, 1521 йил 27 апрелда Магеллан ҳалок бўлди.

Молукк оролларида зираворларни ортган д'Эска-то бошчилигидаги экспедициянинг қолган аъзолари Сан-Лукарга қайтиб келганда «Виктория» кемасида 18 киши қолган эди.

Дунё айлана биринчи саёҳат Ернинг шар шаклида эканлигини узил-кесил исбот қилиб берди. Сайёҳлар



41-расм. XIV—XVII асрларда миграция. Карта.

Ер куррасининг анчагина кисмини тадқиқ этдилар. Эндиликда океан йўлларини ўзлаштириш бошланди. Буюк географик кашфиётлар натижасида Ер юзидаги аҳоли ҳақида маълумотлар кўпая борди.

5. Мустамлакаларни истило қилишда кимлар қатнашди? Пиренея яриморолидан арабларнинг ҳайдаб чиқарилишида фаол иштирок қилган минглаб рицарлар урушдан бекор қолдилар. Уларнинг кўпчилиги қашшоқлашган дворянлар вакиллари эдилар. Осонликча бойлик орттириш йўлини ахтарган минг-минглаб кишилар Испания ва Португалия сайёҳларининг кашфиётлари ҳақида хабар етиши билан ҳеч ўйланиб ўтирмасдан янги ўлкаларга жўнай бошладилар.

Денгиз экспедицияларини сафарларга тайёрлашда ва жиҳозлашда савдогарлар ва кема эгалари ҳам фаол қатнашдилар. Уларнинг мақсади савдо-сотикдан, бўйсундирилган ўлкаларни талашдан бойлик орттириш эди. Америка қитъасини истило қилишда христиан дини вакиллари, руҳонийлар ва роҳиблар ҳам иштирок этдилар. Улар маҳаллий аҳолини христиан динига ўтказиш билан шуғулландилар. Мустамлакаларда ўлжалардан христиан черкови ҳам қуруқ қолмади.

Шундай қилиб, Европаликлар босиб олинган мамлакатларни ўз мустамлакаларига айлантирдилар. Мустақиллигини йўқотиб истилочилар зулмида эзилган худудлар *мустанлакалар* деб атала бошланди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Португалияликлар денгиз савҳатларини қачон бошладилар ва қандай кашфиётлар қилдилар?
2. Колумбнинг Американи кашф қилиши ҳақида гапириб беринг.
3. Васко де Гама савҳатининг тарихий аҳамияти нимада?
4. Магеллан савҳати ҳақида сузлаб беринг. Унинг аҳамияти нимада?
5. Мустамлака босқинларида кимлар ва нима сабабдан қатнашдилар?

41-§. Европаликларнинг мустамлакачилик босқинлари

1. Португалия мустамлакалари. Кирилликнинг Ҳинд океанига ҳар йили ўнлаб ҳарбий кемаларни юбориши фақат савдо-сотиқ мақсадида бўлмаган, албатта. Лекин Португалия бу усулда Ҳиндистонни ва Осиёнинг миллионлаб аҳолиси бўлган бошқа мамлакатларини истило қилишга қодир эмасди. Португаллар Ҳиндистонда, Арабистонда, Шарқий Африка денгиз соҳилларида бир неча муҳим порт шаҳарларини босиб олдилар. Истило қилинган шаҳарлар аҳолиси қирғин қилиниб, қалъалар вайронага айлантирилди. Ҳиндистонда «Хайриятки, португаллар йўлбарс ва шерлар каби озчил, акс ҳолда, улар Ер юзидаги ҳамма одамларни кириб, бутунлай йўқ қилиб юборган бўларди», — деб айтишарди.

Португаллар араб ва ҳинд савдогарларининг молларини талар ва кемаларини денгизга чўктириб юборар, асир олинган кема аъзоларини эса ўлдирар ёки қул қилиб сотардилар. Улар ўқотар туплари, қурол-аслаҳалари ҳамда кемаларининг устунлигидан фойдаланиб арабларни аста-секин Ҳинд океанидан сиқиб чиқардилар ва Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлини тўлиқ эгаллаб олдилар. Кейинчалик португаллар зирavorлар: мурч, анбар, мушк, долчиннинг энг яхши навлари етиштириладиган Зонд ва Молукк ороллари-га кириб бордилар. Шарққа томон сузишда давом этган португаллар вақт ўтиб Хитой ва Япония соҳил-ларига етдилар.

Португалиянинг Америкадаги истилолари ҳам ўзига хос бўлган. Аслида Ҳиндистонга йўл олган Кабрал экспедицияси 1500 йили тўсатдан Бразилия қирғоғига тушиб, уни Португалия кироли ерлари деб эълон қилди. Қимматбаҳо маъданларнинг, қўсонли зич аҳолининг бўлмаслиги Бразилиянинг мустамлакага айлантирили-шини ҳам ўзига хос ҳал қилди. Мамлакатни муттасил ўзлаштириш фақат 1530 йили бошланди. Қирғоқ район-лари 13 та капитанийга бўлиниб, феодал ер эгаллиги жорий этилди. Лекин Португалияда ортиқча ишчи кучи

йуклигидан, колонистларнинг кучиб келиши суи эди. Натижада Африкадан келтирилган куллар меҳнатига асосланган плантациялар кўринишидаги хўжалик юртиш купрок фойда келтира бошлади. XVI асрнинг иккинчи ярмида кул савдоси кенг ривожланди. Бразилияда 1583 йили 25 минг португал аҳолиси кул остида юз минглаб кул-негрлар ишлар эдилар.

2. Испанлар томонидан Мексика ва Перунинг истило қилиниши. Дастлаб испанлар Кариб денгизи хавзасидаги Куба, Гаити, Ямайка, Пуэрто-Рико ороллари босиб олдилар. Испанлар оролларда қалъалар, янги кучиб келатган юртдошлари учун қишлоқлар, йўллар барпо этдилар. Испанлар олтин кам бўлган бу худудларни хўжалик мақсадида ўзлаштира бошладилар. Дастлабки пахта, шакарқамиш ва зиравор плантациялари барпо этилди. Тез орада оғир меҳнатдан, Европадан келтирилган турли юкумли касалликлардан маҳаллий аҳоли қирилиб, камайиб кетди. Уларнинг ўрнига қўшни ороллардан қўшимча ишчи кучи олиб келинди. Кейинчалик Испаниядан 20 йилга солиқлардан озод қилиш шарти билан деҳқон-колонистлар кучиб келтирилди. Ниҳоят, XVI асрнинг урталаридан Африкадан куллар келтирила бошланди.

Американинг истило қилинишидаги иккинчи давр 1510 йили бошланди. Тарихшуносликда XVII аср урталарига қадар давом этган бу давр конкиста — истилолар даври дейилади. Конкистадорлар 1510 йили Панамада дастлабки истеҳкомларини кура бошладилар. Нуньес Бальбао 1516 йили Панама ерларини шарққа кесиб ўтиб Тинч океани соҳилига чиқди. Китъадаги дастлабки шаҳар Панамага ҳам 1519 йили испанлар асос солдилар.

Юкатан яриморотида 1517—1518 йиллари кулларни излаб юрган испанлар бўлинмаси биринчи марта юксак маданиятли — майя шаҳарларига дуч келдилар. Майялар кўзига от устидаги испанлар баҳайбат маҳлук бўлиб кўринган бўлса, испанлар ўз навбатида шаҳар ва эҳромларни куриб хайратда колдилар.

Худди шу Майя давлатини забт этиш учун 1519 йили ўзининг 16 та отлик ва 400 кишилиқ бўлинмаси

билан Эрнан Кортес Мексика қирғоғига қайықлардан тушди. Ацтеклар босиб олган ерлардаги маҳаллий халқ ўз хукмдорларига қарши испанларга ёрдам бердилар. Кортес ўз ҳарбий бўлинмасини хиндулар билан тўлдириб, ацтеклар пойтахти Теночтитлан (уни испанлар Мехико деб аташган)ни қамал қилдилар. Ацтеклар отликларни қуришлари билан даҳшат ва саросимага тушиб қолдилар. Ацтеклар подшоси дастлабки мағлубиятлардан эсанкираб қолиб, ўз пойтахтига испанларнинг киришига ижозат берди. Кўп вақт ўтмасдан Кортес хийла-найранг ишлатиб ацтеклар подшосини ҳибсга олиб, унинг номидан давлатни идора қила бошлади. Аҳоли испан қироли ҳокимиятини тан олиб, испанларга олтин ҳисобида ўлпон тўлашга мажбур қилинди. Ацтекларнинг асрлар давомида тўплаган ҳазинасига яширин эшикни топган испанлар уни қўлга киритиб, бўлиб олишди. Ҳазинанинг асосий қисми Испания қироли ва Кортесга тегди.

Истилочиларнинг шафқатсизлиги ва очкўзлигидан ғазабланган ацтеклар кўзролон кўтардилар. Тунги жангда Кортеснинг кўпгина аскарлари ҳалок бўлди, ўзи эса қуршовдан зўрға қочиб қутулди. Орадан кўп ўтмай ўз ҳарбий бўлинмасини Кубадан келган испанлар ва хиндулар билан тўлатган Кортес яна Мехикони қамал қилди. Қамал 225 кун давом этиб, шаҳар аҳолиси деярлик қириб ташланди. Теночтитлан олинса-да, Мексика ерларини тўлиқ босиб олишга испанларга яна йигирма йил вақт керак бўлди.

Мустамлакачиларнинг иккинчи оқими Панамадан жанубга йўл олди. Босқинчиларни хиндулардан эшитган Бери (Перу) афсонавий бой давлати ўзига тортарди. Истилочилар бўлинмасини чаласавод, лекин уддабурон ва золим идальго* Франсиско Писарро бошқарди. Испанларнинг 250 кишидан иборат бўлинмаси 1532 йили Перуга хужум бошлади. Инклар подшосини алдаш йўли билан асир олган Писарро уни озод қилиш эвазига жуда кўп олтин талаб қилди. Катта бир хона тўла олтинни олиб бўлгандан кейин Писар-

* *Идальго* — зодагон, дворян кишилар вакили.

ро ўз ваъдаларини бажармасдан, подшони хоинона суд қилиб ўлимга ҳукм қилди. Испанлар Перу пойтахтидаги ибодатхоналарни беаёв таладилар. Улар олинган ўлжаларни тақсимлашда олтин ва кумушдан ясалган санъат буюмларини эритиб ёмби қилдилар ва ташиб кетдилар. Испан истилочилари Америка туб халқларининг қадимги юксак маданиятини ваҳшиёна суратда йўқ қилдилар.

3. Америка аҳолисининг қул қилиниши ва қириб ташланиши. Тез орада испанлар бутун Жанубий Американи босиб олдилар. Фақат Бразилия ерларигина португалияликларга ўтди.

Испанлар ҳиндулар ерларини тортиб олиб ўзаро тақсимладилар. Маҳаллий аҳоли қул қилинди ва қарам кишиларга айлантирилди. Улар назоратчилар қамчиси остида ер чопиб экин экар ва мол боқардилар. Олтин ва кумуш конларида ишлашга жалб қилинган минглаб кишилар оғир меҳнатдан, касалликлардан қирилиб кетди.

Эрксевар ҳиндулар истилочилар учун ишлашни истамасдилар. Натижада уларнинг қўпчилиги ўз яқинларини ва ўз-ўзини ўлдирарди. Ўрмон ва тоғларга қочиб кетган кишилар худди ҳайвонларни овлагандек итлар билан тутиларди. Испанлар уларни от туёқлари остида топтардилар.

Рухонийлар ва роҳиблар ҳиндуларни христиан динига ўтишга мажбур қилардилар. Черков вакиллари ўз ёвузликларини оқлаш мақсадида уларни «ёввойи ҳайвонга ўхшаш руҳсиз махлук» деб атардилар. Христиан черкови мустамлаканинг дастлабки даврида аҳолини қул қилишда истилочиларга ёрдам берибгина қолмасдан, туб аҳоли маданиятини йўқотишда ҳам фаол қатнашди. Жумладан, епископ Диего де Ланда майя халқларининг китобларини, ёдгорликларини йўқотишда ном чиқарган эди. Ҳиндулар оғир меҳнат, очлик ва турли юқумли касалликлар билан оғришлари натижасида тез қирилиб кета бошлади. XVI асрнинг ўрталарига келиб Куба ва Кариб денгизи хавзасидаги бошқа оролларнинг туб аҳолиси испанлар томонидан қириб, йўқ қилиб юборилди.

4. Кул савдоси. Ҳиндулар кирилиб битгач, ишчи кучи етишмаслиги сабабли Америкага Африкадан негрлар қулликка келтирила бошланди. Португалияликлар бошлаб берган кул савдосига тезда испанлар, голландияликлар ва англизлар қўшилдилар. Кул савдогарлари негрларни маҳаллий зодагонлардан сотиб олар ёки ўзлари ов қилиб тутиб келтирардилар. Овга чиққан ҳарбийлар гуруҳи кечаси негрлар кишлоқларини ўраб олиб, унга ҳар томондан ўт кўяр ва саросимага тушиб қолган одамларни тутиб, қўл-оёқларини кишанлаб кемаларга юқлардилар. Уларни кеманинг ниҳоятда тор ва паст трюмларига қамаб олиб кетардилар. Ўзоқ йўлда асирларнинг кўпи ташналик ва очликдан, ҳаво етишмаслигидан ҳалок бўлардилар. Америкада негрлар кул бозорида сотиларди. Ўша давр тарихининг илк саҳифалари ана шундай қора сатрлар билан битилган эди.

5. Географик кашфиётларнинг оқибатлари. Буюк географик кашфиётларнинг жаҳон тараққиётига бениҳоя катта ижобий таъсири бўлди. Кашфиётлар жаҳон савдо йўлларини бутунлай ўзгартириб юборди. Энди савдо йўллари Левант доирасида Ўрта Ер денгизи бўйлаб эмас, балки океанлар орқали ўтадиган бўлди. Янги очилган ерлар билан савдо алоқалари — жаҳон савдосини вужудга келтирди. Географик саёҳатлар кашф этилган «Янги дунё» билан «Эски дунё» маданий ўчоқлари орасида бевоcита иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатилишига имконият яратди. Буюк географик кашфиётлар европаликларнинг дунё ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириб, билимларини оширди. Ўзга қитъалар ва халқлар тўғрисидаги кўплаб афсоналар, ноўрин фикрлар чилпарчин бўлди.

Илмий билимларнинг ривожланиши Европада саноат ва савдонинг юксалишига, молия соҳасида банк ва кредит ишларида янгича услубларни яратилишига имкон берди.

Географик кашфиётлар ва мустамлакаларни босиб олиш Европа мамлакатларида товар ишлаб чиқаришнинг ўсишига ёрдам берди. Лекин бу нарса Америка.



42-расм. XVII асрдаги йўл.

Осиё ва Африка халқларининг асрлар давомидаги қуллиги, таҳқирланиши, оғир меҳнатлари эвазига бўлди. Улар Европада янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг яратилишига хизмат қилдилар.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Португалияликлар мустамлакалари қаерларда бўлган?
2. Кортес Мексикани қандай истило қилди?
3. Перу ким томонидан ва қачон босиб олинди?
4. Туб аҳоли бўлган ҳиндулар нима сабабдан қирилиб кетдилар?
5. Қул савдоси нима сабабдан вужудга келган?
6. Географик кашфиётларнинг Европа ва дунё халқлари тарихидаги аҳамиятини гапириб беринг ва дарслик матнidan фойдаланиб қуйидаги схемани тузинг:

- 1)
- 2)
- 3)
- 4)
- 5)

XII б о б. XVI асрда Англия

42-§. Англияда саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши

1. «Қиролликнинг энг қимматбаҳо маҳсулоти». Англия XVI асрда ҳам унчалик йирик давлат эмасди. Унинг аҳолиси 3 миллионга яқин бўлиб, бу кўрсаткич, Испаниядан 3, Франциядан эса 5 баробар кам бўлган. Шу асрда бошланган ишлаб чиқаришнинг кескин ривожлана бориши уч асрдан сўнг Англияни дунё фабрикасига ва энг кучли мустамлакачи мамлакатга айлантирди. Қиролликда савдо-саноат ва қишлоқ хўжалигининг Европадаги бошқа давлатларга нисбатан эрта тараққий қилиши унинг асосий омили бўлди.

Англия бугунги кунда ҳам ўз анъаналарини ўта қадрлайдиган ва уларга содиқ давлат ҳисобланади. Мамлакат ун асрдан буён ўз қиролига ва етти асрдан бери эса парламентиغا эга. Айтишларича, инглиз парламентининг юқори палатасида, қирол тахти ёнида қўй юнги тўлдирилган қоп туради. Лордлар палатасининг раиси, лорд-канцлер унинг устида ўтиради. Бу удумнинг рамзий маъноси инглизларнинг анъанавий хўжалиги қўйчилик, юнғ ва мовут ишлаб чиқаришидир. Асрлар давомида Флоренция ва Фландрияга куп микдорда юнғ чиқарган Англияда XVI асрдан бошлаб мовутчилик саноатига асос солинди. Асрнинг ўрталарига келиб мовут инглиз ташқи савдосининг 81,6%ини ташкил қилди. Ҳунармандларнинг кичик устахоналари чет мамлакатларда инглиз мовутига бўлган талаб-

ни кондира олмай қолди. Натижада мамлакатда йирик мануфактуралар, корхоналар қуришга эҳтиёж пайдо бўлди.

2. Корхоналарнинг пайдо бўлиши. Мовутчилик Англиянинг жануби-ғарбий ва шарқий районларида, цехлар бўлмаган жойларда, кўпинча қишлоқларда кенг тарқалди. Қишлоқда камбағал деҳқонлар хўжаликдан бўш вақтларида мовутчилик билан аввалдан шуғулланиб келишарди. Ички ва ташқи бозорда мовутга талаб ортиши бу соҳага савдодан тушган фойда, капитал маблағ сарфланишига олиб келди.

Мовутга бўлган талабнинг кучайиши, қишлоқларга бадавлат мовутчи бойларни жалб қилди. Улар аҳолидан юнгни улгуржи сотиб олиб, қишлоқдаги ип йигирувчиларга берар, улардан олинган тайёр калавалар тўқувчиларга топширилиб, ундан мовут тўқитиларди. Савдогарлар тайёр мовутни шаҳарлардаги дўконларда сотишарди. Мовутнинг катта қисми кема-ларда чет элларга чиқарилиб, Англиядагига нисбатан 2,5—3 барабар қимматроқ сотиларди.

Мовутнинг асосий қисми қишлоқларда тўқиларди. Ўз уйларида мовутчи бойлар буюртмаси бўйича ишлаган камбағал деҳқонлар меҳнатлари эвазига жуда оз ҳақ олардилар. Кўпчилик ҳақ тўлаб мовутчининг тукув дастгоҳларидан фойдаланарди. Қишлоқда йирик мовутчига юзлаб йигирувчи ва тўқувчилар ишларди. Савдогардан йигириш учун юнг, дастгоҳларни, иш ҳақини олган хунармандлар вақт ўтиши билан ёлланма ишчиларга айлана бордилар.

Ўз уйида ишлаган деҳқонларни назорат қилиш мушкуллигидан, мовутчилар ишчиларни маълум биноларда тўплаб мануфактуралар ташкил эта бошладилар. Англия қишлоқларида ўнлаб ва ҳатто юзлаб ишчиси бўлган саноат корхоналари шу тарика пайдо бўлди.

Шаҳарларда ҳам баъзи бой хунармандлар, цех қонун-қоидаларига риоя қилмай ўз устахоналарини кенгайтирдилар. Улар катта бинолар қуриб дастгоҳлар ўрнатар ва кўплаб халфаларни ишга ёллардилар. Вақт

ўтиши билан бу турдаги хунармандчилик устахоналари корхонага айланиб, ундаги халфалар эса ёлланма ишчилар бўлиб қоларди. Дастлабки корхоналарда машиналар йўқ эди. Уларда барча иш қўлда қилинарди. Йигирув чархлари ва тўқув дастгоҳлари ҳам қўл билан ҳаракатга келтирилган. Шу сабабдан корхоналар — мануфактура (лотинча: «manus» қўл, «factura» буюм, яъни қўлда ясалган буюм) деб аталарди.

3. Мануфактураларда меҳнат тақсимоти. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қўпайиши хунармандчилик устахоналарида меҳнат тақсимотини вужудга келтиради. Мануфактурада меҳнат тақсимотига ҳам худди шу тарзда асос солинди. Мануфактурага бирлаштирилган ишчилар орасида меҳнатни унумли тақсимлаш ва мувофиқлаштириш имконияти мавжуд эди. Жумладан, мовутчиликда ишчиларнинг бир гуруҳи юнгни қозонларда қайнатиб, сўнг совук сувда ювар ва офтобда қурийтишарди. Бошқа бир гуруҳ ишчилар юнгни тароқ ва чўткалар билан титарди. Кейинги даврада йигирувчилар ипни йигириб ундан калава қилардилар. Тўқувчилар тайёр ипдан мато тўқисалар, бўёқчилар уни турли рангларга бўярдилар. Демак, мануфактурадаги оддий меҳнат тақсимоти, ишчиларни фақат маълум соҳада ихтисослашиб боришини таъминларди. Ишчиларнинг ҳар қайси гуруҳи умумий ишнинг фақат бир қисминигина бажарарди.

Меҳнат тақсимоти иш сифатини яхшиларди. Ишчининг доимо бир ишни бажариши, унинг бу борадаги маҳоратини оширарди. Мануфактура ишчилари сони жиҳатидан ўзига тенг бўлган майда хунармандларга нисбатан анча қўп мовут ишлаб чиқарарди. Мануфактуралардаги меҳнат тақсимоти — меҳнат унумдорлигини бирмунча ошишига ёрдам берди.

4. Буржуазия ва ёлланма ишчилар. Янги вужудга келган корхонада ҳамма нарса: бино, хомашё, асбоб-ускуналар ва тайёр маҳсулот мануфактура эгасининг мулки эди. Ўрта аср хунармандларидан фарқли ўлароқ мануфактура эгалари ўзлари ишламасдилар. Улар корхонани бошқарардилар, холос. Ишлаб

чиқарилган мовутни, корхона эгалари савдогарларга сотардилар. Мануфактура эгалари ва савдогарлар илк саноат ишлаб чиқариш даврида ёлланма ишчилар меҳнати эвазига бойлик орттириб, янги ҳукмрон буржуазия* табақаси вакилларига айландилар.

Буржуа ўрта асрлардаги феодалдан: пулдорлиги, корхоналари, мол-товар эгаси бўлиши билан фарқ қиларди. Шаҳар бойлари купинча кишлоқдан ер сотиб олар ва ҳатто дворянлик унвонини ҳам кироладан пул эвазига олиб ҳукмрон табақадан четлаб кетмасди. Буржуа вакиллари ёлланма ишчилар ёки қарам деҳқонларни ишлатиши — усулларида ҳам бирмунча фарқ бор эди. Ёлланма ишчилар шахси эркин кишилар эди. Уларда на ер ва на ўз хўжалиги бор эди. Ишчилар ўзи ва оила аъзолари очидан ўлмаслиги учун корхона эгаларига ёлланиб ишлардилар. Эрта тонгдан шомгача ишлаган ишчининг маоши ярим оч ҳаёт кечиришга етарди, холос. Мануфактура эгалари ва савдогарлар эса ишчилар тайёрлаган буюмларидан яхшигина даромад қиларди.

Мануфактуралар дастлабки (саноат) корхоналари бўлиб, улар ёлланма ишчилар меҳнатига асосланган эди. Мануфактуралар мовутчиликдан ташқари тоғ-кончиликда, металлургия, қурул-аслаҳа ишлаб чиқаришда, китоб босишда ҳам вужудга келди. Англияда 1550—1650 йилларда мис, қўрошин, қалай чиқариш 6—8, тошқўмир қазиб чиқариш эса 8 баравар ўсди. Табиийки, буларнинг барчасини мануфактураларнинг хизмати дейиш мумкин.

Шундай қилиб, мануфактуралар янги корхона



43-расм. Карл II тасвири туширилган олтин танга.

* Буржуазия (буржуа) — французча шаҳар кишиси дегани.

бўлиб, уларда ҳали қўл меҳнатига асосланган дастгоҳлар ишлатиларди. Мануфактураларда меҳнат тақсимоти ривожлана борди. Корхоналарнинг пайдо бўлиши билан янги: буржуазия ва ёлланма ишчилар қатлами шакллана бошлади.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Англия қироллигидаги «энг қимматбаҳо маҳсулот» нима эди?
2. Четга юнг чиқаришдан мовут чиқаришнинг афзаллиги нимада эканлигини тушунтириб беринг.
3. Дастлабки корхоналар қаерда ва қандай пайдо бўлган?
4. Мануфактуралардаги меҳнат тақсимотини нималар таъминлади?
5. Янги жамият ва ундаги қатламлар ҳақида гапириб беринг.

Мустақил иш

Мануфактуранинг ҳунармандчилик устахонасидан ажралиб турувчи фарқини кўрсатувчи қуйидагича жадвал тузинг:

Киёслаш учун саволлар	Ҳунармандчилик устахонаси	Мануфактура
Корхоналарнинг хажми қандай? Уларда кимлар меҳнат қилган? Қандай меҳнат қуроллари қўлланилган? Меҳнат қуроллари ва тайёрланган меҳнат маҳсулотлари кимга қарашли эди? Меҳнат тақсимоти бор эдими?		

Худоса чиқаринг: Нима учун мануфактура ишлаб чиқаришни ривожлантиришда цех хунармандчилигига нисбатан олра босилган кадам эди?

Дарслик матнидан фойдаланиб цех хунарманди билан ёлланма ишчининг ахволи ва меҳнатини таққослаи.

43-§. Англияда «гов тутиш» сиёсати ва унинг оқибатлари

1. Дехқонларнинг ўз ерларидан ажралиши
Англияда мовутчилик саноати ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши муҳим ўзгаришларга олиб келди. Мамлакатда XVIII аср ўрталарига келиб деҳқон хўжалиги ва деҳқонлар табақалари йўқолиб, уларнинг ўрнини хўжаликни янги усулда ташкил этган фермерлар эгаллади.

Мовут ишлаб чиқаришнинг кўпайиб бориши юнгнинг нархи тўхтовсиз ошишига олиб келди. Юнг манбаси бўлган қўйчиликни ривожлантириш учун эса катта яйловлар зарур эди. Йирик ер эгалари дастлаб қишлоқ жамоаларига қарашли яйловлар ва бўш ерларни тортиб ола бошладилар. Маълум вақтдан кейин бу ҳам камлик қилиб, деҳқонларнинг экин экиладиган ерлари ҳам турли йўллар билан олина бошланди. Дворянлар деҳқонларнинг хўжалик юритишини қийинлаштириш мақсадида уларнинг моллари сув ичишга борадиган йўлларни қаздириб ташлар, яйловга кирган молларга катта жарималар солишарди. Ер эгалари анъанавий удумларни бузиб, ер учун тўланадиган ижара ҳақини оширардилар. Ўз еридан ажралиб қашшоқлашган деҳқонлар эса доимий сиқувларга чидай олмасдан ўз хўжаликларини, уйларини ташлаб шаҳарларга кета бошладилар. Дворянлар деҳқонларни ерларидан зўравонлик билан ҳайдаб юборар, уларнинг уйларини бузиб ташлар, бутун-бутун қишлоқларни яксон қилардилар. Бу даврдаги карталарда «Илгари бу жой қишлоқ эди, ҳозир эса яйловдир» деган ёзувлар пайдо бўлди. Дворянлар тортиб олинган ерлар атрофини гов туттириб ёки зовур қаздириб тўс-

ганлар. Шу сабабдан Англияда дехқонлар ерини зуравонлик билан тортиб олиш тарихшуносликда «гов тутиш» деб ном олди.

Бу жараёнда ўзига тўқ дехқонлар ҳам қатнашганлар. Улар ҳам ер-мулклари яқинида жойлашган жамоа ерлари ва яйловларини гов тутиб тортиб ола бошладилар. Қирол Генрих VIII нинг мамлакатдаги умумий ерларнинг $1/3$ қисмини ташкил қилган черков ерларини мусодара қилиши ҳам халқнинг зарарига бўлди. Бу ерларни инъомга ёки сотиб олган янги дворянлар, фермерлар ҳам ижара ҳақини қўпайтириш, гов тутиш ёки дехқонларни бу ерлардан ҳайдаш орқали ерсизлар сонини қўпайтирдилар. Черков ерлари ҳисобига кун кечирган қўпсонли роҳиблар ҳам оғир аҳволга тушиб қолдилар.

Гов тутиш сиёсати натижасида Англияда ери ва яшаши учун бошқа воситалари бўлмаган юз минглаб шахси эркин кишилар пайдо бўлди. Англияда XVI асрда халқ орасида кенг тарқалган «Одамлар қўйларга ем бўлаяпти» деган матал айни ҳақиқат эди.

2. Янги дворянлар. Дехқонларнинг ерларини тортиб олиб яйловларини кенгайтирган дворянлар йирик қўй отарларини сақлардилар. Баъзи ер эгалари уни йирик чорвадор-фермерларга катта пул эвазига ижарага берардилар. Ерларнинг маълум қисми дехқонларга қисқа муддатли ижарага бўлиб берилган. XVI асрнинг иккинчи ярмидан шаҳарлар аҳолиси ўсиб кишлоқ хўжалиги маҳсулотларига: нон, сугўштга талаб кучайди. Натижада дворянлар тортиб олинган ерларни янги турдаги фермер хўжаликларига бера бошладилар. Англияда ўз хўжалигини янгича юритган ер эгалари эса янги дворянлар деб атала бошланди.

Янги дворянлар уруш анжомларини йиғиштириб ҳисоб-китоб дафтарини қўлга олдилар. Улар ўз даромадларини ошириш мақсадида бозорга қўплаб юнг, ғалла, гўшт ва сабзавотлар чиқара бошладилар. Дворянларнинг бир қисми мовутчилик ва кўнчилик мануфактураларига ҳам эга эдилар. Англияда ворисликка катта ўғилнинг қўлиши (майорат) дворяннинг бошқа

уғилларини давлат хизмати, савдо ва ишбилармонлик билан шуғулланишга мажбур қиларди. Улар маълум бойлик тўплашлари билан ер-мулк сотиб олардилар ва жентельменларга айланардилар. Дворянлар илгаригидек ўз фарзандларини савдога қўйишдан ва савдогарлар билан куда-андачилик қилишдан бош тортмай қўйдилар. Замондошлардан бирининг айтишича, янги инглиз дворянларининг даромадлари XVI аср охирида, пэр, епископлар ва эски аристократия вакиллариникига қараганда 3 барабар кўп бўлган. Англияда аста-секин янги дворянлар билан буржуазиянинг яқинлашуви бошланди.


3. Кирилларнинг «қонли қонунлари». Мануфактуралар ва фермер хўжаликлари XVI асрда ўз еридан ажраган, қувғин қилинган кишиларнинг барчасини иш билан таъминлай олмасди. Натижада Англияда ишсизлар, қашшоқ ва дайдилар оломони пайдо бўлди. Тюдорлар сулоласи вакили Генрих VIII қироллиги даврида дайдичилик ва тиланчиликка қарши шафқатсиз қонунлар чиқарилди. Агар меҳнатга яроқли киши тиланчилик қилса, қонунга биноан уни калтаклаб, бошқа бу ишни такрорламасликка қасам ичдириб кейин қўйиб юборишган. Иккинчи маротаба бу гуноҳи учун айбдор калтакланиб қулоғининг ярми кесиб ташланган ва юзига тамға босилган. Учинчи сафар ушланиш унинг учун ўлим жазосига ҳукм қилиниши билан якунланган. Бу қонунга биноан XVI асрнинг биринчи ярмидаёқ Англияда 70 минг киши дорга осилди. Қирол Эдуард IV нинг 1547 йилги қонунига биноан ишламасдан юрган дайдилар ҳақида хабар берган кишига уларни қулликка беришган.

Хонавайрон бўлган деҳқонлар очдан ўлмаслик учун ёки дорга осилишдан қўрқиб энг кам маошга ҳам рози бўлиб ишга ёлланардилар. Бу нарсадан мануфактура эгалари ва янги дворянлар манфаатдор эдилар. Англиядаги бу қонунлар собиқ деҳқонлар табақаси вакилларини зўравонлик билан ёлланма ишчиларга айлантирилишига ёрдам берди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Англияда деҳқонларнинг ерсизланиши сабаблари ни айтинг.
2. Ер эгалиги борасида жамиятда қандай ўзгаришлар бўлди?
3. Янги дворянларнинг эски дворянлардан фарқи нимада эди?
4. Қарам деҳқон ва фермер хужалиги орасидаги фарқни тушунтириб беринг.
5. «Қонли қонунлар» сиёсатининг сабаблари ва натижаси нимада бўлди?

Дафтарингизга қуйидаги схемани чизиб тўлдиринг: XVI асрда Англиядаги давлатнинг вазифалари



44-§. Денгиз савдоси ва мустамлакалар учун кураш

1. Денгиз савдосининг тараққиёти. XVI асрдаги ички ва ташқи савдонинг ўсиши Англия иқтисодий тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. Мамлакатда ягона миллий бозор вужудга келди. Мануфактуралар ва ёлланма ишчиларнинг кўпайиши унинг ҳажмини оширди. XVI асрга қадар Англиянинг Италия ва Шарқ мамлакатлари билан савдоси венециялик ва генуялик савдогарлар қўлида эди. Шимолий Европадаги савдо-сотикда эса немис савдогарларининг мавқеи баланд бўлган.

Буюк географик кашфиётлардан кейин ахвол бутунлай ўзгарди. Энди Англия энг муҳим денгиз савдо йўллари устидаги давлатга айланди. Мамлакат пойтах-

ти Лондон эса кема тўхтайдиган жойлари, омборлари кўп бўлган йирик порт шахрига айланди. Аҳолиси сони 200 мингга етган Лондонда йирик савдогарларнинг кўпгина идоралари ва банклар пайдо бўлди.

Мануфактураларнинг ривожланиши Англия чет мамлакатларга чиқараётган тайёр моллар ҳажмининг янада кўпайишига олиб келди. Инглиз савдогарлари XVI асрдан бутун ташки савдони ўзлари тузган йирик компаниялар қўлида жамладилар. Ҳукуматдан бирмунча енгилликлар олган «Шаркий», «Москва», «Марокаш», «Левант» ва «Гвинея» компанияларининг кемалари дунё бўйлаб савдо-сотик олиб бордилар. Англияда 1600 йили тузилган «Ост-Индия» компанияси инглизларнинг Ҳиндистонга киришини таъминлади. Қирол кўпинча ҳар бир компанияга дунёнинг маълум ҳудудларида танҳо савдо қилиш ҳуқуқини — патентини сотарди. Бу эса компаниялар учун рақобатчиларсиз савдони ва моллар нархини барқарор бўлишини таъминларди.

Компаниялар даромадидан келаётган солиқлардан ҳазинаси муттасил бойиб бораётган қироллар янги компаниялар тузиш, ташки савдони янада ривожлантиришга ҳамisha хайрихоҳлик билан қарардилар. Ташки савдодан келадиган даромад ниҳоят катта бўлган. Унчалик узоқ масофада бўлмаган Яқин Шарқ мамлакатларида мовут Англиядагига нисбатан 2,5 баравар, Левант пахтасини мамлакатга келтириш эса 3,5 баравар фойда келтирарди.

Иктисодий юксалиш Англияда кемасозликнинг ўсишини таъминлади. Тез орада инглиз кемалари ўзининг денгизда сузиш сифатлари билан кўплаб мамлакатлар флотини ортида қолдирди.

2. Англия — Испания муносабатлари. Англия Испания билан турли соҳаларда рақобатда бўлган. Уларнинг биринчиси денгиз савдоси эди. XVI асрда энг кўп мустамлакалари бўлган Испания денгизда савдо қилишни бошқа давлатларга тақиқлаб қўйганди. Англия ташки сиёсатида эса худди шу чет мамлакатлар билан савдо муҳим роль ўйнади. Испания бу сиёсатнинг амалга ошишидаги биринчи ва асосий тўсик эди.

XVI асрнинг бошида Англияда қироллик тахти учун кураш бошланди. Дастлаб келишмовчиликларни ҳукмрон сулолалар уртасидаги никоҳ йўли билан ечишга ҳаракат қилинди. Генрих VIII 1509 йили тахтга келиши билан акасининг беваси Арагонлик Екатеринага уйланди. Кейинчалик уларнинг кизи Мария Тюдор испан қироли Филипп II га турмушга берилди. Лекин Англияда протестантлик мазҳабининг расмий тан олиниши католик Испания билан муносабатларни мураккаблаштирди. Бу кураш айниқса қиролича Елизавета I Тюдор (1558—1603 йиллар) даврида кучайди. Англо-канлик черковини ҳар томонлама қўллаган қиролича Европада протестантлик ҳомийсига айланди. Елизавета испан қиролига қарши кўтарилган ҳар қандай қўзғолонга доимо ҳомийлик қилиб, моддий ёрдам берди. Улар қаторида Нидерландия гёзлари, Франциядаги гугенотлар ҳаракати ҳам бор эди.

Испания ҳукмронлигига қарши курашни Елизавета денгиз савдо йўлларида ҳам давом эттирди. Янги инглиз флотининг тузилишида биринчи марта хусусий мулкдорлар, савдогарлар ва ҳатто денгиз қароқчиларидан ҳам фойдаланилди. Қироличанинг норасмий рухсатига суяниб инглиз денгиз қароқчилари испанларнинг Америка қирғоқларидаги мулкларини, уларнинг Европага олиб кетаётган олтин ва қумуш ортилган кемаларини талардилар.

Инглиз қароқчиси Френсис Дрейк кичик бир флот билан Магеллан қўлиғидан ўтиб Жанубий Американинг ғарбий сохилларидаги испан мулкларини таллади. Улардаги Испанияга олиб кетиш учун тайёрлаб қўйилган олтин ва қумуш инглизлар қўлига тушди. Шундан кейин Дрейк кемалари Тинч ва Ҳинд океани орқали сузиб, Магелландан кейинги иккинчи дунё айлана саёҳатини тугатиб, жуда катта ўлжалар билан Англияга қайтиб келди. Испания элчисининг мамлакатига етказилган зарарларни коплашни талаб этиб Елизаветага мурожаат қилиши беҳуда кетди. Миллий қахрамонга айланган Дрейк рицарлик унвонини ўз кемасида, шахсан қироличанинг қўлидан олди. Елизавета давридаги денгиз флотининг икки машҳур ад-

миралли — Дрейк ва Гаукинслар карокчилардан чиққан эди.

3. «Енгилмас Армада»^{*}нинг мағлубияти. Англия ва Испания курашнинг сунгги даври 1588 йили Испаниянинг «Енгилмас Армада»сининг Англия қирғокларидаги ҳалокати билан якунланди.

Англияга бостириб киришга тайёрланган испанларнинг 134 та оғир кемаси, 20 минг аскар, 2500 тупи бўлган флоти 1588 йилнинг ёзида йўлга чиқади. Инглизлар душманга қарши 200 га яқин катта-кичик ҳарбий, савдо ва карокчилар кемаларини тўпладилар. Дастлабки тўқнашув Ла-Манш бўғозида инглизларнинг испанлар флотига ҳужуми билан бошланди. Плимутда давом этган икки ҳафталик жангларда енгил, тезюрак инглиз кемалари испанларнинг кўпгина бесақай кемаларини тўпга тутиб ишдан чиқарди, ёндириб ва сувга чўктириб юборди. Оғир аҳволда қолган испан флоти Шимолий денгиз томонга суриб чиқарилди. Армада қўмондонлиги Британия ороллари шимолдан айланиб ўтиб ватанига қайтишга қарор қилди. Лекин кучли бўрон испан кемаларини тўзатиб юборди. Уларнинг бир қисми қирғокдаги қоятошларга урилиб парчаланди, баъзилари денгизга чўкиб кетди.

Испан флотининг омон қолган қисми ўз ватанига зўрға етиб келди. Бу ғалабадан руҳланган инглизлар 1596 йили Пиренеядаги Кадис портида испан флотини тор-мор қилди ва Англия кучли денгиз давлатига айланди.

4. Англиянинг дастлабки мустамлакалари. Испан флотининг мағлубиятларидан сўнг Англиянинг мустамлакачилик сиёсатига йўл очилди. XVII асрнинг бошларида Шимолий Американинг шарқий соҳилларида биринчи инглиз мустамлакаси — Виргинияга асос солинди. Уни кашф қилган Вольтер Рели аслида афсонавий бой «Элдорадо»ни излаб чиққанди. Олтинга инглизлар тамакини топишди. Дастлабки кўчиб келган колонист-инглизларни маҳаллий халқ —

^{*} «Армада» — испанча «катта флот» демакдир.

хиндулар дўстона қабул қилдилар. Уларга ўз ерларидан бир қисмини бериб зарур пайтларда озик-овкат билан таъминлаб туришди. Лекин тез орада инглиз ва ирланд мустамлакачилари зўравонлик билан янги ерларни босиб олишга киришдилар. Маҳаллий аҳоли ўз ерларидан ўрмон ва даштларга суриб чиқарила бошланди. Ҳиндулар билан бўлган талончилик урушлари кўплаб қишлоқлар аҳолисининг кирилишига олиб келди.

Инглизларнинг «Ост-Индия» компанияси флоти 1600 йили «зираворлар ороли» Молуккга етиб борди. Улар шу йили Ҳиндистоннинг Сурат портига ҳам кирдилар. Компания тез орада совға ва пора бериш йўли билан Бобурийлар сулоласи шоҳларидан Ҳиндистон билан божсиз савдо қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. «Ост-Индия» савдогарлари Европадаги газламалар, зираворлар ва бошқа молларни олиб келарди. Вақт ўтиб инглизлар португалиялик савдогарларни Ҳинд океани ҳавзасидан суриб чиқара бошладилар. Улар Ҳиндистонда мустаҳкам ўрнашиш мақсадида бир қанча қалъалар қурдилар.

Бир қарашда Англияда мануфактуранинг вужудга келиши, деҳқонларнинг ўз ерларидан ҳайдалиши, шафқатсиз қонунлар халқнинг нақадар жабрланишига сабаб бўлганига ишонч ҳосил қилдик. Лекин иқтисодий муносабатларнинг янги шароитларда ривожланиши мустамлакаларга эга бўлиш, буларнинг ҳаммаси охиروқибат Англиянинг иқтисодий ривожланишига, унинг буюк давлатга айланишига имконият яратди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. XVI асрда Англияда давлатнинг вазифаси нимадан иборат бўлди?
2. Тюдорлар қироллик ҳокимияти кимларнинг манфаатини ҳимоя қилди?
3. Денгиз савдосининг ривожланиши омилларини санаб ўтинг.
4. Англия ва Испания орасидаги келишмовчилик сабаблари нимада эди?

5. Англия — Испания урушларини ҳикоя қилиб беринг.

6. Мамлакатнинг мустамлакачилик сиёсати қачон ва қаерда бошланди?

XIII б о б. Европада реформациянинг* бошланиши

45-§. Чехияда умумхалқ курашининг етилиши. Ян Гус таълимоти. Гусчилар ҳаракати ва унинг оқибатлари

1. Умумхалқ норозилигининг кучайиши. XIV—XV асрларда Чехия иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакат ҳисобланарди. Чехларнинг қумуш конлари, мовут туқиши, сурп саноати ривожланганлиги, қишлоқ хўжалигидаги ютуқлари, кенг халқаро савдо алоқалари Чехияга Европадаги энг бой мамлакатлардан бири сифатида шон-шухрат келтирди. Аммо, Чехиянинг бойлигига немис зодагонлари кўз олайтирарди. Улар Чехия қироли хизматига кирар ва саройдаги юқори мансабларни эгаллардилар ҳамда хизматлари эвазига катта поместьелар билан тақдирланардилар.

Чехия шаҳарларига немис савдогарлари ва ҳунармандлари кўчиб келиб шаҳарни идора қилиш ишларини ўз қўлларига ола бошладилар. Келгинди немислар маҳаллий чехларга қараганда анча имтиёзли аҳволда кун кечирарди.

Католик черкови Чехиянинг ғоят катта ер эгаси эди. Мамлакатдаги энг унумдор ерларнинг 1/3 қисми черков қўлида бўлган. Бехисоб черков туловларидан деҳқонлар ва шаҳарликларнинг тинкаси қуриган эди. Рухонийлар Чехиядан оладиган даромадларининг анча қисмини Римга юборарди. Рухонийларнинг анчагина қисмини катта ер-мулкка эгалик қилувчи не-

* Реформация — христиан черковини ислохот қилиш, янги таркиб топган тартибларига мослаштириш.

мис келгиндилари ташкил қиларди. Чехияда католик черкови ва ажнабий немис зўравонлигига қарши умумий норозилик кучайиб борди.

2. Ян Гус таълимоти. Европада XVI аср — реформация асри деб аталади. Лекин черковни ислох қилиш ғояларини дастлаб чехиялик Ян Гус (1371—1415 йилларда яшаган) тарғиб қилган эди. У бу соҳада ўз замонасидан анча илгарилаб кетганди.

Прага университети профессори бўлган Ян Гус ўзининг черковдаги ваъзларида католик руҳонийларининг қилмишларини шафқатсизлик билан фош этарди. У Римда черков мансаблари пулга сотилаётганидан ғазабланиб, папани «қаллоблар пири» деб атаганди. Гус Чехияда индульгенция савдосини қаттиқ қоралади. «Бечора кампирнинг охирги чақасини ҳам бемон руҳоний шилиб олади. Шундан кейин черков ходимини ўғридан ҳам муғомбирроқ ва ёвузроқ демай бўладими?»

Тез орада Ян Гус оддий танқиддан черков тартибларини ўзгартиришни талаб қилишга ўтди. У черковнинг қаллоблик билан тўплаган бойликларини, епископлардан ва монастирлардан ерларни тортиб олишга даъват қилди. Бу чақириқнинг сабаби Чехия ерларининг 1/3 қисми, яна 14 та шаҳар, 900 кишлоқ католик черковига тегишли бўлганида эди.

Ян Гус фикрича, Чехиянинг ўз мустақил черкови бўлиши, у папага эмас, киролга бўйсунishi керак эди. Ушбу мақсадга агар тинч йўл билан эришиб бўлмаса, Рим папасига қарши курашиш зарурлиги ҳам таъкидланган. «Биродарлар, урушиш пайти ва қиличга навбат келди» деб уқтирарди Гус. У аҳолини черков маросимларига пул тўламасликка чақирди. Гус ғояларига биноан черковдаги ваъзлар она тилида ўтказилиши зарур эди. У ажнабийларнинг зўравонлигига ҳам қарши курашга чақирарди. У фақат буюк реформатор бўлибгина қолмасдан, иқтидорли олим ҳам эди. Гус ҳозирги кунга қадар қўлланилаётган чех тили грамматикасини яратди.

Прага архиепископи Ян Гусга ибодатхоналарда ваъз айтишни тақиқлаб қўйди. У муртад деб эълон қили-

ниб, церковдан ҳайдалди. Шундан кейин Гус ўз фаолиятини Чехиянинг жанубида, деҳқонлар орасида давом эттирди.

Рим папасининг Германияда чақирган Констанца собори Ян Гусни таклиф қилди. Германия императори берган ҳимоя ёрлиғига ишонган Гус ўз рояларини ҳимоя қилиш учун Констанцага келди.

Католик черкови қарори билан ҳибсга олинган Ян Гус занжирбанд қилиниб, зиндонга ташланди. Орадан олти ой ўтгандан кейин уни суд қилдилар. Собор уни даҳрий деб эълон қилиб, ўз рояларидан кечишни талаб қилди. Ян Гус «Виждонимга хиёнат қилмайман. Агар мен ўз сўзимдан қайтсам, доимо ҳақиқатни ўргатган халқимга қайси юз билан қарайман» деб жавоб берди. У ўз маслагидан қайтишдан ўлимни афзал қўрди. 1415 йили гулханда куйдирилган Ян Гус ўз ўлимини мардонавор қарши олди.

3. Гусчиларнинг урушлари. Ян Гуснинг қатл қилиниши чех халқини ғазабга келтирди. Гуснинг тарафдорлари бўлган рухонийлар халқ ичида унинг таълимоти кенг ёйилишига хизмат қилдилар. Уларнинг ҳаммаси биргаликда ўзларини «гусчилар» деб атадилар.

Гусчилар ҳаракатининг чўққиси Прагада 1419 йили бошланган халқ қўзғолони бўлди. Қўзғолончилар шаҳар ҳокимларини, унда яшовчи немис бойларини ҳайдаб чиқардилар. Халқнинг ғазаби айниқса католик черковига ва унинг муассасаларига қаратилди. Монастирлар остин-устин қилинди, баъзи рухонийлар ўлдирилди.

Мамлакат бўйлаб қўзғолон кутарган халқ Чехиянинг Табор тоғлари этагида йиғила бошлади. Қўзғолончиларнинг камбағал халқ вакили бўлган қисми ўзларини «*таборийлар*» деб атадилар. Бой хунарамандлар, савдогарлар ҳамда чех феодалларининг манфаатига хизмат қилиш учун кураш бошлаганлар эса «*мўътадиллар*» номини олди. Ҳукмрон немис феодалларига қарши умумий кураш бу икки гуруҳни бирлаштирувчи асосий мақсад эди.

Католик черкови ва немис феодаллари Чехиядаги

ўз бойликларидан осонликча маҳрум бўлишни истамасдилар. Тез орада Рим папаси гусчиларга қарши салиб юришлари эълон қилди. Германия императори бошчилик қилган юриш қатнашчилари ичида немис ва Европанинг бошқа мамлакатларидан келган рицарлар ҳамда ёлланма аскарлар бор эди. Салибчиларнинг Прага остоналарига 1420 йилги юришлари мағлубият билан тугади. Салибчиларнинг кейинги уч юришлари ҳам муваффақиятсиз бўлди. Рицарларга қарши урушларда Чехиянинг машҳур лашкарбошиси Ян Жишка фаолияти айниқса таҳсинга сазовордир.

Чет эллик душманларини енгган қўзғолончилар ўзaro келиша олишмасди. Таборийларнинг маҳаллий бойларга нафрати ва черков ер эғалигини йўқотишга ҳаракати мўътадилларда уларга нисбатан душманлик ҳиссини уйғотарди.

Қарама-қаршиликлар 1434 йили Прага шарқида гусчилар ҳаракатининг икки оқими вакиллари орасида жанг билан тугади. Бу жангда мўътадиллар ғалаба қилиб, Чехияда ўз ҳукмронлигини ўрнатдилар.

Гусчиларнинг илғор ғоялари: жумладан, Рим папаридан алоҳида миллий черков тузиш, христиан черкови ер-мулкларини мусодара қилиш, индульгенция савдосини тақиқлаш ва бошқа қарашлар Европада халқ оммасининг кейинги даврдаги курашига ёрдам берди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Рим папаси ва католик черкови бойликларининг манбалари қандай бўлган?
2. Ян Гус таълимотининг моҳияти нимада эди?
3. Католик черкови нима сабабдан Гусни гулҳанда ёндирди?
4. Чехияда гусчилар ҳаракатини бошланишига нима-лар сабаб бўлди?
5. Таборийлар ва мўътадиллар орасида қандай фарқ бўлган?

Дарслик матнидан фойдаланиб дафтарингизга
қуйидаги жадвални тулдилинг:

Таккослаш учун саволлар	Таборийлар	Муътадиллар
1. Оқим иштирокчиларининг таркиби. 2. Нимага қарши қурашдилар? 3. Ўз олдиларига қандай мақсад қўйдилар?		

46-§. Германияда реформация. Мартин Лютер таълимоти

1. Германия реформация арафасида. Сиёсий жихатдан тарқоқ бўлса-да, XVI асрда мамлакат ҳужалиги анча ўсди. Жумладан, Германия тор-кон саноатида бу даврда 100 минг киши ишлаганлиги фикримизга далил бўла олади. Германияда кончилик, тўқимачилик, китоб босиш соҳаларида мануфактуралар вужудга келиб, капиталистик ишлаб чиқариш ривожланди. Шаҳарларда мавжуд цех ташкилотларининг қаршилиги Германияда ҳам мануфактураларни кишлоқ жойларида вужудга келишига сабаб бўлди. Германия жанубидаги Аугсбург, Нюренберг шаҳарлари савдогарлари шу йўл билан катта бойликлар тўплади.

Европанинг энг бой кишилари саналган Фуггерлар хонадони тарихи бунга мисол бўла олади. Фуггерлар бойлиги тўпланишида икки сана айниқса муҳимдир: 1367 йили сентябрида Ганс Фуггер ўзи туғилган Грабен қишлоғини ташлаб Аугсбургга келди. Бутун оила аъзолари билан кўчиб келган Фуггер фаолиятини оддий тўқувчиликдан бошлади. Иккинчи сана 1442 йилдир: шу йили унинг ворислари савдогарлик билан шуғулланиб, қўшни шаҳарлар ва ҳатто Венеция билан савдо олиб борган. Кейинчалик Фуггерлар узок ўлкалар билан савдо-сотик қилганлар. Германия императори, Рим папаси, кўплаб қироллар ва князлар Фуггерлар хонадонидан қарзга пул олганлар.



44-расм. Немис кемаси.

2. Дехқонлар аҳволи. Шаҳарлар кўпайиб, уларда аҳоли сонининг ошиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ўсишига олиб келди. Бозорда фақат ғалла ва гўшти эмас, ҳатто юнг ва зигирпояни ҳам яхшигина пуллаш мумкин эди. Бундай шароитда феодаллар етиштирилган маҳсулотни кўпайтириш мақсадида ўз ерларини дехқонларнинг чек ерларини тортиб олиш ҳисобига кенгайтира бошладилар. Натижада феодаллар дехқонларнинг жамоа ерларини босиб олиб, уларга ўрмонлардан ўтин йиғиш, дарё ва кўллардан балиқ овлашни, ўтлоқларда ўз молларини боқишни тақиқлаб қўйдилар. Ер эгалари қарам дехқонларнинг меҳнат мажбуриятларини кўпайтириб, оброк ва бошқа солиқлар миқдорини янада оширардилар.

Дехқонлар черковга ушр, яъни ҳосилнинг ўндан бирини тўлардилар. Турли солиқларга пули етмаган аҳоли шаҳарлик судхўрлардан қарз оларди. Турмуш оғир бўлишига қарамасдан, қарам дехқонлар ўз ерларини ташлаб кетишлари мумкин эмасди. Германияда дехқонларнинг қарамлиги янги ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланишига тўсқинлик қилди.

Мамлакатда сиёсий тарқоқлик ўрта асрларнинг ҳамма даврларида давом этиб ягона қонун, хазина ва ҳатто умумий қўшин ҳам йўқ эди.



45-расм. Немисларнинг қишлоқ уйлари.

Германиядаги ҳар бир йирик феодал — князнинг ер мулки ва кўплаб йирик шаҳарлар мустақил давлат ҳисобланарди. Князларнинг ёлланма қўшини бўлиб, улар ўзаро урушларда иштирок этардилар. Ҳар бир князь пул зарб эттирар, халқдан солиқ йиғар, аҳолини суд қиларди. Феодал тарқоқлик Германиянинг иқтисодий тараққиётига, саноати ва савдосининг ривожланишига тўсқинлик қиларди.

3. Германияда католик черкови. Рим папаларидан бири «Исо ҳақидаги афсонанинг биз учун кўп фойдаси борлиги азалдан маълум» деган эди. Католик черкови бошқа Европа халқлари каби немис халқига ҳам катта жабр-зулм келтирди. Мамлакатда черковга қарашли ерлар кўп эди. Рейн дарёси соҳилларидаги энг гузал ва унумдор ерлар, уларда жойлашган унлаб шаҳар ва қишлоқлар христиан черковига қарарди. Мамлакатда бир неча архиепископлар мустақил князь эдилар. Германия императорини сайлаб қўядиган етти князнинг учтаси архиепископ эди. Рим папаси эса Германиядан ушр сифатида жуда катта даромад оларди.

Қироллар ҳокимияти кучли бўлган мамлакатларда черковнинг Римга юборадиган туловлари чеклаб қўйилганди. Император заиф, майда князликлардан иборат Германияда католик черкови халқни талар эди.

XVI асрнинг бошларида Германия аҳолисининг барча тоифалари католик черковидан норози эдилар.

4. Лютернинг реформацион ғоялари. XV аср-га келиб Европада католик черковига қарши мухолифлар гуруҳи таркиб топди. Улар черковни ислоҳ қилиш заруриятини тушуниб етган билимдон ва илғор кишилари эдилар. Ушбу ҳаракат Германияда айниқса оммавий тус олди. Сабаби: Рим папаси итальян бўлиб, немис халқи манфаатлари унга бегона эди. Натижада, Рим папаси тез-тез Германияга епископларни ва аббатларни немис тилини билмайдиган ҳамюртларидан тайинларди. Бунинг устига черков тайинлаган диний амалдорларнинг купчилиги ўз ўрнига дьяконларни қўйиб, фақат олинаётган даромадлар билан қизиққанлар, холос.

XVI аср бошиларда черков аҳоли орасида гуноҳлардан кечиш ёрлиғини сотишни кенг йўлга қўйди. Индульгенцияларни гуноҳлардан фориғ қилиш «қудратига» қараб 10 та туркумга бўлдилар. Ундан тушган даромадлар Римда папалар бошлаган улкан саройлар қурилишига ишлатилиши мўлжалланганди.

Халқнинг умумий норозилиги кучайган бир шароитда черковга қарши ошқора ҳаракатнинг бошланишига биринчи туртки зарур эди. Мартин Лютер Германиянинг шимолида индульгенция ёрлиқлари савдосини бошлаган роҳиб Тецелга мактуб йўллаб, ундан шаҳарнинг диндор аҳолисини безовта қилмаслигини илтимос қилди. Тецелнинг жавоби қўпол тарзда унинг илтимосини рад қилишдан иборат бўлди. Роҳибнинг «Пулни чузаверинглар! Қариндош-уруғларингизни ва яқинларингизни дузах азобидан сақлаб қолинглар! Менинг қутичамга танга ёки сўлкавой ташланиши биланоқ гуноҳкорнинг жони жаннатга дохил бўлади!» деган қичкириғи бозор майдонидан баралла эшитилиб турарди.

Виттенберг университети илоҳиёт профессори, роҳиб Мартин Лютер индульгенция ёрлиқларини сотишга қарши чиқди. У 1517 йилда университет черкови эшикларига ўзининг — «95 тезислари»ни ёпиштирди. Ушбу хитобномада Лютер папанинг гуноҳларни кечиш ёрлиқлари — индульгенциялар сотишини қоралади ва бунга қўшилмаганларни мунозарага ча-

қирди. Лютернинг чакириғи бутун мамлакатни жунбушга келтирди.

Лютер ўз ғояларида черков, худо ва одамлар орасида воситачи бўлаолмаслигини эътироф этди. Кўп утмай у черков папасиз ҳам яшаши мумкин, деб фикр билдирди. Лютер Ян Гус таълимотининг кўп томонларига хайрихоҳлигини таъкидлади. Рим папаларига қарши қатъий кураш олиб боришга чақирган Лютер, уларга ушр тўламасликни таклиф қилди.

Лютернинг чиқиши ҳақидаги хабар Римга етиб боргач, папа «Виттенберглик одобсиз монахни шаккокликда айблади». Папанинг Лютерни лаънатловчи ёрлик юбориши, Германияда аҳолининг умумий фикрини таҳқирлади. Лютер папа ёрлиғини 1520 йили 10 декабрида Виттенберг университети профессорлари ва талабалари ҳузурида ёндириб ташлади.

Шу йили ёзилган икки асарида Лютер католик черкови ислоҳи қандай бўлиши кераклигини баён қилди. У Рим папаларининг дунёвий ҳокимиятига чек қўйилиши, черков эса давлатга бўйсунishi кераклигини тарғиб этди. Епископларнинг папага қасамёдини бекор қилишни, умуман, Германияда мустақил черков тузиш ғоясини ёқлаб чиқди. Лютернинг янги ғоялари тез орада бутун мамлакатга тарқалди.

Лютер черковдан қувғин этилиши билан вазият янада мураккаблашди. Вормс шаҳрида, 1521 йили йиғилган империя мажлисида, Лютердан ўз ғояларидан воз кечишни талаб қилишди. Фақат Саксония князи Фридрих Донишманднинг ҳомийлиги реформаторни омон сақлаб қолиш имкониятини берди. Кейинги йиллар давомида Лютер Фридрихнинг Вартбург қалъасида хавф-хатардан холи яшади. Худди шу ерда у «Инжил»ни немис тилига таржима қилиб, иш давомида унинг ҳар бир бобини алоҳида нашр қилдира бошлади. Лютер асарларида немис адабий тили шаклланди. «Инжил» таржимасининг фақат диний аҳамияти бўлмасдан, у немис халқи маорифи ривожига таъсир кўрсатганлигини ҳам алоҳида қайд қилиш лозим.

5. Реформациянинг мақсадлари. Католик черковиини ислоҳ қилишни Европа мамлакатлари аҳолисининг барча тоифалари ёқлаб чиқди.

1. Шаҳарлик бойлар, савдогарлар ва янги вужудга келаётган буржуазия вакиллари «черковнинг камчиким» бўлиши тарафдорлари эдилар. Ибодатхоналарга, рухонийлар кийимларига, диний байрамлардаги сарфхаражатларни улар ёқламасдилар. Янги буржуазия тоифаси, шунингдек черков ва монастирлар ер эгаллиги, рухонийларнинг бойликларига ҳам қарши эдилар.

2. Феодалларнинг ҳам кўпчилиги ислохотлар тарафдори бўлган. Рицарлар халқнинг норозилигидан фойдаланиб, черков ерларини олишга ҳаракат қилдилар. Германиядаги кўпсонли феодал князлар ўз ерларидаги черковни папага эмас, балки ўзига итоат қилишини истардилар.

3. Дехқонлар ва шаҳар камбағаллари католик черкови солиқларидан жуда эзилган эдилар. Чунки ушр, индульгенция ёрликлари, турли солиқларнинг оғирликлари ва тазйиқлар асосан халқнинг елкасига тушарди.

Черковни ислоҳ қилиш ҳаракати бутун мамлакатга ёйилди. Роҳиблар монастирлардан қочиб кетдилар. Шаҳарликлар ва рицарлар черковнинг мол-мулки ва ерларини эгаллай бошладилар.

6. Томас Мюнцер. Мюнцер (1493—1525 йиллар)нинг ғоялари ўз устози Лютерникига нисбатан анча халқчил бўлиб, у эзилган мазлум омма манфаатларини кўзларди. Мюнцернинг тушунишича, Реформациянинг асосий вазифаси диннинг янги кўринишини яратиш эмас, балки дехқон ва шаҳар камбағаллари ёрдамида ижтимоий-сиёсий тўнтариш қилишда бўлган. Унинг ваъзларида «Ердаги ҳаётни яхшилаш, ёвузликни йўқотиб, жаннатни Ерда яратиш» зарурлиги тарғибот қилинар эди.

Мюнцернинг ғояларида дехқонларнинг кичик мулкларини яратиш, уларни феодаллар зулмидан озод қилиш мужассамлашган эди. У айниқса дехқонларнинг жамоа ерларини феодаллар тажовузидан ҳимоя қилишга чақирарди. Кенг халқ оммаси билан боғлиқ бўлган Мюнцер дехқонлар кўзғолони пайтида, унинг раҳбарларидан бирига айланди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Германия хужалигининг қайси соҳалари яхши ривожланган эди?

2. Мануфактуралар вужудга келиши ва савдо соҳасидаги ўзгаришларга мисоллар келтиринг.

3. Мамлакатда деҳқонлар аҳволи қандай эди?

4. Черковни реформация қилиш гоёсининг моҳияти нимада эди?

5. Лютер яратган таълимот ва унинг асарлари ҳақида нималарни биласиз?

6. Реформация ҳаракатининг мақсадлари нима бўлган?

7. Дарслик материалларидан фойдаланиб аҳоли турли қатламларининг Реформациядаги иштироки мавзусида қуйидаги жадвални тузинг:

Аҳоли қатламлари	Нимадан норози эдилар?	Нимага интилдилар?
Деҳқонлар, шаҳар камбағаллари. Бой шаҳарликлар. Феодаллар: князлар, рицарлар.		

47-§. Германияда деҳқонлар уруши

1. Кўзғолоннинг бошланиши. Германиядаги ижтимоий ҳаракат ўз чўққисига 1524—1525 йилларда етди. 1524 йилнинг ёзида Германиянинг жанубий вилоятида деҳқонлар кўзғолони бошланди. Бу ҳақдаги хабар мамлакатга тез ёйилди. 1525 йилнинг бошларида Германиянинг бошқа вилоятларида ҳам деҳқонлар уруши бошланиб кетди. Мамлакатнинг жануби-ғарбида деҳқонларнинг 6 та лашкари ҳаракат қилди. Бу лашкардаги кўзғолончиларнинг сони 40 мингга яқин эди. Деҳқонлар ҳаракатига хайрихоҳ бўлган шаҳар камбағаллари уларга ёрдам бериб турдилар.

Кўзғолончилар йирик ер эгалари қасрларига, мо-

настирларга ўт қўйдилар. Улар деҳқонлар мажбуриятлари ёзилган ҳужжатларни ёндирар, хўжайинларнинг мол-мулкларини бўлиб олишарди. Уруш давомида феодалларнинг жамоалардан тортиб олган ерлари аҳолига қайтарилди. Айниқса рухонийлар, поп ва рохиблар халқнинг ғазабига учрадилар. Йирик ер эгалари деҳқонлар лашкари яқинлашиши билан шаҳарларга қочардилар.

2. Урушнинг бориши ва қўзғолончилар дастурлари. Қўзғолон оммавий тус олган 1525 йилнинг бошларида Мюнцер ва унинг тарафдорлари деҳқонларга мурожаатнома юбордилар. Унда халққа тўлиқ озодликка эришиш учун бирлашиб иттифок тузиш, феодаллар қасрлари ва монастырларни беаёв бузиш, қаршилиқ кўрсатган йирик ер эгаларини шафқатсиз жазолаш зарурлиги кўрсатилганди. Демак, Лютернинг деҳқонлар урушига қарши чиқиши ва уларни қаттиқ жазолаш кераклиги ҳақидаги сўзларида чуқур ҳақиқат бўлган. Ўзларининг талончилиги ва ваҳшийлиги билан деҳқонлар ҳаракати, чет эллик босқинчилар урушларидан унча фарқ қилмаган.

Қўзғолончилар таркибида деҳқонларнинг турли тоифалари бўлган. Ери бўлган ёки бадавлатроқ деҳқонлар ўз мулкларини эҳтиёт қилиб феодаллар билан келишув йўлларини излаганлар.

Мемминген шаҳрида 1525 йил мартида тўпланган қўзғолончилар йиғилишида ягона дастур тузилди. У «Ун икки модда» дастури деб аталиб, анча мўътадил, феодал тартибларини йўқотишга эмас, балки бироз юмшатишга мўлжалланганди. Дастур ижодкорлари кичик черков ушрини бекор қилишни талаб қилишга, катта ушрга жамоа заруриятлари учун ишлатиш шарти билан рози бўлиш мўлжалланганди. Мухим ҳисобланган 4, 5, 10-моддаларда деҳқонлардан тортиб олинган жамоа мулклари: ўрмон, ўтлоқ, қўлларни қайтиб берилиши талаб қилинганди. Дастурда (3-модда) «Бизни ҳозиргача шахси қарам кишилар деб ҳисоблаш одат бўлиб қолган, биз энди эркин кишилар бўлишни истаймиз!» — деб ёзилган эди. Дастурнинг қолган моддаларида: баршина, солиқлар ва черков ушрини

камайтириш, қишлоқ попини жамоанинг ўзи сайлаш ҳуқуқлари талаб қилинди. Дастур кичкина китобча шаклида нашр қилиниб, деҳқонлар орасида кенг тарқалди.

Уруш давомида Германияда эндигина пайдо бўлган буржуазия вакиллари деҳқонлар ҳаракатидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уриндилар. Бу воқеалар кўзғолончилар таркибида бюргерлар (шаҳар аҳолиси), рицарлар бўлган Жанубий Франконияда бўлди. Бу ҳудуддаги кўзғолончилар дастурида Германияни марказлаштириш масаласи кутарилган эди. Мамлакатдаги барча ҳокимият вакиллари императорга бўйсунтирилди, князлар эса империя амалдорларига айланиши зарур эди. Лойиханинг 5-моддасида, рухонийлар дунёвий ишлардан буткул четлатилиши режалаштирилган эди. Умумимперия қонуни, сайлаб қўйилган тоифали судни ташкил қилиш, ягона пул, вазн-ўлчов бирликлари бўлиши ҳам дастурда ҳисобга олинган. Германия ичидаги савдода бож олиниши бекор қилиниши ҳам назарда тутилган эди. Дастурнинг асосий мақсади мамлакатни бирлаштириш ва саноат ишлаб чиқаришига ҳамда савдо-сотиққа кенг йўл очиб бериш эди.

3. Кўзғолоннинг кучайиши. Жанубий Франкония ва Оденвальддан кўзғолон алангаси Франкониянинг шимолига ҳамда Саксония — Тюрингия ҳудудларига тарқалди.

Тюрингиядаги кўзғолончиларга Томас Мюнцернинг ўзи бошчилик қилди. Деҳқонлар ҳаракати маркази Мюнхаузен шаҳри бўлиб, 1525 йил феврилида Мюнцернинг бу ерга келиши билан шаҳарликлар эски кенгашни тарқатиб юбориб, янги кенгаш туздилар. У Мюнцер тарафдорларидан иборат эди. Кўзғолончилар йирик ер эгаларига қарши жангларга тайёрланиб, ҳарбий машқларни ўргандилар, бутхоналардаги қўғирокларни эритиб туплар қуйдилар. Мюнцер ваъз эшитишга тупланган аҳолига кўзғолончилар ўз кучларини бирлаштириши зарур эканлигини уқтиришга ҳаркат қилди.

Лекин кўзғолончилар лашкарлари ягона қўшин бў-

либ бирлашишмади ва унинг умумий рахбари ҳам йўқ эди. Ҳар қайси вилоятнинг қўзғолончи лашкарлари ўз холича ҳаракат қилдилар. Шу сабабдан аввалига эсанкираб қолган йирик ер эгалари тез орада ўзларига келиб қўшин тўпладилар. Феодаллар қўшини деҳқонларнинг тарқок лашкарларига қарши кураш бошлади.

4. Деҳқонларнинг мағлубияти. Қўзғолоннинг оммавий тус олиши ҳукмрон табақа вакиллари ташвишлантириб қўйди. Шаҳар бойлари ва ҳатто Мартин Лютер ҳам йирик ер эгаларини қўллаб-қувватладилар.

Деҳқонларга қарши тўпланган дворянлар қўшини дастлаб Тюрингияда уруш олиб борди. Бу ҳудуддаги қўзғолончилар сон жиҳатидан дворянлар қўшинидан бир неча барабар кўп эди. Лекин қўзғолончилар лашкарининг ҳарбий тайёргарлиги заиф, интизоми бўш эди. Деҳқонлар лашкари таркиби ҳам доимо ўзгариб турарди. Деҳқонларнинг бир қисми келиб лашкарга қўшилса, бошқалари ўз уйларида хабар олиш учун кетиб қолардилар. Деҳқонларнинг соддалиги ва ишонувчанлиги ҳам феодалларга қўл келди. Дворянларнинг ҳамма талабларни бажариш ҳақидаги ваъдаларига ишонган қўзғолончиларнинг бир қисми таслим бўлса, бошқалари уйларида қайтиб кетган. Бундан фойдаланган Георг Трухзеснинг кўпсонли бўлмаган қўшини деҳқон отрядларига ҳужум қилиб, уларни якка-якка ҳолда енга бошлади.

Мюнцер чакириғига биноан Франкгаузен шаҳри яқинида тўпланган ҳарбий бўлинма тақдири ҳам фожиа тугади. Унинг 8 минг кишидан иборат яхши қуролланмаган лашкари қуршаб олинди. Князларнинг ёлланма қўшинлари яраш битими имзоласа-да, уни бузиб ҳужум бошладилар. Тўплардан отилган ўқлар деҳқонларга катта талофот келтирди. Князь қўшинлари деҳқонлар лагерига бостириб кириб 5 мингга яқин қўзғолончини кириб ташлади. Яраланган Мюнцерни асирга олишиб, қаттиқ кийноқлардан сўнг ўлдиришди.

Германиянинг айрим вилоятларидаги қўзғолончи-

лар яна узоқ вақтгача курашни давом эттирдилар. Феодаллар кўзғолонни бостирганларидан кейин унда катнашганлардан каттиқ ўч олдилар. Кўзғолон бўлган ҳамма ерларда дорлар қурилиб унда катнашганлар дорларга осилди, гулханларда қуйдирилди. Кўзғолонда ва ундан кейин ҳалок бўлганлар сони 100 мингдан ошиб кетди.

5. Урушнинг натижалари. Германиядаги деҳқонлар уруши Европада феодал муносабатларини уруш йўли билан йўқотиш учун қилинган дастлабки ҳаракат эди. Унинг ғалабаси феодал тартиби сарқитларини йўқотиш, мамлакатни марказлаштиришга, янги иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатларини ривожланишига имконият яратган бўлур эди. Урушнинг мағлубияти немис халқи учун ниҳоятда оғир оқибатларга олиб келди. Феодаллар зулми янада кучайди. Илгари деҳқонлар эркин яшаган Эльба дарёсининг шарқий томонида ҳам деҳқонлар қарамликка туширилди.

Марказлашган давлатни вужудга келтиришга уриниш барбод бўлди. Феодал-князларнинг мустақиллиги кучайиб, шаҳарликлар ва рицарлар ҳам уларга итоат қилишга мажбур бўлиб қолдилар. Деҳқонлар урушининг мағлубияти Германияда деҳқонлар қарамлиги ва феодал тарқоқликнинг яна бир неча аср давом этишига олиб келди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Деҳқонлар уруши Германиянинг қайси ҳудудларида бўлган?
2. Кўзғолончиларнинг «Ўн икки модда» дастури ҳақида нималарни эслаб қолдингиз?
3. Деҳқонлар уруши қандай муаммоларни ечишга қаратилган эди?
4. Сиз деҳқонлар урушидаги қайси ишларни ижобий ва қайсиларини салбий баҳолайсиз?
5. Кўзғолончилар мағлубияти ва уруш натижалари ҳақида сўзлаб беринг.

48-§. Реформация ғояларининг Европага ёйи- лиши. Католик черковининг реформацияга қарши кураши

1. Реформациянинг Европага ёйилиши. Ғарбий Европанинг барча давлатларида католик черковининг диний ташкилотлари мавжуд эди. Натижада Мартин Лютернинг индульгенцияга қарши ғоялари деярлик барча жойларда хайрихоҳлик билан кутиб олинди. Замондошлардан бирининг ёзишича, бу хабар «христиан динидаги барча мамлакат ва улкаларга тўрт ҳафтадаёқ бориб етди». Реформация ғоялари Германиядан кейин бошқа мамлакатларга ҳам тарқала бошлади.

Ўзининг илгариги таъсирини йўқотган христиан черковининг барча вакиллари халқ орасида масхара қилинар ва уларнинг ҳажвий суратлари тарқатиларди.

2. Католик ва протестантлар. Ғарбий Европада католик черкови реформация ғоялари тарқалиши натижасида бўлиниб кетди. Янги мазҳаб, католик черковини ислоҳ қилиш тарафдорлари — протестантлар, яъни расмий католик черковига эътироз қилувчиларнинг янги черкови умумий номини олиб Германия, Дания ва Швецияда — лютеран, Францияда — галликан, Англияда — англокан, Швейцарияда, Нидерландияда — кальвинизм номи билан вужудга келди. Кўп мамлакатларда католицизм ва протестантизм биргаликда фаолият курсата бошлади. Италия, Испания, Польша каби мамлакатларда эса католик черкови ўз мавқеини сақлаб қолди.

Шимолий Германияда князлар черковни Лютер ғоялари асосида ислоҳ қилдилар. Монастирлар ёпилиб, черков ерлари мусодара қилинди. Князь ўз ерларидаги рухонийларнинг бошлиғи деб тан олинди. Лютернинг черков ислоҳоти шаҳарлик бойлар учун ҳам фойдали эди. Янги черков «камчиқим», дабдабали маросимларсиз бўлиб, унда кўплаб диний байрамлар бекор қилинди. Англия, Дания, Швецияда ислохотни дворянлар кўмагида қиролларнинг ўзлари утказдилар. Уларда черков ерларининг бир қисми дворянларга

булиб берилди. Мамлакатда кирол черков бошлиғи сифатида тан олинди. Швейцария ва Нидерландияда ислохотни янги ташкил топган бойлар, буржуазия ўтказди. Ислох қилинган черков асосан бўлажак жамият талабларига мос диний ташкилот эди.

3. Жан Кальвин таълимоти. Швейцарияда янги черков ғоясини тарқатган реформатор Жан Кальвин (1509—1564 йиллар) аслида Францияда туғилиб ўсган. Кальвин Париж ва Орлеан университетларини битирганди. Кейинчалик католик черковига қарши ваъзалари туфайли Франциядан қочишга мажбур бўлди. Дастлабки асари «Христиан динидан қўлланма»да Кальвин ўз ғояларини қисқача баён қилди. Ғоянинг асоси «тақдири азал» ҳақида бўлиб, унга кўра инсоннинг тақдири худо томонидан белгилаб қўйилганлиги, бой ёки камбағал бўлиши, рақобатда синиши ҳуллас, ҳамма-ҳаммаси пешонасида ёзилган, деган ғоя ётади. Кальвин ўз маслакдошларини бойлик орттириш учун тинимсиз меҳнат қилишига чақирди. Кимнинг мол-дунёси кўп бўлса, у «худонинг севган бандаси», унинг тўғридан-тўғри жаннатга бориши муқаррар, дейди Кальвин.

1548 йили Кальвин Женева черковига бошлиқ бўлди. Унинг фаолиятини қаттиққўлликдан кўра золимлик деб баҳолаш тўғрироқ бўлади. Шаҳар аҳолисига ўйин-кулги, рақсга тушиш, чиройли кийимлар кийиб яسانيб юриш тақиқланди. Женеваликларнинг черковга бориши қаттиқ назорат қилинарди. Эрта тонгдан ишни бошлаш учун кечқурун барвақт чироқни ўчириб ухлаш тавсия этилганди. Протестант пасторларидан тузилган консисториум янги черковга қарши кишиларни жазолаш учун ташкил қилинганди. Протестантизм тарихида биринчи марта 1547 йили женевалик оддий фуқаро Жан Грюёе дахрийликда ва Кальвин шахсига оид ёмон гапиргани учун гулҳанда ёндирилди. Орадан 6 йил ўтиб Женева орқали Германияга кетаётган машҳур испан олими Мигель Серветт ҳам ўтга ташланди. Замондошлар Женевани «протестантлар Рими», Кальвинни эса «Женева папаси» деб аташлари бежиз эмасди.

Европа мамлакатлари буржуазиясининг энг илғор қисми кальвинизмни қабул қилди. Дастлаб Францияда кенг тарқалган кальвинизм 100 йилча католик черкови билан курашди. Ундан сўнг Шотландия ва Англияда янги ғоя билан танишишди. Нидерландияда кальвинизм мустақиллик учун кураш сифатида утган буржуа инқилобига ғоявий байроқ бўлди. Германиянинг Пфальц ва Бранденбург князликлари ҳам ушбу ғояни қабул қилдилар. Кейинчалик кальвинизм Америкада ҳам ўзининг купсонли тарафдорларини топди.

4. Католик черковининг реформацияга қарши кураши. Европада янги ғояларнинг католик черковига зарба беришига қарамасдан, у ўзининг кучини сақлаб қолганди. Католицизмнинг асосий таянчи эски феодал жамияти вакиллари эдилар. Рим папаларини Жанубий Германия князлари, Германия императори, Испания ва Польша қироллари ҳам қўллаб-қувватлаганлар. 1542 йили кардиналлар Караффа ва Бургас папага Италияда инквизиция судини тиклашни таклиф қилдилар. Караффа бу ишга ғайрат билан киришиб, унга ҳатто ўз ўйини бушатиб берди. Кардинал судга зарур асбоб-ускуналарни ҳам ўз маблағидан олиб берди.

XVI асрнинг 50-йилларида тақиқланган адабиётлар рўйхати чиқарилди. Энди гулханда фақатгина янги ғоялар тарафдорлари эмас, балки бу ғояларни тарқатувчи руҳда деб тан олинган китоблар ҳам ёндирилди.

Католик черкови реформацияга қарши курашда оммавий қирғин қилишдан ҳам қайтмади. Хусусан, Францияда 1572 йили католикларнинг гугенотларга қарши ҳоинона қирғини тарихнинг қора саҳифаларига «Варфоломей туни» номи билан битилди.

Католик черкови Польша, Италия ва Жанубий Германияда реформация ҳаракатини бостиришга муваффақ бўлди. Уларда феодал тартиблари, деҳқонлар қарамлиги реформация ғалаба қилган мамлакатларга нисбатан узоқроқ сақланиб қолди.

5. Иезуитлар ордени. Реформацияга қарши тадбирлардан бири, 1540 йили папа томонидан «Исо жа-

мияти»ни, яъни иезуитлар орденини тузиш ҳақидаги қарорга имзо чекилиши бўлди. Орденни папа ва католик церковининг содиқ мухлиси, испан дворяни Игнатий Лойола ташкил қилди. Иезуитларнинг вазифаси «йўлдан адашган оммани динга қайтариш», деган эди Рим папаси Павел III.

Игнатий Лойоланинг тақдири жуда қизиқ ва ибратлидир. Испан қўшинининг жасур зобити Лойола 1521 йили французларнинг Пампалона қалъасини қамал қилишда оёғидан қаттиқ жароҳатланади. Жароҳнинг эътиборсизлигидан Игнатийнинг касаллиги узок давом этиб, тузалганда оёғи қийшиқ битганини кўради. У оёғини қайтадан операция қилишларини сўрайди. Кейинги тузалиш жараёнида Лойоланинг кўлига муқаддас авлиёлар ҳақидаги диний китоб тушиб қолади. Китобнинг таъсир кучидан у ўзини «Биби Марям рицари» деб ҳис қила бошлайди. Шундан кейин у Фаластинга зиёратга боради. Динга хизмат қилиш йўлида ўзининг билими етишмаётганлигини сезган Лойола аввалига Алькала, кейинчалик Саламанка университетларида таҳсил олади. Ўз маълумотини янада кенгайтириш мақсадида, 40 яшар Игнатий Париж университетига ўқишга борди. Шу пайтдан у орден тузишга киришди, 1534 йили унинг бор-йўғи 6 та сафдоши бор эди.

Иезуитлар ордени учун унинг ҳарбийча тузилгани ва қаттиқ интизомли бўлиши катта аҳамиятга эга бўлди. Орденни фақат папага бўйсунувчи генерал бошқарган. Унинг аъзолари ўз бошлиқлари буйруғини сўзсиз бажаришлари лозим эди. Орден қондасида: «Агар черков бизга оқ бўлиб кўринган нарсани қора деса, биз ҳам уни ҳеч ўйланмасдан қора деб ҳисоблашимиз керак» деб ёзилганди. Иезуитлар папа жосуслари ва уларнинг буйруқларини сўзсиз бажарардилар. Улар аҳоли орасида айғоқчилик қилиб, Рим папаси душманлари рўйхатларини юбориб турарди.

Орден аъзоларининг ўз монастырлари бўлмагани учун, улар бошқа роҳибларга ўхшамасдилар. Иезуитлар халқ катори, одмигина кийиниб юришлари туфайли уларнинг орден аъзоси эканлигини билиб бўл-

масди. Доимо оғиз пойлаб юрадиган олғир, тилёғлама ва сертавозеъ иезуит ўз мақсадига эришишда ҳар қандай воситадан қайтмаган.

Улар хушомад ва товламачилик билан кироллар ва министрлар, зодагонлар ва бой кишиларнинг ишончига кирар, уларни ўз таъсирига олишга ҳаракат қиларди. Рим папасига қарши чиққан кишини шох ёки гадойлигидан қатъи назар, ханжар ва заҳарни ишга солиб жазолашарди. Орден аъзолари католик черкови манфаатлари йўлида жиноят ва ҳатто одам ўлдиришдан қайтишмаслиги керак эди.

Иезуитлар ордени фирибгарлик ва товламачилик билан катта бойликлар орттирдилар. Уларнинг йирик ерлари, корхоналари, кемалари Жанубий Америкада эса мустамлака ерлари ҳам бўлган.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Католик ва протестантлар мазҳаблари орасида қандай фарқ бўлган?

2. Протестантизм ёки католицизм ҳукмрон мамлакатлар ва ерларни санаб беринг.

3. Жан Кальвин таълимоти қаерларда тарқалган?

4. Инквизация суди қачон ва нима сабабдан тикланди?

5. Игнатий Лойола ҳақида нималарни биласиз?

6. Иезуитлар орденининг фаолияти ҳақида гапириб беринг.

Мустақил иш

Қуйидаги схемани тузинг:

	1)
Папа ва католик черковининг	2)
реформацияга қарши кураш усуллари	3)
	4)

XIV б о б. Францияда мутлак монархиянинг тикланиши ва диний урушлар

49-§. Францияда иқтисодий ва сиёсий тузум

1. Иқтисодий тараққиёт. Франция XVI асрга ўз ерларини тулиқ марказлаштирган давлат сифатида кирди. Бутун Бургундия герцоглиги, Прованс ва Бретань графликларида қирол ҳокимияти ўрнатилди. Натижада Франция 15 миллион аҳолиси билан Ғарбий Европанинг энг йирик давлатига айланди. Мамлакатнинг марказлашиши унинг кейинги иқтисодий ва сиёсий тараққиётига замин тайёрлади. XVI асрдан деҳқонлар эркин, кичик ер — цензива эгасига айландилар. Цензива эгаси ерни сотиш, ҳада этиш ёки меросга қолдириш ҳуқуқларига эга эди. Деҳқоннинг ўз еридан олинган ҳосил кўпайишидан моддий манфаатдор бўлиши қишлоқ хўжалигини яна ҳам тараққий этишига имконият яратди. Деҳқонлар хўжалик мустақиллигининг ошиши ва бозор муносабатларига тортилиши қишлоқда мулкый табақаланишни тезлаштирди. Шу тарзда қишлоқ хўжалигида янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг вужудга келишига замин яратилди.

XVI—XVII асрларда Францияда саноат ишлаб чиқариши ривожланди. Ҳунармандчиликнинг айрим соҳаларида мануфактуралар (мовут ва шойи газламалар тўқиш, кўнчилик, тоғ-кон ва бошқа соҳаларда) пайдо бўлди. Мовут ишлаб чиқариш Пуату, Овернь, Лангедок ва Дофинэ вилоятларида тараққий этди. Ички бозордан ортган мовут Левант мамлакатлари ва Испания бозорларида сотиларди. Шампань, Пикардия, Бретань ва бошқа вилоятлар қишлоқларида тўкилаётган бўз ва сурп ҳажми бўйича Франция Европада биринчи ўринда турарди. Мамлакатда XVI аср бошларидан китоб босиш ҳам кенг кўламда ривожланди. Лиондаги шойи тўқиш мануфактураларида 12 минг ишчи ишларди. Париж зеб-зийнат буюмлари, қимматбаҳо уй жиҳозлари, чиройли кийим-кечаклар, шиша идишлар иш-

лаб чиқаришда шухрат қозонганди. Европанинг энг йирик шаҳри Парижда 300 минг аҳоли яшарди.

Мамлакатда ягона ички бозор вужудга келди. Францияда 1489—1515 йиллар мобайнида қирол қарорлари билан 400 га яқин ярмарка ва бозорлар очилди. Франциянинг денгиз кашфиётларидаги ҳиссаси бирмунча камроқ бўлса-да, унинг саёҳлари 1524 йили Ньюфаунленд оролини ва 1534 йили эса Канадани кашф қилдилар. Қиролликнинг асосий порт-шаҳарлари Марсель ва Бордо айниқса тез ривожланди. Францияда ташқи савдодан, шунингдек, молия операциялари орқали йирик пул капитали жамғарилди.

2. Ижтимоий тузум. Француз дворянлари ташқи бозор билан унчалик боғлиқ эмасди. Кучли қирол ҳокимияти мавжудлиги дворянларда қирол хизматида бўлиб, етарли даромад қилиш имкониятини берар эди. Турли нафақалар, совғалардан ташқари ҳарбий хизмат ҳам дворянларнинг молиявий манбаси бўлган.

XVI асрдан рицарликнинг инқирози билан бир вақтда буржуа вакилларида янги дворянлар тоифаси шакллана борди. Дворянлар ва руҳонийларга солиқ солинмаганлиги туфайли улар хусусий саноат ва савдо корхоналари, ер ва лавозим сотиб олардилар. Доимо пулга муҳтож бўлган қирол, кўплаб амалдорлик лавозимларини жорий қилар ва уларни бадавлат кишиларга сотарди. Шу тариқа бойлар судья, прокурор, маслаҳатчи бўлиб, ойлик — маошдан ташқари, аҳолидан турли йиғимлар ва пора тарзида даромад олардилар. Бадавлат одам амални ёки ер-мулкни сотиб олганидан кейин дворянлик унвонини ҳам олиши мумкин эди.

Францияда ҳам банкирлар ва бошқа пулдор кишилар савдо-сотиққа нисбатан, фоиз ҳисобига қарз бериш, ссудалар орқали бойлик орттиришни афзал қулардилар. Саройнинг хаддан ташқари кўп харажатлари қиролни янги қарзлар олишга мажбур қиларди. Берган пуллари эвазига бойлар маълум вилоятлардан солиқ йиғиш ҳуқуқини қўлга киритардилар. Солиқни йиғиб фойда олиш учун табиийки улар оддий меҳнаткашларни эзардилар.

Мамлакатда шу даврда савдо-сотиқ буржуазияси

хам шаклланди. Таркок мануфактуралардаги савдогарлар ва бой хунармандлар кишлок ахлига, Англиядаги каби, хомашё, дастгоҳлар бериб уларни ишлатардилар. Тайёр маҳсулотни эса ички ва ташқи бозорга олиб чиқардилар. Шаҳардаги яна бир тоифа, бу камбағал аҳолидир. Унинг таркиби касод бўлган хунармандлар, цехларнинг кичик усталари, шогирд ва халфалар ҳисобига кенгайиб борди. Хизматкорлар ва гадойларнинг вакилларидан ишчилар вужудга келарди.

3. Францияда диний урушлар. Мамлакатдаги черковни ислоҳ қилиш XVI асрнинг иккинчи ярмида диний урушларнинг келиб чиқиши билан якунланди. Урушда катнашган феодал-зодагонлар гуруҳининг асосий мақсадлари динга қараганда ҳам купроқ қирол саройида ўз мавқеини кучайтиришга, қироллик тахти учун курашиш бўлган десак, хато қилмаймиз.

Франциск II саройдан Гизлар хонадони вакиллари ни четлатиш учун Бурбонлар 1560 йили «Амбуаз фитнасини» уюштирдилар. Бурбонлар гугенотлар мазҳаби, Гизлар эса расмий католик черкови тарафдорлари эдилар. Францияда Гизларнинг мавқелари ниҳоятда кучли бўлган: Франсуа Гиз қўшинга бош қўмондон, Карл Гиз кардинал, умуман, бу оиладан 15 киши муҳим черков ва давлат лавозимларини эгаллаб турарди. Қирол ўзининг диний рақиблари гугенотлардан кўра, Гизлар хонадонидан купроқ хавфсирарди.

Фукаролар уруши 1562 йилда бошланиб 1598 йилга қадар давом этди. Унинг уч даврида гоҳ гугенотлар, гоҳ католикларнинг қўли баланд келарди. Урушлар тарихидаги муҳим воқеалардан бири 1572 йили 24 августга ўтар (Варфоломей) кечаси католикларнинг Парижда гугенотларни қирғин қилиши бўлди. Эртаси куни тушга қадар 2000 киши қатл қилинди. Қирғин мамлакат бўйлаб бир неча кун давом этди. Лекин қиролнинг буйруғи ҳамма жойда ҳам сўзсиз бажарилмаган. Жумладан, Байонна ҳокими де Ортес қиролга шундай жавоб юборган эди. «Мен олий ҳазратлари буйруғини қўшинга етказдим. Уларнинг ҳаммаси Сиз учун жонини беришга тайёр, лекин уларнинг орасида жаллодлар йўқ». Францияда бу қирғин давомида 30 минг киши



46-расм. Ёш киро
л Карл IX.

катл қилинган. Лекин бу воқеалар киро л Карлнинг соғлигига салбий таъсир қилди. Уни виждон азоби қийнар, тушларига ўликлар кириб чиқарди. Орадан икки йил ўтиб Карл IX вафот қилди.

Франция тахтига (1589—1610 йиллар) ўтирган Наварлик Генрих IV қайтадан католик динига ўтди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан 1598 йили тузилган Нант яраш битими-га кўра Францияда католик черкови расмий, ҳукмрон черков деб тан олин-

ди. Гугенотларга ўз ибодатхоналарида эркин сиғиниш имконияти берилди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Феодал ер эгалигида қандай ўзгаришлар руй берди?
2. Франция саноатида янги иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига мисоллар келтиринг.
3. Мамлакатда янги дворянлар — буржуазия табақаси қандай шаклланди?
4. Франциядаги диний урушларнинг сабаблари ва мақсади нима эди?
5. «Варфоломей туни» ҳақида нималарни биласиз?

Буни ўқинг!

«Маршал» сўзининг тарихи

Франкларда отбоқар лавозими «марескалкус» («от» ва «хизматчи» сўзларидан) деб аталган. Дастлаб «марескалкус» киро л отхонасини бошқарган. Асрлар ўтиб француз тилида бу сўз «марешаль» сифатида айтиладиган бўлди. Энди у отлиқ қўшин бошлиқларидан бирига нисбатан иш-

латилган. Европа армиясида отлик кушиннинг аҳамияти кучайган пайтда «маршалъ» энг юксак ва фахрий ҳарбий унвонга айланиб боради. Ўзбек тилида эса бу суз «маршал» тарзида айтилади.

(М. Бойцов, Р. Шукуров. Ўрта асрлар тарихи. М., 1995, 123-бетлар).

50-§. XVII асрда Францияда мутлак монархиянинг тикланиши

1. Ришелье даврида Франция. Генрих IV даврида мустахкамланган қиролнинг мутлак ҳукмронлиги XVII асрнинг бошларида янада кучайди. Феодал зодагонларнинг ёш Людовик давридаги (1610—1643 йиллар) ўз мавқеини тиклашга ҳаракати зое кетди. Францияда мутлак ҳокимиятининг зафари қиролнинг биринчи вазири кардинал Ришелье (1624—1642 йиллар) номи билан боғлиқдир. Кейинчалик ўзининг «Сиёсий васияти»да Ришелье ҳукуматга келганда «Менинг биринчи мақсадим қиролнинг буюклиги, иккинчи мақсадим қиролликнинг буюклигини таъминлаш бўлган» деб ёзади. Унинг даврида Генерал штатлар чақирилмай қўйди. Ришелье кўп вилоятлардаги ўзбошимча ҳокимларни мансабидан туширди. Уларнинг ўрнига қиролга содик амалдорлар — интендантлар хизмати жорий қилинди.

Кўплаб феодал зодагонлар ўзларининг давлат ишларини бошқаришдаги таъсирини йўқотишидан норози эдилар. Улар Ришельега қарши фитналар уюштириб, унга қиролнинг оиласи: онаси, рафиқаси ва укасини ҳам жалб қилдилар. Лекин кардинал бу ҳаракатларни фош қилиб, унда иштирок қилганлардан шафқатсиз ўч олди. Ришелье даврида қиролга қарши чиққан дворянларнинг саройлари бузиб ташланиб, ўзлари шафқатсиз жазоланди.

Бош вазир дуэлни, дворянларнинг отишишлари ёки қилич билан ўзаро жангларини тақиқлади. Ришелье дворянлар ўз қонларини фақат қирол хизматини ба-

жариш пайтида тўкишлари мумкин деб айтганди. Унинг даврида Францияда 22 та савдо фирмаси ташкил этилди. Бу даврда Франция Германиянинг Ганза шаҳарлари иттифоқи ва Англия билан дастлабки савдо-сотиқ шартномаларини тузди.

Ташки сиёсатда Франциянинг миллий манфаатларини кўзлаб иш олиб борилди. Франция «Ўттиз йиллик уруш» (1618—1648 йиллар)да қатнашди ва Швеция билан ҳамкорликда Европадаги сиёсий муносабатлардаги мавқеини мустаҳкамлади. Мамлакатни Ришелье бошқарган даврда Францияда феодал зодагонларининг қаршилиги синдирилди, марказий ҳокимият мустаҳкамланди.

2. Францияда мутлақ монархия. Людовик XIV қироллиги. XVII асрнинг иккинчи ярмида Францияда чекланмаган ёки мутлақ монархия узил-кесил қарор топди. Эндиликда мамлакатни бошқариш иши тўлиғича қиролнинг қўлида эди.

Людовик XIV қироллиги даври (1643—1715 йиллар) худди шу мутлақ монархиянинг энг кучайган пайти бўлди. Людовик тахтга келганда 5 ёшда эди. Унинг номидан Францияни онаси Австриялик Анна бошқарди. Амалда ҳокимият 1661 йилга қадар Франциянинг бош министри бўлган Мазарини қўлида эди.

А. Ийлар утиб Людовик: «Давлат — менинг ўзим» дея ўз ҳокимияти ҳақида юксак фикр билдирган. У фуқаролардан, ҳатто зодагонлардан ҳам ўз буйруқларини сўзсиз бажаришни талаб қиларди. «Фуқаронинг ҳукуки йўқ, фақат мажбуриятигина бор» дер эди қирол. Қиролнинг базм ва овлардан бўш вақтида қабул қилган қарорлари давлатнинг қонуни бўлиб қоларди. Қирол «Менинг фармоним шу» деб имзо чеккан янги қонун тасдиқланган ҳисобланарди.

Людовикнинг амрини бажарувчилар унинг амалдорлари эди. Қирол юқори мансабдаги амалдорларига ўз имзоси қўйилган ва муҳр босилган тоза расмий қоғозларни хат ичида юборарди. Унга ҳар қандай кишининг исмини ёзиб қамоққа олиш мумкин эди. Бундай шароитда бирон кимса қиролнинг қазабига учрамаслигига кафолот йўқ эди. Мутлақ монархия

хукмронлиги даврида Франциядаги янги солиқларни ҳам қиролнинг ўзи киритарди. Давлат хазинаси сарф-харажатлари ҳақида у ҳеч кимга ҳисобот бермасди.

3. Қирол саройи. Мутлақ монархиянинг урнатилиши қиролнинг шахси, қирол саройи аҳамиятини ошириб юборди. Саройда ҳукмдор ва дворянлар орасида доимий мулоқот бўлиб турарди. Шунинг учун қирол, дворянлардан саройга доимо келиб туришни талаб қиларди. Людовик XIV ўзини «қирол-офтоб» деб аташларини ёқтирарди ва саройда шунга арзийдиган шароитни яратди. Париждан 18 километр нарида, Версалда меъморчилик санъатининг юксак намунаси, гузал ва дабдабали қирол саройи қурилди. Қурилишга 150 миллион ливр харажат қилинди. Унда тантанали қабул маросимлари, ҳашаматли байрамлар ўтказиларди. Қиролнинг бутун ҳаёти сарой конун-қоидаларига, удумларига бўйсундирилган эди.

Қирол саройида хизмат қилиш моддий жиҳатдан жуда манфаатли эди. Қирол дворянларни тайинлаш учун турли: қирол ҳассасини, париги ёки галстугини сакловчи каби мансабларни ўйлаб топарди. Энг қизиғи шундаки, бу лавозим эгалари катта маошдан ташқари қимматбаҳо совғалар билан ҳам тақдирланиб туриларди.



47-расм. Дворян ва дехкон.

Сарой амалдорларининг иши киролини уйғониши билан бошланарди. Киролини кийинтиришнинг ўзига 20—30 киши овора бўларди. Унинг овқатланишида, уйкуга ётишида ҳам катта ҳашамлар қилинарди. Кирол қўшинида хизмат қилиш вилоятдан чиққан д'Артаньян ва унинг дўстларига ўхшаган камбағаллашган дворянларнинг асосий даромади эди. Людовик XIV даврида Франциянинг ярим миллионлик мунтазам қўшини бор эди. Унинг киролиги давомида Франция Европанинг деярлик ҳамма жойидаги уруш ҳаракатларида фаол иштирок қилган.


Қўрилаётган даврда ҳам дворянлар киролининг асосий таянчи бўлиб қолдилар. Қирол уларнинг имтиёзларини ҳимоя қилибгина қолмасдан, дворянларга ҳам саройда ва ҳам қўшинда янги лавозимларни ташкил қилди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Ришелье кирол ҳокимиятини кучайтиришга қандай воситалар билан эришди?
2. Мамлакатнинг ташқи сиёсатида қандай мақсадлар кузда тутилди?
3. Францияда мутлақ монархия қачон ташкил топди?
4. Қирол Людовик XIVнинг фаолиятини гапириб беринг.

Дафтарингизга ёзинг:

XVII асрда Франциядаги мутлақ монархияни қандай табақалар ва нима учун қўллаб-қувватлар эди?



ХV б о б. Нидерландия буржуа инқилоби

51-§. Нидерландия Испания ҳукмронлиги остида. Инқилобнинг бошланиши

1. Нидерландиянинг сиёсий тузуми. Бургундиялик Карлнинг ўлими туфайли герцоглик ерларининг бир қисмини Францияга ўтганлигини олдинги мавзулардан бирида қайд этгандик. Карлнинг кизи Бургундиялик Мариянинг Габсбурглар сулоласи вакили Максимилианга турмушга чиқиши, Франция ва Германия орасидаги 17 вилоятнинг кейинги тақдирини аниқлаб берди. Нидерландия «дарё этагидаги ерлар» Шельда, Маас ва Рейн дарёларининг қуйи оқимида жойлашган бўлиб, XVI асрдаёқ Европанинг аҳолиси энг зич жойлашган ҳудуди эди. Нидерландияда 3 миллион киши бўлиб, улар 300 га яқин шаҳар ва 6500 та қишлоқда яшардилар. Мамлакат вилоятлари бой, савдо ва саноати яхши ривожланган эди. Ҳар бир вилоят ўз ҳуқуқлари, имтиёзлари ва бошқарувига эга бўлган. Умумдавлат миқёсидаги муаммоларни: рухонийлар, дворянлар ва шаҳар вакилларида иборат Генерал штатлар ҳал этарди. Ҳар бир вилоятнинг розилигисиз герцог, кейинчалик қирол ва ҳатто Германия императори ҳам ҳукмини ўтказолмасди ёки янги солиқни Нидерландиядан олаолмасди. Император Карл V бу вилоятларнинг тадбиркор, лекин зикна бойлари билан доимо келишиб иш кўрган. Карл уларнинг ҳуқуқларига тажовуз қилмаганидан нидерландияликлар ундан пулни аяшмасди. Нидерландия қирол хазинасига Испаниянинг Америкадаги мустамлакаларига қараганда 4 барабар кўп даромад берарди. Карл ҳукмронлигининг сўнгги йилларида вилоятларда даҳрийларнинг ҳаракатлари бирмунча кенгайди. Даҳрийларни жазолаш борасида эса аҳоли орасида баъзи норозилик қайфиятлари пайдо бўлди. Карл тахтни ўғли Филиппга бериши ҳам аввалига сиёсий ўзгаришларга олиб келмади.

Франция билан уруш йилларида испан қўшинлари Нидерландияга киритилган эди. Уруш 1559 йили тугади, лекин Филипп аҳолининг испан қўшинларини



48-расм. Голланд оиласи овкатланиш пайтида.

мамлакатдан чиқариб юбориш тўғрисидаги талабига эътибор қилмади. Испанияга қайтган Филипп II кейинги 39 йиллик ҳукмронлиги пайтида Мадриддан ҳеч қаерга чиқмади.

Филиппнинг кейинги сиёсатида унга икки нарса: католик динига ҳаддан ташқари ружуъ қўйганлиги натижасида протестантларга душман кузи билан қараши ва чет вилоятлардаги маҳаллий эркинликларга чек қўйиб умумимперия қонун-қоидаларига бўйсунгани талаб қилиши панд берди. Қиролнинг Нидерландиядаги ноиби унинг синглиси Пармалик Маргарита эди. Филипп унга ишонмасдан ўзининг айғоқчиси ва маслаҳатчиси кардинал Гранвеллани ҳам Нидерландияга юборганди. Умуман қиролдан аҳоли норози эди. Бунинг устига Карл V пайтида, унинг асосий маслаҳатчиси ва таянчи бўлган нидерландияликларнинг саройдан четлатилиши норозиликни янада кучайтирди.

Қиролга қарши мухолифлар гуруҳидаги 3 киши: Оранлик Вильгелм, графлар Эгмонт ва Гоорн унинг ишларидан айниқса норози эдилар. Улар Карл V қўшинида генерал бўлиб, унинг кўпсонли ғалабаларига катта ҳисса қўшган кишилар эдилар.

2. Нидерландияда бозор иқтисодиётига асосланган муносабатларнинг ривожланиши. Нидерландиянинг меҳнатсевар аҳолиси асрлар давомида ўз ерларини денгиз ҳисобига кенгайтирди. Ботқокларни қуритиб ва ерни денгиз тошқинларидан сақлаш учун атрофини тўғонлар билан ўради. Нидерландиянинг географик ўрни қулай бўлиб, у дарёлар орқали Франция ва Германия билан, денгиз орқали эса Англия ва Скандинавия мамлакатлари билан савдо-сотик қиларди. Мамлакатнинг Фландрия ва Брабант вилоятлари ҳунармандчилиги ривожланган бой шаҳарлар эди. Ҳунармандлар Англиядан келтирилган юнгдан нафис мовут тўқишарди. Биргина Хондсхот шаҳри ҳунармандлари XV аср охирида 15—20 минг бўлак мовут тўқиган бўлсалар, 1563 йили бу ердаги мануфактуралардан 97 минг бўлак мовут чиқарилганди. Антверпен — Нидерландиянинг энг йирик порти — янги ташкил топаётган жаҳон бозори марказига айланмоқда эди. Шаҳарда Европанинг энг йирик банкирлари: Фуггер, Вельзер, Шетц, Гримальди, де Гароларнинг идоралари очилганди. Голландия вилоятида денгизчилик яхши ривожланган бўлиб, унинг флоти 800 та йирик кемалардан иборат эди.

Умуман, Нидерландияни Европаниң энг ривожланган ва бой мамлакатларидан бири қилиш мумкин. Вилоятларнинг шаҳар ва қишлоқларида мануфактуралар вужудга кела бошлаганди. Уларта мовутдан ташқари гилам, елкан учун матолар, кема анжомлари чиқариларди. Мануфактураларнинг ривожланиши цех ҳунармандчилигини инқирозига сабаб бўлди. Англиядаги каби Нидерландия вилоятларида ҳам ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тез ривожланди.

XVI асрдаёқ ёлланма меҳнатдан фақат мануфактураларда эмас, балиқ овлашда, денгиз кемачилигида ва қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланилган. Жану-

бий вилоятларда феодал тартиблари сақланиб қолган бир пайтда, шимолдаги ерларда эркин деҳқонларнинг — фермер хўжалиги ҳукмрон эди.

3. Инқилобий вазиятнинг етилиши. Филипп II нинг сиёсати Нидерландиядаги норозиликни янада қучайтирди. Дастлаб унинг буйруғи билан вилоятлардаги 4 та католик епископлиги 18 тага етказилди. Уларга даҳрийларни шафқатсиз жазолаш — инквизация ҳукуки берилди. Черков протестантларни ахтариб топарди. Инквизация суди қарори билан юзлаб кишилар даҳшатли қийноқларга солинди, гулханларда қуйдирилди.

Бунга жавобан аҳоли орасида кальвинизм таълимоти кенг ёйилди. Католик черкови эса қутилган натижаларга эриша олмасдан халқнинг ғазабини қучайтирди.

Филипп II нинг 1557 йили давлатни банкрот деб эълон қилишидан Нидерландия бойлари катта молиявий зарар курдилар. Испаниядан чиқариладиган юнгга 1560 йили бож нархини қўтарилиши Нидерландияга келтириладиган юнгнинг икки баравар қисқаришига сабаб бўлди. Кейинчалик Нидерландия савдогарларига Испания мустамлакаларида савдо-сотик қилиш тақиқланди. Англия—Испания муносабатларининг ёмонлашуви, Нидерландиянинг инглизлар билан иқтисодий алоқаларига катта зарар етказди. Англиядан келтириладиган юнгнинг камайиши минглаб ишсизларни вужудга келтирди.

Нидерландияга оғир тушган қонунларнинг чет эллик ҳукмронлар томонидан қабул қилиниши, мамлакатда испанларга нисбатан халқнинг оммавий ғазабини янада қучайтирди.

Ҳукуматга қарши муҳолиф гуруҳда Нидерландия дворянларининг қўпчилик қисми бор эди. Давлат кенгаши аъзолари, шахзода Оранлик Вильгельм, графлар Эгмонт ва Гоорнлар уларнинг раҳнамолари эдилар. Улар 1565 йилнинг охирида дворянларнинг «Келишув» иттифоқини туздилар.

4. Инқилобнинг бошланиши. Нидерландия ноиб Пармалик Маргарита ҳузурига 1566 йили апрел

лида талабнома билан бир гуруҳ дворянлар келдилар. Дворянларнинг оддийгина кийинганларини кўрган сарой амалдорларидан бири, уларни «гёзлар», яъни «гадойлар» деб атаганди. Инқилоб даврида бу сўз ҳамма кўзғолончилар номига айланди.

Испанлар сиёсатида ҳеч қандай ўзгаришни кўрмаган халқ 1566 йили кўзғолон бошлади. Бу кўзғолон кальвинистларнинг «бутга қарши» ҳаракати бўлиб, унинг иштирокчилари католик ибодатхоналаридаги бутларни ва авлиё-анбиёлар ҳайкалларини синдирдилар, уларни черковдан улоқтирдилар. Поп ва роҳибларни черковдан ҳайдадилар. Кўзғолоннинг бутун кучи испанлар ҳукмронлиги таянчи — католик черковига қаратилди. Нидерландиядаги бир нечаминг ибодатхоналар кўзғолон давомида бузилди ва талон-торож қилинди. Оломон санъат дурдоналарини ҳам ваҳшиёна яқсон қилди. Қўлга киритилган бойликларнинг бир қисми кўзғолончилар учун қурол-аслаҳа олишга сарфланди. Нидерландия дворянлари кўзғолонни ёкламадилар. Бутга қарши кўзғолон 1567 йили баҳорида бостирилди. Кўзғолонга жавобан Испания герцог Альба бошчилигидаги жазо қўшинини Нидерландияга юборди.

5. Альба Нидерландияда. Нидерландияга Альба ўз қўшини билан кириб келди. Вазиятга тўғри баҳо бера билган Оранлик Вильгельм Германияга кетди. Испан тахтига қилган хизматларига ва унинг эвазига олган орденларига ишонган Эгмонт ва Гоорнлар Альба томонидан тез орада қамокқа олиндилар. Пармалик Маргарита Альбанинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб Италияга кетди. Янги ноиб Эгмонт ва Гоорн, шунингдек, яна 18 дворянни ўлимга ҳукм этди. Бу қатл Нидерландияда ва бутун Европада даҳшатли таассурот қолдирди.

Альба кўзғолонда қатнашганларни топиб жазолаш учун олий суд тузди. Суд раиси Варгас «Бу ерда бегуноҳлар йўқ, даҳрийлар жиноят қилишган, католиклар бунга бепарволик билан қарашган, улар ҳам, булар ҳам жазоланиши керак» деган эди. Суднинг қарори битта бўлган, у ҳам бўлса фақат ўлим жазоси эди.

Альба халқни жазолашнинг янги усулини ҳам ўйлаб топди. Ўлимга ҳукм этилганларнинг 20 миллионлик мол-мулки мусодара қилинди. Ундан ташқари Испаниядаги каби ҳамма кўчмас мулкдан — 1%, сотиладиган мулкдан — 5% ва бошқа ҳамма моллардан — 10% мунтазам солиқ жорий қилинди. Бунга жавобан савдогарлар дўконларини, ҳунармандлар устахоналарини ёпиб қўйишга мажбур бўдилар. Кўплаб бадавлат кишилар мол-мулкларини сотиб, шимолий вилоятларга ва Англияга кетишга мажбур бўдилар.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Нидерландиядаги сиёсий тузум ҳақида нималарни биласиз?
2. Мамлакатдаги иқтисодий юксалишга мисоллар келтиринг.
3. Испания қиролининг қайси қарорлари халқнинг оммавий норозиликка сабаб бўлди?
4. «Бутга» қарши курашнинг сабаблари нима эди?
5. Герцог Альбанинг Нидерландияда олиб борган сиёсатини гапириб бering.

52-§. Мамлакат шимолий вилоятларида буржуа инқилоби ғалабаси

1. Ўрмон ва денгиз гёзлари. Нидерландиядан қувғин қилинганлар анча пайтгача Альбага хавф туғдирмади. Шахзода Оранлик Вильгельм ва унинг укаси Нидерландияга 2 марта ёлланма қўшин билан киришга уриниб кўрди. Тажрибали кўмондон Альба бу хавфни осонликча бартараф этди. Эндиликда курашнинг ягона йўли денгиз ва ўрмонлар бўлиб қолди. Мамлакатнинг шимолида ташкил бўлган халқ харакати «денгиз ва ўрмон гёзлари» бўлинмаларига бирлашиб испанларга қарши халқ урушини бошладилар. Испания ҳукуматининг Англияга норозилик билдириши 1572 йили нидерландияликларнинг 40 та кемасини Дуврдан чиқариб юборилишига олиб келди. Худди шу кемалардаги денгиз гёзлари 1 апрелда Бриль портини босиб олдилар.

Нидерландиядаги урушнинг узок давом этиши, халкнинг ғазаби унга ҳеч қандай шуҳрат келтирмаслигини сезган герцог Альба испан киролидан нстеъфосўради.

2. Кураш давом этади. Герцог Альба ўрнига келган дон Луис Рекензес (1573 йил) анча тажрибали, сиёсий тушунчага эга бўлган киши эди. Дастлаб у афв эълон қилди ва протестантларга мол-мулклари билан мамлакатдан чиқиб кетишга рухсат берди. Мокре воҳасида 1574 йили Оранлик Вильгельм қўшинини мағлубиятга учратган янги ноиб, шимолда қўзғолон қутарган вилоятларнинг бир нечтасини эгаллади.

Бу воқеалар арафасида Нидерландиянинг шимолида жойлашган Голландия ва Зеландия вилоятлари Оранлик Вильгельмни статхаудер — ҳукмдор деб эълон қилганди. Рекензес қўшинларининг 1574 йили Гарлем шаҳри қамали муваффақиятсизликка учради. Шаҳар 7 ойлик қамалдан кейин ҳам таслим бўлмади. Лейден шаҳри узок қамалидан сўнг, шаҳар аҳолисининг барчасини дорга осиш ёки сувга чўктириш ҳақида испанларнинг қарорини эшитган халқ, ҳеч чораси қолмаганда шаҳар теварагидаги тўғонларни бузиб испанларни ҳам, ўзларини ҳам сувга бостирганлари манбаларда қайд қилинган. Қамалдан катта моддий талофот кўрган Лейденга Оранлик Вильгельм иккита мукофотдан бирини танлашни таклиф қилади. Шаҳарни узок муддатга солиқлардан озод қилиш ёки унда университет очишга ёрлик бериш. Лейденликлар иккинчисини танладилар. Лейден университети XVI—XVII асрлардаёқ Европадаги энг илғор олий ўқув юртларидан бирига айланди.

Рекензеснинг 1576 йили тўсатдан ўлими испан қўшинларини бошлиқсиз қолишига сабаб бўлди. Кўпчилиги ёлланган жангчилардан тузилган қўшинни тартибда сақлаш жуда қийин эди. Бунинг устига испанлар ўз қўшинига анча вақтдан буён маош бермагандилар. Ғалаён қутарган испан қўшини Антверпен ва Маастрихт шаҳарларни босиб олди. Антверпенни аёвсиз талаш, ёндириш баробарида 8 минг бегуноҳ киши ўлдирилди. Испан жангчилари бу ерда катта бойлик-

ларни қўлга киритдилар. Улар бу жанглардан кейин ханжарлари дасталарининг пулат қалпоқларини олтиндан қилдирншган эди. Бу талончиликдан сўнг Антверпен ўзини ўнглай олмай, молия, савдо ва саноатдаги ҳукмрон ўрнини Амстердамга бўшатиб берди.

4. Голландия республикасининг ташкил топиши. Испан ноиблари билан уруш давом этди. Шимолий вилоятларда Оранлик Вильгельмнинг мавқеи тобора ортиб борарди. Нидерландиядаги урушга қўшни мамлакатлар ҳам аралаша бошладилар. 1579 йили мамлакат шимолидаги етти вилоят Испанияга қарши курашни давом эттириш мақсадида Утрехт шаҳрида шартнома туздилар. Бу вилоятлар ўз зиммаларига «бир-бирлари билан абадий бирлашиш» ва «Рим католик черковини тикламоқ» баҳонасида испан ҳукмронлигига бутун кучлари билан кураш олиб бориш мажбуриятини олдилар. Етти вилоят давлат бўлиб бирлашди. Унинг ўз ҳукумати, хазинаси ва умумий қўшини бор эди. Шимолий Нидерландия 1581 йили Филипп II ни қирол деб тан олишдан бош тортди. Бунга жавобан Филипп II герцог Оранлик Вильгельмни ўлдирган кишига 25 минг олтин пул ва дворянлик унвонини беришни ваъда қилди. Иезуитлар ордени вакили франциялик Балтазар Жерар 1584 йили Оранлик Вильгельмни отиб ўлдирди. Жерар ушлаб қатл қилинди. Филипп ҳам ўз ваъдасининг устидан чикди. Жерарнинг оиласига ваъда қилинган мукофотлар тулик берилди. Лекин Оранлик Вильгельмнинг ўлими умумий вазиятга ўзгартириш кирита олмади. Унинг ўрнига ўғли Мориц тахтга келди.

Шимолий Нидерландияда янги давлат — Қўшма вилоятлар республикаси ташкил топди. Бу давлат шимолий вилоятларнинг энг йириги бўлган Голландия номи билан — Голландия республикаси деб атала бошланди.

Голландия Испанияга қарши яна 30 йил курашишга мажбур бўлди. Фақат 1609 йили Испания билан Голландия ўртасида сулҳ шартномасининг тузилиши урушга чек қўйди. Шартномага биноан Голландиянинг мустақиллиги тан олинди.

5. Голландия инкилобининг натижалари. Испанлар зулмидан озод бўлган Голландиянинг ҳужалиги тез ривожлана бошлади. Янги мануфактуралар ташкил қилинди. Иқтисодий юксалишга жанубий вилоятлардан кўчиб келган савдогар ва ишбилармонлар ўз пуллари, асбоб-ускуналари, ишлаб чиқариш сирлари ҳамда маҳорати, юксак малакали ишчилари билан катта ҳисса қўшдилар. Жумладан, улар Лейденда янги турдаги жун газламалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.

Газлама чиқариш 1584—1621 йилларда 27 минг булакдан 97 минг булакка етди. Зигирпоядан, пахта ва шойи газламалар ишлаб чиқариш ҳам кескин ўсди. Мамлакатда кemasозлик энг муҳим тармоқдан бирига айланди. Амстердам, Роттердам, Заандам портларида йилига 1000 га яқин кемалар қуриларди. Голландия иқтисодиётини асосини савдо ташкил қилиб, унинг йиллик ҳажми 75—100 миллион гульденни ташкил қиларди. Мамлакатнинг биринчи ташқи савдо билан шуғулланадиган «Ост-Индия» компанияси 1602 йили тузилди.



49-расм. Лейдендаги шахар саноати.

Республика иқтисодининг яна бир муҳим тармоғи денгиз балиқчилиги ва кит овлаш эди. Бу соҳа тулик капиталистик асосда тузилган бўлиб, унинг йиллик даромади миллионлаб гульденни ташкил қилди. Голландия флоти 4300 та турли хил сизимдаги кемалардан иборат эди.

Республика қишлоқ хўжалигида 1590—1665 йиллар давомида 110 минг гектар ботқоқ ерлар ўзлаштирилди. Бу ерлардан янги фермер хўжаликлари тузилди. Лекин илк сармоя жамғариш даврида халқнинг аҳволи оғир эди. Жумладан, мануфактуралардан иш куни 12—16 соатгача давом этарди.

Нидерландияда — Ғарбий Европанинг кичкина бир ҳудудида феодал жамиятини йўқ қилган биринчи буржуа инқилоби рўй берди. У испан босқинчиларига қарши кураш кўринишида содир бўлди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Ўрмон ва денгиз гёзлари кимлар эди?
2. Испанларга қарши курашнинг кейинги даврида қандай воқеалар бўлди?
3. Голландия республикасининг ташкил топишини гапириб беринг.
4. Буржуа инқилобининг аҳамияти нимада бўлди?

Муस्ताқил ишлар учун топшириқлар

Буржуа инқилоби натижасида Нидерландия ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар жадвалини дафтарингизга ёзиб тўлдилинг:

Таққослаш учун саволлар	Инқилобгача бўлган аҳвол	Инқилобдан кейинги аҳвол
Саноат билан савдо қандай ривожланди? Мамлакатдаги ҳокимият кимнинг қўлида эди? Давлат тузуми қандай эди? Мамлакатда қайси черков ҳукмронлик қилар эди?		

XVI б о б. XVI—XVII асрнинг бошларида Россия

53-§. Россияда марказлашиш жараёнининг тугалланиши

1. XVI асрда Русдаги сиёсий ва иқтисодий вазият. Русь ерларининг сиёсий бирлашуви натижа-сида янги марказлашган давлат вужудга келди. Даст-лаб буюк князь «Бутунроссия ерлари давлатпаноҳи» номини олди. Князь ва боярлар энди вассал эмас, буюк князнинг фукароларига айландилар. Йирик фео-даллар унга содиқликка қасамёд қилиб умрининг охи-ригача хизмат қилардилар. Василий III князлиги (1505—1533 йиллар) даврида унга бўйсунмаган бояр-ларни қаттиққўллик билан жазолади.

Буюк князь саройида «Боярлар думаси» доимий маслаҳат ташкилоти сифатида фаолият кўрсатарди. Бу олий ҳукумат идораси давлатнинг муҳим ички ва ташқи муаммоларини бамаслаҳат ҳал этарди.

Бояр зодагонлар бошқаруви нималарга қодир экан-лиги Иван IV нинг (1533—1584 йиллар) ҳукмронлиги йилларида яққол сезилди. Тахтга 3 ёшида келган буюк князь саройида боярлар гуруҳи орасида ҳокимият учун кескин кураш бошланди. Боярлардан Бельский, Шуйс-кий, Глинскийлар тўхтовсиз фитналар уюштирар, им-кони борича бир-бирларини саройдаги мавқеига пу-тур етказишга уринардилар. Боярлар хазинани талар, узларига янги-янги ерларни, шаҳарларни бўйсунди-рар эдилар. Иван IV ёш бўлишига қарамасдан янги дворянлар, шаҳарликлар ва черков ёрдамида 1547 йи-ли подшолик тожини кийди. Бу воқеа олий ҳоки-миятнинг ички ва ташқи соҳалардаги ҳурматини оши-риши керак эди. XVI асрда бўлган доимий марказий идоралар (приказлар) сони 10 тага етди. Аҳамиятга молик воқеалардан яна бири 1535 йили Русда ягона пулнинг жорий қилиниши бўлди.

XVI асрнинг урталарида феодаллар ер эгалиги анча мустаҳкамланди. Русь ерларининг 1/3 қисми монастир

ва черковларга қарарди. Ўзлаштирилаётган ерларда эса янги помешчик хўжаликлари пайдо бўлди. Эски турдаги йирик боярлар хўжалиги эса йилдан-йилга камбағаллашиб ўз мавқеини йўқота борди. 1550 йили қабул қилинган «Судебник» Юрьев кунда деҳқонларнинг озодликка чиқиш имкониятларини чегаралаб қўйди. Шу даврдан бошлаб Русда ҳам хунармандчиликнинг қишлоқ хўжалигидан ажралиб алоҳида соҳага айланиши бошланди. Тез орада 200 та хунар турлари шаклланди. Мамлакатдаги ички ва ташқи савдо ривожлана бошлади. Русда XVI асрнинг иккинчи ярмида шаҳарлар ўсди. Янги 50 та шаҳар шу жумладан: Архангельск, Орёл, Воронеж, Белгород, Самара, Саратов, Тюмень ва бошқа шаҳарлар ташкил топди.

2. Марказий ҳокимиятнинг мустаҳкамланиши. Норозилик ҳаракати ва феодаллар табақаси вакилларининг ички низолари XVI аср ўрталарида марказий ҳокимиятни мустаҳкамланишини тақозо эта бошлади. Иван IV 1547—1553 йилларда ўз ҳукуматидаги боярларни дворян вакиллари билан алмаштирди. Подшонинг ҳарбий соҳадаги ислохотларидан бири 1550 йили 3000 кишидан иборат стрелецлар қўшинини тузиш билан бошланди. Стрелецлар подшонинг шахсий қўриқчиларига айланди. Аср охирида Россия қўшини сони 100 минг кишига етди. Дворянлар учун 15 ёшидан умрининг охиригача ҳарбий хизмат жорий қилинди. Подшонинг ҳарбий ислохотлари мамлакат ҳарбий қудратини оширди.

3. Россиянинг ташқи сиёсати. Русь давлатида марказлашиш сиёсати тугаллангандан кейин, XVI асрнинг ўрталаридан у Волгабўйи ва Ғарбий Сибирни босиб олишга киришди.

Иван IV нинг қўшинлари Волгабўйи халқларига қарши дастлабки юришлари 1547—1550 йиллари муваффақиятсизлик билан тугади. Орадан маълум вақт ўтиб янги уруш бошланди. Подшонинг 150 минглик қўшини 1552 йили августда Қозон шаҳрини камал қилди. Русь қўшинлари биринчи марта ягона кумондонга бўйсунувчи ҳарбий лашкар сифатида жанг бошлади. Қўшиннинг 150 та түпи таркибидаги

янги стрелец бўлинмалари жангда катта аҳамият касб этди.

Козон хонлигининг мардонавор қаршилигини енгган рус қўшини 1552 йил 2 октябрь кунини шаҳарни олди. Лекин хонликдаги айрим феодалларнинг қаршилиги 1557 йилга қадар давом этди.

Волганинги қўйини оқимидаги Астрахань хонлигига қарши уруш эса 1556 йилда бошланди. Астрахань шаҳрини олган рус қўшинлари хонликни тугатиб, унинг ерларини қўшиб олди. Кейинги юришлар бошқирдларга қарши ва Сибирь хонлиги ерлари учун олиб борилди. Русь 1557 йилда бу ерларни ҳам босиб олди. Шундан кейин шарқдаги истилолар баъзи бой савдогарларга топширилди. Жумладан, Фарбий Сибирини Строгановлар оиласига қарашли ҳарбий бўлинмалари Ермак бошчилигида босиб олди. Бу юришлар пайтида 1582—1598 йиллари Фарбий Сибирь хонлиги тугатилди.

Русь учун муҳим вазифалардан бири Шимолнинг денгизга йўл очиш муаммоси, унинг Болтиқбўйини ерларини босиб олиш учун олиб борган урушларидир. Йигирма беш йил давом этган Ливония урушини 1558 йилда бошланди. Кейинги ярим йил ичида Нарва, Дерпт ва Эстониянинг шарқий қисми босиб олинди. Орадан куп вақт утмай Латвия ерлари ҳам Русь давлат таркибига ўтди. Лекин 1564 йилдан урушда руслар учун муваффақиятсизликлар даври бошланди.

Худди шу пайтда подшо Иван IV Грозний мамлакат ичида опричнина сиёсатини қўллаб эски боярлар тоифасига қаттиқ зарба берди. Қўллаб боярлар ва черков ерлари давлат томонидан мусодара қилинди. Думага аъзо бўлган 33 боярдан 15 таси қатл қилинди. Уч бояр мажбуран монастирға жўнатилди.

Ливония урушининг кейинги даврида, Польша ва Швециянинг аралашуви натижасида, Русь босиб олинган Ливония ерларидан воз кечишға мажбур бўлди. Уруш 1583 йили Швеция билан яраш битими тузилиб тугалланди. Рус давлати ўзининг Болтиқ денгизига чиқиш орзусини кейинроққа қолдиришға мажбур бўлди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. XVI асрда Руснинг уз ерларини кенгайтириш учун олиб борган урушлар нима билан тугади?
2. Иван IV Грознийнинг ички ва ташқи сиёсатининг аҳамияти нимада?
3. Подшо ҳарбий соҳада қандай ислохотлар утказди?
4. Қозон ва Астрахань қачон босиб олинганлигини эсланг.
5. XVI асрнинг иккинчи ярмида Русь давлатининг ташқи сиёсатида қандай воқеалар руй берди?

54-§. XVII аср бошларида Россия. Рус маданияти

1. Мамлакатдаги ички вазият. Россияда 1601—1602 йиллардаги қурғоқчилик ҳосилсизликка олиб келди. Кенг қўламда бошланган очарчилик вабо касалининг тарқалиши сабаб бўлди. Халқнинг аҳволи оғирлашиб 1603 йили деҳқонлар ва чорикорларнинг қўзғолони бошланди. Москва тева­ра­ги­да деҳқонлар қўзғолони­га Холопко лақабли киши бошчилик қилди. Қўзғолонни ҳуку­мат қўшинлари бостирдилар.

Давлатнинг ички иқтисодий аҳволи оғир бир пайтда подшо Борис Годуновга (1598—1605 йиллар) қарши муҳолиф боярлар гуруҳи ташкил топди. Уларнинг Иван Грознийнинг ўғли шаҳзода Дмитрийнинг ўлмай тирик қолганлиги ҳақидаги миш-мишларидан фойдаланган Польша қироли Сигизмунд III Россияга бостириб кирди. Поляклар 1602 йили Дмитрийни тирик деб эълон қилдилар. Шундай қилиб, Россиянинг XVII аср бошларидаги тарихида илк бор сохта Дмитрий I пайдо бўлди. Лжедмитрий I Польша қироли ёрдами билан қўшин тўплаб 1604 йили Чернигов вилоятига бостириб кирди. Добринич остоналаридаги жангда (1605 йил) Лжедмитрий I қўшинлари тор-мор қилинди. Лекин подшо Борис Годуновнинг ўлими душманга Москва томон йўл очди. Лжедмитрий I 1605—1606 йиллари Россияга подшолик қилди. Унга қарши кўтарилган халқ қўзғолонидан

фойдаланган князь Шуйский 1606—1610 йилларда подшолик тахтида ўтирди.

Феодал можаролари кучайган бир даврда мамлакатнинг жануби-ғарбий вилоятларида 1606 йили Иван Болотников бошчилигида деҳқонлар қўзғолони бошланди. Қўзғолончилар ҳаракати Россиядаги низолар туфайли Курск, Тула, Калуга, Орёл, Рязань ерларида кенг ёйилди. Василий Шуйский ўзининг 150 минглик қўшини билан 1607 йили октябрида қўзғолончилар билан бўлган жангда ғалаба қозонди. Иван Болотников ушлаб қатл қилинди.

2. Рус халқининг поляклар босқинига қарши кураши. Польшалик Лжедмитрий II 1607 йили пайдо бўлди. Ўз қўшини билан у Россияга бостириб кириб, 1608 йилнинг охирида Ростов, Вологда, Ярославль, Владимир шаҳарларини босиб олди. Душманларнинг шаҳар ва қишлоқлардаги талончилиги, тинч аҳолини кириши, Россияда поляк босқинчиларига қарши халқ қўзғолонининг бошланишига олиб келди. 1609 йили Польша қироли Сигизмунднинг ҳам Россияга ҳужум бошлаши вазиятни янада оғирлаштирди. Боярларнинг сотқинлиги натижасида Сигизмунднинг ўғли Владислав рус подшоси деб тан олинди.

Поляк босқинчиларининг зўравонликларига қарши 1611 йили Нижний Новгородда Кузьма Минин бошчилигида халқ қўзғолони бошланди. Мининнинг таклифи билан халқ лашкарига князь Дмитрий Пожарский ҳарбий бошлиқ қилиб сайланди. Халқ лашкарининг 1612 йилги ҳаракати билан Польша қироли мамлакатдан ҳайдаб чиқарилди.

Москвада 1613 йили январида чакирилган Земский собори митрополит Филаретнинг 16 ёшли ўғли Михаил Романовни (1613—1645 йиллар) подшоликка сайлади. Чет эл босқинчиларининг Россияга ҳужумларига чек қўйилди. Россияни кейинги 300 йил давомида Романовлар сулоласи бошқарди. Мустақиллигини сақлаб қолган Россия ўзининг кейинги тараққиётида биринчи навбатда ташқи сиёсат соҳасидаги мақсад ва вазифаларини ечишга киришди.



50-расм. Москвадаги Покров (Василий Блаженный) собори.

3. Россия маданияти. XVI асрда Россия маданиятининг энг катта ютуқларидан бири Иван Фёдоров ва Пётр Мстиславецларнинг китоб босишни йўлга қўйишлари бўлди.

Бу давр рус маданиятида санъатнинг янги тури — чўяндан қўйма буюмлар яшаш юксак даражада ривожланди. Улар ичида ҳозир Москва Кремлида сакланаётган уста Андрей Чохов томонидан қўйилган «Царь пушка»ни («Пушкалар подшоси») қўрсатиш мум-

кин. XVI—XVII асрлар давомида меъморчилик соҳа-сида юксак дидли миллий услуб яратилди. Мамлакат-да тошдан қурилган ибодатхоналар кўпайиб борди. Меъморлар Барма ва Постниклар томонидан қурил-ган Москвадаги Василий Блаженный ибодатхонаси, Москва Кремли, Смоленск шаҳар-қалъаси қурилиши меъморчиликнинг бу даврда яхши ривожланганлиги-дан дарак беради.

XVII асрда Россиядаги географик билимлар бир-мунча ўсди. Рус денгизчилари Челюскин бурнини айла-ниб ўтиб Фаддей оролини кашф қилдилар. Василий Поярков экспедицияси 1643—1646 йиллари Амур да-рёсига чиқиб у орқали Тинч океани қирғоғига етдилар. Семен Дежнев раҳбарлигидаги денгизчилар эса 1648 йили Осиёнинг шарқий нуқтасини кашф қилдилар. Од-дий деҳқон Ерофей Хабаров экспедицияси 1649 йили Узоқ Шарққа русларнинг кўчишини бошлаб берди.

Россия XVI—XVII асрнинг бошларида ўз тарихини-нг муҳим босқичини бошидан кечирди. Ғарб ҳамда Шарқ дунёси ўртасида кейинги асрларда буюк иқти-содий ва маданий тараққиётга эришиш имкониятига эга бўлган йирик давлат ташкил топди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Мамлакатдаги ички вазият ҳақида гапириб беринг.
2. Россиянинг поляклар босқинига қарши кураши не-чанчи йилларда бўлди?
3. Романовлар сулоласи Россияни нечанчи йиллар бошқарди? Улар қандай шароитда тахтга келдилар?
4. Рус маданиятидаги асосий тараққиёт қайси соҳа-ларда бўлган?

XVII б о б. Ўрта асрлар учинчи даврида Европа халқлари маданияти

55-§. Янги фан соҳаларининг тараққиёти

1. Табиатшунослик фанларининг ривожла-ниши XVI—XVII асрларда табиатшунослик фанла-рининг кескин юксалиши бошланди. Ишлаб чиқариш,

жумладан, техниканинг ўсиши илмий тараққиётга кенг йўл очди. Табиатдаги воқеа-ҳодисаларнинг амалий томонларини тадқиқ қилиш йўлга қўйилди.

Физика фанининг механика соҳаси саноатнинг баъзи соҳаларида оддий механизмлардан фойдалана бошланилиши, қурилиш техникасининг такомиллашуви, чуқур шахталарнинг пайдо бўлиши, артиллериянинг йилдан-йилга кенгрок қўлланилиши натижасида анча ривожланди.

Мураккаб сув иншоотларининг пайдо бўлиши, гидростатика ва гидродинамиканинг ўрганилишига, узок денгиз саёҳатлари, астрономия фанининг ривожига ва компаснинг қўлланилишига, бўёқчилик ва тиббиётнинг ютуқлари кимё соҳасидаги билимларнинг такомиллашувига олиб келди.

XVI—XVII асрларда хунармандчилик техникасининг ривожланиши натижасида кўплаб асбоб-ускуналар ихтиро қилинди. Жумладан, микроскоп ва телескоп, термометр, симобли барометр, гидрометрлар кашф қилинди.

Табиатшуносликнинг ўсишида буюк географик кашфиётларнинг роли катта бўлди. Бу соҳадаги кашфиётлар ернинг шар шаклида эканлигини тасдиқлабгина қолмай балки астрономия, ботаника, зоология фанларини янгиликлар билан бойитди.

2. Астрономия. Фандаги бурилиш энг аввало астрономия соҳасида рўй берди. XVI асрга қадар Ғарбий Европада, шунингдек Шарқ мамлакатларида ҳам антик даврда яратилган геоцентрик ғоя ҳукмрон эди. Унга кўра коинот марказида доира шаклида ҳаракатсиз Ер турарди. Ернинг атрофида, маълум масофада Ой, Қуёш ва бошқа сайёралар, юлдузли осмон айланиб туради. Бу ғоянинг асоси Аристотель, Гиппарх ва Птоломей даврида ишлаб чиқилган эди.

Ернинг ҳаракатдаги фазовий жисм эканлигини тан олиш аввалги фаразларга, кашфиётларга, қолаверса христиан дини таълимотига мутлақо зид эканлигидан катта тўсиқларга учради. Сабаби: «Инжил»да «худо Ерни ва одамларни йўқдан бор қилган, Қуёшни ва йўлдошларни эса Ернинг атрофида айланади-

ган қилиб қўйган» деган оят ва рухонийлар доимо тарғиб қиладиган таълимот йўққа чиқиши керак эди.

Ушбу асрларда кишиларнинг олам ҳақидаги тасаввурларини тубдан ўзгартирган истеъдодли астрономлардан бутун бир ғуруҳи етишиб чиқди.

3. Улуғбек. Ўрта Осиёдаги Буюк Амир Темур давлатининг ҳукмдори, ўз даврининг энг машҳур алломаларидан бири Улуғбек (1394—1449 йилларда яшган) эди. Улуғбек Самарқандда фаннинг турли соҳаларини ривожлантириш учун илмий муҳит яратди. Унинг ўзи астрономия ва математика соҳаларида буюк асарлар ёзди. Улуғбекнинг машҳур расадхонаси 1428—1429 йиллари қуриб битказилган. Ўз замонасининг энг мукаммал иншооти саналган ушбу расадхона 10 йилдан ортиқ вақт ичида қурилди.

Расадхона Мирзо Улуғбек учун оламга машҳур «Зижи Қўрагоний» жадвалини тузишда катта ёрдам берди. Салкам етти аср давом этган Шарқ астрономиясининг жўшқин фаолияти Улуғбек ва у яратган мактабнинг бой илмий мероси билан яқунланди. Мазкур расадхонада ишга туширилган бош «телескоп»нинг аниқлик даражаси қарийиб 1 ёй секундгача бориб, то оптик телескоплар ихтиро этилган XVII асрга қадар, унинг натижалари ўрта аср астрономлари учун астрономик кузатишларда эришилган рекорд натижа бўлиб хизмат қилди. Бу асбоб Қуёш, Ой ва бошқа сайёралар ҳаракатини ўрганиш, тутилишлар назарияси ва амалий астрономиянинг асосий предметларидан бўлган вақтни ўлчаш ишларида юксак аниқликка эришиш имконини берди.

Кейинчалик Европа астрономия фанида Улуғбекка Птоломей қаторида энг юксак ўрин берилди.

4. Николай Коперник. Алломалар орасида қонот тузилиши ҳақидаги янги — гелиоцентрик таълимотни яратган улуғ поляк олими Николай Коперник (1473—1543 йиллар) ғоят фахрли, муҳим ўрин тутди. Коперник энг оддий асбоблар ёрдамида осмон жисмларини 30 йилдан кўпроқ кузатди. Мураккаб ҳисоблар йўли билан олим Ернинг Қуёш атрофида ҳамда ўз ўқи

атрофида айланиб туришини аниқлади. У Ер осмон гумбазидаги йўлдошларнинг бири бўлиб, ҳамма йўлдошлар каби Куёш атрофида айланиб туради, деган хулосага келди. Янги таълимот туфайли черков томонидан таъқиб қилиниши ва қораланишини олдиндан сезган Коперник уз кашфиётларини узоқ вақт сир тутди. Шу туфайли олимнинг «Осмон жисмларининг айланиши ҳақида» асари унинг ўлимидан сал аввалроқ нашр қилинди, холос. Коперникнинг янги кашфиёти фанда катта ўзгариш ясади. Бу кашфиёт христиан динининг обрў ва таъсирига катта путур етказди.

5. Жордано Бруно. Фанга бағишланган ҳаёт. Коперник ғоясининг давомчилари католик черкови томонидан қувғин қилина бошланди. Христиан черкови тазйиқининг биринчи қурбони Жордано Бруно (1548—1600 йиллар) бўлди. Улуғ итальян мутафаккири Жордано Бруно ҳеч муболағасиз қахрамон, фан учун курашувчи фидойи олим эди. Жорданони ота-онаси ёшлигиданок монастырга берган эди. Лекин у умрини динга эмас, фанга бағишлади. Жордано монастырдаёқ Коперник таълимоти билан танишиб, унинг қизғин давомчисига айланди.

Монастирни ташлаб кетган Ж. Бруно учун сарсон-саргардонлик ва ташвишлар билан тўлиб-тошган, лекин қизиқарли ҳамда жўшқин ҳаёт бошланди. Черковнинг доимий тазйиқи олимни 16 йил давомида Франция, Германия ва Чехияда доимий сафарда юришга мажбур қилди. Бу йилларда олимнинг купқиррали фаолияти: фақат астроном эмас, балки ажойиб нотик, истеъдодли адиб ва шоирлик хусусиятлари ҳам яққол намоён бўлди.

У Коперник таълимотини ривожлантириб, «Коинотнинг чегараси йўқ. Олам бекиёс катта ва чексиздир», деган эди. Унинг фикрича, Ер ҳам коинотнинг маркази эмас. «Олам сон-саноксиз юлдузлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири биздан узоқда турган Куёшдир. Мана шу Куёшнинг ҳар қайсиси атрофида ўзининг айланиб турган йўлдошлари бор». Жордано Брунонинг ушбу дадил фикрлари ҳозирги кунда фанда тўлиқ тасдиқланди.

Ўз ватанини соғиниб Италияга қайтган олимни черков ушлаб, қамокқа ташлади. Уни дахрийликда айблаб, ўз ғояларидан қайтишга ундадилар. Саккиз йиллик қамокдан кейин Жордано Бруно гулханда ён-дирилди.

Бруно қатл қилинган Римдаги «Гуллар майдони»да кейинчалик унинг ҳайкали ўрнатилди. Ҳайкал пойи-га: «У ҳамма халқлар учун фикр эркинлигини талаб қилди ва шу талаби учун қатл этилди» деб ёзиб қўйилган. Бу сўзлар майдондан унчалик узоқда жойлашмаган Рим папалари олий идораси — Вати-канга тўғридан-тўғри тегишлидир.

6. Галилео Галилей. Католик черкови машҳур астроном ва физик Галилейни (1564—1642 йиллар) ҳам бутун ҳаёти давомида таъқиб қилди. Пиза шах-рида туғилган Галилео 1589 йили университет про-фессори унвонига сазовор бўлди. Само илми билан фаол шуғулланиши натижасида бошлаingan тазйиқлар уни аввал Падуя университетига, 1610 йили эса Фло-ренцияга кетишга мажбур қилди. Олим ўзи кашф қилган оддий, 30 марта катталаштириб кўрсатадиган телескоп ёрдамида кўплаб юлдузларни, Ой устидаги тоғга ўхшаш жисмларни, Юпитернинг 4 та йўлдоши-ни, Венеранинг фазаларини, Куёш доғларини кашф қилди. Венеция ибодатхоналаридан бирининг устига ўрнатилган Галилей телескопидан истаган киши ос-мондаги жисмларни томоша қилиши мумкин эди.

Галилей ўз асарларида Коперник ва Жордано Бру-но кашфиётларини тўлиқ тасдиқлади. Рим папаси 70 ёшли олимни инквизация судига берди. Суд эса Гали-лейни ўз маслакларидан воз кечишга мажбур қилди. Олим гуноҳкорлар кийимида тиз чуқиб «тавба-тазар-ру» қилдирилди. У умрининг охирига қадар черков назоратида қувғинда яшади.

Ҳозирги Рим папаси Иоанн Павел II томонидан 1979—1980 йиллари Галилейни суд қилган инквизи-ция суди ҳужжатлари қайта кўриб чиқилди ва олим гуноҳсиз деб топилди. Шундай қилиб католик черко-ви ўзининг кўпсонли «хатолари»дан бирини тан оли-шига уч асрдан кўпроқ вақт керак бўлди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Табиатшунослик фанларининг тараққиёти нималарга асосланди?
2. Геоцентрик ва гелиоцентрик ғоялар орасидаги фарқни тушунтириб беринг?
3. Улугбекнинг астрономия соҳасидаги кашфиётлари ҳақида нималарни эслаб қолдингиз?
4. Коперник қандай ғояни яратган?
5. Нима сабабдан католик черкови Ж. Брунони қатл этди?
6. Галилейнинг қандай кашфиётларини биласиз?

56-§. Европанинг буюк ёзувчи гуманистлари

1. Илк гуманизм. Янги маданият дастури. Илк уйғониш ва гуманизмнинг дастлабки вакили шоир Франческо Петрарка (1304—1374 йиллар) эди. «Кўшиқлар китоби», «Шеърый мактублари» каби лирик шеърлар тўпламларида шоир ўзининг юксак даражадаги гуманистик ғоялари билан янги маданиятнинг яратилишига асос солди.

Петрарка янги маданият дастурининг ижодкори бўлса, унинг дўстлари ва давомчилари — Бокаччо ва Салютати ижодиёти билан XV асрнинг бошларида Италияда илк гуманизм даври якунланди.

Жованни Бокаччо (1313—1375 йиллар) ҳаёти Флоренция ва Неаполь билан бевосита боғлиқ кечади. Янги услубдаги новеллалар муаллифи бўлган Бокаччонинг «Декамерон» асари замондошлари орасида бениҳоя катта муваффақият қозониб, кўп тилларга таржиманга қилинган. Гуманистик ғоялар мужассамлашган «Декамерон» асарида инсон фазилати ва олижаноблиги унинг номдор оилада туғилганидан эмас, балки маънавий қиёфасида, амалда қилган мардона ишларида эъканлиги ўзининг бадий ифодасини топган.

Колюччо Салютати (1331—1406 йиллар) Флоренцияда яшаган ва йирик давлат лавозимида ишлаган. У ўзининг кўпсонли хатлари ва нутқларида Петрарка

ва Бокаччонинг янги ренесанс маданияти дастурини янада ривожлантирди. Салютати юксак ғояли ва маълумотли инсонни тарбиялашда ижтимоий фанлар мажмуаси: филология, риторика, тарих, педагогика, этиканинг бениҳоя катта аҳамиятга эга эканлигини тарғибот қилади.

2. Янги давр маданияти. Томас Мор. Феодал жамиятининг сўнгида Европа халқлари маънавий тараққиёти янги даврга кирди. Эски жамияти инқирози, унинг ичида етилиб келаётган буржуа муносабатлари, маънавият соҳасида, кишилар дунёқарашида кескин ўзгаришлар орқали Ўйғониш даври маданиятининг буюк муваффақиятлари таъминлади. Лекин Европа маданияти ўзининг ижтимоий ва ғоявий мазмунига кўра бир хил эмасди. Янги маданият билан бирликда, анъанавий черков таълимотини тарғиб этувчи ўрта асрчилик маданияти ҳам ўз мавқеини сақлаб қолганди.

Инглиз гуманист-ёзувчиси Томас Мор (1487— 1535 йиллар) чуқур маълумот олган, латин ва юнон тилларини яхши билган киши эди. Унинг ҳаёти ва ижоди ёзган асарлари каби зиддиятларга бой бўлган. Оксфорд университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тугатган Т. Мор ёзувчилик фаолияти билан бирликда қирол саройида юқори лавозимни эгаллаган. Католицизмнинг ссдик тарафдори бўлган Мор кейинчалик диний муаммоларда қирол Генрих VIII билан келиша олмасдан истеъфога чиқди.

Қирол буйруғи билан у 1532 йили «хоинлик»да айбланиб, қатл қилинди. Т. Морнинг «Утопия» асари 1616 йили нашр қилинган. Ёзувчи бу асарда ўз ҳаёлида тасаввур қилган узок Утопия оролидаги бахтли мамлакатни, унинг кўркем ва обод шаҳарларини, гуллаб-яшнаётган боғларини, ажойиб тартиб ва қонунларини чиройли қилиб тасвирлаган. Утопияда ҳеч кимни мажбуран ишлатишмаган, у ерда бойлар ҳам, камбағаллар ҳам йўқ. Оролдаги барча аҳоли мажбурий меҳнат қилган.

Утопияликлар кунига 6 соат ишласалар ҳам, уларда озик-овқат маҳсулотлари сероб, оролдаги кишилар

ўзларига керакли нарсаларнинг ҳаммасини жамоа оморларидан текинга олишган. Утопияда бекорчи ёки дангасалар бутунлай йўқ. Аҳоли буш вақтларида фан, санъат ва спорт билан шуғулланган.

Утопия оролидаги уйларнинг кўча эшиклари доим очик туради, уларда ўғирлик бўлмаган. Одамларда очкўзлик пайдо бўлмаслиги учун улар ҳар ўн йилда уйларини ва ундаги буюмларни бир-бирлари билан алмаштириб турганлар. Утопияда пулдан жирканадилар, лаъл, ёқут ва бошқа қимматбаҳо тошларни болаларга ўйинчоқ қилиб берадилар. Унда олтиндан жиноятчиларга кишан ясаганлар. Оғир ва ифлос ишларни жинойи жавобгарликка тортилган кишилар бажаришган.

Томас Мор, шубҳасиз, келажакни кура билган ва XX асрда дунёнинг катта қисмида вужудга келган, лекин утопик ғояларни амалга ошира олмаган социалистик ва коммунистик тузумни таъриф-тавсиф қилиб берди.

3. Франсуа Рабле. Француз ҳажвий ёзувчиси (1494—1553 йиллар) Рабле жаҳон адабиёти дурдонаси «Гаргантюа ва Пантагрюэль» асарининг муаллифидир. Унинг романини болалар ҳам, катта ёшдагилар ҳам бир хил қизиқиш билан ўқишади. Асар қаҳрамонлари улкан одамлар ҳаёти, халқ афсоналари ва эртакларидан олинган. Лекин Рабле ҳажвий асарида қирол ва дворянларнинг уришқоклиги ва еб тўймаслиги, руҳонийларнинг ичкиликбозлиги масҳара қилинади. Уни ўқиган одамлар асарда замондошлари тасвирланганлигини тушунганлар.

Рабле романида халққа мусибатлар келтирувчи феодализм урушлари қораланади. Роман қаҳрамонларидан бири: «Илгари дабдабали қилиб, қаҳрамонона ишлар деб аталган нарсаларга, энди туғридан-туғри босқинчилик деб ном берамиз!» дейди. Рабле дунёга ҳукмрон бўлиш орзусида уруш олиб бориб, фуқароларнинг қонини тўқаётган истилочи — қиролни масҳаралайди. Роман муаллифи дворянларнинг мақтанчоқлиги ва аҳмоқлигидан нафратланиб уларни ҳажв қилади.

Романда папага садоқатли католиклар яшаган Папамания мамлакати тасвирланган. «Улар бу ерга келганда қилтомоқдай ингичка, озғин эдилар, бу ерда эса бирданига чўчкадай семириб кетдилар», чунки уларга дунёнинг ҳамма томонидан даромад келиб туради. Папаменлар ўз фикрларига қўшилмаган ҳамма одамларни йўқ қилишга тайёр эдилар. Улар Папафиг оролларидаги аҳоли папанинг суратини масхаралагани учун оролни босиб олиб, талон-торож қиладилар. Романда тасвирланган бу воқеалар ҳаётдаги католиклар билан протестантлар орасидаги курашнинг ўзгичаси эди.

4. Вильям Шекспир. XVI асрнинг иккинчи ярмида Англия бадий адабиётида драматургия соҳаси айниқса машҳур эди. Бу пайтда мамлакатда сайёҳ актёрлар труппалари жуда кўп бўлган. Лондонда 1599 йили очилган «Глобус» театри кейинчалик бутун жаҳон маданиятида чуқур из қолдирди. В. Шекспир (1564—1616 йиллар) бу театр ташкилотчиларидан бири эди. У 1590—1612 йилларда театрда дастлаб актёр, кейинчалик муаллиф сифатида ишлади. Шекспир ўзининг 37 та драматик асарини шу ерда яратган ва шу театрда сахнага қўйган.

Унинг асарларида Италия Илк Уйғониш даври намўндаларининг таъсири яққол сезилиб туради. Хусусан, «Ромео ва Жульетта», «Венера ва Адонис» драмалари ҳудди шу таассурот остида ёзилган. Шекспир жамиятдаги барча ёмон иллатларни қоралайди. Ёзувчи ҳамма жойда ёвузлик ҳукм суришини, унинг захри хис-туйғуларда, ҳақ ва ноҳақликда, ҳатто севгида ҳам бор эканлигини ўз асарларида тасвирлайди.

Шекспир инсоннинг улуғлигини чуқур хис қилади. Унинг буюк трагедияси қаҳрамони Ҳамлет: «Инсон нақадар санъаткорона яратилган-а! Ақли жуда соғлом, ҳар бир ишни аниқ ва моҳирона бажаради. У бутун оламнинг кўрки!» деб хитоб қилади.

Шекспир ўзининг «Ҳамлет», «Отелло», «Қирол Лир», «Ромео ва Жульетта» ва бошқа ўнлаб трагедияларида пок виждонли ва довюрак кишиларнинг яхшилик ва адолат ҳақидаги орзулари пучга чиқаёт-

ганлигини кўрсатиб берди. У кучли ва жасур қахрамонларни, улардаги юксак ҳис туйғуларни: муҳаббат ва дўстликни, вафодорлик ва мардликни улуғлади. Монтекки ва Капулети оилаларининг душманлиги ёш Ромео ва Жульетта севгисига ҳалал бера олмайди. Севишганлар тақдирга бўйсунмай, соф муҳаббатлари йўлида ҳалок бўладилар.

Шекспир қахрамонлари тўрт асрдан буён жаҳон театрлари сахналаридан тушмай миллионлаб кишиларни соф муҳаббатга, вафодорликка ва яхшиликка чақириш билан биргаликда ёвузликдан, разолат ва ёлғондан жирканишга ундаб келмоқда.

5. Сервантес. Буюк испан гуманист ёзувчиси Мигель Сервантес (1547—1616 йиллар) камбағаллашган дворян оиласида туғилган. Сервантес оғир ва машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтган. Папа ноиби котиби, оддий жангчи, солиқ йиғувчи ва ниҳоят, Жазоирда 5 йил асирда ҳам бўлган Сервантес ўз ҳаёти давомида испан жамиятининг барча тоифалари билан яхши танишди, уларнинг урф-одатларини чуқур ўрганди. У адабий фаолиятини пьесалар ёзиш билан бошлади. Мигель Сервантесни машҳур қилган романи «Дон Кихот»нинг биринчи қисми 1605 йили нашрдан чикди.

Китобнинг бош қаҳрамони — камбағаллашиб қолган ламанчалик дворян Алонсо Кихана. Ўз замонасида машҳур рицарлар ҳақидаги романларни кўп ўқиган Дон Кихот «хўрланган ва мазлумларни ҳимоя қилиш учун сафарга жўнайди. У ўз найзаси ва қалқони билан одамларнинг нуқсонларини тузатишга, дунёда адолат ўрнатишга интилади». Бесунақай, новча ва озғин Дон Кихот орқасидан доимо унинг содиқ қуролбардори, семиз ва пакана Санчо Пансо эргашиб юради.

Сервантес таъкидлаганидек, сафарчи рицарлар замонаси ўтиб кетганди. Дон Кихотнинг қурол-аслаҳаси — ота-боболаридан қолган қуролларнинг занг босган синик булаклари, жанговар оти — қирчанғи, қуролбардори эса айёр дехкон эди. Асар қаҳрамонлари ташқи кўринишидан бир-бирларининг акси бўлса-да, лекин кўп жиҳатлари ўхшаш: улар қийин аҳволга тушиб қолганларга ёрдам беришга тайёр, меҳрибон,

гайратли кишилар. Дон Кихот Санчони бойиб кетиши ва губернатор қилиб қўйишни ваъда қилиб сафарга чиқишга кўндиради. Бироқ Дон Кихот одамларга яхшилик қиламан деб кўпинча зарар етказади. У шамол тегирмонини улкан одамлар деб тасаввур қилиб, унга мардонавор хужум қилади. Сургундаги жиноятчиларни рицарлар деган ҳаёлда асирликдан озод этади; унга карвонсарой — қалъа, қўй отари эса душман қўшини бўлиб кўринади.

Дон Кихотни доим лаънатлайдилар ва дўппослайдилар, у мазах ва хўрликларни бошидан кечирди. Лекин унинг одамларга бўлган муҳаббати сўнмади. Сафардаги рицарнинг таъсирида Санчо Пансо ҳам ўзгаради. Бадавлат амалдорлардан бири ҳазиллашиб уни ороллардан бирига губернатор қилиб тайинлаганда, бу саводсиз деҳқон суддаги жанжалли ишларни оқиллик билан одил ва холис ажрим қилади. Мигель Сервантеснинг асари дунёдаги барча кишиларнинг сеvimли китоби бўлиб қолди. Чунки у инсонни ёвузлик ва адолатсизликка қарши фидокорона курашга чорлайди.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Италиялик буюк ёзувчилардан кимларни ва уларнинг қайси асарларини биласиз?
2. Томас Мор ва унинг ижоди ҳақида гапириб беринг.
3. Франсуа Рабле асарида жамиятдаги ижтимоий вазият қандай тасвирланган?
4. Шекспирнинг ўзингиз томоша қилган ёки ўқиган асари ҳақида сўзлаб беринг?
5. Дон Кихот сиз учун ижобий қаҳрамонми ёки салбий?

57-§. Ўйғониш даври маданиятининг вужудга келиши. Италия маданияти

1. Маданиятнинг юксалиш сабаблари. Ўрта асрларнинг ривожланган етук даврида Италиянинг бой шаҳарларида мануфактуралар пайдо бўлди. Иқтисо-

дий тараққиёт маданиятнинг ривожланиши учун йўл очди. Одамларнинг фикрида, дунёқарашидаги ўзгаришлар ҳам энг аввало Италияда бошланди.

Вужудга келаётган буржуазия дунёга янгича қарарди. Асрлар давомида ҳукмронлик қилиб келган феодалларнинг бойлик орттириш усуллари: талончилик урушлари, ўзаро можаролардан иборат эди. Буржуазия эса савдо-сотик, мануфактураларда ёлланма ишчиларни меҳнатидан фойдаланиб бойлик орттиришга интиларди. Феодалдан фарқли ўларок у чаққон ва тадбиркор эди. Савдогарлар бойлик орттириш учун хавфли денгиз сафарларига чиқардилар. Савдо-тижорат кишилари: «Одам умрини уйқуда утказиш учун эмас, балки ҳаракат учун туғилган», деган қоидага риоя қилар эдилар.

Янги табақа вакиллари фан ва техниканинг ривожланишидан, айниқса манфаатдор эдилар. Ишлаб чиқаришда рақобатнинг пайдо бўлиши, янги механизмлар ва асбоб-ускуналарни ишга солишга шароит туғдирди. Математика ва механиканинг тараққиёти аниқ ҳисоблар асосида, қисқа муддатда улкан иморатлар, қалъалар, портлар, каналлар қуришга йўл очди.

Шаҳарлик бойлар вақтни қадрлай бошладилар, чунки бойлик орттириш, режалаштирилган ишларнинг муваффақияти вақтга боғлиқ эди. Ўша замонларда: «Кимки вақтдан фойдаланишни билса, унинг ҳамма орзуси ушалади», деган ибора кенг ёйилди.

Бир нарсада буржуазия ва феодаллар орасида фарқ деярли бўлмаган. У ҳам бўлса, ҳаммалари нариги дунёда эмас, балки шу дунёда кайфу-сафода яшашга интилганлар. Улар бир-бирлариникидан ҳашаматлироқ саройлар қурдиришга, уйларини зеб-зийнатлар билан тўлдиришга ҳаракат қилардилар. Бадий асарларни, санъат буюмларини ҳам ҳар икки томон буюртма қиларди.

Тобора юксалаётган шаҳарлар учун ўқимишли одамлар: ҳисобчилар ва ҳуқуқшунослар, муҳандис ва техниклар, ўқитувчилар ва врачларга талаб кучая борди. Меъморлар бойларнинг буюртмаларига биноан, дан-

филлама саройлар қурдилар, рассомлар, ҳайкалтарошлар уларни безатдилар. Шаҳарларда интеллигенция — ақлий меҳнат билан шуғулланувчи кишиларнинг алоҳида тоифаси пайдо бўлди.

2. Табиат ва инсонга қизиқишининг пайдо бўлиши. Янги маданият арбоблари аввало инсон ва унинг ишлари билан қизиқа бошладди. Шу сабабдан уларни инсонпарвар, яъни гуманист* деб атадилар. Расмий черков одамлардан ҳаёт лаззатларидан воз кечишни талаб қилган бир пайтда, дунёга, табиат оламига қизиқиш орта борди. Олимлар Европадаги дастлабки музейларни, ботаника ва зоология боғларини, минераллар ва ўсимликлар мажмуаларини барпо қилдилар. Гуманист ёзувчилар инсон фазилатларини ва табиат гўзалликларини мадҳ эта бошладилар. Рассомлар бу мавзулардаги буюк суратларини чиздилар.

Янги давр ёзувчилари афсоналар, эртаклар эмас, балки жонли кишилар, уларнинг қувончи ва ташвишлари билан қизиқа бошладилар. Гуманист ёзувчи ва шоирлар ўз даврининг қизғин ҳаётини, одамларнинг ҳис-туйғуларини тараннум этдилар.

Рассомларнинг асарлари анъанавий, диний мазмунда бўлса ҳам эндиликда суратдаги одамларни ўз даврлари кийимида чизишарди. Колаверса ҳукмдорлари билан бир қаторда энди оддий фуқаролар суратлари ҳам пайдо бўлди. Гуманистлар меҳнат қилишни, яшашни энг катта бахт деб ҳисоблар эдилар. Ҳар томонлама баркамол, фикри ва ҳис-туйғулари гўзал инсон гуманистлар диққат марказида бўлган.

3. Қадимги маданиятга қизиқиш. Гуманистлар қадимги Юнон ва Рим маданиятини урганиш, уни илмий тадқиқ қилишга алоҳида эътибор бердилар. Антик давр асарлари инсоннинг гўзаллигини тараннум этиши билан черков санъати ва адабиётидан тубдан фарқ қиларди. Гуманистлар саъй-ҳаракатлари билан антик, яъни христианликка қадар бўлган, ле-

* Гуманизм — латинча «humanism», яъни инсоний деган маънони беради.



51-расм. Ов тасвири. Эрон. XVII аср.

кин қисман унутилган ва черков тақиклаган маданият қайта тикланиб, гуё уйғонаётгандек эди. Шу сабабдан янги маданият вужудга келган давр Европада Уйғониш даври деб аталади. Гуманистлар қадимги замон билан Уйғониш даври орасида ўтган вақтни нодонлик ва жаҳолат асри деб атадилар. Гуманистлар яшаган давр эса «янги замон» номини олди.

Европа маданияти учун деярли унутилган қадимги юнон ва рим муаллифлари асарлари гуманистларнинг меҳнатлари туфайли оммалаштирилди. Гуманистлар қадимги юнон ва латин тилларини ўрганиб, улар орқали тўплаган билимларини ёзилажак асарларига асос қилдилар. Улар ўз асарларида инсонни ўз тақдирини ўзи белгилаши, кўзлаган мақсадига эришуви, унинг қобилияти ва ғайрат, шижоатига боғлиқ бўлган, янги бир сиймо сифатида тасвирладилар.

Олимлар орасида Уйғониш даврига кенг миқёсда қараш, яъни уни жаҳон тарихий ходисаси сифатида баҳолаш ҳоллари мавжуд. Хусусан, бир гуруҳ тадқиқотчилар Шарқда, жумладан Ўрта Осиёда Европадаги даврдан олдин — IX—XII ва XIV—XV асрларда



52-расм. Шерли ховли.

Уйғониш даври булганлиги ва бу Европанинг уйғонишига таъсир кўрсатганини асослаб бердилар.

4. Уйғониш даври маданияти ўчоқлари. Ўрта асрларда Италиядаги энг машҳур шаҳар — Флоренция эди. Ўрта Ер денгизи қирғоғида жойлашган бу шаҳар муҳим савдо ва ҳунармандчилик маркази булган. Савдо ва ҳунармандчиликдан келадиган даромадлар Флоренцияни энг бой шаҳарлардан бирига айлантирди. Шаҳар ҳокимлари мавжуд бойликлардан:

меъморчилик обидалари, санъатнинг бошқа турлари-ни ривожлантиришда оқилона фойдаланганлар. Уйғониш даврининг энг машҳур рассомлари, ҳайкалта-рошлари, меъморлари Флоренциялик бўлганлар. Ша-ҳар ҳокимлари уларнинг унумли ижод қилишлари учун шароит яратиб берганлар. Фақат Италиядагина эмас, балки Европадаги биринчи академия 1582 йили Фло-ренцияда ташкил қилинган. Круска академияси италь-ян тилидаги биринчи катта луғатни нашр қилган.

Маданият марказларидан яна бири — Венеция шаҳри эди. XV асрдаёқ Италияда кенг ривожланган китоб нашр қилиш босмахоналари айниқса Венеция-да куп эди. Альда Мануция босмахонасида нашр қи-линган антик муаллифлари ва гуманистлари асарлари бутун Европада маълум бўлган.

Уйғониш даври маданиятининг кенг тарқалиши на-тижасида бу жараёнга янги шаҳарларни қўшилишини таъминлади. Милан, Феррара, Мантуя, Урбино, Рим, Неаполь шулар жумласидандир.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Маданиятнинг юксалишига нималар сабаб бўлди?
2. Гуманизм деганда нимани тушунасиш?
3. Уйғониш даври маданияти марказларини санаб бе-ринг?
4. Нима сабабдан Илк Уйғониш маданияти Италияда вужудга келди?

58-§. Италиялик буюк санъаткорлар. Леонардо да Винчи, Микаленжелло ва Рафаэль

1. Леонардо да Винчи. Флоренциялик Леонардо да Винчи (1452—1519 йиллар) Италиядаги Уйғониш даври маданиятининг энг буюк арбоби эди. Унинг отаси кичкина Винчи шаҳрида нотариус бўлиб ишла-ган. Леонардо да Винчи ёшлигидан яхши билим олди. У буюк олим, истеъдодли меъмор, муҳандис, кон-структор ва рассом бўлиб етишди. Леонардо 18 ёшда-

лигида унинг отаси Флоренция республикаси ҳукуматига ишга ўтди. Флоренцияда у ўғлини ҳайкалтарош ва рассом Андреа Веррокьога шогирдликка беради. Тарихчи ва санъатшунос Вазарининг ёзишича, Веррокьо 1476 йили «Исонинг чуқинтирилиши» асарида фаришталардан бирини чизишни шогирди Леонардога топширади. Унинг чизган расмини кўрган Веррокьо шогирдининг устунлигини тан олиб, сурат чизишдан бутунлай воз кечиб, фақат ҳайкалтарошлик билан шуғуллана бошлаган. Леонардонинг қобилияти ва зеҳнининг шаклланишида унинг оиласи ва кадрдон ўлкаси манзараси асосий омил бўлди. Рассомнинг бизга етиб келган илк имзоси ўзи туғилиб ўсган Арно водийси чизилган расмда қўйилган.

Леонардонинг дастлабки олган буюртмаси Флоренциядаги Сан-Дonato монастирида «Волхвлар таъзими» асари бўлиб, уни Миланга юборилиши туфайли тугалланмай қолади. Флоренция ҳокими Лоренцо Медичи Леонардони Милан герцоги Людовик Сфорца ҳузурига топшириқ билан юборади. Миланга Леонардо ўзи ясаган янги мусиқа асбоби — лирани олиб боради. Хаётининг кейинги 1482—1499 йиллардаги энг унумли даврини у Миланда, герцог саройида ўтказган. Санта Мария Делла Грация монастирида Леонардо ўзининг машҳур «Пинхоний тановул» расмини чизди. Унинг лойиҳасига биноан Милан шаҳрини ичимлик суви билан таъминлайдиган катта канал қурилганди.

Леонардо да Винчи 1499 йили Миландан Венецияга ва 1503 йили Флоренцияга қайтди. Бу ерда у каналлар, учар аппаратлар лойиҳаларини чизди. Олим, шунингдек, анатомия, геология, гидравлика ва механика соҳаларида илмий тадқиқотлар олиб борди. Худди шу пайтда Леонардо «Мона Лиза» портрети устида иш бошлаган.

Франция қиролининг Ломбардиядаги ноиб Шарль де Амбуаз таклифи билан Леонардо да Винчи 1516 йили Миланга келди. Уни «биринчи рассом, меъмор ва механик» лавозимига тайинлашди. Франция кироли Франциск I Леонардо учун Амбуазда 3500

олтин экюга Кло Люсе калъасини олиб берди. Худди шу ерда да Винчи ўз умрининг охирги йилларини ўтказди. Кло Люседа унинг энг буюк асари «Мона Лиза» портрети чизиб тугалланди.

Леонардо да Винчи рассом сифатида суратини чизаётган кишилар ва уларнинг рухий кечинмаларига ҳаммадан ҳам кўп эътибор берарди. Леонардонинг «Мона Лиза»си («Жаконда») — ёш жувоннинг портрети, ҳозирги кунга қадар санъатнинг шу соҳасидаги энг машҳур асардир. Рассом бу суратда ёш жувоннинг ташқи қиёфасинигина эмас, балки унинг ички дунёсини, кечинмаларини ва кайфиятини ажойиб, сирли тарзда акс эттириб берган. Санъат соҳасидаги мутахассислар ҳозирги кунга қадар «Мона Лиза»нинг сурати кимдан чизилганлиги устида баҳс қилиб келмокдалар. Жумладан, машҳур психолог Фрейд Леонардо бу портретда ўз онаси хақидаги хотираларини мужассамлаштирган деб фараз қилади. Охирги пайтда компьютер ёрдамида тадқиқотлар олиб борган бир гуруҳ санъатшунослар портретда Леонардо ўзининг расмини чизган деган фаразни ҳам айтишди.

Леонардо да Винчи 1519 йили 2 майда вафот этди. Айтишларича, у улими арафасида ёнида бўлган Франция қироли Франциск I га одамлар учун жуда кам хизмат қилганини айтиб узр сўраган.

2. Микаленжелло. Уйғониш даврининг буюк арбобларидан бири — хайкалтарош, рассом, меъмор, ҳарбий муҳандис ва шоир Микаленжелло Буаноротти (1475—1564 йиллар) эди.

Машҳур рассомнинг Ватикандаги Сикстин капелласидаги суратларининг сони 700 га яқин бўлиб, у узунлиги 40, эни 13 ва баландлиги 20 метрли хонада чизилган. Рассом иши учун Рим папаси Юлий II унга дастлаб 3 минг олтин дукат маош тайинлади, кейин уни 6 минг дукатга етказди. Микаленжелло ўз шогирдларига 15 дукатдан пул берган, ўзига эса нон ва винога пул сарфлаган, холос. Айтишларича, у янги кийим олмасдан бор кийимини йиртилгунча кияр экан. «Бой киши бўлсам ҳам донмо камбағалдек яшадим», — деган эди рассом кейинчалик. У ўзи учун шундай



53-расм. Леонардо да Винчи. Жаконда.

хаётни танлаганди. Микаленжело пулни созуриб, хашамли кийиниб юрадиган даҳоларни, жумладан, Рафаэлни ёктирмасди. Рим кўчаларидан бир тўда хизматкорлари ва шогирдлари билан кетаётган Рафаэлга бир куни Микаленжело истехзо билан: «Саройингиз

билан каёкка йўл олдингиз сеньор?» — деб сўраган-да, Рафаэль хозиржавоблик билан: «Жаллодга ўхшаб, бир ўзингиз қаерга кетаяпсиз?» — деб жавоб қайтарган экан.

Микаленжело тўрт йил давомида машаққатли меҳнат қилиб, 1512 йили капелла фрескаларини тантанали очишга тайёрлади. Унинг ҳайкалтарош сифатида яратган энг буюк ишларидан бири Довуд ҳайкали эди. Мармартошдан қилинган ҳайкалнинг баландлиги 5,5 метр бўлиб, замондошлари уни «Гигант» деб аташарди. Микаленжело бу ҳайкалда даҳшатли махлуқни тош билан уриб ўлдирган афсонавий чўпон йигитни тасвирлаган. Флоренциянинг марказий майдонига ўрнатилган «Довуд» ҳайкали ўша вақтдан буён шаҳарнинг хомийси ҳисобланиб келади.

3. Рафаэль Санти. Италиянинг буюк рассомларидан бири Рафаэль Санти (1483—1520 йиллар) эди. У ўзининг қисқа, лекин мазмунли умрини, инсонни, унинг гузал қалбини, қадди-қоматини, ақл-заковатини, олижаноблигини тасвирлашга интилди.

Рафаэль кичиккина Урбино герцоглигида сарой расоми оиласида туғилди. Эрта етим қолган Рафаэль 1494—1499 йиллари маҳаллий рассом Тиметео Вите устахонасида, 1500—1504 йиллари Перуджа шаҳрида Петро Перуджино қўлида сабоқ олди. Унинг кейинги амалий фаолиятида устози Перуджионинг таъсири яққол сезилади. Лекин Рафаэлнинг шаклларни бўшлиқда жойлаштириш, уни теварак-атроф билан муҷассамлаштиришдаги устунлиги кўриниб туради. Буни рассомнинг дастлабки «Мариянинг унаштирилиши» (1504 йил) асаридаёқ куриш мумкин.

Рафаэль 1504 йили Флоренцияга келади. Шу ерда у ўзининг қатор машҳур суратларини «Мадонна»ларини чизди. Орадан 4 йил ўтиб Рафаэль Римга боради. Унинг фаолиятидаги энг қизғин дамлар шу ерда ўтди. Рассом Рим папаси Юлий II нинг буюртмасига биноан унинг янги саройдаги дам оладиган хоналарини безашга тушади. Ватиканда ишлаш билан бирга, у қатор тасвирий асарлар, портретлар чизди. «Мадонна Альба», «Курсидаги мадонна», «Мадонна ди Фольи»

ва ниҳоят 1513—1514 йиллари «Сикстин мадонна»сини яратди.

Рафаэль чизган расмларнинг энг машҳури «Сикстин мадонна»си Италиянинг кичикроқ шаҳарларидан биридаги Авлиё Сикст монастири учун чизилганди. Бу буюк асар инсонга ғоят кучли муҳаббат руҳи билан сугорилган. Рассом унда одамларнинг бахт-саодати учун ўзининг энг азиз ва севимли фарзандини қурбонлик қила оладиган мард инсонни — онани улуғлади. «Инжил»дан олинган бу сахна тасвири ҳозирги кунда Германиянинг Дрезден шаҳри расм галереясида сақланмоқда.

Ўйғониш даврининг буюк санъаткорлари одамларни ҳозирги кунга қадар қойил қолдираётган нодир асарларни яратдилар.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Леонардо да Винчининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида гапириб беринг?
2. Унинг энг машҳур асарларидан қайсиларини биласиз?
3. Микеланжелонинг санъатга қўшган хиссаси нимада?
4. Рафаэль асарларидан эслаб қолганларингизни сўзлаб беринг.

59-§. Германия, Нидерландия ва испаниялик буюк рассомлар

1. Альбрехт Дюрер. Италиядаги Гуманизм ва Ўйғониш санъати Европадаги кўпгина мамлакатлар санъатининг юксалишига ижобий таъсир кўрсатди. Германия, Нидерландия ва Испаниянинг буюк рассомлари италиялик санъат усталарнинг таъсири остида буюк ютуқларга эришиб, жаҳон халқлари маданиятига ўз хиссаларини қўшдилар.

Ўрта асрлардаги Гуманизм ва Ўйғониш маданияти Германияда бирмунча кеч бошланди. Янги давр санъати бу ерда XVI аср бошларида реформация ва фео-



54-расм. Рафаэль. Сикстин мадоннаси.

далларга қарши кураш билан боғлиқ эди. Кўпгина немис гуманистлари ўз асарларида мамлакатдаги феодал тартибсизликларни ва католик черковини кескин қораладилар.

Германия санъатининг энг илғор соҳалари рассомчилик ва гравюра (уймакорлик) эди. Бу соҳаларда биринчи ислохотчи Альбрехт Дюрер (1471—1538 йил-

лар) бўлди. У Нюрнберг шахрида венгриялик заргар оиласида туғилган. Аввалига отасининг устахонасида иш урганган Альбрехт кейинчалик рассом Михаель Вольгемут устахонасида таълим олди. У билганларидан каноатланмай Германия, Швейцария ва Италияда бир неча марта саёхатларда бўлиб, у ердаги рассомлар санъатини мукаммал ўрганди. Дюрер факат рассом бўлибгина колмасдан, машхур гравюрачи, меъмор инженер, ва қадимги тилларни яхши билган қалами ўткир адиб ҳам эди.

Германия Европада биринчи бўлиб китоб босиш дастгоҳи кашф қилинган мамлакат эди. Худди шу соҳанинг кенг тараққий қилиши натижасида янги санъат тури — гравюра юзага келди. Рассомлар ёғоч ёки мис бўлакларига ўйиб расм туширишар, сўнгра уни бўяб ва устига қоғоз қўйиб кўчирма олар эдилар. Китоб суратлари асоси бўлган гравюра шундай тайёрланар эди. Базелда 1494 йили нашр қилинган немис гуманисти Себастьян Брантнинг «Ахмоқлар кемаси» ҳажвий асари расмларини чизишда Дюрернинг иштирок қилиши унинг биринчи катта муваффақияти бўлди.

Ўзининг Италияга қилган дастлабки саёхатидан қайтган Дюрер Германияда биринчи бўлиб рассомчиликнинг портрет соҳасига асос солди. Рассом инсоннинг рухий олами бойлигини кўрсатишга интилиб, иродали, жасур ва таланти кишиларнинг қатор портретларини яратди. Унинг чизган портретларидан: «Освальд Креаль», «Автопортрет», «Ёш аёл портрети», гравюраларидан эса: «Апокалипсис», «Адам ва Ева», «Мариянинг ҳаёти» ва бошқаларни санаб ўтиш кифоя.

Дюрер ижодида фақат рассомчилик эмас, ёғоч ва мисда гравюралар тайёрлаш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Альбрехт Дюрер Германия санъати намоёндалари орасида энг серқирра ва сермахсул ижодкор эканлигини замондошлари ҳам тан олишган.

2. Рембрандт ван Рейн. Нидерландия санъати, айниқса буржуа инқилоби ғалабасидан кейин гуллаб-яшнади. Бу даврда, айниқса меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва рассомчилик юксак даражада ривожланди.

Нидерландиядаги инкилобнинг ғалабаси ҳайкалтарош ва рассомларнинг ижод қилишларига кенг имконият яратди. Улар чизган асарларнинг кўпчилигида табиат манзаралари, денгиз, уй жиҳозлари кенг қўламда акс эттирилди.

Голландия рассомчилиқ санъатининг энг юксалган даври Рембрандт Харменс ван Рейн (1606—1669 йиллар) ҳаёти ва ижоди билан мужассам боғлиқдир. Рембрандт турли жанрларда, хусусан рассомчилик ва гравюралар соҳасидаги тинимсиз меҳнати туфайли сермахсул ижодкор ҳисобланади. Дунёнинг кўплаб музейларида унинг 1500 та расми сақланиб келмоқда.

Уйғониш даврининг барча буюқ рассомлари каби Рембрандт ҳам ўз асарларида инсон, унинг феъл-атвори, ақли ва руҳий кечинмаларини ажойиб тасвирлаган. Рассомнинг қўл урган мавзулари ниҳоятда кўп: улар ичида кундалиқ турмушга оид ва диний лавҳалар, буюртмачиларнинг оила аъзоларининг портретлари бор. Рембрандт ўзининг юзга яқин суратини чизган бўлиб, бу соҳада унга етадиган рассом деярли йўқ. Унинг портретлари инсон юзини тасвирлашда рассом юксак санъатга эришганлигидан далолат беради.

Кейинчалиқ рассомнинг санъатда ҳаётийликка, ҳақиқатга интилиши бой буюртмачилари билан муносабатларининг бузилишига олиб келди. Яқин кишиларидан, мол-мулкидан, устахонасидан ажралган рассом, камбағаллар яшайдиган мавзегга кўчиб ўтди. Лекин бахтсизликлар унинг иродасини синдира олмади. Рембрандт қашшоқликда яшаган пайтида ўзининг энг буюқ асарларини яратди.

Бу йилларда рассом қарияларнинг қатор портретларини чизди. Уларда кишиларнинг ғам-ташвишлари, ўй-хаёллари, ҳаёт йўллари юзларида акс эттирилган. Рембрандтнинг бу хилдаги энг яхши расмларидан бири — «Оқпадар ўғилнинг қайтиши» деб номланган. Уни кўрган кишида инсонга муҳаббат, унга ишониш, тавбасига таянган ўғилнинг тузалишига ишонч каби ҳис-туйғулар уйғонади.

Ўз даврида жамият буюқ алломанинг қадрига етмади. Рембрандт вафот қилганда, уни жамоатчилик

пулига камбагаллар қабристонига кумдилар. XX асрга келиб Рембрандтининг ижоди билан нафақат Голландия балки бутун Европа, қолаверса жаҳон маданияти ва санъати ҳақли равишда фахрланади.

3. Эль Греко. XVI асрнинг бошларида Испаниянинг йирик империяга айланиши унинг халқаро маданий алоқаларининг бирмунча кенгайишига олиб келди. Аср бошларидан Испанияда, айниқса Италия Уйғониш даври санъатига қизиқиш кучайди. Рассомларнинг Италияга ўқишга боришлари, уларнинг Леонардо да Винчи, Рафаэль, Микеланжело устахоналарида сабоқ олишлари Испанияда санъатнинг ривожланишига асос бўлди.

Бу даврда мамлакатнинг ўзида гуманистик ғоялар ривож топмаганди. Қирол ҳокимияти, черков ва инквизиция ҳар қандай хурфидарликни таъқиб қилар ва жазоларди. Шу сабабдан XVI аср рассомларининг асосий мавзулари диний, буюртмачилари эса католик черкови, қирол ва зодагонлар эди.

Испаниядаги энг машҳур рассомлар қаторида Эль Греко (1541—1614 йиллар) алоҳида урин тутади. Рассомнинг асл исми Доменикос Теотокопулос бўлиб, у Крит оролида туғилган. У аввал ўз юртида таълим олган, кейинчалик Венецияга келган ва рассом Тициан устахонасида ўз таълимини давом эттирган. Эль Греко Испанияга 1576 йили келиб, Толедо шаҳрида умрининг охирига қадар яшаб ижод қилди. У бир неча ибодатхоналарда расм содишидан ташқари бир қатор портретлар ҳам яратади. «Апостоллар Пётр ва Павел», «Баадаги хоним», «Ниньо де Гевара», «Толедонинг қурилиши» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Эль Греко ижоди Европа бадий маданиятининг икки буюк даври чегарасида туради. У ёшлигида Италияда Сўнгги Уйғониш даври санъатининг гуллаб яшнаган даври гувоҳи бўлди. Умрининг охириги йилларида рассом янги санъатнинг туғилишига гувоҳ бўлди ва унда иштирок қилди. Эль Греконинг ўзига хос санъати XIX—XX асрлардагина мутахассислар ва кенг жамоачилик томонидан юксак баҳоланди. У Европанинг буюк рассомлари қаторидан ўзининг фахрли ўринини эгаллади.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Альбрехт Дюрер фаолиятини айтиб беринг?
2. Рембрандтнинг қайси буюк асарларини биласиз?
3. «Оқпадар ўғилнинг қайтиши» расми Сизда қандай туйғулар уйғотганлигини айтинг.
4. Эль Греко ижодининг Испания санъати ва маданиятига қушган ҳиссасини қандай баҳолаш мумкин?

III бўлим хотимаси

Умумлаштирувчи такрорлаш дарси

Ўрта асрлар тарихининг учинчи даври XV аср охиридан XVII асрнинг ўрталарига қадар давом этди. У ўрта асрларнинг сўнгги даври деб аталади.

Бу даврга дунё халқлари ўз тараққиётининг турли даражасида кириб келди. Жумладан, Шарқ мамлакатлари, Африка ва Америкадаги давлатлар ўзига хос ижтимоий-иқтисодий муносабат белгиларини мужассамлаштирган ҳаёт тарзини бошидан кечираётган эди. Ғарбий Европанинг илғор мамлакатларида эса феодал жамияти инқирози бошланиб, унинг ичидан янги саноат ишлаб чиқариш куртаклари пайдо бўлди.

Инсоният тарихидаги ҳеч бир жамият бирданига, бир ёки ўн йилда вужудга келмаган. Маълумки, феодал жамиятининг сўнгги чегараси ҳам турли мамлакатлар тарихчилари томонидан турлича талқин этилади. Жумладан, бир қатор мамлакатларда бу Англия буржуа инқилоби (1640—1660 йиллар) бўлса, Ғарб мамлакатларида Византиянинг турклар томонидан олиниши (1453 йил) ёки Американинг кашф қилиниши (1492 йил) билан белгиланади.

Феодал муносабатларини емирилиши. Ғарбий Европа мамлакатларида иқтисодий тараққиётнинг натижасида феодал жамияти таназзул топди:

1. Ҳунармандчиликнинг ривожланиши янги мануфактура кўринишидаги корхоналарнинг вужудга келишини таъминлади. Феодал муносабатларнинг сўнгида цех ташкилотлари инқирозга учради.

2. Қишлоқ хўжалигида тараққиёт қарам деҳқон-

лар меҳнатидан воз кечиб, янги кўринишдаги озод деҳқон ёки янги фермер хўжаликларининг ташкил топишини тезлаштирди.

3. Савдо-сотиқнинг ривожланиши янги турдаги молия муносабатларини: биржа, банк, кредит, ссуда каби янги жамият иқтисодига оид атамаларни вужудга келтирди.

Иқтисодий тараққиётнинг талабларига биноан фан ва техника соҳасида кашфиётлар қилинди. Буюк географик кашфиётлар ҳам худди шу зарурият билан тулик боғлиқ эди. Иқтисодий тараққиёт ижтимоий тузумни ҳам белгилаб, маълум чегарага солди. Урта асрларнинг сўнгида кўпгина давлатларда қиролларнинг мутлақ ҳокимияти ўрнатилди. Чунки янги вужудга келаётган буржуазияга халқни итоатда сақлаши учун кучли қирол ҳокимияти зарур эди. Янги дворянлар буржуазия вакиллари билан доим тил топишган.

Ғарбий Европадаги яна бир ижтимоий ҳаракатга алоҳида тўхталиш лозим. Бу церковни ислоҳ қилиш реформация ғояларидир. Муаммонинг негизига назар ташласак яна бир қизиқ ҳолатни кўришимиз мумкин. Католик церковининг очкўзлиги ҳамманинг ҳам жонига текканлиги рост, лекин черков ерлари, унинг бойликлари охир-оқибат халққа тегмади. Табиий, реформация энг аввало янги дворянларга, кучайиб бораётган мустақил, миллий давлат ҳукмдорларига, буржуазияга керак эди.

Шундай шароитда дунё халқлари янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ўтиши XVI асрда бошланиб, ҳозирги кунга қадар давом этиб келмоқда. Ушбу жараён Нидерландия, Англия, Франция каби мамлакатларда инқилоб йўли билан содир бўлса, кўпчилик мамлакатларда эволюцион, иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг ўсиши натижасида аста-секин вужудга келди ва келмоқда.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Урта асрлар тарихи қайси воқеалар билан яқунланди?
2. Феодал жамиятнинг емирилиши сабаблари нимада эди?

3. Жаҳон халқлари янги иқтисодий-иҷтимоий муносабатларга нечанчи асрларда ўтганлигини айтиб беринг.

Дарсликдаги хронологик жадвалдан фойдаланиб ўрта асрлар учинчи даври бўйича синхрон жадвали тузинг:

Йиллар	Илмий ва географик кашфиётлар	Англия	Германия	Нидерландия	Франция
1450—1500					
1501—1550					
1551—1600					
1601—1650					

Ўрта асрлар даврининг инсоният тарихидаги аҳамияти

Биз ўрта асрлар тарихи курсида V—XVII асрнинг ўрталарига қадар бўлган даврда дунё халқларининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда эришган ютуқларини ўргандик. Бу даврда инсоният тарихида мавжуд давлатларнинг бир текисда ривожланмаганлигини гувоҳи бўлдик.

Ўрта асрларнинг илк даврида Осиё мамлакатлари: араблар, хиндлар, хитойликлар иқтисодий ва маданий соҳаларда юксалганлигини кўрдик. Сунъий сўғоришга асосланган деҳқончиликнинг бўлиши ушбу мамлакатлар иқтисодий ва маданий тараққиёти учун яхши имкониятлар яратган эди.

Феодал муносабатлари XI—XV асрларда Ғарб мамлакатларида юксак тараққиётга эришди. Осиёга нисбатан бир неча аср кейин пайдо бўлган ҳунармандчилик, савдо ва шаҳарлар, қитъада ўзининг янги имкониятларини кўрсатди. Сиз дарслик саҳифалари билан танишиш борасида, ўтган ўн икки аср давомида инсон ҳаётининг барча жабҳаларида катта ўзгаришлар, тараққиёт, ривожланиш бўлганлигининг гувоҳи бўлдингиз.

Деҳқончилик. Меҳнат қуроллари такомиллашди, ерни ўқитлаш, янги экинлар: Шарқ мамлакатларидан шолӣ, пахта, шакарқамиш, чой, лимон ва апельсин дарахтлари; Америкадан — картошка, маккажўхори, помидор, ковок, какао дунёнинг турли ҳудудларига тарқалди.

Хунармандчилик. Кишлоқ хўжалигидан ажралиб алоҳида соҳага айланган хунармандчиликнинг энг катта ютуғи, бозор муносабатларига асосланган савдо-сотиқни ва шаҳарларни вужудга келтиришидир. Ўз фаолиятини оддий буюмлардан бошлаган хунармандлар асрлар утиб янгидан-янги жихозлар ва турли нафис буюмлар чиқара бошладилар: чинни идишлар, ойна, санчки, совун, кўзойнак, тугма, соатнинг турли хиллари; маиший турмуш жихозлари билан бирликда, шамол ва сув тегирмонлари, туқув дастгоҳлари, темир ва чуян эритиш домналарини кашф қилиниши инсоният учун тараққиётнинг янги имкониятларини очиб берди. Ўрта асрларда Хитойда кашф қилинган порох ва ўқотар қуроллар ҳам дунё халқлари тарихида муҳим ўрин тутди.

Фан. Табиатшуносликдаги дастлабки амалий тадқиқотлар ҳам ўрта асрларда бошланди. Фанда янги соҳалар вужудга келди ва янги кашфиётлар қилинди.

Астрономиядаги гелиоцентрик ғоя, Американинг кашф қилиниши, Магелланнинг дунё айлана саёҳати, компас, устулроб, телескоп, барометр, микроскоп, термометр ва бошқаларнинг яратилиши кейинги тараққиётга пойдевор бўлди.

Маориф. Ўрта асрларда шаҳарларнинг вужудга келиши, маорифнинг черковдан ажралиб алоҳида соҳага айланишини бошлаб берди. Худди шу даврдан дастлабки шаҳар мактабларига, олий ўқув юртлари — университетларга асос солинди. Инсоният тарихидаги муҳим воқеа — китоб босиш дастгоҳи ихтиро қилинди.

Маданият. Меъморчиликнинг равнақи биз учун ҳозирги кунга қадар сақланиб келаётган маданий ёдгорликларнинг асосий кўпчилигини феодал жамияти даврида яратилишини таъминлади. Муқаддас София, Тож Маҳал, Ал-Қамбара ибодатхоналари, саройлари бунга ёрқин мисол. Венеция, Флоренция, Париж ва Кельн, Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа ўнлаб шаҳарлардаги тарихий обидаларнинг кўпчилиги шу асрларда қурилган эди. Инсоният ўз тараққиёти давомида доимо ўзаро иқтисодий ва маданий муолақода бўлган. Ғарб ва Шарқ дунёси ўртасидаги бевосита муносабатларнинг тикланиши, ривожланиши ҳам худди шу давр, яъни ўрта асрлардан йўлга қўйилди.

ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИГА ОИД ТАРИХИЙ АТАМАЛАР

(Сонлар билан курсатилган параграфларда уларга
тушунтиришлар берилган)

- | | |
|--------------------------|---------------------------|
| аббат — 2, 19 | жузья — 23 |
| аллод — 2 | жамоа — каста тузуми — 14 |
| алхимия — 31 | зобит — 40 |
| армада — 44 | индугьенция — 19, 45 |
| архиепископ — 2 | инквизиция — 19 |
| астрология — 31 | иезуитлар — 48 |
| банк — 59 | интердикт — 19 |
| бадавий — 9 | интеллигенция — 57 |
| барщина — 4 | иктоъ — 10, 35 |
| бенефиций — 2 | идальго — 41 |
| биржа — 16 | кальвинизм — 48 |
| бургомистр — 17 | капитулярий — 3 |
| буржуазия — 42 | каравелла — 39 |
| буржуа инкилоби — 51, 52 | кардинал — 52 |
| буюк географик | крепостной дехкон |
| кашфиётлар — 39, 40 | капиталистик корхона — 42 |
| варвар — 1 | католик черкови — 46, 48 |
| вакф — 35 | кипу — 38 |
| вассал — 6 | князь — 46 |
| виллан — 25 | конунг — 1 |
| витраж — 32 | кириллица — 7 |
| вече — 5 | колония — 39, 40 |
| гёзлар — 52 | лордлар палатаси — 25 |
| Генерал штатлар — 22 | лоцман — 40 |
| герцог — 6 | лютеран черкови — 40 |
| грац — 14 | марказлашган давлат — 22 |
| граф — 2, 6 | маркалар, маркграф — 3 |
| готик услуби — 32 | мадонна — 32 |
| гуманист — 57 | мануфактура — 42, 44 |
| гусчилар — 45 | мутлак монархия — 52 |
| гравюра — 339 | мустамлака — 40 |
| дворян — 50 | домениал ер — 3, 22 |
| дружина — 14 | дим — 8 |
| еретик (дахрий) — 19 | мехнат таксимооти — 42 |
| жакерия — 23 | |

миниатюра — 32
мозаика — 8
монастир — 2
мэр — 17
натурал хўжалик — 4
оброк — 4
парламент — 25
патта — 14
панно — 33
патриархал — 1
пергамент — 7, 31
прекарий — 4
протекционизм — 24
протестантлар — 48
рабод — 18
ратуша — 17
реконкиста — 26
реформация — 45
рицар — 6, 32
Рим папаси — 2, 19
рожа — 14
роман услуби — 7
салиб юришлари — 20
сали ҳақиқати — 3
смальта — 8
сеньор — 6
монах — 2

монотеистик — 2
товар хўжалиги — 16
таборийлар — 45
тунгин — 2
муътадиллар — 45
умум палата — 25
устав (цехники) — 15
уйғониш даври — 57
уч далали алмашлаб
экиш — 15
феод, феодал — 3, 4, 6
фреска — 38
феодал шохсупаси — 6
шаҳар қурилишлари — 15
шаҳар бойлари — 17
шаҳар камбағаллари — 17
шахристон — 18
черков ушури — 4
хараж — 10
христиан черкови — 19
хусусий мулк — 1
ярмарка — 16
янги дворянлар — 43
цех — 15
қушни жамоа — 1, 2
қарам дехқон — 4, 6
эндогамия — 14

ХРОНОЛОГИК ЖАДВАЛ

- 395 — Рим империясининг Ғарбий ва Шарқий империяга бўлиниб кетиши.
419 — Вестготларнинг Тулуза қироллигига асос солиши.
439 — Шимолий Африкада вандаллар давлатига асос солиниши.
449 — Британиянинг англосакслар томонидан забт этилиши.
476 — Ғарбий Рим империясининг кулаши.
481—511 — Франк Қироли Хлодвигнинг ҳукмронлик қилиши.
486 — Франкларнинг Шимолий Галлияни Луара дарёсига-ча истило қилиши.
493—555 — Италияда остготлар давлати.
507 — Франкларнинг Жанубий Галлияни босиб олиши.
Вестготларнинг Пиреней орқасига сиқиб чиқарилиши.

VI аср боши — Славянларнинг Византияга бостириб кира бошлаши.

- 527—565 — Византияда Юстиниан I нинг ҳукмронлиги.
534 — Франкларнинг Бургундияни босиб олиши.
535—555 — Италиядаги остготлар давлатининг Византия томонидан босиб олинishi.
568 — Лангобардларнинг Шимолий Италияни истило қилиши.
589 — Хитойнинг бирлашиши. Суй давлатининг вужудга келиши.
618—907 — Хитойда Тан сулоласи.
622 — Мухаммад алайҳиссаломнинг Мадинадан Маккага ҳижрати.
630 — Араблар мусулмон давлатининг ташкил топиши.
632 — Мухаммад алайҳиссаломнинг вафоти.
632—661 — Халифаликдаги саҳиҳ халифалар даври.
637—651 — Эронни араб қўшинлари томонидан босиб олиниши.
661—750 — Уммавийлар халифалиги.
679—681 — Болқон яриморотида Болгария давлатининг вужудга келиши.
711—714 — Испаниянинг араблар томонидан босиб олинishi.
715—741 — Карл Мартелл (франклар қироли) ҳукмронлиги.
741—768 — Пипин Пакана франклар қироли.
747—749 — Хуросонда Абу Муслим қўзғолони.

- 750—1055 — Аббосийларнинг Бардод халифалиги.
 768—814 — Буюк Карл франклар кироли.
 772—802 — Буюк Карлнинг Саксонияда олиб борган уруш-
 лари.
 769—783 — Урта Осиёда Муқанна қўзғолони.
 800 — Буюк Карлнинг императорлик тожини кийиши.
 815—837 — Озарбайжонда Бобек қўзғолони.
 IX аср — Қадимги Русь (Киев Руси) давлатининг вужудга
 келиши.
 843 — Верден шартномаси. Буюк Карл империясининг бў-
 линиб кетиши.

X аср — Чех давлатининг ташкил топиши.

- 929 — Курдоба амирлигининг эълон қилиниши.
 960—966 — Польша давлатига асос солиниши.
 960—1279 — Хитойда Сун сулоласи.
 968—971 — Святославнинг Византияга юриши.
 987—1328 — Францияда Капетинглар сулоласи.
 988 — Россиянинг Византиядан христианликнинг қабул
 қилиши.
 992—1025 — Болеслав I Ботир Польша кироли.
 1018 — Биринчи Болгар подшолигининг емирилиши.
 1041 — Чехиянинг Германияга вассал бўлиши.
 1054 — Христиан черковининг Шарқий (православ) ва Ғар-
 бий (католик) черковига бўлиниши.
 1055 — Боғдоднинг салжуқий турклар томонидан босиб
 олиниши.
 1066 — Англияни Нормандиялик Вильгельм томонидан бо-
 сиб олиниши.
 1069—1074 — Хитойда Ван Ань-ши ислохотлари.
 1071 — Манцикерт яқинидаги салжуклар билан жангда
 Византиянинг енгилиши.
 1086 — Англияда «Дахшатли суд китоби».
 1095 — Клермон собори (Жанубий Франция). Салиб юриш-
 ларининг тайёрланиши.
 1096—1099 — Биринчи салиб юриши.
 1099 — Салибчиларнинг Қуддусни олишлари.
 1147—1149 — Иккинчи салиб юриши.
 1154—1399 — Англияда Плантагентлар сулоласи.
 1180—1223 — Филипп II Август Франция кироли.
 1187 — Миср султони Салоҳиддин Аюбхон томонидан Қуд-
 дуснинг олиниши.
 1189—1192 — Учинчи салиб юриши.
 1198—1216 — Папа Иннокентий III.
 1202 — Киличбардорлар орденига асос солиниши.

- 1202—1204 — Тўртинчи салиб юриши.
 1204—1261 — Лотин империяси.
 1206 — Темучиннинг буюк хон (Чингизхон) деб эълон қилиниши.
 1206—1526 — Дехли султонлиги даври.
 1211 — Хитойни мўғуллар томонидан босиб олина бошлаши.
 1215 — Англияда «Буюк озодлик хартияси».
 1217—1221 — Бешинчи салиб юриши.
 1226—1270 — Людовик IX Франция қироли.
 1228—1229 — Олтинчи салиб юриши.
 1237 — Тевтонлар орденининг Қиличбардорлар ордени билан бирлашуви.
 1237—1240 — Боту томонидан рус ерларининг истило қилиниши.
 1242 — Рус қўшинларининг Чуд қули устида немис рицарлари устидан ғалаба қилиши (Муз устидаги жанг).
 1248—1254 — Еттинчи салиб юриши.
 1258 — Мўғуллар томонидан Богдоднинг олиниси.
 1261 — Византия империясининг тикланиши.
 1265 — Англияда парламент фаолиятининг бошланиши.
 1269—1270 — Саккизинчи салиб юриши.
 1279—1368 — Хитойда Юань сулоласи.

XIII аср ўртаси XIV аср бошлари — Туркияда Усманийлар давлатининг ташкил топиши.

- 1285—1314 — Филипп IV Чиройли Франция қироли.
 1302 — Франциядаги Генерал штатларининг иш бошлаши.
 1328—1389 — Францияда Валуа сулоласи.
 1328—1350 — Филипп VI Валуа.
 1331—1355 — Стефан Душан Сербия қироли.
 1337—1453 — Англия билан Франция ўртасида Юз йиллик уруш.
 1346 — Креси яқинидаги жанг (Юз йиллик уруш).
 1356 — Пуатье яқинидаги жанг (Юз йиллик уруш).
 1358 — Жакерия қўзғолони.
 1359—1389 — Мурод I Туркия султони.
 1368—1644 — Хитойда Мин сулоласи.
 1370—1405 — Амир Темур давлати.
 1378—1417 — Католик черковида «Буюк ажралиш».
 1381 — Англияда Уот Тайлер қўзғолони.
 1389 — Косово майдонидаги жанг.
 1389—1402 — Боязид I Туркия султони.
 1396 — Никополь яқинидаги жанг.

- 1398—1399 — Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши.
 1399—1461 — Англияда Ланкастерлар сулоласи.
 1399—1413 — Генрих IV Ланкастер.
 1402 — Анкара ёнида Амир Темурнинг Боязид I ни тор-
 мор қилиши.
 1410 — Грюнвальд жанги.
 1415 — Ян Гуснинг ўтда қуйдирилиши.
 1419—1434 — Чехияда гусчиларнинг урушлари.
 1429 — Жанна д'Арк иштирокида Орлеаннинг озод қили-
 ниши (Юз йиллик уруш).
 1431 — Жанна д'Арkning ўтда қуйдирилиши.
 1445 — Иоганн Гутенберг томонидан китоб босишни ихти-
 ро қилиниши.
 1451—1481 — Махмуд II (Мухаммад) Туркия султони.
 1453 — Константинополнинг турклар томонидан олиниши.
 1455—1485 — Англияда «Кизил гул ва Оқ гул уруши».
 1461—1483 — Людовик XI Франция қироли.
 1462—1505 — Иван III Рус давлатининг ҳукмдори.
 1480 — Испанияда инквизициянинг таъсис этилиши.
 1483—1498 — Карл VIII Франция қироли.
 1485—1509 — Генрих VII Тюдор Англия қироли.
 1492 — Колумбнинг Американи кашф этиши.
 1498 — Васко де Гаманинг Ҳиндистонга борадиган денгиз
 йўлини кашф этиши.
 1509—1547 — Генрих VIII Тюдор Англияда.
 1517 — Германияда реформациянинг бошланиши.
 1519—1521 — Мексиканинг Кортес томонидан босиб оли-
 ниши.
 1519—1522 — Магелланнинг дунё айлана биринчи саёхати.
 1520—1566 — Сулаймон I Усмонийлар султони.
 1524—1525 — Германияда дехқонлар уруши.
 1526 — Ҳиндистонда Бобурийлар империясига асос соли-
 ниши.
 1532 — Англияда реформациянинг бошланиши.
 1534 — Англияда қиролнинг черковдан устун туриши ҳа-
 қидаги акт.
 1536 — Жан Кальвиннинг «Христиан динидан қўлланма»
 китоби.
 1540 — Иезуитлар орденининг таъсис этилиши.
 1547 — Иван IV ни Русь подшоси деб эълон қилиниши.
 1556—1605 — Акбар Ҳиндистон шоҳи.
 1558—1583 — Ливония уруши.
 1560—1574 — Карл IX Франция қироли.
 1562—1598 — Францияда (диний) Гугенотлар уруши.
 1566 — Нидерландия инқилобининг бошланиши.

- 1202—1204 — Тўртинчи салиб юриши.
 1204—1261 — Лотин империяси.
 1206 — Темучиннинг буюк хон (Чингизхон) деб эълон қилиниши.
 1206—1526 — Дехли султонлиги даври.
 1211 — Хитойни мўғуллар томонидан босиб олина бошлаши.
 1215 — Англияда «Буюк озодлик хартияси».
 1217—1221 — Бешинчи салиб юриши.
 1226—1270 — Людовик IX Франция қироли.
 1228—1229 — Олтинчи салиб юриши.
 1237 — Тевтонлар орденининг Қиличбардорлар ордени билан бирлашуви.
 1237—1240 — Боту томонидан рус ерларининг истило қилиниши.
 1242 — Рус қўшинларининг Чуд кўли устида немис рицарлари устидан ғалаба қилиши (Муз устидаги жанг).
 1248—1254 — Еттинчи салиб юриши.
 1258 — Мўғуллар томонидан Боргоднинг олиниши.
 1261 — Византия империясининг тикланиши.
 1265 — Англияда парламент фаолиятининг бошланиши.
 1269—1270 — Саккизинчи салиб юриши.
 1279—1368 — Хитойда Юань сулоласи.

XIII аср ўртаси XIV аср бошлари — Туркияда Усмонийлар давлатининг ташкил топиши.

- 1285—1314 — Филипп IV Чиройли Франция қироли.
 1302 — Франциядаги Генерал штатларининг иш бошлаши.
 1328—1389 — Францияда Валуа сулоласи.
 1328—1350 — Филипп VI Валуа.
 1331—1355 — Стефан Душан Сербия қироли.
 1337—1453 — Англия билан Франция ўртасида Юз йиллик уруш.
 1346 — Креси яқинидаги жанг (Юз йиллик уруш).
 1356 — Пуатье яқинидаги жанг (Юз йиллик уруш).
 1358 — Жакерия қўзғолони.
 1359—1389 — Мурод I Туркия султони.
 1368—1644 — Хитойда Мин сулоласи.
 1370—1405 — Амир Темур давлати.
 1378—1417 — Католик черковида «Буюк ажралиш».
 1381 — Англияда Уот Тайлер қўзғолони.
 1389 — Косово майдонидаги жанг.
 1389—1402 — Боязид I Туркия султони.
 1396 — Никополь яқинидаги жанг.

- 1398—1399 — Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши.
 1399—1461 — Англияда Ланкастерлар сулоласи.
 1399—1413 — Генрих IV Ланкастер.
 1402 — Анкара ёнида Амир Темурнинг Боязид I ни тор-
 мор қилиши.
 1410 — Грюнвальд жанги.
 1415 — Ян Гуснинг ўтда куйдирилиши.
 1419—1434 — Чехияда гусчиларнинг урушлари.
 1429 — Жанна д'Арк иштирокида Орлеаннинг озод қили-
 ниши (Юз йиллик уруш).
 1431 — Жанна д'Арkning ўтда куйдирилиши.
 1445 — Иоганн Гутенберг томонидан китоб босишни ихти-
 ро қилиниши.
 1451—1481 — Махмуд II (Мухаммад) Туркия султони.
 1453 — Константинополнинг турклар томонидан оlinиши.
 1455—1485 — Англияда «Қизил гул ва Оқ гул уруши».
 1461—1483 — Людовик XI Франция кироли.
 1462—1505 — Иван III Рус давлатининг ҳукмдори.
 1480 — Испанияда инквизициянинг таъсис этилиши.
 1483—1498 — Карл VIII Франция кироли.
 1485—1509 — Генрих VII Тюдор Англия кироли.
 1492 — Колумбнинг Американи кашф этиши.
 1498 — Васко де Гаманинг Ҳиндистонга борадиган денгиз
 йўлини кашф этиши.
 1509—1547 — Генрих VIII Тюдор Англияда.
 1517 — Германияда реформациянинг бошланиши.
 1519—1521 — Мексиканинг Кортес томонидан босиб оли-
 ниши.
 1519—1522 — Магелланнинг дунё айлана биринчи саёҳати.
 1520—1566 — Сулаймон I Усманийлар султони.
 1524—1525 — Германияда деҳқонлар уруши.
 1526 — Ҳиндистонда Бобурийлар империясига асос соли-
 ниши.
 1532 — Англияда реформациянинг бошланиши.
 1534 — Англияда кироlнинг черковдан устун туриши ҳа-
 қидаги акт.
 1536 — Жан Кальвиннинг «Христиан динидан қўлланма»
 китоби.
 1540 — Иезуитлар орденининг таъсис этилиши.
 1547 — Иван IV ни Русь подшоси деб эълон қилиниши.
 1556—1605 — Акбар Ҳиндистон шоҳи.
 1558—1583 — Ливония уруши.
 1560—1574 — Карл IX Франция кироли.
 1562—1598 — Францияда (диний) Гугенотлар уруши.
 1566 — Нидерландия инқилобининг бошланиши.

20. З. В. Удальцова. История Европы. Т. 1, М., «Наука», 1988 г.
21. З. В. Удальцова, С. П. Карпов. История средних веков. Т. 1—2, М., Высшая школа, 1991 г.
22. Фернан Бродель. Структура повседневности. Возможное и невозможное. Т., М., Прогресс, 1986 г.
23. Фернан Бродель. Игры обмена. Т. 2, М., Прогресс, 1988 г.
24. Филипп де Коммин. Мемуары. М., «Наука», 1986 г.
25. А. Л. Ястребицкая. Западная Европа XI—XIII вв. М., «Искусство», 1978 г.
26. М. Бойцов, Р. Шукуров. История средних веков. М., 1995 г.
27. С. Нефёдов. История средних веков. М., «Владос» 1996 г.

МУНДАРИЖА

Кириш	5
-------------	---

I бўлим. Илк ўрта асрлар

I б о б. V—XI асрларда Европа

1-§. Герман кабилалари ва Рим империяси	10
2-§. Франклар. Франклар қироллигининг ташқил топиши	17
3-§. Буюк Карл империяси	23
4-§. Европада йирик ер эгалигининг узил-кесил шаклла- ниши	30
5-§. X—XI асрларда славянлар. Славян давлатлари- нинг ташқил топиши	35
6-§. IX—XI асрларда Европада сиёсий тарқоқлик	41
7-§. VI—XI асрларда Европа маданияти	47

II б о б. IV—XI асрларда Византия империяси

8-§. Илк ўрта асрларда Византия империяси	50
---	----

III б о б. VI—X асрларда Осиё халқлари

9-§. VI—VII асрларда араблар	56
10-§. Араб халифалигининг вужудга келиши ва таракқиёти	61
11-§. Халифалик мамлакатлари маданияти	65
12-§. IX—XII асрларда Ўрта Осиёда маданий юксалиш	69
13-§. Илк ўрта асрларда Хитой	74
14-§. Илк ўрта асрларда Ҳиндистон	79
I бўлим хотимаси	86

II бўлим. Ўрта асрларнинг иккинчи даврида жаҳон халқлари (XI—XV асрлар)

IV б о б. Шаҳарларнинг юксалиши, хувармандчи- лик ва савдо-сотиқнинг ўсиши

15-§. Европада ўрта аср шаҳарларининг пайдо бўлиши.	
---	--

Хужаликни ривожланиши, хунармандчилик ва цехлар	88
16-§. Ўрта асрларда савдонинг ривожланиши: бозорлар ва ярмаркалар	96
17-§. Ўрта аср шаҳарларининг ҳаёти, турмуши ва маданияти	102
18-§. Осиё мамлакатларида ўрта аср шаҳарлари. Хунармандчилик ва савдо	108

V б о б. Черков ва салиб юришлари

19-§. Христиан черкови тарихидан лавҳалар	117
20-§. Христиан черкови ва салиб юришлари	122
21-§. Салибчилар ҳаракатининг асосий даврлари. Салиб юришларининг натижалари ва оқибати	124

VI б о б. Европада марказлашган давлатларнинг ташкил топиши

22-§. Францияда марказлаштириш учун кураш	130
23-§. Юз йиллик урушнинг бошланиши. Унинг асосий даврлари. Жакерия қўзғолони	138
24-§. Француз халқининг босқинчиларга қарши кураши. Жанна д'Арк. XV аср охирида Франция	141
25-§. Англияда марказлашган давлат ташкил топиши. Англия парламенти	148
26-§. Ижтимоий муносабатларнинг кескинлашуви. Уот Тайлер қўзғолони	154
Умумлаштирувчи такрорлаш дарси	159

VII б о б. Русда марказлашган давлатнинг ташкил топиши (XI—XV асрлар)

27-§. Русда феодал тарқоқлик ва чет элликлар босқини	162
28-§. Мўғул-татарлар ва бошқа босқинчиларга қарши кураш	166

VIII б о б. Салжукий турклар давлати ва Европа халқлари

29-§. Салжукий турклар давлатининг ташкил топиши ва тараққиёти	172
30-§. Усманийлар давлати ва Европа халқлари	174

IX б о б. XI—XV асрларда Ғарбий Европа маданияти

31-§. Маориф ва фаннинг ривожланиши	180
32-§. Санъат ва адабиёт	185

X б о б. Ўрта асрларда Осиё, Африка ва Америка халқлари

33-§. Хитойда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши	192
34-§. XII—XV асрларда Хитойнинг ички ва ташқи сиёсати	196
35-§. Ўрта асрларда Ҳиндистон	200
36-§. Бобурийлар сулоласи даврида Ҳиндистон ва унинг маданияти	206
37-§. Ўрта асрларда Африка давлатлари	213
38-§. Ўрта асрларда Америка	219
II бўлим хотимаси	227

III бўлим. Ўрта асрларнинг учинчи даврининг бошланиши (XVI—XVII асрнинг биринчи ярми)

XI б о б. XV аср охири — XVI асрлардаги ихтиро- лар, буюк географик кашфиётлар ва мустамлакачи- лик боскинлари

39-§ XV—XVI асрларда техниканинг ривожланиши. Географик кашфиётларнинг сабаблари	231
40-§. Американинг кашф этилиши. Ҳиндистонга денгиз йўлининг очилиши. Дунё айлана биринчи саёҳат	240
41-§. Европаликларнинг мустамлакачилик боскинлари	248

XII б о б. XVI асрда Англия

42-§. Англияда саноат ишлаб чиқаришининг ривожла- ниши	254
43-§. Англияда «ров тутиш» сиёсати ва унинг оқибатлари	259
44-§. Денгиз савдоси ва мустамлакалар учун кураш	262

XIII б о б. Европада реформациянинг бошланиши

- 45-§. Чехияда умумхалқ курашининг етилиши. Ян Гус таълимоти. Гусчилар ҳаракати ва унинг оқибатлари 26
- 46-§. Германияда реформация. Мартин Лютер таълимоти 27
- 47-§. Германияда деҳқонлар уруши 27
- 48-§. Реформация ғояларининг Европага ёйилиши. Католик черковининг реформацияга қарши кураши . . 28

XIV б о б. Францияда мутлақ монархиянинг тикланиши ва диний урушлар

- 49-§. Францияда иқтисодий ва сиёсий тузум 28
- 50-§. XVII асрда Францияда мутлақ монархиянинг тикланиши 29

XV б о б. Нидерландия буржуа инқилоби

- 51-§. Нидерландия Испания ҳукмронлиги остида. Инқилобнинг бошланиши 29
- 52-§. Мамлакат шимолий вилоятларида буржуа инқилоби галабаси 30

XVI б о б. XVI—XVII асрнинг бошларида Россия

- 53-§. Россияда марказлашиш жараёнининг тугалланиши 30
- 54-§. XVII аср бошларида Россия. Рус маданияти 30

XVII б о б. Ўрта асрлар учинчи даврида Европа халқлари маданияти

- 55-§. Янги фан соҳаларининг тараққиёти 31
- 56-§. Европанинг буюк ёзувчи гуманистлари 31
- 57-§. Уйғониш даври маданиятининг вужудга келиши. Италия маданияти 32
- 58-§. Италиялик буюк санъаткорлар. Леонардо да Винчи, Микаленжело ва Рафаэль 32
- 59-§. Германия, Нидерландия ва испаниялик буюқ расомлар 33
- III бўлим хотимаси 33
- Ўрта асрлар тарихига онд тарихий атамалар 34
- Хронологик жадвал 34
- Адабиётлар рўйхати 34